



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 1, 2020



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Д. Муҳиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлари номзоди, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
А. Қуронсаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Муҳибова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Б. Абдуҳалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
У. Идилов	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баходиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Джи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханкук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месамед	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А.Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тохир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Хивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

З. Алимов, А. Зиёдов, Ш. Гаипова, Ш. Тўйчибаева, Н. Арипджанова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS**

<i>Маннонов А.</i> Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар тайёрлашнинг йирик маркази.....	5
АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY	
<i>Сайдазимова У.</i> XVII – XVIII асрлар корейс насрида табиат тасвирининг ғоявий - эстетик вазифаси	28
<i>Ахмедова Ш.</i> Новеллистика Катара и особенности её ускоренного развития	43
<i>Арипджанова Н.</i> Кувейт адабиси Фотима Юсуф Али ҳикояларида аёл рухиятининг бадиий-услубий талқини.....	53
<i>Муллаасодиқова Н.</i> Араб халқ мақолларининг ривожланиш тарихи	65
ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS	
<i>Азимджанова Д.</i> О некоторых вопросах глагольной синонимии персидского языка.....	71
<i>Хашимова С.</i> Ҳозирги хитой тили феъл сўз туркумига оид сўзларда конверсия	84
<i>Султанова Л.</i> Атрибутивная модель словосложения в современном китайском языке.....	95
<i>Рашидова Н.</i> Историческо-лингвистическое освещение арабизмов сферы образования в узбекском языке	105
<i>Абдулкасимова Л.</i> Қуръон ва ҳадис тилининг араб ҳуқуқий терминологиясининг шаклланишига таъсир кўрсатган омил сифатида.....	115
<i>Li Didi.</i> University English Curriculum Design in the New Situation	128
МАНБАШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ // SOURCE STUDY	
<i>Исломов З.</i> Маҳмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг Хоразм кўлёмалари таҳлили	140
<i>Қосимова С.</i> Араб мақол ва маталларини тадқиқ этган туркий алломалар асарлари	154
ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОРИОГРАФИЯ // HISTORIOGRAPHY	
<i>Алимова Р.</i> XIX аср иккинчи ярмида Тошкент шахрининг ташқи савдо муносабатларидаги ўрни (архив ҳужжатлари мисолида).....	167
<i>Арипова З.</i> Миср “буржий” (черкес) мамлуқлар ҳокимияти даврида	181
<i>Шакирова З.</i> Мусулмонларнинг Мадинадаги яҳудий ва насронийлар билан ўзаро муносабатлари.....	191
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS	
<i>Идиоров У.</i> Ўзбекистон ва Япония: стратегик шериклик муносабатлари ривожининг муштарак асослари.....	204
<i>Абдуллаев Н.</i> Об исследовании отдельных аспектов внутренней и внешней политики Сирии	213



<i>Бекмуратов И.</i> Взгляд китайских экспертов на мир после пандемии.....	224
<i>Мирзиятов И.</i> Многонациональный, многоконфессиональный Узбекистан	237
<i>Абулхасан Н.</i> Виртуал таҳдидларга қарши курашда диний кадриятлардан фойдаланишнинг сиёсий аҳамияти	245
<i>Buranov S.</i> New page in common relations of Uzbekistan and Afghanistan.....	253



МАННОНОВ АБДУРАҲИМ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Меҳнат шухрати”
ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ*

Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар тайёрлашнинг йирик маркази

Маълумки, XX аср дунё тарихига таълим асри бўлиб кирди ва бу жараён бегўхтов XXI асрда ҳам давом этмоқда. Жаҳон бўйлаб кезаётган глобаллашув жараёни таълим тизими олдида ҳам янги-янги муаммоларни, талабларни қўймоқда.

Ҳозирги кунда таълим тизимида унинг самарадорлигини таъминлашда дифференциал ёндашув ва ихтисослашиш масаласи етакчи омил сифатида майдонга чиқди. Битта шахс ҳозирги замон таълимида бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса, ҳамма мутахассис бўла олмайди. Шу боис, шахснинг бир тўхтама келиб, маълум бир мутахассисликни танлаши ва шу мутахассислик бўйича ўз билимини тизимли равишда ошириб бориши муайян соҳанинг тараққий этишини кафолатлаши аниқ. Таълим тизимида кадрларни саралаш ва дифференциациялаш (табақалаштириш) қонун-қоидалари амалда бўлган дунёнинг ривожланган давлатларида мутахассис тайёрлаш масаласи, асосан, уч жиҳатга таянади: истеъдод, энг юқори малакали профессионалик ва учинчиси – интеллектуал қудрат, яъни салоҳият. Айти шу уч жиҳат ҳозирги замонавий таълимни ташкил қилишда асосий маёқ сифатида танланган.

Ҳозирда дунё ривожининг етакчи йўналишини эътиборга оладиган бўлсак, табиийки, бундан кейинги тараққиёт жараёнларида Шарқнинг иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий ва маънавий қадриятларига бўлган қизиқишнинг ошиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, учинчи минг йиллик кириб келиши билан Ўрта асрларда Шарқда шаклланган илмий, маданий ва маънавий қадриятларга бўлган чуқур қизиқишнинг янада авжга кириши ҳам бежиз эмас. Зеро, Ўрта аср Шарқ олим ва мутафаккирларининг бой тарихий-илмий мероси мазмун-моҳиятини янгича ёндашув асосида қайтадан тадқиқ этиш, маданият тарихидаги уларнинг ўрни ва ролини баҳолаш, замонавий фан ва тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бебаҳо илмий меросни оммалаштиришга янги, кучли туртки бериш жаҳон тамаддунининг талаб ва эҳтиёжларига жавобан долзарб муаммо сифатида майдонга чиқди. Шу боис, юқори малакали шарқшунос мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича ҳам долзарб масалалар кун тартибига қўйилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда шарқшунослик бўйича катта тажриба тўпланган ва бу соҳада тарихий, илмий, методологик, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва халқаро асослар мавжуд. Тарихий жиҳати шундаки, шарқшунос кадрлар тайёрлаш, Шарқни ўрганиш бизда жуда қадимдан, ўз даврининг Олий таълим мақомидаги мадрасаларимизда шаклланган. Айнан ана шу мадрасаларнинг тор хонақоҳларида



тахсил олган, яъни “мадраса кўрган” толиби илмлар орасидан кейинчалик оламга машхур олимлар, шоирлар, адиблар, муаррихлар, файласуф ва исломшунослар ватанимизнинг буюк тарихий, маданий, адабий, фалсафий, илмий меросини яратиб, бизга қолдирдилар. Уларнинг сони мингларчадир. Ва бу ўринда, биргина мамлакатимиз худудидан етишиб чиққан мутафаккирларимиз: Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Бухорий, Термизийлар, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Замаҳшарий, Алишер Навоий, Бобурнинг илмий-маданий мероси бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон илм-фани, маданияти, хусусан, шарқшунослик микёсида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Албатта, шарқшунослик соҳасидаги бу жараён узоқ вақт давомида шаклланди.

Ўлкамизда бевосита замонавий шарқшунос кадрларни тайёрлаш масаласига келсак, бу ишда XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан етишиб чиққан янги зиёлилар вакиллари: Ақром Асқаров, Баёний, Мирзо Бухорий, Сатторхон Абдулғафоров кабиларнинг шарқ қўлёзмаларини илмий методологиялар асосида тўплаш ва ўрганишга қўшган салмоқли ҳиссаларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Аммо, айтиш лозимки XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярмидаги шарқшунослик методик нуқтаи назаридан фанларнинг қоришмасидан иборат бўлиб, ундаги ички ихтисослашув жараёни ҳали тўлиқ шаклланмаган соҳа эди. Ўша даврларнинг шарқшуноси бир вақтнинг ўзида ўзини ҳам тарихчи, ҳам сиёсатчи ёки тилшунос, адабиётшунос ҳисоблар ва у даъво қилган бу соҳаларнинг асосида ўрганилаётган мамлакатнинг тилини пухта эгаллаганлиги масаласи атрофидаги гаплар эди. Ўша даврларда шаклланаётган шарқшунослик унинг таркибига кирувчи бирон бир фан соҳасида чуқурлашишга йўл қўймас, бирон бир маълум фаннинг ўзигагина хос бўлган аниқ методини ихтисослашувига имкон яратишга ҳам қодир эмас эди.

Энг асосийси, ўша давр анъанавий шарқшунослигининг мазмун-моҳияти асосан Қадимий ёки Ўрта асрларга оид қайсидир манбани топиш, таржима қилиш ва унга шарҳлар ёзишдан иборат бўлар ва бирон бир йирик муаммо, масалани монографик тадқиқ этиш камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди.

Бу анъанавий шарқшунослик одатда Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий ва бошқа аниқ масалалар билан шуғулланмас ва агар шуғуллангудек бўлса, бу ишларнинг мавзу доираси ниҳоятда тор ва умумлаштиришларсиз эди. Шарқшуносликдаги бу йўналиш, айтиш мумкинки, то XX асрнинг ўрталаригача устуворлик қилиб келди.

Ўзбекистонда замонавий шарқшуносларни тайёрлаш ҳаракати XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан бошланганлиги маълум. Ва бу жараённинг дастлабки қадамлари Тошкентда 1918 йилда ташкил топган Туркистон шарқшунослик институтининг фаолияти билан боғлиқдир. Ушбу институт фаолиятининг асосий йўналишлари Туркистон тарихи, бу ўлкадаги маҳаллий аҳоли ва унга қўшни бўлган мамлакатларнинг тили, адабиёти, урф-одатлари, дини, этнографияси,



ислом хукуки, ўзбек, қирғиз, хитой, турк, араб, ҳинд, форс, афғон (пашту) тилларини ўрганиш, тадқиқ қилиш – шу ва бошқа қатор соҳалар бўйича шарқшунос мутахассислар етиштиришдан иборат эди. Институтда, асосан, Москва ва Санкт-Петербург каби йирик илмий марказларнинг шарқшунос олимлари – русийзабон ҳамда маҳаллий миллатларга мансуб мутахассислар талабаларга дарс беришга жалб қилинган эдилар.

1924 йилда ушбу Туркистон шарқшунослик институти янги ташкил топган Ўрта Осиё давлат университетига факультет мақомида кўшиб юборилади ва шу мақомда то 1931 йилгача фаолият кўрсатиб, сўнг ёпилади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожлантириш ғояси пайдо бўлди ва бу ўз навбатида янги авлод шарқшунос кадрлар тайёрлаш масаласини кун тартибига қўйди. Натижада 1944 йил Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) қошида Шарқ факультети қайта тикланди ва бу амал шарқшунослик соҳасининг ривожидида катта бурилиш бўлди. Кўп ўтмай шарқшунослик факультети на фақат Ўзбекистон учун, балки кўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва умуман хориж билан боғлиқ собиқ Совет мамлакатлари учун юксак малакали шарқшунос кадрлар тайёрлаб беришда катта аҳамият касб этди.¹ Айнан шу йиллардан эътиборан, мазкур факультетда хорижий Шарқ мамлакатлари тиллари (араб, форс, ҳинд, урду, хитой, дарий, пушту, уйғур) ва бу ўлкаларнинг тарихи, адабиёти бўйича замонавий мутахассислар тайёрлана бошланди. Улар орасидан ўз даврида етук шарқшунос мутахассислар, таржимонлар, лингвист ва адабиётшунослар, тарихчилар, файласуфлар, манбашунослар, давлат ва жамоат арбоблари, таникли ёзувчилар, дипломатлар етишиб чикди.

Булар орасида, Шарқ факультетининг дастлабки қалдирғочларидан бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, академиклар, машхур олимлар: Убайдулла Каримов, Азизхон Қаюмов, Бўрибой Аҳмедов, Раҳима Аминова, Шоислом Шомухамедов, Алибек Рустамов, Мўбинжон Баратов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Асомиддин Ўринбоев, Ўзбекистон қаҳрамони, профессор Суима Ғаниева кабиларни халқимизнинг фахрига айланган шарқшунослар десак, асло муболаға бўлмайди. Мазкур олимлар ўз соҳалари бўйича йирик шарқшунослик илмий мактабларининг асосчиларига ҳам айландилар. Улар етиштирган шогирдлар ватанимизда шарқшунослик илмларини ривожланиши ва истиқболи йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Шарқ факультети 1991 йил Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил топгунига қадар фаолият кўрсатди.

¹ Шарқ факультетининг 1944 йилдан 1980 йилгача бўлган фаолияти ҳақида қаралсин: Лунин В.В. Восточный факультет (краткий очерк истории востфака ТашГУ). – Т.: Ўқитувчи, 1981.



Шарқшунос кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларини яратишдаги дастлабки муҳим қадам Ватанамиз истиқлоли арафасида – 1991 йил 15 июлда махсус Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилиши билан боғлиқ, албатта.

Дарҳақиқат, институтни ташкил этилиши ватанамиз шарқшунослиги такомили ва истиқболи учун жуда катта имкониятларни яратиб берган тарихий воқеа бўлди. Қолаверса, мустақил давлатнинг янги институтининг очилиши юртимизда ўзининг теран илдизларига эга шарқона таълим ва тарбия анъаналарини узлуксиз давом эттириш, шу билан бирга, шарқшунослик илмларини ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш учун асос – замин яратди, янги, замонавий шарқшунос-мутахассис **моделлини** яратиш учун кудратли пойдевор бўлди, бир қатор зарур янги илмий ва таълим йўналишларини кенгайтиришга қўмак берди.

Ўтган 29 йил мобайнида бу институтда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тилларини мукамал ўзлаштирган, Шарқ мамлакатлари маданияти, тарихи, фалсафаси, иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий жараёнлари, халқаро сиёсати ҳақида чуқур билимларга эга бўлган, замон талабларига жавоб бера оладиган минглаб малакали шарқшунос мутахассислар тайёрланди. Бугунги кунда улар мамлакатимизнинг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, институт ташкил топгунга қадар бир кичик факультетда фақат филология ва тарих ихтисосликлари бўйича кам сонли мутахассислар тайёрланган бўлса, институт мақомини олган бу олий таълим даргоҳида Шарқ мамлакатлари тиллари, адабиёти, маданияти қатори фалсафа, диншунослик, халқаро муносабатлар, жаҳон сиёсати, хорижий мамлакатлар иқтисоди ва мамлакатшунослиги каби ўндан ортиқ янги йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича ҳам шарқ (хитой, япон, корейс, араб, форс, турк, дарий, пашту, урду, хинд, индонез, вьетнам, бенгал, малай, уйғур), ҳам Ғарб (инглиз, немис, француз, испан, рус) тилларини биладиган турли соҳадаги мутахассислар тайёрланди.

Институтда амалга ошириб келинган салмоқли ҳажмдаги ўқув, услубий, илмий ва маънавий ҳамда маърифий жараёнлар натижаси ўлароқ Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган бу шарқшунослик олий таълим даргоҳи ҳақиқий илм масканига ҳам айланди.

Умуман олганда, Тошкент давлат шарқшунослик институти шарқшунослик соҳасини тараққий эттириш, янги замонавий шарқшунос-кадрларни тайёрлашга қаратилган минтақадаги ягона ва нуфузли, кўп тармоқли таълим муассасаси сифатида унинг зиммасига юклатилган Ўзбекистоннинг Шарқ мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида кузатилаётган ижобий ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри талқин қила оладиган аналитик кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, шарқ тиллари бўйича синхрон ва амалий таржимонларни етиштириш, шарқшуносликка



оид соҳаларга оид юқори малакали илмий даражали мутахассис кадрларни тайёрлаш каби вазифаларни бажаришга йўналтириб келинди.

Натижада бу институт халқаро обрў ва эътиборга эга бўлган, кўп тармоқли таълим ва фан муассасаси сифатида университет мақомини олишга сазовор бўлди. Ва айнан 2020 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Тошкент давлат шарқшунослик университети бўйича “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Бу Қарор ўз маъно-моҳияти билан XXI асрда ўзбек шарқшунослигини жадал тараққиётига улкан тарихий-ҳуқуқий имкониятлар яратди.

Ушбу Қарор соҳани тубдан такомиллаштиришга таалуқли ўнлаб аниқ ва фундаментал вазифалар қўйилиши билан характерлидир.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг университет мақомини олиши, сўзсиз халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли шарқшунос кадрларни тайёрлаш, Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, ноёб моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг антропологияси ва этнологияси, таржимашунослиги, туризм, халқаро журналистика гид соҳаларида замонавий билимларини мукамал эгаллашга ҳар томонлама кенг йўл очилди. Шунингдек, бу соҳалар доирасида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб бора оладиган мутахассисларни тарбиялашга, таълим жараёнини, ўқув-услубий ва ахборот таъминотини яхшилаш, моддий-техник базани изчил замонавийлаштириб бориш имкониятларини кескин кенгайтиради.

Қарорда янги университетнинг ташкилий тузулмаси, ўқув-услубий ишлари, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, талаба-ёшларнинг шарқона тарбияси каби ўндан ортиқ йирик масалалар қатори, унинг таркибида ташкил этилиши белгилаб қўйилган муҳим иккита: Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш ва Шарқ мамлакатларининг ривожланиши таҳлили билан шуғулланадиган илмий марказларни ташкил этилиши айнан университет мақомига лойиқ бўлган янгиликдир. Ҳозирда Университетда 11 та бакалавр йўналиши, 14 магистратура мутахассисликлари мавжуд ва 14 та шарқ тиллари ўқитилади.

Қарорда белгилаб қўйилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, хусусан, университет ривожланиши жараёнида унинг амалий фаолиятини энг асосий масалаларига тегишли бўлган ва бўлғуси шарқшунос мутахассисларнинг танлаган соҳаси ва йўналиши доирасида ўрганиши зарур ва мажбурий базавий (фундаментал) фанларни ўқитиш ҳамда тегишли соҳаларда илмий тадқиқот ишларини пухта режалаштириш масалаларига оид қуйидаги баъзи фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қарордаги вазифаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган бош масала бу – дунё талабларига





жавоб бера оладиган **янги авлод** шарқшунос кадрларни тайёрлаш масаласини кун тартибига қўйилиши билан бирга, кундан-кун ривожланиб бораётган Шарқ дунёси ва жамиятнинг мураккаб глобаллашуви шароитида таълим тизимимизни тинимсиз янгилаб бориш, тараққий эттириш ва таълимнинг **нимага** ва **қандай** ўргатиш керак? деган азалий саволга янгича ёндошиш талабини ҳам қўйди.

Ҳозирда дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, жадал тараққиёт натижасида шаклланаётган жаҳон янги тизимида шарқ мамлакатлари ниҳоятда юқори позицияларни эгаллаб бормоқдалар. Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Араб каби давлатларда сиёсий ва геоиқтисодий вазиятларнинг жадал ўзгариб бориши бутун дунё бўйича кучларнинг ўрнини қайта қўриб чиқишни тақозо этаётгани маълум бўлиб қолди. Бу ҳолатда шарқ мамлакатларида кечаётган тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларни таҳлилий кузатиб бориш, мазкур давлатларнинг халқаро муносабатларида дунё тараққиёт тизимида таъсири ва миллий манфаатларининг туташ нуқталарини ўргатиш ва тадқиқ этиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Демак, университетда бугунги кун талаби даражасидан ва Қарордан келиб чиқиб, шарқшуносликка оид соҳаларда, биринчилар қаторида қуйидаги **стратегик вазифалар**ни амалга оширишни зарур деб биламиз: аввало имкон қадар шошилиш, аммо пухта асосланган тарзда айрим “эскирган” таълим йўналишлари ва мутахассисликларидан, баъзи бир фанлар ва дарсликлардан тўлиқ воз кечиш, ўқитилаётган фанлар мазмун-моҳиятини, дастурларини янги илмий қарашлар ёки ўзгараётган қадриятлар ва янги ресурслар асосида тубдан ўзгартириб бориш, модернизация қилиш, шунингдек, ҳар бир устознинг хорижда бирма-бир малакасини ошириш, ўз манфаатларимиз асосида жаҳоннинг энг илғор таълим жараёнлари тажрибасини шунчаки эмас, балки тўла-тўқис олиб кириш, модул-кредит тизимининг самарали шакллари чучуқ ўрганиб, унга босқичма босқич ўтиш лозим. Бундай қилиш ўқув жараёнининг оптималлашувини мустаҳкамлайди, ўз навбатида, тайёрланадиган мутахассислар рақобатдошлигини, рейтинги, уларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ошириши ҳам шубҳасиздир.

Дунёда замонавий таълимга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ошиб бораётган бўлса-да, юртимизда олий малакали, сифатли кадрлар тайёрлашнинг **замонавий тизими**, шу жумладан, бизнинг шарқшунослик соҳалари бўйича ҳам жиддий ислохотлар бўлаётганлигига қарамадан ҳозирча тўлиқ шаклланмаганлигини тан олиш керак. Ҳар тамонлама етук, таҳлилчи-шарқшунос мутахассислар билан бозорни нафақат тўлдиришимиз, балки устунликка эришишимиз учун университет олдига қўйилган барча вазифалар ва имкониятлардан фойдаланиб бўлғуси шарқшунос талабаларни хорижий Шарқ мамлакатларига тил ва мамлакатшунослик бўйича амалиётлар (стажировка)га жўнатишга қатъий киришиш, қўлёзма манбаларни ўқиш, таржима қилиш борасидаги билим ва малакаларини талабчанлик билан изчил такомиллаштириб бориш, хорижий



мамлакатлар тиллари ва адабиёти, иқтисоди, маданияти, тарихи, фалсафаси, сиёсатига оид ахборот ресурсларини доимий тўлдириб, янгилаб боришга маблағ ажратиш ва ҳар бир фан кесимида ушбу ресурс базаларидан кенг фойдаланилган ҳолда дарслар мазмунини янги маълумотлар эвазига муттасил бойитиб бориш, ўтмишнинг ютуқлари билан замонавийликнинг узвийлиги ва узлуксизлиги, анъаналари ва инновациялар уйғунлиги ғоясини яққол намоён этиб турилишига эришиш лозим бўлади. Универсал таълим, яъни таълим сифатини бевосита ва чуқур интеграциялашган тизимини шакллантириш устида алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва модернизацияси натижасида фундаментал билимга ва таҳлилий қобилиятга эга мутахассислар тайёрланишига эга бўлишнинг барча чораларини кўриш провард мақсаддир. Кадрларимиз ҳозирги замон илмий, информацион, ижтимоий-иқтисодий технологиялардан нафақат фойдалана оладиган, балки уни ўзлари ярата оладиган, унинг янги қирраларини педагогик, амалий, илмий тадқиқотларда қўллаш оладиган бўлишлари оддий ҳолга айланиши лозим. Эндиликда рақобатбардош кадрларни етиштиришда зарур бўлган яна бир қатор масалалар борки, уларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, юртимиз таълим тизимини ислоҳ қилишга давлатимиз раҳбари томонидан жуда катта эътибор қаратилаётганлиги ва бу масалага доир бир неча Қарорлар қабул қилинганлиги ҳаммамизга маълум.

Педагогик кадрларнинг янгича дарс ва билим бериш салоҳияти масаласи XXI аср таълими кун тартибидаги ечимини кутаётган энг долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилаётганлиги ҳам маълум. Ҳозирда таълимнинг ҳамма босқичларида (мактабгача таълим, мактаб, лицей ва олий таълим) ўта мураккаб ва интенсив изланиш жараёни кузатилмоқда. Ўқитувчининг дарс бериш жараёнлари қатъий тизимланган, “қолипга солинган” ҳамма босқичларида унинг ҳукмрон ва назоратчи бўлишига асосланган **анъанавий** таълим тизими билан ўқувчи-талабага мустақил ва эркин билим олиш, фикрлаш, хулосалар чиқариш имкониятларини яратишга қаратилган информатив ва янгиликларга бой, илмийлашган **замонавий** дарс бериш ўртасидаги тўқнашув ва устунлик учун кураш жараёни ҳали бирмунча давом этади. Аммо, замонавий дарс бериш йўлини танлаган ўқитувчининг ҳар бир ўқитаётган фанига оид энг муҳим-концептуал маълумотларни ўзига мос ва хос бўлган усул ва ёндошувлар негизида шаклланаётгани ва бу жараённинг муваффақияти учун дунёдаги энг мақбул ўқитиш усулларидадан дадил фойдаланишга киришилаётганлиги келгуси муваффақиятларимизнинг бош омилдир.

Кейинги масала – таълим тизимида **асосий бўгин** – звено ҳисобланган кафедра фаолиятини ҳам тўғри ташкил қилиш, ундаги ҳар бир педагог кадрларнинг илмий салоҳияти масаласини кўриб чиқиш, кафедра билан талаба ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаш, “устоз-шогирд” тизимининг амалий натижа беришини таъминлаш таълим сифатини кўтаришнинг асосий омилларидан эканлигини тан оламиз.



Талабаларнинг маънавий-маърифий, миллатпарварлик, ватанпарварлик тарбияси, уларни илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш, фанларни талаб даражасида ўзлаштириши масаласида кафедралар етакчилик вазифани бажариши зарур деймиз-у, лекин ҳамма жойда ҳам иш бирдек кетмаяпти. Тўғри, кафедралар бу йўналишда кўплаб ишларни амалга оширади. Бироқ барча кафедралар ҳам талаб даражасида ишни ташкил этади, дея олмаймиз. Бу эса университет олдига қўйилган вазифалар асосида ҳар бир кафедра фаолиятини танқидий таҳлил қилиб чиқиш, кафедра аъзоларининг зиммасига юклатилган функционал, яъни илмий ва педагогик бурчини тўла адо этишларини таъминлашни тақозо этади. Чунки кафедраларда маҳоратли ва илмий салоҳиятли кадрлар етишмас экан, яхши, рақобатбардош мутахассис етиштириш масаласи ҳам муаммоларга дуч келаверади.

Охирги йилларда қабул қилинган Қарорлар ва уларнинг ижроси боис педагогик кадрлар салоҳияти бўйича сезиларли ютуқларга эришдик, сифат ўзгаришлари ҳам юз берди. Аммо, бу соҳада қиладиган ишларимиз ҳали талайгина.

Ҳар бир ўқитувчи албатта олим бўлиши, ҳар олим малакали ўқитувчи бўлиши шарт, деган тушунча ҳаммамизда бор. Аммо масала мана шу аксиомага тўлиқ эришишда. Агар ўқитувчи ҳақиқатдан олим, олим эса педагог бўла олса, сўзсиз, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифати юқори бўлади. Мазкур вазият кафедралар қошида илмий мактаблар шаклланиши масаласини қайта-қайта, жиддий кўриб чиқиш лозимлигини тақозо этади. Бу шунчаки “қизил” гап эмас. Мазкур мактаблар кафедра илмий-тадқиқот фаолиятининг асосий ва долзарб йўналишларини белгилаш билан бир қаторда, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иқтидорини шу масалалар ечимига йўналтириш ишлари билан ҳам шуғулланади. Ва бу муҳим, бўлгуси мутахассис тақдирини ҳал қиладиган кафедранинг албатта илмий даражаси, салоҳияти баланд, биринчи навбатда, фан докторлари ёки доцент унвонига бўлган фан номзодлари каби шахсларнинг бошқаришини қатъий белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки бугунги кун талабаси зийрак, ақлли, ғайратли ёшлардир. Қолаверса, жаҳон таълим тажрибаси таълим соҳаси бўйича орттирилган ишларни инкор этмаган ҳолда, бир масалани аниқ қилиб қўймоқда. Бу эндиликда **талаба-ўқувчига замонавий билим бериш билан бирга, унинг ўзини билим олишга, ўқиган ҳар бир фани бўйича муттасил чуқур ва кенг мушоҳада юритиш қобилиятини эгаллашига ҳам ўргатиш масаласидир. Айтишга осон бўлса ҳам бу масала тобора актуаллашиб, долзарблик касб этмоқда. Яна қайтараман, талабанинг ўзини билим олишга ўргатиш керак. Бу эса ўқитувчидан жуда катта маҳорат, меҳнат ва фидойиликни талаб қилади.**

Тараққий этган мамлакатлар таълим системасида бу масала жуда катта, асосий масала деб, қаралиши бежиз эмас. Баъзан уларга ҳавас қиламиз: талаба дарсдан кейин шоша-пиша тушлигини қилиб, кутубхонага чопади ва



кечгача ўқитувчи берган вазифани бажармагунча, вазифа бўйича дарслик ва бошқа адабиётлар орқали ўзлаштирган билимини ёзма-эссе тарзида қоғозга тушириб, ўқитувчига топширмагунча тинчимайди, тинчий олмайди ҳам. Чунки ўқув жараёни, ўқув сифати, ўқитувчи талаби, эртанги кун нон топиш ташвиши уни шунга ўргатган. Ўқитувчининг ва таълим жараёнининг талаби талабага бошқа альтернатив вариантлар қолдирмаган. Шу сабабли талаба берилган билим ва топшириқни мустақил равишда тинимсиз ўзлаштиришга мажбур. Талабаларнинг мустақил таълимини таъминлаш, уларга ўзи устида ишлаш, ўз фаолиятини ташкил этиш ва касбий ўсишини бошқариш имконини беради. Мана шу ҳолат яна бир бор кун тартибига ҳар бир кафедра, ҳар бир ўқитувчи олдида таълимни мустақил ўзлаштиришга ўргатишдай энг катта вазифани долзарб қилиб қўймоқда.

Ҳозирда кафедраларда, умуман олий таълим муассасасида чет элдан жалб қилинган ўқитувчи таълим сифатини кўтаришдаги муаммоларимизни ҳал қилиб беради, деб янглиш ўйга бормоқдамиз. Аслида ўзимизнинг ўқитувчиларимизни, юқорида эслатганимиздек, 3-6 ойлик малака оширишга нуфузли хорижий ОТМларга юбориб, ўрганиб қайтгани самараси ҳаммадан кўра кўпроқ бўлади.

Мана шу масала ҳал қилинса, биз оммавий тарзда нафақат таълим жараёни, уни замон талаблари даражасида ташкил қилиш, етиштираётган кадрларимизнинг бугунги ва эртанги кун талаблари ҳамда ривожланган мамлакатларда етиштирилаётган кадрлар билан бемалол беллаша олишларини таъминлайдиган билимлар беришга эришамиз.

Демак, тез суръатларда ўзгариб бораётган Шарқ олами кафедраларимизда ўқитилаётган барча курслар мазмун-мундарижасини янги илмий натижалар асосида тинимсиз янгилаб бориш, дастурларни қайта ишлаб чиқиш, мутахассислик фанларини **чуқурлаштиришга** қаратилган сара (элит) махсус курсларни изчил киритиб боришни талаб этади.

Умуман олганда ўқув режасига киритилган ҳар бир фан, хусусан, мутахассислик фанларининг ҳаммаси битта мақсадга йўналтирилган бўлиши, яъни уларнинг мазмуни ва ниҳойи **концептуал мағзи** фақат битта масаланинг таъминланиши – бўлажак соҳа мутахассиси моделини, қиёфасини шаклланишига тўла-тўқис хизмат қилиши, улар пастдан юқорига қараб бир-бирини тўлдириб, чуқурлаштириб, кенгайтириб боришига эришиш лозим. Бу вазифага хизмат қилмайдиган бирон бир фан, хатто мавзунинг ўқув дастуридан, жараёнидан жой олишига ҳаққи йўқ. Чунки ҳозирда талабанинг вақти ҳам, бошқа имкониятлари ҳам “ортиқча”, керакмас компонентларни хазм қилмайди.

Куйида ана шу талабларни кўзда тутиб университетда ҳозирда мавжуд бўлган таълим йўналишлари кесимида бўлғуси шарқшунос мутахассиснинг соҳа бўйича шаклланишида биринчи навбатда зарур бўлган фанларни назарий ва амалий ўрганиш ва ўқитишга бевосита тегишли масалалар, муаммолар, яъни юқорида айтилган “нимани” ва “қандай” ўқитиш керак



деган савол атрофида ҳосил бўлган баъзи фикр-мулоҳазалар ва таклифларимизни билдирмоқчимиз. Ўйлаймизки, университет мақомидаги таълим масканимизда билим бериш жараёни, унинг мазмуни ва тадқиқот ишлари, албатта, унга мос ва аввалгисидан кўра юқори даражада бўлиши керак.

1. Марказий Осиё ва хорижий Шарқ мамлакатлари халқларининг тарихи, моддий маданияти, ушбу минтақа халқлари томонидан яратилган Қадимги ва Ўрта асрларга тегишли ёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш учун очилган **Марказий Осиё ва хорижий Шарқ мамлакатлари халқлари тарихи** таълим йўналишида Марказий Осиё ва хорижий Шарқ мамлакатлари халқларининг ўзига хос ва муштарак маданияти, тарихи, уларнинг диний-фалсафий қарашларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омилларнинг моддий ва маънавий маданиятлари шаклланишига таъсирининг назарий жиҳатлари, тарихий манбашунослик ва тарихнавислик, ҳужжатшунослик билан бир қаторда этноижтимоий ва этномаданий муаммолар, ёзма манбалар асосида Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон халқлари ҳамда хорижий Шарқ мамлакатларининг объектив тарихини у ёки бу тарзда ва савияда ўқитишга ҳаракат қилинади. Аммо масала йўналишига кирган барча ихтисослик фанларини яхлитликда, бир бутунликда ўргатишдир, яъни ҳар бир ўқитувчининг ўқиётган фани кейинги ўқитувчининг фанига узвий ва изчил боғланишига, бир-бирини тўлдиришга қаратилиши лозим. Афсуски, ҳар доим ҳам бундай эмас ва буни алоҳида таҳлил қилиб чиқиш керак. Илмий-тадқиқот ишларини ҳам шунга мослаб, ривожлантиришга эришиш; мутахассислар билан келишиб, қатор янги махсус курслар ва дастурларни ишлаб чиқиб, жорийлантириш ва юқори савияда ўқилишини таъминлаш лозим.

Ушбу йўналиш билан боғлиқ яна бир долзарб масала. Тан олиш керакки, Марказий Осиё йўналишига оид фанларни ўқитиш чоғида, аксарият ҳолларда, қўшни Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ёки Тожикистонда бу минтақа масалаларига тегишли ўқитиш ва тадқиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлардан беҳабармиз. Аммо ҳозирги кун талаби ушбу қўшни мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан боғланишни ва юқорида зикр этилган соҳага оид масалаларда уларнинг ҳам тажрибаларини, улар тўплаган фактик материалларни, дарслик ва қўлланмаларини олиш, уларнинг ёндошувларини таҳлил қилиб, талабаларимизга етказиш жуда зарурдир. Бу масала хорижий шарқ мамлакатлари тарихи йўналишига ҳам тўлиқ тегишлидир.

2. **Шарқ фалсафаси ва маданияти** йўналиши доирасида шарқ мамлакатлари фалсафаси тарихи, ўтмиш ва ҳозирги замон фалсафий анъаналарининг узвийлиги, ворисийлиги масалаларига кўпроқ эътибор бериш керак, Шарқ халқлари маданияти ва фалсафий қарашлари орасидаги ўзаро боғлиқлик, тасаввуф, ислом дини бўйича қадимги ва ҳозирги замон Ғарб ва Шарқ мамлакатларида олиб борилаётган герменевтик тадқиқотларининг



таҳлили сингари йўналишлардан ташқари шарқ халқларининг ҳозирдаги ижтимоий-фалсафий, маданий фикри тараққиёти, унинг жамият тараққиётидаги ўрни, шарқ тилларидаги қадимги фалсафий манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва уларни таржима қилишга алоҳида диққат бериш, шарқ халқлари маданиятининг ўзаро таъсири, аксиология ва диний бағрикенглик масалаларини бир бутун ёндошув асосида ўрганиш ва ўргатишга алоҳида эътибор бериш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Энг муҳими бу масалаларда хорижда олиб борилаётган тадқиқотлар, қарашлар, концепцияларни, янги маълумотларни дарс жараёнига изчил киритиб бориш лозим: Масала шундаки, Шарқ фалсафасига доир биз ўқитаётган фанларда Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ОТМларидаги Қадимий, Ўрта асрлар ва ҳозирги замон фалсафасини, унинг оқимларини ўқитиш, ўргатиш ва тадқиқ қилиш концепцияларидан, фаннинг у ёки бу масалаларига оид қарашлар, баҳслардан жуда суст фойдаланмоқдамиз.

Ҳозирда, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Афғонистон, Покистон каби мамлакатларнинг олий ўқув юртларида Шарқ фалсафасидан берилаётган фанларнинг манбаларга, фикрлар қарама-қаршилигига, янги ёндошув ва концепцияларга бойлиги хилма-хиллиги билан ҳайратга солади. Уларда Шарқ фалсафаси ва маданияти бўйича чоп этилган қатор дарслик ва қўлланмаларнинг мавзуларини бўлажак шарқшунос-файласуфларимиз билишлари чорасини кўришимиз керак. Акс ҳолда бизнинг бўлажак файласуфларимиз кимлар билан рақобатга киришади?

3. Жаҳон сиёсати соҳаси бўйича таълим жараёнида халқаро ҳамжамятлар, жаҳон тараққиёти, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари муаммолари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар таҳлили ва уларнинг халқаро сиёсатдаги ўзаро муносабати сингари масалаларни **ўргатиш** билан бир қаторда, Шарқ мамлакатларининг ички ва ташқи сиёсати тамойиллари, уларнинг дунё геосиёсатидаги ўрни ва таъсири, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, хорижий шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари, ички ва ташқи таҳдидларни юзага келтирувчи омиллар, шарқ мамлакатларида дин ва сиёсат муносабати, мазкур сиёсий жараёнларни аналитик шарҳлаш ва тўғри баҳо бериш каби масалаларни дарс жараёнларининг асосий мазмунларига тўлиқ айлантириш, бу масалалар бўйича чуқурлаштирадиган, пухта дастурга эга бўлган махсус курсларни киритиш; бу фанлар ва махсус курсларни ўқитишга тан олинган салоҳиятли хорижий экспертларни чақириш, доимий дебатлар, давра суҳбатларини уюштиришни ташкиллаштириш, ва хорижий мамлакатларда бу соҳа бўйича чоп этилган дарсликлардан кенг фойдаланиш, фикрлар ва қарашларни эътиборга олиш ҳам муҳимдир.

4. Хорижий Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослик йўналиши бўйича мутахассислар таёрлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш тақлиф этилади:



а) Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик йўналиши бўйича мутахассислар келажакда базавий иқтисодий билмлар билан бирга хорижий Шарқ мамлакатларининг иқтисодий тизими, уларнинг иқтисодий сиёсати, ишлаб чиқариш кучлари, ушбу мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими тўғрисида билимга эга бўлиши лозимлигини шарт деб биламиз. Ўқув дастурларида хорижий Шарқ мамлакатларида кечаётган таркибий ўзгаришлар, билимлар иқтисодиёти шаклланишининг илмий асослари, ушбу мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг омиллари ҳамда уларнинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларида иштироки, кичик ва ўрта бизнес, масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

б) сўнгги йилларда Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва ролининг ошиб бориши, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг жаҳон энергия манбалари ва молия бозоридаги мавқеининг ўсиб бориши, инвестиция салоҳияти, ушбу мамлакатларнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларининг интенсив ривожланиб бораётганлиги ва ТошДШУнинг имкониятларини ҳисобга олиб, келажакда ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятларини мамлакатимиз билан **қиёсий таққослаш** асосида тадқиқ этиш, уларнинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишига таъсири, Ўзбекистон ва хорижий Шарқ мамлакатларининг иқтисодий манфаатлари мувофиқ келадиган кесишиш нукталарини аниқлаш, ушбу мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш бўйича чуқур билимга эга бўлган иқтисодчи-шарқшунос кадрларни тайёрлаш зарур.

в) Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар яқин келажакда Ўзбекистонда кўплаб тармоқ ва соҳаларда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сонининг ўсишига олиб келмоқда. Айни вақтда ташқи савдони ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Республикаимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ташқи савдо фаолиятининг кенгайтилишига олиб келади. Шу муносабат билан хорижий тилларни мукамал эгаллаган, ташқи савдо билан боғлиқ халқаро шартномалар тузиш кўникмаларига эга бўлган, хорижий мамлакатлар, жумладан, хорижий Шарқ мамлакатлари билан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини пухта эгаллаган мутахассисларга талаб ошади. Бу, ўз навбатида, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик таълим йўналиши ва мутахассислиги олдида катта масъулият ва мажбуриятлар юклайди. Шу сабабли ушбу таълим йўналиши ва мутахассислигини тугаллаган битирувчилар банк, суғурта, молия, халқаро ҳуқуқ ва бошқа иқтисодий соҳаларда чуқур билм эгаллашлари лозим.

г) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққий этиб бориши хорижий мамлакатларда фаолият юритадиган миллий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сонининг ошишига олиб келмоқда. Бу



эса ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими, сиёсий ва маданий кадриятлари, ушбу халқлар менталитети билан боғлиқ жиҳатларни атрофлича ўрганишни тақозо этади. Бу ҳам Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик бўйича мутахассисларда хорижий Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши хусусиятларини комплекс тадқиқ эта олиш, улардан мамлакатимиз миллий манфаатлари йўлида амалий фойдалана олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни талаб этади.

Ушбу таълим йўналиши дастурларида яна қуйидаги махсус курсларни ўқитиш масалаларини ҳам кўзда тутилиши иқтисодчи кадрларни етиштиришда муҳим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Халқаро инвестициялар, Жаҳон демографияси, Халқаро технологиялар бозори, Халқаро туризм, Халқаро логистика масалалари қаторида миллий иқтисодиётимизнинг қуйидаги курсларини ўқитишга ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир. Булар: Ўзбекистон Жаҳон хўжалик тизимида, инвестицион иқтисодиёт асослари, кичик бизнес ва тадбиркорлик, миллий логистика ва туризм иқтисодиёти курсларидир.

Ва ниҳоят институтимизнинг энг “кекса” йўналишларидан бўлмиш **шарқ филологиясининг** ривожланиш истикболлари ҳақида:

5. Шарқ тиллари ва адабиёти бўйича **шарқшунос-филологларни** тайёрлаш ва тадқиқотлар олиб бориш эса, нафақат арабшунослик, эроншунослик, туркология, хитойшунослик сингари ривожланган илмий анъаналар доирасида, балки интенсив равишда ривожланаётган, шу билан бирга, Жанубий, Жануби-шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ минтақалари тиллари ва адабиётларини ўзига хос тавсиф тизими доирасида олиб борилмоғи лозим. Бу икки турли йўналишда белгиланади, яъни:

а) замонавий илмий тасаввурлар асосида шарқ тиллари ва адабиётлари тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини биринчи навбатда ўша мамлакатларда нашр этилган манбалар, асарлар асосида ўрганиш ва тадқиқ этиш;

б) мумтоз меросни ўрганиш, изохлаш ва глобаллашув шароитида ноёб меросимизни жамият ва комил инсон тарбиясидаги ўрнини янада чуқур очиб бериш, тарғиб ва таржима қилиш каби.

Замонавий тилларни ўрганишда анъанавий тадқиқот объектлари бўлган адабий тил ва унинг диалектлари, ўрганилаётган мамлакатдаги тил вазияти, фоносистема, лингвостилистика, тил гуруҳларини қиёсий-тарихий ва типологик ўрганиш; шарқ адабий ва адабиётшунослик мактаблари тарихи ва адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик, тасаввуф ва шарқ поэтикаси, замонавий адабий жараёнлар ва адабий танқид, хорижий шарқ тилларини ўрганишнинг психологик аспектлари, тил ўқитишнинг замонавий технологиялари, когнитив лингвистика, компьютер лингвистика, корпус тилшунослиги, лингвокультурология каби соҳаларни кўпроқ махсус курслар орқали босқичлаб жорий этиш мақсадга мувофиқдир.



Мумтоз филология масаласида эса қуйидагиларни кенгроқ таъкидлашни лозим топдик. Мамлакатимизда ўтмишда яшаб ижод этган улуғ мутафаккирлар ва маданият арбобларининг ёзма меросини ўрганиб, уларни халқимизга етказа оладиган етук мутахассисларни етиштиришга катта эътибор қаратилаётгани маълум. Аммо бу борада, аввало, классик матнлар устида иш олиб боровчи мутахассис хоҳ тил йўналишида, хоҳ адабиёт¹ йўналишида бўлсин, биринчи галда, қўлёзмани ўқий олмоғи, ўз илмий ишини илк манбага таянган ҳолда яратмоғи шарт. Асарни қўлёзмадан ўқиб, илмий иш ёза олмайдиган изланувчига классик филология соҳасидан мавзу берилмаслиги керак. Ўзбек шарқшунослиги, тилшунослиги, адабиётшунослигида бунинг сингари ишларни йўлга қўйишнинг вақти келди.

Тўғриси, бу соҳада кейинги йиллари етук мутахассисларни тайёрлашда узилишлар бўлганлиги, камчилик ва долзарб муаммолар мавжудлигини эътироф этиш керак.

Гарчи университет қошидаги мумтоз (классик) филология кафедрасининг ўқув-илмий ишлари изига тушган бўлсада, кафедра профессор-ўқитувчилари олдида улкан ва масъулиятли ишлар турибди. Улар эски туркий, араб ва форс тилларини чуқур эгаллаган, боболаримиздан қолган ўлмас меросни яхши биладиган, Шарқ, қолаверса, кишилик маънавияти, бадий тафаккурининг юксалувиغا ўзларининг муносиб улушини қўшган Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Хусрав Дехлавий, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб, Муҳаммадризо Огаҳий сингари улуғ ижодкорлар меросини илк манбалардан ўқиб ўрганувчи, ёзма манбалар устида илмий ишлар ярата оладиган, хулоса чиқара оладиган мутахассисларни етиштиришларини биринчи навбатдаги вазифа деб билишлари таълим стандартида белгилаб қўйилган.

Классик (мумтоз) филология ўзбек шарқшунослигининг йирик йўналишларидан биридир. Ўзбек илми бу соҳада яхшигина тарихий тажрибага эга. Ўзбекистонда классик меросни ўрганиш ва ўргатиш бўйича йирик мактаблар шакллланган. Бу мактабларнинг йиллар оша тўплаган ютуқлари, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналари бор. Мақсад – ўша анъаналарни сақлаган ҳолда, уни бойитиб, етук мумтоз филологияга қаратилган мутахассислар авлодини тарбиялаш.

Мумтоз филология – мамлакатимизнинг олий таълим тизимидаги янги, замон талаблари асосида очилган йўналишдир². Соҳа эгалари яхши биладиларки, классик мерос устида иш юритувчи мутахассис, биринчи

¹ Бу гаплар Қадимги ва Ўрта асрлар тарихи, тарихшунослиги, антропологиясига ҳам тегишлидир.

² Мумтоз филологияга оид қарашлар проф. Қ.Содиқов билан ҳамкорликда ёзилган мақоламиздан олинди (Қаранг: “Шарқшунослигимиз келажаги”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2010 йил, 15 январь, 3-сон.)



галда, уч тил – эски туркий, араб ва форс тилларини, шунингдек, ғарб тилларидан (биринчи навбатда инглиз) бирини яхши билиши керак.

Шулардан бири – туркий тил тарихи адабий тилимизнинг юзага келиши ва тараққиёти, ўтмишдан қолган туркий ёдгорликларнинг тил ўзгачаликлари тўғрисидаги ялпи билимларни қамрайди. Фанни ўқитишдан мурод – талабаларга ўзбек адабий тилининг келиб чиқиши, унинг илдизлари юксалиш босқичлари, фонетик, грамматик ўлчовларининг қатъийлашув йўллари, туркий луғат бойлигининг қўлам-қамрови, истилоҳлар системасининг юзага келиш тарихи, ёзма тил услублари ва уларнинг ўзига яраша белгилари ҳақида билим беришдир. Бу эса ўз навбатида бошқа тилларга оид манбалар, тиллари ва адабиёти тарихини типологик ўрганиш ва ўқитишга ҳам йўл очади.

Шарқшунослик олий таълими шарқ тиллари, хусусан, араб ва форс тиллари ва адабиётини ўқитиш бўйича кўпйиллик тажриба ва анъанага эга. Аммо мумтоз филология бўлими талабаларига эса Шарқ тилларини ўқитиш йўли бир оз фарқли: ўзига яраша жихати шундаки, унда иккала тилни чуқур эгаллаш билан бирга, кўпроқ классик матнлар тилига, ўтмишда Туронюртда араб ва форс тилларида яратилган, ота-боболаримиздан қолган ёзма меросни ўқитишга мойиллик кучли. Бу мерос қандай тилда эканлигидан қатъи назар, унинг **эгалари** биз бўламиз.

Шарқшунослигимизда ўтмиш мумтоз маънавиятимизни очиб берадиган, адабиёт, тил, фалсафа тарихига кўп хизмат қиладиган, ҳали айтарли қўл урилмаган бир соҳа турибди. Бу – ота-боболаримизнинг исломга қадар ва ундан кейин қўллаган ёзувлари ва уларда битилган обидалардир. Ҳозирги пайтда бу нодир мерос дунёнинг турли қўлёзмалар фондларида сақланмоқда.

Яширадиган ери йўқ, яқин ўтмишда ҳам ўзбек олимлари Марказий Осиё халқларининг исломга қадар яратган обидаларини, хусусан, суғд, кўк турк, уйғур ёзувларида битилган асарларни рус ёки Ғарб олимларининг ишлари, уларнинг транскрипцион нашрларидан олиб, ўрганар эдилар. Энди ўзбек фанида бу муаммо ҳам ўз ечимини топа бошлади. Ўзбекистонда исломга қадар қўлланилган ёзувларни ўқий оладиган олимларимиз етишиб чиқди. Эндиги иш – уларнинг билимини ёшларга етказиш, мутахассислар етиштириб, бу соҳаларда Ғарб илми даражасига интилишдан иборат.

Умуман олганда мумтоз филология йўналишида араб, форс, туркий тилларга тегишли тил ва манбаларни ўрганиш ва ўргатиш билан бирга қадимий ҳинд тили – **санскрит** ёки хитой тили – **венян** каби қадимги тиллар ва бу тилларда битилган Марказий Осиё халқлари билан боғлиқ бўлган манбаларни ўргатишга ҳам эътибор бериш зарур.

Таълим йўналишида адабиёт фанларининг ўрни муҳим. Кафедрада ўқув режасига “Ўзбек адабиёти тарихи” фани киритилган. Унда туркий адабиётнинг юзага келишидан 19-юзйилликнинг охирларига қадар кечган адабий жараёнлар чуқур, кенг қамровли ўқитилади.



Ўқув режасидаги фанлардан яна бири “Араб ва форс мумтоз адабиёти”дир. Унда араб ва форс адабиётларининг узоқ асрли тарихи билан бир қаторда, Ўрта асрларда она тупроғимизда яшаб ижод этган улуғ олимларимиз, шоирларимизнинг араб ва форсий тилларда яратган ёзма меросига эътибор қаратилади. Биз етиштираётган мутахассислар келгусида, табиийки, ана шу соҳалар бўйича тадқиқотлар олиб боришларига тўғри келади.

Мумтоз филологиянинг энг муҳим ва йирик йўналишларидан бири улуғ мутафаккир Алишер Навоий мероси, уни ёшларга чуқур ва харёқлама ўргатиш, уларни мутахассис даражасига етказиш ва бу борада сезилаётган кадрлар етишмовчилигини тугата боришдир. Кафедранинг битирувчилари Навоий асарларини замонавий нашрлардан эмас, балки уларнинг илк қўлёзмаларини ўқиб, тадқиқи эга олиш кўникмасига эга бўлмоқликлари керак. Бу йўлда икки масала кўндаланг туради: биринчиси, талабаларимиз Шарқ қўлёзмаларини яхши ўқий олишлари, иккинчиси – Навоий асарларининг асл матнлари маъзига кира олиш ва уларни ғоявий-бадий, тил жиҳатидан тадқиқ этиш малакасини эгаллаши талаб қилинади.

Буларга қўшимча ҳолда, кафедрада талабалар классик адабиёт ҳамда матншуносликнинг назарий ва амалий масалалари, Шарқ мумтоз поэтикаси, аруз илми, классик матнлар тилига бағишланган танлов фанларини ўқишларига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Аммо бу масалада ҳам қатор муаммолар мавжуд.

Кафедранинг магистратура босқичи учун киритилган оригинал ва филологик билимининг юксалувиغا туртки бера оладиган фанлардан бири ўтмиш анъаналари асосида тадқиқ этилаётган “Балоғат билими”дир. Бу фанни ўтмишдаги балоғат илми фанининг трансформацияси, унинг замонавийлаштирилган ҳозирги педагогика илмида қўллаш мумкин бўлган энг мақбул жиҳатларининг қайта тикланган кўриниши, дейиш мумкин. Шу билан бирга Шарқ поэтикасининг энг катта қисми бўлган “Аруз” фанини ёки Хитой, Корея, Ҳинд, Япон мумтоз поэтикасини ўқитиш масаласи оқсамокда. Келгусида бу фанларни ўқитилишининг барча чораларини кўриш керак.

Магистрлар учун янги фанларимиздан бири “Илмий-тадқиқот яратиш йўллари” деб аталган.

Яхши биламизки, ёш илмий изланувчи ишни қандай бошлашни, нималарга эътибор қаратишни билмай, кўп эзилади. Йўл-йўриғини билмай, илмни ташлаб кетаётган қобилиятли ёшларимиз қанча. “Илмий-тадқиқот яратиш йўллари” фани ана шу масалаларга хизмат қилади, ёшларга илм билан шуғулланиш, диссертация ёзиш йўллари ўргатади: мавзу танлаш, қай усулда материал йиғиш, илмий асарлар билан танишиш, ишни қандай ёзиш, илмий мақолалар қандай услубда ёзилади-ю, газета мақолалари қандай бўлади, лозим бўлса, илмий давраларда маъруза қилиш йўллари ва илмий этика масалалари – ҳамма-ҳаммаси тўғрисида билим беради.



Демак, мумтоз мерос бўйича мутахассис моделини тайёрлашда, классик араб, форс ва туркий (эски ўзбек) тилларда ёзилган, республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги кўлэзма фондлари, шунингдек, давлат ҳамда хусусий архивларда, кўлэзма китоблар каталогларида сақланаётган Қадимги ва Ўрта асрлар ёдгорликларининг тарихий, манбашунослик, матншунослик ва соф филологик таҳлиliga аҳамият қаратган ҳолда, қадимги хитой, санскрит (ҳиндий), сўғд, паҳлавий, қадимги мўғул ҳамда араб, форс ва эски ўзбек тилларида яратилган мамлакатимиз тарихига оид ёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш ва талабаларга ўргатишни изчил амалга ошира боришдир. Аммо бу олийжаноб мақсад ва дастурларни бажаришда, мумтоз филология кафедраси кенг қамровли ишларни олиб боришда суствлик қилапти. Ўйланган кўп режалар қоғозда қолиб кетяпти. Умуман мумтоз филологияни ривожлантириш, ўқитиладиган фанларга тегишли масалаларни таҳлил қилиш жараёнида бу соҳада анча илгарилаб кетган Санкт-Петербург университетининг Шарқ филологияси йўналишидаги ишлар тажрибасини ўрганиб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

6. Таржима назарияси ва амалиёти йўналиши ҳам филологиядан ажралиб чиққан, университетнинг нисбатан янги, аммо муҳим соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистонда шарқ тиллари бўйича кўп қиррали таржимонлар етиштириш масаласи доимо долзарб муаммо бўлиб келган. 2001 йилда собиқ Тошкент давлат шарқшунослик институтида фаолият бошлаган таржимашунослик кафедраси бугунга келиб соҳа бўйича етакчи таълим бўғинига айланди.

Ҳозирда таржимашунослик бўйича тайёрланадиган мутахассислар бирон-бир шарқ ва ғарб тиллари қатори замонавий таржимашуносликнинг деярли ҳамма зарур фанларини ўқиб ўрганадилар. Аммо юқори малакали таржимон мутахассисларни тайёрлашнинг бир қатор муаммоларини ҳал қилиш университет олдига қўйилган вазифаларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Аввало, шарқ тилларини биладиган ва таржимашунослик фанларидан дарс берадиган салоҳиятли профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммоси кун тартибда турибди. Юқорида айтилганидек, соҳа бўйича салоҳияти етарли ўқитувчи бўлмас экан, малакали таржимонлар етиштириш ҳам орқага сурилаверади.

Бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилишнинг барча муаммоли масалалари – бадиийлик ҳосил қилиш, муаллиф услубини қайта яратиш, аслиятдаги миллий характер ва колоритни таржимада ишончли акс эттириш ва буларнинг сўз муаммоси билан таржима соҳасида яратилган ҳар қандай ҳажмдаги назарий ва амалий иш биринчи галда сўзни таҳлил қилиш билан чамбарчас боғлиқ ва булар биринчи навбюатда дарс бераётган педагогнинг малакаси ва салоҳиятига бевосита алоқадордир.

Шарқ таржимашунослигида юзага келган назарий ва амалий масалаларни умумлаштириб, чуқур таҳлил қилиш ва унинг асосий принципларини аниқлаш бўйича алоҳида илмий тадқиқот ишларини ҳам тўлиқ йўлга қўйиш вақти келди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқ керак. Бугунги кунда таржиманинг энг нозик ва мураккаб тури саналган синхрон таржима



сирларини талабаларга, бўлғуси таржимонларга ўргатиш ҳам долзарб вазифага айланди. Замон талабларидан келиб чиқиб, шарқшуносликдаги синхрон таржима соҳасига эътибор бериш, малакали таржимонлар тайёрлаш ишига ёндошишни тубдан қайта кўриб керак бўлади. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида нуфузи юксалиб, халқаро муносабатлар кенгайиб бораётгани юқори савияли синхрон таржима мутахассисларига талаб, эҳтиёж янада орттирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таржимонлар етиштирувчи барча олий таълим муассасалари, хусусан, шарқшунос таржимон мутахассислар етиштирувчи таълим муассасаси зиммасига катта масъулият юклайди. Глобаллашган постиндустриал дунёда халқаро анжуманлар ва тадбирларнинг турлари кўпайиб бораётгани боис, ушбу анжуманларда қатнашаётган таржимонларнинг тилларни яхши билишига қарамай, профессионал синхрон таржима, жумладан шарқ тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан шарқ тилларига синхрон таржимага жуда катта эҳтиёж сезилмоқда. Афсуски, бу соҳада жиддий оқсаш мавжуд ва бу масала биринчи навбатда, бўлғуси синхрон таржимоннинг тили ўрганилаётган мамлакатда амалиётни ўтиши билан бевосита боғлиқ масаладир.

Маълумки, синхрон таржима фақат эшитиш орқали гапириш кўникмаларини шакллантириш билан чегараланмайди. Бунинг негизда таржимоннинг нафақат аслият ва таржима тилини аъло даражада билиш, балки бир пайтнинг ўзида икки тилда **оний фикрлай олиш** ва тайёргарликсиз сўзлай олиш қолиятига эга бўлиш, таржима жараёнида керак бўлган барча қоидаларга амал қилиш талаби ҳам ётади. Демак, таржимонлик касбини танлаган талабарда синхрон таржима амалиётини ва назариясини вужудга келиши, ривожланиши, уни амалга ошириш тизими, синхрон таржима стратегиялари ҳамда уларнинг афзаллик ва камчиликлари, синхрон таржимонга қўйиладиган талаблар, таржимонларни тайёрлаш борасидаги амалий масалалар билан таништириш ҳамда соҳавий атамашунослик, асосий ўрганилаётган шарқ тилидан грамматика ва стилист малакасини эгаллаш билан боғлиқ чуқур билим ва кўрикмаларни шакллантириш зарур.

Синхрон ва кетма-кет таржима қонуниятлари ва принциплари барча тиллар учун муштарак эканлиги ҳисобга олинса, бу соҳа бўйича икки тамонлама луғатларни яратиш ҳам ўта муҳимдир.

Умуман шарқ тиллари билан боғлиқ таржимонларни етиштириш олдида яна қатор муҳим вазифалар турибди. Ҳозирга қадар жаҳон адабиётидан она тилмизга таржима қилинган аксарият асарлар восита тиллар орқали амалга оширилган бўлиб, бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Ёш таржимонларимиз аслият тилини яхши билсаларда, кўп ҳолларда уларда бадий маҳорат ва таржимонлик тажрибаси етишмаяпти. Худди шундай ҳолатни ўзбек адабиёти намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Ўтган 9 йиллик тажриба бакалаврият йўналиши ва магистратура мутахассислигида таржимашуносликка оид айрим ихтисослик фанлари бор-йўғи 1-2 семестр ўқитилгани туфайли фанлар сони кўпайиб кетганлиги ва оптималлаштирилмаганини кўрсатади. Бундан ташқари, талаба ва магистрантларга



берилган таълим, асосан, назария билан чекланиб қолинаётганлиги, амалиёт билан омухта этилмаганлиги битирувчиларнинг касбий тайёргарлигига салбий таъсир этаётганлигини кўрсатади. Кафедра профессор-ўқитувчилари ўз имкониятлари доирасида, устоз-шогирд анъанасига амал қилган ҳолда талабаларни ёзма таржима сирларини ўргатишга ҳаракат қилган бўлсаларда, талабаларда синхрон ва кетма-кет таржима кўникмалари яхши шаклланмай қолгани сир эмас. Чунки, оғзаки таржиманинг ушбу муҳим турига талабаларни ўргатиш учун зарур моддий-техника базаси (синхрон таржима кабиналари билан жиҳозланган махсус аудиториялар) ҳам яратилмаган.

Яна бир муаммо: кафедранинг доимий ҳамкор ташкилотлар: Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Шарқ юлдузи” журналлари, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан шартномага асосланган доимий ижодий ҳамкорлиги ушбу ташкилотларнинг лоқайдликлари туфайли амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаяпти.

Университетнинг ҳозирги пайтдаги салоҳияти шарқ мамлакатларида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, лингвистик, адабий жараёнлар ҳамда уларнинг замонавий цивилизацияга таъсири, Осиёдаги йирик давлатлар ва уларнинг Ўзбекистон билан миллий манфаатлари туташган нуқтани белгилаш масалаларини талабаларга чуқур ўргатиш ва комплекс илмий таҳлил қилиш имкониятларини яратишга қодирдир.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда шарқ мамлакатларига йўналтирилган куйидаги янги йўналишларда мутахассис-кадрларни тайёрлаш масаласини Қарорда белгиланиши айтиш мумкин, жумладан:

- Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (шарқ минтақалари ва фаолият турлари бўйича)
- Туризм (шарқ ва ғарб тиллари билан фаолият йўналишлари бўйича)
- Журналистика (шарқ ва ғарб тиллари билан халқаро журналистика)

Шу билан бирга, университет таркибидаги иккала илмий-тадқиқот марказлари қошида Қарордаги вазифаларни тўлақонли ва мақсадли ижро этиш йўлида бир қатор ўқув-тажриба лабораториялари ва йўналишларини ташкил этиш кўзланган натижаларга эришишга олиб келган бўлар эди. Жумладан:

Филология йўналишида:

- Маҳмуд Замаҳшарий илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш йўналиши;
- Шарқ тилшунослиги, тилларни типологик ўрганиш лабораторияси;
- Шарқ тилларининг экспериментал фонетикаси лабораторияси;
- Маданиятлараро мулоқот лабораторияси;
- Синхрон таржима амалиёти лабораторияси;

Тарихшунослик ва фалсафа йўналишида:

- Буюк ипак йўли мамлакатлари тарихи, маданияти ва фалсафасини ўрганиш илмий-тадқиқот йўналиши;
- Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари тарихи ва ижтимоий-сиёсий тараққиётида Ўзбекистоннинг ўрнини ўрганиш илмий-тадқиқот йўналиши;



- Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий фикр, умумий ривожланиш жараёнларини ўрганиш илмий-тадқиқот йўналиши.

- Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, маданий, тарихий, фалсафий атамашунослиги лабораторияси;

- Шарқ тиллари, эски ўзбек тилидаги қадимий даврлардан то XX асрнинг биринчи чорагигача ёзиб қолдирилган адабиёти, тарихий, географик, маданий, илмий ёдгорликлар, сарой ва девон ёзишмачилик ҳужжатлари каби манбаларни ўрганиш, таржима ва чоп этиш лабораторияси;

Иқтисодиёт, мумтоз филология, таржимашунослик йўналишларига оид махсус курслар ҳақидаги таклифлар юқорида берилди.

* * *

Маълумки, қадимий Шарқ қўлёзмалари ва шарқ тилларидаги тарихий ҳужжатларни сақлаш, тизимлаштириш, Ўзбекистонда сақланаётган ноёб қўлёзмаларнинг электрон базасини яратиш ва юритиш, ёзма ёдгорликларни чуқур тизимли ўрганиш ва ўргатиш, уларнинг илмий, тугал тавсифларини амалга ошириш, илмий шарҳланган таржималарни тайёрлаш каби вазифаларни бажара оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, жумладан, манбашунослик ҳамда матншунослик бўйича кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш ҳақиқатан ҳам кечиктириб бўлмас ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ўтмиш аждодларимиздан қолган улкан маданий-илмий мероснинг оламшумул аҳамияти, уни ўрганиш масалаларини ўртага қўйиш билан бирга, мамлакатимизда шарқшунослик илмини кадрлар тизимини тайёрлаш масаласини янги сифат босқичига олиб чиқиш йўлидаги улкан ташаббус бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 Қарорида ТДШИ ҳамда Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий жамоаси ва институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари фаолиятини уйғунлаштириш, илм-фан ва таълим интеграциясини кучайтириш, қўлёзмаларни чуқур ўрганиб халқимизнинг буюк меросини жаҳонга танитадиган ёш тадқиқотчилар, манбашуносларни тарбиялаш энг долзарб вазифа сифатида белгиланди. Шу муносабат билан янги университетнинг илмий-тадқиқот ишларига қобилиятли, илмий салоҳиятли ёшларни жалб этишни рағбатлантирувчи моддий ва маънавий механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда самарали татбиқ этиш воситасида шарқшунос кадрларни ёшартириш муаммосини ҳал этишга етарлича саъй-ҳаракатлар йўналтирилаётганлигини ҳам зикр этиб ўтиш даркор. Аммо ноёб меросимизни кенг қамровли ўрганиш, тарғиб қилишда анча кечикдик.

Бунинг учун Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети ўз салоҳиятини тўлақонли намоён этиши, жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган



юзлаб мутафаккир боболаримиз қолдирган ноёб илмий меросни аниқ ва келишилган режалар асосида изчил ҳамкорликда тадқиқ этишлари, улар асосида талабаларимиз ва бугунги ҳаётимиз учун зарур хулосалар, амалий таклиф-тавсиялар беришлари керак бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институти ва Тошкент давлат шарқшунослик университети олимлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан ҳамкорликда қуйидаги йўналишларда кечиктириб бўлмайдиган тадқиқот ишларини амалга оширишнинг вақти келди:

- *Шарқ қўлёзмаларини илмий асосда тавсиф қилиш* йўналишида Академия шарқшунослик институтида сақланаётган ЮНЕСКО ташкилоти “Маданий мерос” рўйхатига киритилган 26000 жилддан зиёд қўлёзма хазиналари, 39000 дан ортиқ тошбосма китоблар, Шарқ тилларида ёзилган бир неча минг тарихий ҳужжатларнинг электрон каталоги ҳамда электрон нусхаларини яратишни жонлантириш, мазкур манбаларни режали тарзда етук олимлар, ёш мутахассислар ва магистрантлар томонидан илмий асосда тавсиф ва тадқиқ ишларини изчил кенгайтириш;

- *Шарқ тилларидаги манбаларни илмий изоҳли таржима қилиш ва аслиятда нашр этиш* йўналишида: Шарқдаги икки маданий юксалиш даврида яратилган тарихий ва илмий асарларни табдил ва изоҳли таржима шаклларида нашр қилишни жадаллаштириш, бу йўналишда магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлаш; маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган эпиграфик ёдгорликларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва нашр этиш;

- *Шарқ фалсафасини манбалар асосида ўрганиш* йўналишида: Шарқ фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган Фаробий, Киндий, Розий, Хоразмий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Насриддин Тусий, Тафтазоний, Бедил ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг асарларининг табдил, тавсиф ва таржима қилиш ишларини охирига етказиш бўйича чораларни кўриш;

- *Шарқ мумтоз адабиёти ёдгорликларини тадқиқ ва нашр этиш* йўналишида: қўлёзма ва тошбосмалар асосида ўзбек ва форс тилида ёзилган XV-XVIII асрлар тазкиралари, девонлари; турли даврларда ёзилган араб тилидаги насрий ва назмий асарларни тадқиқ ва таржима қилиш; бу фаолиятда ҳам бакалаврлик ва магистрлик, докторлик диссертациялари ишлари тайёрлаш ишларини қайта кўриб чиқиш ва тизимли жадаллаштириш;

- Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихини ўрганиш йўналишида олимлар томонидан олиб борилган фаолиятни янада кенгайтирган ҳолда ҳали илмий муомалага киритилмаган илмий асарларни тадқиқ ва нашр этиш орқали тарихшунослик бўйича ҳам китоблар, ўқув қўлланмалар яратиш; маданият тарихининг хаттотлик, китобот иши, саҳҳофлик ва китобларни безаш, палеография масалалари каби жабҳаларда изланишларни аниқ режалар асосида олиб бориш;

- Тарихий ҳужжатлар тадқиқи йўналишида қўлёзмалар фондида сақланаётган 5000 га яқин тарихий ҳужжатларни илмий тадқиқ этишни кескин кенгайтириш чораларини кўриш, Марказий Осиё сиёсий-ижтимоий тарихини объектив ёритиш масаласи муҳим бўлиши билан бир қаторда, мазкур йўналишда архившунослик,



хужжатшунослик, дипломатика, кодикология, палеография йилномалар, эсдаликлар, ёзишмалар, таржимаи ҳоллар, ахлоқий-дидактик характердаги рисолалар бўйича ўқув қўлланмаларини махсус луғатларини яратишдир.

Шу ўринда муҳим бир муаммони тан олишга тўғри келади. Нафақат Ўзбекистонимизда, балки бутун Марказий Осиё мамлакатларига кирадиган: Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистонда кўп баҳсларга сабаб бўлаётган ва бу мамлакатлар тарихи ва маданиятига тегишли бўлган қадимдан то XX асрнинг биринчи чорагигача мансуб бўлган минглаб манбаларни ўрганиш ва нашр этиш масалалари ҳамон ўта қониқарсиздир. Албатта, бу масалада энг муҳим, шу даврларга тегишли қўлёзма, тошбосма асарларни ўрганиш ва муомалага киритишни удалай оладиган, мумтоз туркий (ўзбек), форс, араб ва инглиз тилларини мукамал биладиган, махсус тайёргарликка эга бўлган манбашунос, матншунос мутахассисларнинг тобора камёб бўлиб бораётганлиги масаланинг энг оғриқли нуктасидир.

Энг афсусланарлиси – бу ўта муҳим масалаларда юқорида зикр этилган шарқшунослик илмий марказларида расмийликдан ўта олмаётганликлари, бағрикенглик этишмаётганлиги туфайли ўзаро илмий-амалий ҳамкорлик ярим-ёрти бўлиб қолмоқда.

Иккимингинчи йилларнинг бошларида академик Бўрибой Аҳмедов томонидан бу масала жиддий қўйилганлигини эслайман. У киши ўз нутқида Марказий Осиёга тегишли манбаларни нафақат илмий муомалага киритиш, уларни ҳар тамонлама омалаштиришни нафақат илмий зарурат, балки халқларимизнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтиришнинг беназир омили ҳақида гапирган эдилар. Ва у киши қуйидаги мазмундаги йирик илмий лойиҳани ТошДШИ профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва аспирантлари билан биргаликда бажарилишини таклиф қилган эдилар. Булар қуйидагилар эди:

- IX аср ва XIII асрлар бошларида Марказий Осиё халқлари тарихига оид қўлёзма манбалари;
- XIII-XV асрларда Марказий Осиё халқлари тарихига оид қўлёзма манбалари;
- XVI-XVIII асрларда Марказий Осиё халқлари тарихига оид қўлёзма манбалари;
- XIX-XX асрларда Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти ва фалсафасига оид қўлёзма манбалари.

Шундан кейин бу олим ўзининг “Ўзбекистон халқлари тарихи масалалари” (Қадимги ва Ўрта асрлар) талабалар учун жуда муҳим бўлган қўлланма китобини ёзган эди. Бу китобда айнан олимнинг ўзи ўртага ташлаган жуда кўп масалаларни ёритиш ва ойдинлик киритишга дахлдор бўлган 100 дан ортиқ хитой, қадимги туркий, араб, форс, ҳинд, эски ўзбек тилига мансуб қўлёзма асарлар, уларнинг муаллифлари, нусхалари, энг муҳими, қисқароқ бўлсада бу манбаларнинг тарихий-маданий қиммати, мазмун моҳияти ҳақида чуқур ва қимматли илмий маълумот ва хулосалар беради, қўлёзма асарларнинг саҳифаларидан ўнлаб намуналар келтиради.



Афсуски, олимнинг бу бошлаган ташаббусини фанлар Академияси Беруний номидаги шарқшунослик институтида комплекс тарзда изчил давом эттирмаяпти.

Умуман мазкур институт раҳбарияти ва илмий ходимларида нима учун Б.Аҳмедов, У.Каримов, А.Ўринбоев, М.Баратов, М.Хайруллаев, А.Ирисов, К.Муниров, А.К.Арендс, С.Азимжонов, И.Булгаков каби буюк олимларимизнинг ноёб меросимизни ўрганиш, таржима қилиш ва чоп этиш борасидаги улкан, фундаментал, жаҳоний масшаббли илмий фаолиятларидаги фидойиликларининг давоми талаб даражасида кўринмаяпти.

Оламни билиш, инсоннинг кадр-қиммати, ахлоқ, санъат ва кадриятлар, ижтимоий бағрикенглик, анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги ворислик муносабатлари каби муаммолар билан боғлиқ масалалар шарқ илмида ўзига хос талқин этилиши кўпчиликка маълум. Қадим даврлардан бошлаб олам, унинг яратилиш сир-синоатлари ва унда инсоннинг тутган ўрни каби ўлмас мавзулар ҳам ватандош мутафаккирларимиз қарашларида ўзига хос шарқона ечим топиб келган. Ватанимиз ва жаҳоннинг кўп мамлакатлари кўлэзма фондларида сақланаётган, аммо тадқиқотга тортилмаган минглаб ноёб манбалар ҳам бунга гувоҳдир. Бу манбаларни ўрганишни орқага суришга ва Ватанимиз нуфузининг энг ноёб меросига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ!

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент давлат шарқшунослик университети, дарҳақиқат, ҳозирги кунда кўп тармоқли таълим ва фан муассасасига айланган соҳадир. Баъзан университетимизни “Шарқшунослик билимлари маскани” деб ҳам номлашади. Бу тўғри. Чунки, шарқшунослик ўта юқори даражадаги комплекс характерга эга бўлган фанлар жумласига киради. Қарийб ҳар бир шарқшуносни “бир оз энциклопедист” ҳам дейиш мумкин. Бу ҳол – соҳа объектининг ўзига хослиги билан изоҳланади, албатта.

Бу таълим масканининг университет мақомини олиши юқорида таъкидланганидек, Шарқ мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларимизни янада жадаллашуви, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида шарқшунос кадрларга бўлган талабни янада ошиб боришига, таълим жараёни кўламини кенгайтириш, уни амалиёт билан узвий боғлаш, пухта ўйланган янги йўналиш ва мутахассисликлар очиш, таълим тизимида ривожланган замонавий таълим тажрибаларини янада кенг, интенсив жорий этишга ва рейтинги юқори бўлган хорижий олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантиришга катта шароит яратади, замонавий шарқшунослик фанлари олдида турган долзарб назарий ва амалий масалаларни, Шарқ ва Ғарб илмий тафаккури, ўзаро муносабатлари, ҳамда шарқшуносликнинг бошқа соҳалари бўйича муаммо ва вазифаларини ечишга қодир, чуқур илмий-тадқиқот олиб бора оладиган, аналитик хулосалар берадиган **янги авлод** шарқшунос-мутахассислар етиштириш имкониятлари кескин кенгайишига самарали йўл очади.



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

САЙДАЗИМОВА УМИДА

филология фанлари доктори, ТДШУ

XVII – XVIII асрлар корейс насрида табиат тасвирининг ғоявий - эстетик вазифаси

Аннотация. Табиат – бу, энг аввало, уйғунлик тимсоли, турғун дунёдир. У инсон ва жамиятга қариши қўйилган, яъни тартибсизлик, ўзгарувчан ҳаётга қариши қўйилган собит дунёдир.

Ёзувчи табиатга мурожаат қилар экан, унинг асардаги тасвирини беришида табиатнинг инсонга таъсири, унинг поэтик тимсоли, у ҳақда шунчаки оний элаш, жонзотларни инсон фазилятлари билан тасвирлаш, қаҳрамон истиқомат қиладиган жой, унинг қадрдон уйи, Ватанини тасвирлашда ўсимлик ва пейзаж лавҳалари кабилардан фойдаланади.

Корейс халқи фольклорида табиатнинг мифологик кучи устунлик қилган, кичик бир пейзаж лавҳаси аниқ тасвирда берилган ва бу лавҳа ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатган, унинг дунёқараши, ҳатто, ҳаёт йўлини тубдан ўзгартириши олган. Инсон ва табиатнинг пайдо бўлиши, инсоннинг табиатга жонли муносабати предметлар қиёсида кузатилади. Корейс адабиётида табиат тасвирида анъанавий образлар: тоғ, қарагай, ой, йил фаслларидан фойдаланилади. Жумладан, қарагай ва тоғ ёлғизлик рамзи сифатида берилди. Шунингдек, вақтни тасвирлаш ҳам ўзига хос характерга эга. Рамзлар табиат ва инсон ўртасидаги бундай боғлиқликни кўрсатиб, уйғунликка асос бўлди.

XVII–XVIII асрлар корейс насрида ёзувчилар табиатни энг майда деталларигача тасвирлай бошлади. Табиат динамикасининг тасвири барқарорлашди, яъни асарларда пейзаж тавсифига кенг ўрин берилди. Баъзи ҳолларда пейзаж қаҳрамонлар кайфиятини акс эттириши билан бирга образлар характеридаги ўзига хослик ёки ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга ишора вазифасини ўтади.

Кўриб чиқилаётган давр адабиёти инсонни янгича тасвирлаш тамойиллари аввалгидан фарқли равишда табиатни энг майда деталларигача ҳисобга олишни тақозо этди. Баъзи ҳолларда пейзаж қаҳрамонлар кайфиятини акс эттирибгина қолмасдан, балки китобхонларга персонажларнинг характеридаги ўзига хосликлар ёки ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга ишора қиладиган бўлди. Натижада асардаги атроф-муҳит деталлаштирилди, уларнинг ифодасидаги муболага йўқолди.

Табиатни тасвирлашнинг бош тамойили бўлган «шартли гўзаллик» йўқолиб, табиат тасвири нисбатан моддийлашди. Шундай қилиб, образларни тавсифлаш ва тасвирлашда табиат манзараларидан кенг фойдаланиш инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш масаласини аниқ очиб берди.

Умуман, XVII – XVIII асрлар корейс насри таркибида келган табиат ҳодисаларининг тасвири маълум даражада қаҳрамонни ҳам, китобхонни ҳам кейинги воқеаларга тайёрлаш учун хизмат қилган.



XVII – XVIII асрлар корейс насри поэтикасида, хусусан, сюжет чизиги учун космологик гоъларнинг табиатга алоқадорлиги хос эканлиги, унинг пайдо бўлиши ва алоқиди ҳиссиётлар, қонунлар ишонарли тарзда тасвирланганини кузатиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: табиат, инсон, корейс насри, даоизм, буддавийлик, конфуцийчилик, ой, тоғ, ин, ян, чобок, космологик гоълар.

Аннотация. Палитра художественных средств усиливает художественные особенности конкретного произведения, основу которых составляет система изобразительно-выразительных средств, в которую входит и воспроизведение природы.

Писатель, обращаясь к природе, прибегает к различным формам ее присутствия в произведении: посредством мифологического представления ее сил и воздействия на человека, ее поэтического олицетворения, суждений о ней либо просто мимолетных упоминаний о ней, описаний животных, наделенных человеческими чертами, растений, пейзажных зарисовок при описании местности, где живет персонаж, его родного дома, его Родины.

В фольклоре корейского народа уже на самых ранних этапах существования литературы преобладали мифологизированные силы природы, скупые пейзажные зарисовки, которые не только олицетворялись, но и персонифицировались и активно участвовали в жизни человека, в корне изменяя его судьбу, жизнь, положение. Наблюдалась яркая образность, достигающаяся сравнением предметов и явлений природы с человеком, его обращением к ним, как к одушевленным.

В корейской литературе природа передается через такие многочисленные традиционные образы, как например, гора, сосна, луна, через описание времен года и времени суток. Сосна и гора являются природными феноменами, к которым обращается человек, испытывающий одиночество. Но эти феномены воспринимаются не как объекты, окружающие человека, а как сам объект, составляющий с ним единое целое. Такая размытость границ между человеком и природой означает гармоничное единство человека и мира.

В корейской прозе XVII – XVIII вв. писатели прибегают к передаче природы, ее явлений, но без глубоких, детальных их описаний. Фактически природа не играла той роли, которую обычно она выполняет в раскрытии эмоционального мира повествования. Здесь она передается скупыми констатирующими назывными фразами, хотя в целом определяет эмоциональный фон всего произведения.

Описание природы становится более приземленным и начинает постепенно утрачивать «ту красоту», которая составляла основу главного принципа восприятия природы – гиперболизма. Таким образом, здесь отчетливо прослеживается тенденция к индивидуализации трактовки природы как к конкретному постоянно действующему фактору, оказывающему воздействие на героев в их попытках понять окружающий мир и определить свое место в природе. В силу этого в представлениях героев четко очерчиваются пространственное деление мира и занимаемое в этом мире место героев произведения.

Таким образом, сюжетные линии корейской прозы XVII – XVIII вв. достаточно убедительно свидетельствуют о характерной для нее космологической идее сопричастности к природе, особому видению ее явлений и законов.

Опорные слова и выражения: природа, человек, корейская проза, даоизм, буддизм, конфуцианство, луна, гора, ин, ян, чобок, космологические идеи.





Abstract. Fiction as a type of arts possesses with its distinguishing features. The palette of the descriptive-expressive resources include the depiction processes of the nature. The author, referring to the nature, deals with the various forms of its presence in the literary work through the mythological presentation of its power and influence on the human-being, its poetic embodiment, description of animals, which have the human-beings related features, plants, as well as the landscape descriptions in the process of depicting of the local neighborhoods.

At its early stages, the folklore of the Korean people possessed with the mythological power of nature, including poor landscape descriptions, which were personalized and actively lived in the lives of human-beings. The description of nature become more acceptable, losing that "beauty", which was seen as main composition principle of description of the nature such as hyperbolism. So, it is clearly seen a tendency to the individualization of the tractate about the nature, which influences on the heroes in their trials to comprehend properly the surrounding world, and define their own places in the natural circle.

The Korean literature transfers the nature through the traditional images, such as the mountain, the pine tree, moon, and through the depiction of the seasons of the year and the time of the days. The pine tree and mountain are seen as the natural phenomenon, which feel the loneliness. These phenomenon are the subjects of the environment, which create the whole unity with the surrounding world of the human-beings. Such unclearness of the lines between the human-being and nature are the harmonious unity of a human-being and a world. Usually the depiction of the mountain, water, moon and etc. where the action takes its place. Due to the Dao's visions it prevails the benevolent peacefulness, averting from nature from the routine life, in order to get the harmony with the nature.

In the whole it is to acknowledge that the Korean prose of XVII – XVIII centuries, the authors come to the depiction of nature, without the deep details of descriptions. Factually, the nature did not play that role, which was related with the revealing process of the emotional world of story-telling. Here, it is being transferred as the "calling" phrases, it generally demonstrates the emotional background of the literary work.

So, the gist based features of the Korean prose of XVII – XVIII centuries very clearly proves about the cosmologic idea of relation to the nature, including a special vision of nature and laws.

Keywords and expressions: nature, human, korean prose, daoism, buddhism, confucianism, moon, mountain, in, yan, chobok, cosmologic ideas.

Кириш. Ҳар қандай ижодкор ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишда мақсад қилинган бадийий ғояни ифода этишда турли поэтик воситаларни қўллайди. Айниқса, шарқ адабиётида адиблар табиат унсурларидан поэтик восита сифатида унумли фойдаланади. Рус олими шу жиҳатга эътиборини қаратиб ёзади: «Шарқда санъаткор табиатга тақалиб кетган уйғунликни аниқлаб, табиатда иштирок этади. Бунда унинг ўзи ҳам шу уйғунликнинг ажралмас бир қисми сифатида намоён бўлади»¹.

Табиат – бу, энг аввало, уйғунлик тимсоли, турғун дунёдир. У инсон ва жамиятга қарши қўйилган, яъни тартибсизлик, ўзгарувчан ҳаётга қарши қўйилган собит дунёдир.

Мақсад ва вазифалар. XVII–XVIII асрлар корейс насрига хос «шартли гўзаллик» ўрнига моддийлашган табиат тасвирининг кириб келиши, образ-

¹ Aleksandr Genis. Qalb fotografiyasi. «Jahon adiblari adabiyoti haqida» (Ozod Sharafiddinov tarjimalari). – T.: «Ma'naviyat», 2010. (In Uzbek). Aleksandr Genis.



ларни тавсифлаш ва тасвирлашда табиат манзараларидан кенг фойдаланиш воситаларини ёритиб беришдан иборат.

Усуллар: Мақолани ёритишда бадиий асарни комплекс таҳлил қилиш, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

А.К. Жолковский ва Ю.К. Щегловлар ёзганларидек, «бадиий ижод инструментлари, поэтик тили, сюжети, анъанавий формулаларининг ўзига хос фарқли хусусиятлари билан таснифланадиган бадиий адабиёт, унинг предмети ангиши ва тасаввур қилиши санъат тури каби шартланган»¹.

Ёзувчи табиатга мурожаат қилар экан, унинг асардаги тасвирини беришда табиатнинг инсонга таъсири, унинг поэтик тимсоли, у ҳақда шунчаки оний эшлаш, жонзотларни инсон фазилатлари билан тасвирлаш, қаҳрамон истиқомат қиладиган жой, унинг кадрдон уйи, Ватанини тасвирлашда ўсимлик ва пейзаж лавҳалари кабилардан фойдаланади.

Инсоният учун табиатга мурожаат катта аҳамиятга молик ва азалдан чуқур илдизларга эга. А.Н. Афанасьев фикрича, «табиатга хайрихоҳлик мушоҳадаси» «тил пайдо бўлиши», яъни архаик мифлар давридан² инсон билан бирга яшаб келади.

Жумладан, корейс халқи фольклорида илк даврдаёқ табиатнинг мифологик кучи устунлик қилган, кичик бир пейзаж лавҳаси аниқ тасвирда берилган ва бу лавҳа ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатган, унинг дунёқараши, ҳатто, ҳаёт йўлини тубдан ўзгартирган. Инсон ва табиатнинг пайдо бўлиши, инсоннинг табиатга жонли муносабати предметлар қиёсида кузатилади.

Минг йиллар давомида инсоннинг салбий ва ижобий хислатларининг жонзотлар образи орқали тасвирланиши анъанавий бўлган. Умуман олганда, «бадиий адабиётда уч тугишган – жамодат, наботот ва жонзот орасидаги боғлиқликни ифодалаган образлар сероб»³. Бу маънода XVIII асрга тааллуқли «Тустовуқ воқеаси» қиссасидаги аллегорик образларни мисол сифатида тилга олиш мумкин.

«– Ўтган тун мен ҳам туш кўрдим. Сарик патли турнага миниб, осмон-у фалакка парвоз қилибман ва Ким сан – Яшма императорининг ҳолидан хабар олгани борибман. Жасоратим учун Яшма императори менга «Ўрмон ва тоғларга дам олгани кетган» унвонини берибди ва ўз омборидан бир катта қонда дон ҳадя қилибди. Мана бу дон бизга бекорга учрагани йўқ. Бемалол қорнимизни тўйдирсак бўлади!»

«– Ҳа, сиз чиндан ҳам яхши туш кўрибсиз, – дебди хотини. – Лекин мен жуда ёмон туш кўрдим. Мозор жойлашган тоғ томондан кучли ёмғир бостириб келганмиш. Кўм-кўк осмонга икки камалак кўтарилиб, бирдан, худди

¹ Xalizeev V.E. Teoriya literaturi. – M.: Visshayz shkola, 2005. С. 58. (In Russian).

² Afanasev A.N. Poeticheskie vozzreniya slavyan na prirodu. V 3-x t. – M., 1994. T.1. С.8. [Afanasev A.N. The re-creation of the poetic nature of the Slavic peoples. 3- t. – M., 1994. T.1. P.8.] (In Russian).

³ Rasulov A. Badiylik-bezavol yangilik. – T., 2007. B.129. [Rasulov A. Fiction is an uncomfortable novelty. – T., 2007. P.129.] (In Uzbek).



қиличдек, бошингизни кесиб ташлаганмиши. Жуда ёмон туш! У сизнинг ўлимингиздан дарак беради. Яна бир марта ёлвораман, бу донга тегманг!»¹.

Асарда икки тустовуқ мисолида табиийликни қабул қилиш ва унга қарши чиқишнинг салбий оқибати очиб берилади. Яъни, нар тустовуқ эркин ҳаётдан воз кечиб, табиат қонунларига қарши равишда амал пиллапоёларида кўтарилиш ташвишида ўзи учун бегона бўлган инсонлар оламига киради ва унинг салбий хислатларини қабул қилиш оқибатида ҳалокатга учрайди. Мода тустовуқ эса, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳолда оламдан ўтган эрига нисбатан садоқатини сақлайди ва қайта турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечиради. Мода тустовуқнинг табиат қўйнига, яшил тоғлар бағрига кетиши унга рухий хотиржамлик бағишлайди, даосизм таълимоти эса табиийлик тарафдори, шу боис, мода тустовуқ тўғри йўлда, нар тустовуқ адашган образ сифатида талқин қилинади.

XVII–XVIII асрларда корейс насрида ёлғизлик, кичик бир пейзаж лавҳаларини акс эттириш анъанавийлик касб этади, аммо шу билан бирга ўз она ватанининг табиатига қизиқувчанлик ҳам кузатилади. Чунки корейс насрида кўпинча инсон кайфияти табиат манзараси орқали тасвирланади. Пейзаж – табиат тасвири воқеа-ҳодисалар билан уйғунлашиб, бадий асарнинг инсон қалбига таъсирини кучайтиради.

XVII–XVIII асрларда корейс насрида ёзувчилар табиатни энг майда деталларигача тасвирлай бошлади. Табиат динамикасининг тасвири барқарорлашди, яъни асарларда пейзаж тавсифига кенг ўрин берилди. Баъзи ҳолларда пейзаж қаҳрамонлар кайфиятини акс эттириш билан бирга образлар характеридаги ўзига хослик ёки ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга ишора қиладиган бўлди. Натижада асардаги атроф-муҳит деталлаштирилди, уларнинг ифодасидаги муболаға йўқолди. Табиат тасвири инсон қалбининг ҳар қандай ҳолатига хайрихоҳликда тасвирланди, унинг маълум ҳолатига сабаб бўладиган такрорланмас пейзажларда акс этди. Корейс адабларининг айрим асарларида табиат тасвирига кўпроқ эътибор қаратилади. Айрим ҳолларда табиатнинг кичик бир тасвири ҳам инсон оламининг мустаҳкам яхлитлигини акс эттиришга хизмат қилади.

Корейс адабиётида даосизм таълимотида суянган ҳолда, табиатга мурожаат қилиш тарғиб қилинади. Бунда *ин* билан *ян* назариясига кўра, ишқ-муҳаббат мавзуси баҳорий уйғониш билан боғланади. Жумладан, «*Чхунхян ҳақида қисса*» ҳам табиат тасвири билан бошланади.

«*Мажнунтоллар гуллайдиган фасл – баҳор келибди. Бутун тириклик, ҳатто майсалар ва дарахтлар ҳам қуёшнинг ҳаётбахш нурларидан баҳра олибди. Борлиқ тўртта неваралик бўлибди – мана шундай бир палла экан!*»².

¹Changkichon Chakchamisang .–Soul. Ritipuksi. 2016. 14. P. (In Korean).

² Klassik koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchilar: Saydazimova U.T., Choy SoYong, Xvan L.B., Kim V.N. va boshq. – Toshkent: Istiqol, 2013. B.373. [A classic Korean prose anthology]. Saydazimova U.T., Choy SoYong, Xvan L.B., Kim V.N. – Tashkent: Istiqol, 2013.P.373. (In Uzbek).



Асарда қаҳрамоннинг исми «баҳорий ифор» маъносини англатади ва қисса муҳаббат мавзусида экани яққол кўзга ташланади. Қиссада икки ёшнинг учрашуви, улар ўртасида муҳаббатнинг бошланиши табиатнинг баҳорий уйғониши орқали берилади. Бу ерда икки ошиқ образи баҳорий ишқ шиддатида жуфт-жуфт бўлиб учаётган қалдирғочларга қиёсланади[3;21-с].

XVII–XVIII асрларда яратилган деярли барча асарлар сюжетида табиатнинг уйғониши, баҳор манзараси, баҳорий кайфиятни тасвирлаш кўп учрайди. «Чхунхян ҳақида қисса»даги бош қаҳрамоннинг табиат кўйнидаги ҳолат тасвири бунга мисол бўла олади.

Жумладан, «қирғоқ бўйлаб гуллар кулгуси», «шафтоли, пиёнгул, долчин ва сандалларнинг сархуш манзараси», «ҳаммаси оппоқ, қип-қизил ва бу серҳашам чечаклар ўртасида тўтиқуш ва товус ўйнамоқда» каби тасвир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Асардан келтирилган ушбу мисолларда табиатнинг реал таъсири бўлиб, ундан инсон ҳақиқатан ҳам баҳра олади, у билан уйғунлашади, натижада ўзини сокин ва хотиржам ҳис қилади.

Ёзувчи табиатга мурожаат қилар экан, «Чуқур илдизга эга дарахт синиши мумкинми?» деб хитоб қилади. Бу ерда «чуқур илдизга эга дарахт» тушунчасида она Ватан тушунчаси ифоданган бўлиб, илдизнинг чуқурлиги унинг узоқ тарихи ва куч-қудратига, уни ҳеч қандай ғаним синдира олмаслигига, енга олмаслигига ишора қилинади. Хусусан, Кёронсан тоғи шимолни ҳам, ғарбни ҳам ўз панасига олган, жанубий Чирисан тоғи «Улугвор осмонга кўтарилади, Ёчхон дарёси эса узун тасма каби уни ортда қолдиради», тарзида тавсифланади.

Асарда юксак тоғлар, дарёлар қафтдек кўриниб туриши тасвирланган. Юқорида келтирилган мисолда тоғлар шимол ва ғарбдан мамлакатни ҳимоя қилувчи рамз сифатида берилган.

Шунингдек, муаллиф Чхунхяннинг гўзаллигини ҳам табиат билан қиёслаб тасвирлайди:

«Унинг гўзал чехраси билан фақат баҳор гўзаллиги беллаша олар экан. Камон қошлари тоғ чўққиларини, оқ тишлари ва ақиқ лаблари эса тунда очилган шафтоли гулини эслатар экан. Қора булутларни эслатадиган сочларини у тароқ билан ярим ой шаклида ўриб, тасмалар билан боғлаб олган экан»¹.

Асарнинг поэтик хусусиятида ёзувчининг табиатга мурожаати устунлик қилади:

Жануб тоғлари этагида гуллар очилар,

Шимолий тоғлар қизарар.

Шохлар орасида, теракда,

Ўн минглаб ингичка иплар осилиб турар.

Бу сатрларда адиб китобхон шуурига муҳрланадиган «Ватан» тушунчасини табиат орқали тасвирлайди. Муаллиф она ватан табиатининг нафис

¹ Klassik koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchilar: Saydazimova U.T., Choy SoYong, Xvan L.B., Kim V.N. va boshq. – Toshkent.: Istiqlol, 2013. B.374. [A classic Korean prose anthology]. Saydazimova U.T., Choy SoYong, Xvan L.B., Kim V.N. – Tashkent.: Istiqlol, 2013.P.373/(In Uzbek).



манзараси тасвирига яна қуйидагича қўшимча қилади: «...оч яшил ўртуклар (қоплама) билан ёпинган дарёлар бўйидаги мажнунтоллар, тўқ яшил парда билан ўралган дарёнинг у қирғоғидаги мажнунтоллар, бирин-кетин осилиб турган шохлар, қуюқ соялар ва хушбўй майсалар...»¹.

Муаллиф Чхунхяннинг қадрдон уйи тасвирида миллий қадриятларга муурожаат қилади:

«Худди қадимги аждарҳо қимирлаётгани каби енгил шабадада тебрана-ётган қарағай; деразанинг олдида барглари осилган – орхидея, опунция, бананлар, сувда чайқалаётган нилуфар гул, нефрит мунчоқлар билан қопланган шабнам, ҳовуздаги олтин балиқчалар, уй зинаси олдидаги турна...»².

Қадрдон уйнинг бундай ёрқин образли ва соф лирик тасвири уй ва табиат уйғунлашувининг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Корейс адабиётида табиат тасвирида анъанавий образлар: тоғ, қарағай, ой, йил фаслларида фойдаланилади. Жумладан, қарағай ва тоғ ёлғизлик рамзи сифатида берилди. Шунингдек, вақтни тасвирлаш ҳам ўзига хос характерга эга. Рамзлар табиат ва инсон ўртасидаги бундай боғлиқликни кўрсатиб, уйғунликка асос солади. Айнан, мана шундай рамзларда табиатнинг адабиётдаги етакчи роли кўзга ташланади. Одатда, тоғ, сув, ой каби образлар дунё манзарасини деталлаштиради. Боз устига, ташвишли ҳаётда инсон ўзига табиатдан хотиржамлик излайди ва айнан мана шу даосизм таълимотига кўра инсон билан табиатнинг уйғунлашуви ҳисобланади.

«Сим Чхон ҳақида қисса»ни корейс адабиётининг «аёллар» адабиёти тоифасига киритиш мумкин, чунки у ўз руҳига кўра «Чхунхян ҳақида қисса»га ва аёл фазилятларини мадҳ этишга бағишланган бошқа асарларга яқин туради. Сим Чхон образи оддий халқ орасидан танланган ўнлаб ижобий қахрамонлар билан барчага яхши маълум бўлган корейс фольклор адабиётидан олинганлиги боис, мазкур қиссада қахрамон қиз юксак маънавий-ахлоқий фазилятлар, эртак қахрамонларига хос гўзал ахлоқий хусусиятларга эга қилиб тасвирланади. Шу билан бирга қиссада табиат тасвирига ҳам кенг ўрин берилди. Жумладан:

«Бирдан қаердандир беи рангли булут пайдо бўлди, саройда мусиқа баланд овозда янграй бошлади ва булутдан ўнг қўлида қизил долчин гулини, чап қўлида эса – ложувард рангли шафтоли гулини ушлаган Юйчжэн тантанали равишда тушиб кела бошлади. Уни кўк ва оқ турналар ҳамда унинг пайдо бўлиши жарчилари – рақс тушаётган товуслар кузатиб келишарди»³.

Сим Чхон тушиб қолган муҳит моҳиятига кўра халқ эртакларидаги макон ва замонни эслатади. Айни дамда асарнинг поэтик қийматини оширади.

«...Само ва ер порлоқ нурга тўлган, оромбахш шуъладан кўнгиллар яйрарди, шу топда рангоранг товланган булутлар қўйнида қизнинг ёнига

¹ Chunxyangchone pimil solsongkyong. –Soul texakkyochulpanpu. 2001. 29. P. (In Korean).

² Chunxyangchone pimil solsongkyong. – Soul. texakkyochulpanpu. 2001. 40.P. (In Korean).

³ Kuinxvan yokim Shimchongchon xingpuchon. –Soul. Shinmunxvasa, 2004. 76.P. (In Korean).



осмону-фалакдан турнага минган гўзал пари тушиб кела бошлади: унинг бошида жонли гуллардан ясалган тож-чамбар, бутун вужуди ҳарир туман бағридан ерга тушаётган қуёш нурлари рангини эслатувчи либосга бурканган, елкаларида муסיқий жаранг таратиб турган рангоранг марварид маржон, қўлларида эса долчин дарахтининг новдаси бор эди»¹.

Бу сув ҳукмдорининг Сим Чхонга кўрсатган шарофати бўлиб, париларнинг ташрифи қизнинг оламдан ўтган онаси билан учрашувига ишорадир. Бу ерда Сим Чхон онаси билан учрашади, умри бино бўлиб киймаган чиройли либосларни кияди, мазали таомларни тотиб кўради. Аммо буларнинг биттаси ҳам қизнинг кўнглиги таскинлик бермайди. Чунки унинг хаёлидан кўр отасининг аянчли аҳволи кетмас эди.

Бош образ табиати асарда ўзининг ёрқин ифодасини топган. У жуда ҳам ғамхўр, отасига жуда содиқ, вафодор ва инсон ҳаётидаги энг кўрқинчли нарса – кўзи ожиз отасининг ёруғ дунёни кўриши учун ҳаётдан кўз юмишга ҳам тайёр. Ҳатто у ўн олтинчи баҳор келганда, ҳатто у кунни кўрмасдан ҳаётдан кўз юмиши кераклиги, кўзи ожиз отаси билан бир умрга видолашиши лозимлигини ўйлаб ҳам ташвиш чекади.

Муаллиф адабий қаҳрамоннинг портретини чизишда табиат гўзалликларидан моҳирона фойдаланади. Жумладан:

«Нақадар гўзал! Кўзлари тонг саҳар олди осмонда порловчи тонг юлдузини эслатади; қошлари худди янги чиққан ҳилол мисоли; ёноқлари нилуфар гули сингари ёниб туради, лаблари гилос, тишлари инжу каби»².

Сим Чхон муаллиф тасвирлаганидек исми жисмига монанд юксак фазилатли, меҳнаткаш, фидокор, аммо тақдири азал ҳукмини табиий қабул қиладиган шахсдир. Қиссада адабий қаҳрамонни тасвирлашда *тонг юлдузи, ҳилол, нилуфар гули, гилос, инжу* каби ўхшатишлардан фойдаланиш адибнинг кенг тафаккури ҳамда поэтик маҳоратидан дарак беради.

Тарихдан маълумки, Корея ўз бошидан кўп босқинчиликларни кечирган. Айниқса, манжурлар уруши давлатни пароканда қилган, халқ ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборган. Айнан мана шу давр муаммоларини ўзида акс эттирган қиссалардан бири «Пакси ҳақида қисса» асаридир. Унда сюжет асосини мамлакатда, Пакси ва унинг атрофини қуршаган инсонлар ҳаётида рўй берган қатор воқеалар занжири ташкил этади. Адабий қаҳрамоннинг барча фаолияти эса табиат билан уйғунликда тасвирланади.

Жумладан, корейс анъаналарига кўра, юқори лавозимларнинг махсус кийими бўлиб, Сан Чон айнан шу кийимда мажлисга бориши керак бўлади. Ҳатто машҳур тикувчилар тайёрлаб бера олмайдиган «чобок»ни қисқа муддатда Пакси тайёрлаб беради ва ҳаммани хайратда қолдиради. У бир кечада ҳеч қандай нуқсонсиз тикилган чобокнинг олд қисмига каштада қакнус қуши, орт қисмига эса турна қушининг нақшини тиккан эди. Бир

¹ Kuinxvan yokim Shimchongchon xingpuchon. –Soul. Shinmunxvasa, 2004. 77.P. (In Korean).

² Kuinxvan yokim Shimchongchon xingpuchon. –Soul. Shinmunxvasa, 2004. 31.P. (In Korean).



кечада кашталар билан безалган либоснинг тикилиши ўз-ўзидан Паксининг иқтидорини намоён этган эди. Қайнотаси Сан Чон буни самонинг инъоми деб баҳолайди ва ташқи қиёфаси хунук бўлса-да, қалби жуда гўзаллигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Сан Чоннинг устида чиройли *чобокни* кўрган қирол буни ноёб истеъдод эгаси бажарганлигини тезда англаб етади ва шу инсонга оила аъзоларининг муносабати билан қизиқади. Қирол либос учун каштада тикилган нақшларнинг мазмунини ўзи тушунтириб беради: қакнус қуши аёлнинг оиласи бўлса-да, ёлғизликда яшашини, қор билан қопланган тоғ ва далалар фониди тасвирланган турна эса оч-наҳор ҳаётни англади. У Сан Чонга келини ноёб иқтидор эгаси эканлиги ва уни асраш кераклиги ҳақида гапиради.

Асардаги яна бир эпизодда Пакси давлатнинг тўрт томонига дарахт экишни ва бу келажакда мамлакатни душман истилосидан ҳимоя қилишда тўсиқ вазифасини бажаришини башорат қилади ва ҳақиқатан ҳам экилган дарахтлар уч йил давомида барқ уриб ўсади. Ёзувчи дарахтларни аждарҳо боши, йўлбарс думи, шохлари ва барглари – илон ва бошқа ҳайвонларга ўхшаб ўсган, деб таърифлайди. Бу рамзлар эса Кореяда куч-қудрат, душманни енгиш қуроли сифатида тушунилади.

«Бу вақтга келиб Пакси хизматкорга орқа ҳовлининг чор атрофига дарахтлар ўтқазини буюрди. Дарахт ўтқазини ўзига хос услубга эга эди. Шарқда – кўк, жануб томонга – қизил, ғарб томонга – оқ, шимол томонга – қора ҳамда ўртага сариқ тунроқ сочилган эди. Ҳар бир дарахт таги қўмланиб, ўз вақтида сугориларди. Орадан кунлар ўтди. Кунларнинг бирида дарахтлар барқ уриб ўсди. Улар худди ўрмон дарахтларини эслатарди. Бу дарахтлар оддий дарахтга ўхшамасди. Тўрт томонга қараб ўсаётган дарахтларнинг боши аждарҳога, пастки қисми йўлбарс думига ўхшарди. Шох ва барглари илон ва бошқа жониворларни эслатарди. Рўпарада қуюқ туманли булут турарди...»¹.

Кутилмаганда мамлакатга шарқдан душман армияси Чанганга хужум қилади. Бу ерда Пакси маслаҳати билан экилган дарахтлар катта ҳимоя вазифасини бажаради, яъни дарахтлар совут кийган жангчи аскарларга, шох ва барглари – ўткир қилич ва қалқонга айланади. Шу тарзда Пакси дарахтлар ёрдамида Ватанидан душманни қувиб чиқаришга муваффақ бўлади.

«Душман ёш дарахтлар олдига яқинлашиб кела бошлади. Аммо кутилмаганда кучли шамол туриб, атрофни қуюқ туман қоплади. Ёш ниҳоллар бирдан паҳлавон ва кучли лашкарларга айланди. Ёш атрофни шовқин-сурон тутиб кетди. Аждарҳолар, йўлбарслар, қора қушлар, оқ илонлар худди осмондан ёғилаётганга ўхшарди. Бирдан совут кийган ҳарбий пайдо бўлди ва душманга қарши олға, дея буйруқ берди»²[9;48-6].

¹Pakshijon Chakchamisang. –Soul. Yupeipo, 2016. 47. P. (In Korean).

² Ўша манба –Б.48.



Қиссадаги дарахтларнинг бундай жонлантирилиши ҳамиша эзгуликнинг ёвузликка қарши курашини ўзида рамзан мужассамлаштиради.

«Пакси ҳақидаги қисса» асаридаги бош образ орқали шахс концепциясининг ўзига хос жиҳатлари: ўрта аср корейс насрида шахс концепцияси масаласи, яъни мустаҳкам ирода, аниқ фикрлаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хусусиятлар тасвирланади. Бунда корейс халқ оғзаки ижоди, хусусан, эртақ жанрига хос элементларнинг устунлик қилиши ҳам кўзга ташланади. Номаълум муаллиф Паксининг турли кечинмалари, унинг руҳий озодлиги ва мамлакат осойишталиги учун интилишларини бир қанча воқеа-ҳодисаларнинг мураккаб уйғунлигида акс эттиради.

Юқорида кўриб ўтилган «*Чхунхян ҳақида қисса*», «*Сим Чхон ҳақида қисса*», «*Пакси ҳақида қисса*»ларда аёллар миллий қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Мазкур қиссаларда асосий эътибор аёлларни уйда конфуцийчилик ақидаларига мувофиқ тарбиялаш натижасини кўрсатишга қаратилган. Пировардида адабиёт аёл хулқ-атвори ва унинг турмуш тарзи ҳақидаги конфуцийчилик тасаввурлари меъёрлари билан мос келадиган идеал аёл образини яратади.

«*Хинбу ҳақидаги қисса*» асарида бош қаҳрамонлардан бири Хинбу образи тасвиридаги иероглифлар ўқувчи табиатни бадий қабул қилишини таъминлайди, шунингдек, бу иероглифлар Хинбуга бахт йўлини кўрсатувчи рамз сифатида ҳам маъно ташийди:

«Хинбу бир вақтлар ўзи ёд олган бир нечта иероглифни эслабди ва баҳор байрами шаънига уларни гаоляндан қурилган кулбасининг деворига ёзибди.

Ниҳоят, учинчи ойнинг учинчи кунини ҳам келибди. Сяосан гозларининг галалари учиб кетаётди «Яхши қолинлар!», дея хайрлашибди. Шу заҳоти Цзяннандан учиб келган қалдирғочлар «Биз келдик!», деб чуғурлашибди. Қушлар Хинбунини кўриб қувонч билан сайраб кетишибди: афтидан, кулба деворидаги иероглифлар уларга ёққан бўлса керак»¹.

Асарда баҳорий ёрқин чизгилар, адолатли инсонлар уйига учиб келадиган оқ тўш дала қалдирғочи *фазан* иероглифи билан ифодаланган. Баҳор фаслида қоронғулик ва ёруғликнинг ўзгача туташишини кўрган Хинбу ундан таъсирланиб, инсон ҳам табиат билан уйғунлашиши натижасида бахтли бўлиши мумкин, деган фикрга келади.

Қиссанинг эртақларга хос ниҳояси китобхонни ҳеч қандай фожеа рўй бермагани, барча ижтимоий зиддиятлар ўз ечимини топгани, шу билан бирга қаҳрамоннинг барча ғам-ташвишлардан халос бўлганига ишонтиради. Эстетик характерга эга бўлган фожеанинг олди олиниши ҳам шунда кўринади. Бу ерда қаҳрамоннинг изтироблари инсоннинг ўз ҳаётида камолот сари муҳим қадами, мунтазам равишда алмашилиб турувчи тартибсизлик ва уйғунлик, табиат ва жамият тараққиётидаги зарур жараён сифатида кўрсатилган.

¹ Klassik koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchilar: Saydazimova U.T., Choy SoYong, Xvan L.B., Kim V.N. va boshq. – Toshkent.: Istiqlol, 2013. B.313-314. [A classic Korean prose anthology]. Saydazimova U.T., Choy SoYong, Xvan L.B., Kim V.N. – Tashkent.: Istiqlol, 2013.P.313-314. (In Uzbek).



Адабиётшунос олим А.Ф.Троцевич кўрсатиб ўтганидек, «*Инсон ҳаёти ҳам ана шу чархпалак билан уйғунлашиб кетган. Аммо, ҳаётдаги узлуксиз ҳаракат ва алмашишиларнинг мароми инсон билан алоқадор эмаслиги ҳақидаги тушунчага бориш мумкин эмас. Аксинча, фазонинг ҳолати ҳам инсонларнинг хатти-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ*»¹.

Қиссадан «инсон қандай йўл тутиши керак?» деган саволга жавоб топиш мумкин: бу йўл қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидир. Ака-укалар орасидаги муносабат ҳақидаги Конфуций таълимотига асосланган қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилмайди, сабр-қаноатли йигитнинг бахтли ҳаётга бўлган умиди сўнмайди. Хинбунинг чеккан азоб-уқубат, изтироблари мукофотсиз қолмайди: у қутқарган қалдирғоч ажойиб қовоқ уруғини ташлаб кетади ва шу туфайли Хинбу бойиб кетади.

« – Менга қаранг, бу уруғ эмасми?

*Худди шу тахмин Хинбунинг хаёлига келибди. Диққат билан тикилиб, у уруғнинг қоқ ўртасида уч иероглифдан иборат ёзувни ўқибди: «Қовоқ – яхшилик учун мукофот»*².

Асарда Хинбу образида кўниқувчан, итоаткор, қисматга кўниб бошга тушганни кўз кўради қабилида яшовчи инсон кўзга ташланади. Хинбуга ҳаётнинг тўғри йўлини кўрсатувчи рамзий маъноли иероглифлар уни юксак идрокли бўлишига чақириш вазифасини бажарган. Табиат тасвирини ўзида акс эттирувчи бу иероглифлар даосизм таълимотига кўра, инсон ва табиат ўртасидаги муштарак жиҳатларни яққол намоён этади. Шунингдек, Хинбу образида ижтимоий мавқеини яхшилаш учун курашмаслиги, чорасиз ҳолда қолиши каби чизгиларда конфуцийчилик таъсири аниқ сезилади.

Кўриб чиқилаётган давр адабиёти инсонни янгича тасвирлаш тамойиллари аввалгидан фарқли равишда табиатни энг майда деталларигача ҳисобга олишни тақозо этди. Баъзи ҳолларда пейзаж қаҳрамонлар кайфиятини акс эттирибгина қолмасдан, балки китобхонларга персонажларнинг характеридаги ўзига хосликлар ёки ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга ишора қиладиган бўлди. Натижада асардаги атроф-муҳит деталлаштирилди, уларнинг ифодасидаги муболаға йўқолди.

Табиатни тасвирлашнинг бош тамойили бўлган «шартли гўзаллик» йўқолиб, табиат тасвири нисбатан моддийлашди. Шундай қилиб, образларни тавсифлаш ва тасвирлашда табиат манзараларидан кенг фойдаланиш инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш масаласини аниқ очиб берди. Шу боис қаҳрамонлар тасаввурида оламнинг маконга бўлиниши ва асар қаҳрамонларининг бу дунёда эгаллаган ўрни яққол тасвирланади. XVII–XVIII асрлар корейс адабиётида адабий маконни вертикал ва горизонтал тасвирлашга

¹ Vernaya Chhunhyan: Koreyskie klassicheskie povesti XVII–XVIII vekov/Predislovie Trosevich A.F. Moskva, “Hudojestvennaya literatura”, 1990. С 10. (In Russian). [Faithful Chunhyan. Korean classic novels of XVII–XVIII c./Foreword Trosevich A.F.]. –Moskva, “Hudojestvennaya literatura”, 1990. 256 p. (In Russian)

²Xingpuchon chakchamisang. –Soul. Yupeipo, 2016. 26. P. (In Korean).



эйтибор кучайди. «Хон Кил Дон ҳақида қисса» асарида макон уч, яъни юқори, ўрта ва куйи дунё сифатида берилади. Бундай тизим ва макон тақсимоти ўқувчи тасаввурини кенгайтиради; олам ва одам хусусида тизимли фикрлашга ундайди. Қиссада тоғлар юқори макон бўлиб – само рамзи бўлиб, корейс адабиётида энг олий макон ҳисобланади. Жумладан, «Хон Кил Дон ҳақида қисса»да тоғлар тасвири куйидагича келади:

«Онасини тарк этиб, у Уинбонсан тоғларига кетди...», «у тоғлардаги ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлди...», «...унинг йўлини буюк тоғлар тўсди...», «...ой ўз нури билан тоғнинг чўққисини ёритди... », «у ўзининг тоғларини тарк этишга қарор қилди...», «...баланд кўк тоғлар орасида...», «...қаерга нигоҳ ташлама, барча жойда ям-яшил тоғлар...», «Хон Кил Доннинг кўнглидан шундай фикрлар ўтди: ажойиб жаннатмакон ўлка, мен тоғларнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлган Чеда оролида бўлдим..., аммо ҳаммасидан ҳам беш бошли тоғлар гўзал экан, инсон учун жаннат шу ерда бўлса керак»¹.

Аммо тоғларда фақат ташқи қиёфаси инсонга ўхшаган махлуқлар яшаса, тоғлар инсонга нисбатан душман ҳам бўлиши мумкин. Қиссадаги тоғларда яшовчи, ўлим нималигини билмайдиган ва доимо ўзгариб турадиган фантастик махлуқлар – улдонлар шулар ифодасидир. «Хон Кил Дон ҳақидаги қисса»да улдонлар аслзода ва бой инсонлардан бирининг гўзал қизини ўғирлаб кетади, уни асар қаҳрамони халос этади.

Тоғлар ўзида ижобий, салобатли-олижаноб, яъни юқори оламини кўриш имкониятини берувчи қобилятга эга эканлиги акс эттирилган. Кўриб турганимиздек, ҳайбатли тоғлар образ сифатида юксак поэтик аҳамиятга эга. Улар ўзида қандайдир олий нарсани мужассам этади ва жаннат ўлкасига қиёсланади. Инсон руҳининг ўлимдан сўнг самога – тоғларга кетиши ҳақидаги корейс халқининг миллий-диний тасаввурлари тоғда руҳлар абадий яшайдиган мамлакат борлиги ҳақидаги дао ривоятлари билан боғлиқ.

Қиссада кўп учрайдиган иккинчи табиий унсур ойдир:

«...худди шу кечада Хон Лю ой шуъласини маҳлиё бўлиб томоша қилди...», «...мен ойни томоша қилиб турган эдим...», «...ойдин кеча эди...», «...ой нурида дарё сувлари тез оқарди...», «...тунларнинг бирида подшоҳи олам ой шуъласига маҳлиё бўлиб, боғда сайр қилаётган эди...».

Қиссада ой образининг кўп марта тилга олинishi корейс халқининг қадимги астраль сиғинишларига бориб боғланади. Ўтмишда ойнинг чиқиши тиз чўкиб, илтижолар билан кутиб олинган. Аёллар ойга алоҳида сиғиниб, илтижолар қилган. Шарқ халқларида ой образига доир кўплаб ривоятлар мавжуд.

«Ойни биринчи кўрган инсон бахтли бўлади: деҳқон яхши ҳосил олади, ўқувчи имтиҳонни яхши топширади, мансабдор янги лавозимларга эришади, бефарзанд аёл фарзандли бўлади, йигитлар чиройли қизларни учратадилар, деган қарашлар ҳам бўлган. Ойнинг катта-кичиклиги ва рангига қараб

¹ Li Myongku Xingpuchon Xonggiltongchon Yuchonglulchon. –Soul. Xasoxolpansa. 2004. 112, 126, 134, 229. P. (In Korean).



қандай воқеаларни кутиши мумкинлигини аниқлаш имкони бўлган. Агар ой оқ рангда бўлса, ёгингарчилик кўп бўлиши, қизил рангда бўлса, қургоқчилик келиши, тўлин ой чиқса, ҳосил мўл-кўл бўлиши кутилган»¹.

Умуман, XVII – XVIII асрлар корейс насри таркибида келган табиат ҳодисаларининг тасвири маълум даражада қаҳрамонни ҳам, китобхонни ҳам кейинги воқеаларга тайёрлаш учун хизмат қилган.

Шу билан бирга, буддавийликка кўра, ўрта аср корейс адабиётида айнан табиат тасвирига алоҳида аҳамият берилган бўлиб, сюжет тузилиши асосида табиатнинг ривожланиш йўли ётади. Ким Манжуннинг «*Тўққиз кишининг булутли туши*» романида бадий матн воқеанинг бошланиши ва тугалланиши билан таништиради. Роман қаҳрамонларининг ҳаёти бошланғич ва якуний нуқтасига эга.

Романда тўққиз нафар – бир эркак ва саккиз нафар аёл образи мавжуд. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўз ҳаётий вазиятлари, воқеа-ҳодисаларга муносабати, ўз характери ва тақдирига эга. Китобхон олдида роҳиб Сон Жин ва дунёвий киши Ян Со Ю тарихи очиб берилади, ҳар иккиси турли тоифадаги одамларга ўхшаб кўринса-да, аслида айнан бир шахсдир, яъни бу ерда «Мен – Мен эмас» тушунчалар ўртасидаги фарқ кўриб чиқилади.

Шубҳасиз, бир образда турли ҳолатлардаги инсон талқин этилган. Икки – Сон Жин и Ян Со Ю образида зулматда қолган инсонларнинг ҳолати тасвирланади. Бу ерда образнинг кимлиги эмас, балки зулматдан ёруғликка чиқиш йўллари ахтараётган шахсиятни тасвирлаш муҳим.

Бундай «Мен – Мен эмас» дуалистик қарашда ҳодисанинг мавжуд ва мавжуд эмаслигини очиб бериш мақсад қилинади. Ян Со Ю исмининг ўзида, буддавийлик маъно яширин. Жумладан, *тера*к маъносига эга *ян* сўзи *қуёш*, *нур* маъноларини англатувчи *ян* билан ўхшаш иероглиф билан берилган. Сон Жин исми Сожин исми билан ўхшаш бўлиб, иероглиф сифатида табиат маъносини англатади ва ёруғлик рамзи сифатида хизмат қилувчи қуёш, нур кабилар эса будда билан қиёсланади.

Романдаги воқеа-ҳодисалар тасвири доиравий циклда тасвирланади. Қаҳрамонлар ердаги ҳаёт қувончларини англаб, улардан лаззатланиб, лекин охир-оқибат буддавий қарашга кўра яна ўша азалий ҳаётга, яъни моддий дунёга берилмаслик оламига қайтади. Тасвирланаётган сюжет чизгилари ўз мазмуни ва йўналишига кўра уч босқичда рўй беради: воқелик – туш – воқелик. Бу ерда ҳар бир сўнгги босқич олдингисини инкор этиши ҳақидаги факт муҳим, яъни туш воқелик эмас, воқелик туш эмас. Бу ерда икки томонлама инкор аниқ кўзга ташланади, туш – нореаллик. Буддавийларнинг «*Олтинчи патриарх сутра*»сида кўрсатиб ўтилганидек, кейинги ҳаракат мумкин эмас, чунки борар жойнинг ўзи мавжуд эмас, яъни у ёғи бўшлиқдир.

¹ Kalendarnie obichai i obryadi narodov Vostochnoy Azii. –M.: Nauka, 1985. С.308. Traditions and customs of the people of East Asia). –M.: Nauka, 1985. 308 P. (In Russian).



Буддавийлик қарашларига кўра, инсон уч ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчиси – «майл» (истаклар соҳаси), иккинчиси – «ҳиссиётнинг мавжудлиги» (соф ҳолат), учинчиси – «ҳиссиётларнинг мавжуд эмаслиги» (соф маънавий соҳа – бўшлиқ). Ким Манжуннинг «*Тўққиз кишининг булутли туши*» романида биринчи икки ҳолат тасвирланади. Учинчи ҳолат қаҳрамонлар учун самовий олам каби ихтиёрий қайтиб келадиган «жаннат» мисол тасвирланади. Роман персонажларнинг жаннат оламига мурожаати билан, яъни у ёғи бўшлиқ эканини тасвирлаш билан тугалланади.

Романда ҳар бир ҳолат «*юқори олам*» ва «*қуйи олам*» каби ўз маконига эга. Юқори олам ёлғон фикрларни ифодаладиган, табиатнинг азалий софлигини беркитувчи, дунёда яшовчи инсонларнинг қабих хислатларини ифодаловчи қуйи оламдан булут ва туманлар билан чегараланган юксак тоғ чўққилари ортига яширинган. Юқори макон ҳар доим соф. Унда табиатнинг азалий софлиги кўм-кўк осмонга қиёсланадиган – чан буддавийлик ғояси мужассамлашган. Қуйи макон эса тоғлар, дарёлар, сув ости дунёси – юқори оламдан фарқли равишда моддийликка асосланган.

Роман композицион қурилишига кўра икки бўлим, ўн олти бобдан иборат. Ҳар икки бўлимдаги боблар сони соляр календарига мос келади, йил 24 даврга бўлинади, шулардан ўн олти даври қуёш фаоллигининг ошиши ва сусайиши, яъни баҳор бошланишидан то кузги тенгкунлик оралиғида даврни қамраб олади. Улар қуйидагича тақсимланади: биринчи саккиз давр – баҳор ва ёзнинг бошланиши, қуёш фаоллигининг ортишини ифодалайди. Кейинги саккиз давр – ёз ўрталаридан кузги тенгкунлик, қуёш фаоллигининг сусайиши билан боғлиқ. Қолган саккиз давр, қиш фасли соляр календари бўйича табиатнинг «ўлик мавсуми» билан боғлиқ ҳисобланади.

Даврларнинг бундай бўлиниши адашган ва хатога йўл қўйган қаҳрамонларнинг ҳақиқатни англаш йўлини очиб бериш воситасидир. Бу ерда ҳамма нарса тугалланган *ин*, яъни замин, зулмат бошланиши билан шартланган магик саккиз сони билан аниқланади. Саккиз давр ўзида ўзгаришларни аск эттирадиган «*И izzin*» қадимий хитой фалсафий китобига ўхшаш. Шу боис роман даги бош образнинг ҳаёт йўлида учраган саккиз аёл образининг киритилиши тасодиф эмас. Бу ўзида табиатнинг мавсумий циклини яққол ифодалайди.

Ёзувчи барча йўлдан адашган қаҳрамонларнинг календар бўйича – баҳордан кузгача бўлган даврини, улар дунёвий ҳаётининг табиат билан муносабати масаласини, яъни инсон умрининг бошидан якунига бўлган воқеа-ҳодисалар циклини моҳирона тасвирлайди. Шунга қарамаздан, инсондан фарқли равишда табиатда интиҳо мавжуд эмас: ҳар баҳорда табиат яна жонланади ва янги ҳаёт қайта вужудга келади.

Романда ҳаётни эътиборга лойиқ бўлмаган лаҳза сифатида тушуниш ғояси «*Олмос сутра*» детали орқали баён этилади. Бу сутра «*Тўққиз кишининг булутли туши*» романида тасвирланган воқеаларни тушуниш учун ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади.



Айнан булутлар ва туш романда руҳий ҳаётнинг хом хаёллиги тимсолига айланган. Бу асарнинг уч иероглифдан иборат номида ўз аксини топган: *ку* – тўққизлик, *ун* – булут, *мон* – туш. Корейс филологик анъанаси биринчи белги – *ку*, яъни «тўққизлик»ни қахрамонлар сони билан боғлайди. Кейинги икки белги – *ун*, яъни булут ва *мон*, яъни тушга «*Олмос сутра*»да изоҳ берилади, зеро унда: «*Борлиқнинг барча дхармалари... туш, яшин ва булутларга ўхшайди*», дейилган, яъни дунёвий ҳаёт ўткинчи ва нореал деб тавсифланган. Булутлар буддизм таълимотида ҳушсизлик ҳолати тимсоли ҳисобланади: булутлар бағрида ва уйқуда бўлиш ҳушсизлик ҳолатини англатади. Бинобарин, «*Ку ун мон*» номининг сўзма-сўз маъноси «*Ҳушсизлик ҳолати (ун)даги тўққизлар (ку) туши (мон)*»дир. Бу ерда роман номи мазмунан «*Тўққиз кишининг булутли туши*» деб таржима қилинган, боз устига, у анъанавий мавжуд ном билан ҳам мос келади.

Романнинг бошқа бир номи даосизм таълимотидаги *ку ун* – «тўққизинчи осмон» тушунчаси билан боғлиқ. У осмоннинг энг юқори даражаси бўлиб, бу ерда ўлмас зотларнинг руҳлари яшайди. Шундай қилиб, «*Ку ун мон*» номи «*Осмону фалакдаги туш*» деб тушунилади ва бу хитой романларининг одатдаги номлари билан мос келади, масалан, «*Қизил кўшдаги туш*». Яна шунга ҳам эътиборни қаратиш лозимки, Ким Манжун асарининг замирида буддизмнинг дунёвий ҳаётнинг бир лаҳзалиги (туш) ҳақидаги ғоя ва мазкур ҳаётни ҳушсизлик (булутлар) сифатида тушуниш ётади. Бу сарлавҳадаги «булут» ва «туш» сўзларини «*Олмос сутра*» берадиган маънога боғлаб тушуниш учун имконият яратади. Романдаги бундай рамзий унсурлар унинг мазмун-моҳиятини чуқурлаштиради ҳамда унга бадиий гўзаллик бағишлайди.

Булутлар қахрамон қаршисида икки марта, яъни биринчи марта у ҳою ҳавасларга берилиб, парилар ҳуснига маҳлиё бўлганда, иккинчи маротаба учиб кетган парилар – осмон қаърига сингиб кетганда пайдо бўлади:

«...шу заҳоти улар ўринларидан туришибди ва булут устига чиқиб, осмонга кўтарилишибди. Сон Жин кўприкка қадам қўйиб, атрофга аланлаганда, саккиз гўзалдан асар ҳам қолмаган экан. Кўп ўтмай камалакнинг барча ранглари акс этаётган булут зойиб бўлибди, хўшбўй ҳид ҳам йўқолибди»¹.

Бу ерда гўзалларнинг булутларда кўриниши ҳиссий муҳаббатнинг хом хаёллигининг белгиси сифатида намоён бўлади. Иккинчи марта булутлар бойлик ва шон-шуҳрат тимсоли – бош вазир Ян Со Юнинг саройидаги хона ва павильонларни чулғаб олиш учун кўтарилади. Ян Со Ю уйқудан уйғонади ва унинг ҳою ҳавасларининг мевалари бўлган ҳашаматли иморатлар энди унга хом хаёл – булутлар бўлиб кўринади, дунёвий ҳаёт эса туш бўлиб туюлади. Шундай қилиб, асар мавзуси ҳақидаги тасаввур унинг номида мужассамлашган: қахрамонни чулғаб олган дунёвий ҳою ҳаваслар орзуси «*қўш иллюзия*» – туш ва булутлар сифатида тушунилади.

¹ Kuunmong (Xangukkochonmunxakchonchip 27). Kimmanchung cho koryote minjokmunxvayonkuso pyon. –Soul koryotexakkyo chulpanpu, 1993.16. P. (In Korean).



Инсон тушида кўрадиган ҳамма нарса хом хаёлдир. Атроф борлик ходисаларини фаол идрок этишда биз инсоннинг нореал дунёда адашишини кўрамиз. Шу сабабли романда қахрамоннинг тўғри йўлдан озиши сезгилар – таъм, хид билиш, кўриш, эшитиш, фикрлаш қобилиятларининг навбатманавбат «ишга тушиши»дан бошланади.

Хулоса. Шундай қилиб, XVII – XVIII асрлар корейс насри поэтикаси, хусусан, сюжет чизиғи учун космологик ғояларнинг табиатга алоқадорлиги хос экани, унинг пайдо бўлиши ва алоҳида ҳиссиётлар, қонунлар ишонарли тарзда тасвирланганини кузатиш мумкин.

XVII–XVIII асрлар корейс адабиёти ривожланиш тарихида ғоялар ва уларнинг концептларигина эмас, балки воқеликни, унинг асосий субъектлари – инсон ва табиатни акс эттиришда, бадий тасвир усулларини такомиллаштиришда, янги жанрларнинг шаклланишида ва сюжет чизиқларининг мураккаблашувида ҳам сифат ўзгаришлари юз бергани кузатилади.

АХМЕДОВА ШАХЛО

кандидат филологических наук, ТГУВ

Новеллистика Катара и особенности ее ускоренного развития

Аннотация. *Статья посвящена проблеме развития современной художественной прозы в Катаре. Поднятые в ней вопросы вписываются в «теорию ускоренного развития» национальных литератур, получившей признание в современном литературоведении. В статье отмечается, что художественная проза этой страны в своем скачкообразном развитии в короткий срок прошла путь от средневековых литературных традиций до произведений, отвечающих вкусу современного читателя. Развитие современной прозы в Катаре рассматривается на фоне грандиозных изменений, прошедших в социально-экономической и культурной жизни этой страны во второй половине XX в.*

Благодаря техническому прогрессу в ходе бурного экономического роста страны Персидского залива: Кувейт, Бахрейн, Катар, ОАЭ и Оман, именуемые по-арабски страны Халиджа (Залива) быстро знакомилась с мировой культурой и мировым литературным процессом, прежде всего с литературным опытом развитых в культурном отношении арабских стран – Египта, Сирии, Ливана и Ирака. Автор статьи на примере жанра рассказа прослеживает этапы его развития от описательных рассказов со слабым конфликтом и примитивным сюжетом с назидательно-дидактической окраской до зрелых рассказов, вписывающихся в понятие современного рассказа. На литературной арене 70-х годов XX в. появились такие мастера слова, как: Ибрахим Сукр аль-Марихи, Кулсум Джабер, Фатима ат-Турки и др., которые внесли большую лепту в совершенствование жанра рассказа в Катаре и впервые обратились к важным проблемам современной им действительности. Одной из таких важных проблем, как считает автор статьи, является проблема эмансипации катарской женщины – ее право иметь свой голос, получить образование, выбрать профессию.



В своем развитии катарский рассказ, благодаря знакомству с западной литературой, испытал влияние и модернистских тенденций. Появились рассказы, отличающиеся психологизмом, неоднородностью изображаемых характеров, особым мироощущением. Писатели, часто используя модернистские приемы – поток сознания, ассоциативное мышление, подтекст и др. передают душевный кризис своего героя, его мучительные духовные поиски. К началу XXI в катарскую литературу влились новые молодые силы которые в новеллистике обусловили эволюцию остросюжетных рассказов, в которых были подняты до сих пор незамечаемые социально-этические проблемы.

Опорные слова и выражения: мировой литературный процесс, художественная проза, «Аль-Халидж», катарская проза, реализм, романтизм, рассказ, метод.

Аннотация. Ушбу мақола Қатар замонавий бадиий насрининг ривожланиши муаммосига бағишлаган. Унда кўтарилган масалалар замонавий адабиётшуносликда тан олинган баъзи миллий адабиётларнинг “жадал ривожланиши назарияси” га мос келади. Мақолада Қатарнинг бадиий насри қисқа вақт ичида жадал ривожланиб, ўрта аср адабий анъаналаридан замонавий китобхоннинг талаби ва дидига мос келадиган асарларни яратилишига ўтганлиги қайд этилади. Қатарда замонавий насрининг ривожланиши XX асрнинг иккинчи ярмида ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар фониди кўриб чиқилган.

Форс Кўрфази араб давлатлари - Кувайт, Баҳрайн, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон, яъни Халиж араб мамлакатлари жадал иқтисодий ривожланиши даврида технологик тараққиёт туфайли жаҳон маданияти ва жаҳон адабий жараёни билан, авваламбор маданий жиҳатдан энг ривожланган араб мамлакатлари- Миср, Сурия, Ливан ва Ироқнинг адабий тажрибаси билан танишдилар. Мақолада муаллиф ҳикоя жанри мисолида заиф ва содда сюжетли, панд-насихат билан суғорилган кичик асарлардан замонавий ҳикоя тушунчасига мос келадиган етук жанрга айланганини кузатиб таҳлил қилади. XX аср 70-йилларида адабиётга Иброҳим Суқр Марихи, Кулсум Жобир, Фотима Туркий каби моҳир сўз усталари кириб келдилар. Улар Қатар ҳикоя жанрининг такомиллашувида катта ҳисса қўшиб, илк бор замонавий воқеликнинг муҳим муаммоларига ўз эътиборларини қаратдилар ва уларни бадиий ифода этдилар. Муаллифнинг фикрича, ана шундай муҳим муаммолардан бири қатарлик аёлни мавқеини кўтариши, яъни ўз овозига, таълим олишига, касб танлаш ҳуқуқларига эга бўлиши муаммоларидир.

Ғарб адабиёти билан танишуви туфайли Қатар ҳикояси ўз ривожланиши босқичларида модернистик тенденцияларга ҳам дуч келди. Психологизм, қаҳрамон тасвирининг турлилиги, унинг ўзига хос дунёқарабини акс эттирувчи жиҳатлари билан ажралиб турадиган ҳикоялар пайдо бўлди. “Онг оқими”, “ассоциатив фикрлаш”, “матности” каби модернистик усуллардан фойдаланиб, ёзувчилар ўз қаҳрамонининг руҳий инқирози, оғриқли маънавий изланишларини акс этдилар. XXI аср бошларига келиб, Қатар адабиётига янги ёш авлодлар қўшилди, улар ижтимоий-ахлоқий масалаларга оид шу пайтгача ҳали ёндошилмаган муаммоларни кўтариб, ўткир сюжетли ҳикояларни яратилишига ҳаракат қилиб келишди.

Таянч сўз ва иборалар: жаҳон адабий жараёни, бадиий наср, “Ал-Халиж”, Қатар насри, реализм, романтизм, ҳикоя, услуб.



Abstract. *The article notes that the development of modern prose in Qatar fits well with the concept of "accelerated development of literature." Thanks to technological progress during the rapid economic growth of the Gulf countries – Kuwait, Bahrain, Qatar, the United Arab Emirates and Oman, the Arabic-speaking countries of Khaleej (Gulf) quickly became acquainted with world culture and the world literary process, primarily with the literary experience of culturally developed Arab countries such as Egypt, Syria, Lebanon and Iraq. The author of the article, using the example of the short story genre, traces the stages of its development from descriptive short stories with weak conflicts and a naive plot with an edifying and didactic tendency to mature short stories that fit into the concept of a modern short story. In the literary arena of the 70s of the XX century such masters of the word as Ibrahim Suqr al-Marikhi, Kulsum Jaber, Fatima al-Turki and others appeared who made a great contribution to improving the short story genre in Qatar and first addressed the important problems of contemporary reality. One of such important problems, according to the author, is the problem of the emancipation of a Qatari woman - her right to have her own voice, get an education, and choose a profession.*

In its spasmodic development, the Qatari short story was also influenced by the modernist tendency due to acquaintance with Western literature. Short stories appeared that are distinguished by psychologism, the non-uniformity of the characters depicted, and a special attitude. Writers often using modernist techniques — a stream of consciousness, associative thinking, subtext, etc. — convey the emotional crisis of their hero, his painful spiritual quest. By the beginning of the XXI century, new bold young people who had joined the Qatari literature, caused the evolution of socio-ethical short stories to action-packed short stories, which raised social problems that were still hushed up.

Keywords and expressions: *world literary process, contemporary prose, Al-Khaleej, Qatari prose, realism, romanticism, story, method.*

Новеллистика занимает одно из значительных мест в истории современной арабской литературы. В некоторых странах Персидского залива – Катаре, Омане, Объединенных Арабских Эмиратах – рассказ является самым развитым жанром, который сформировался и совершенствовался на протяжении более чем полувековой истории литератур этих стран со второй половины XX в. Новеллистика составляет неотъемлемую часть современной литературы этих стран и на современном этапе.

Религиозное и этническое единство, общие национальные обычаи и традиции народов, схожесть культурных процессов, а также общность характера социальных изменений в таких арабских странах, как Катар, Оман, Объединенные Арабские Эмираты отражаются и в развитии литературы этих стран, которые в своем развитии проходят относительно схожий путь. Формирование современной литературы в этих странах ускорилось в последней четверти XX века, а в XXI веке стало полностью отвечать теории «ускоренного развития художественной литературы в странах Аравийского полуострова».¹

¹ Suvorov M.N. Hudojestvennaya proza Yemena (K probleme uskorenno razvitiya) literatur starn Aravii) Avtoref.dok...diss... Sankt-Peterburg, 2001. –P.3



Пробуждение национального самосознания, стремление народов к национальному освобождению и превращение этих стран в богатые государства в результате прибыли, получаемой от нефти, привели к коренным социально-экономическим изменениям. А эти факторы, в свою очередь, стали своеобразными толчками для развития художественной литературы и возникновения современных жанров.

На пути поиска новых форм и изобразительно-выразительных средств литераторы арабских стран Персидского залива обратились, в первую очередь, к опыту Египта, Сирии и других развитых в культурном отношении арабских стран, а также к литературе Запада и Америки. Однако усвоение этой литературы за очень короткий срок привело к интересной литературной ситуации и противоречиям, что выразилось в смешении различных литературных направлений и художественных методов.

В Катаре, относящимся к арабским странам Персидского залива, «ускоренное развитие литературы» также нашло свое отражение в литературе, особенно в новеллистическом творчестве.

Как отмечает известный катарский ученый-литературовед Мухаммед Абдурахим Кафуд, в Катаре впервые к написанию современного рассказа обратился главный редактор газеты “Аль-Аруба” (العروبة) Юсуф Неъмат. Она была первой местной газетой, которая начала издаваться в конце шестидесятых годов. В 1962 году в ней был опубликован первый рассказ Юсуфа Неъмата “Дочь аль-Халиджа” (بنت الخليج). Аль-Халидж – арабское название Персидского залива.

Затем под этим же названием был выпущен первый сборник его новелл. В 1970 году был издан сборник рассказов под названием «Бейрутская встреча» (لقاء بيروت), в 1971 году – сборник «Кричащий мальчик» (الولد الهائيت). Абдурахим Кафуд дает следующую оценку этим сборникам: «В этих рассказах преобладают описательный стиль изложения и риторика, а также информационный материал, который, однако, не отражает реалий Катара. Юсуф Неъмат, находясь под воздействием рассказов других арабских стран, жил в среде их сюжетов.¹ Но, несмотря на это, его последователями стали Хасан Рашид и Мурод Мабрук».²

Рассказы этих писателей отличались простотой сюжета, описательностью, дидактикой, были несколько наивны, но они появились в качестве рассказов нового типа, что отмечали некоторые литературоведы. Более того, некоторые из них считали эти рассказы отправной точкой в написании катарского рассказа. Споры о том, когда именно появился рассказ нового типа в Катаре, до сих пор не завершены.

¹ Muḥammad ‘abd-al-raḥi:m Ka:fu:d. al-qišša al-qatarijja. (Qatar story) Inša:u-t-taṭa’ûûr. da:r qatari bin al-fağğā:a - du:ḥa, 1996. P.9

² Hasan raši:d ûa mada:r mabru:k. ġidijjatu-l -‘ağz ûa-l - fi’l fi:-l-qišša-l —aši:ra fi: Qaṭar. (The deficit and the elephant in the tenth story in Qatar) iṣda:ra:ti-l -mağlis. muṭa:ba’a ri:nu:da. 1999. P.18 –19



Кафуд все же пальму первенства в написании первых рассказов в Катаре отдает все же Юсуфу Неъмату: “но при этом он замечает о первом его рассказе “Дочь аль-Халиджа”: “Однако мы можем сказать, что этот рассказ не отличается совершенством и зрелостью, как последующие рассказы новеллиста. А рассказы, которые были опубликованы в первых двух его сборниках, больше похожи на информационные публицистические статьи или же это были наивные бытовые рассказы. Второй сборник «Кричащий мальчик» из-за большого количества диалогов похож на пьесу и писатель посредством использования диалогов продемонстрировал различные диалекты. Мы, действительно, не можем удовлетвориться мастерством этих рассказов и не можем считать их зрелыми произведениями».¹

Большие социально-политические изменения, произошедшие в стране в начале 60-х годов постепенно меняли образ мышления и критерии в оценке ценностей в обществе. Однако новые тенденции с трудом пробивались через традиционные стереотипы. Причина этого заключалась в том, что в этот период Катар несколько отставал в культурном отношении от других стран Халиджа. Просветительская работа велась на низком уровне, не проводилась работа по реформированию образовательной системы как в других странах Халиджа, например в Кувейте и Бахрейне, не действовали спортивные клубы и библиотеки, не было условий для открытия активных научных обществ. Население страны не было знакомо с культурными информационными средствами. Эта ситуация длилась вплоть до 70-х годов и только лишь в начале 70-х годов появились первые издательства и пресса. Причиной их появления стала активность коммерческо-социальных слоев, которые сформировались после 50 – 60-х годов в недрах средней прослойки населения.

Таким образом, позднее становление новеллистики Катара объясняется тем, что во всех аспектах культурного общества – в учреждениях, социальных слоях, в среде интеллигенции и студентов – культурно-просветительское развитие запоздало. Мы видим, что в 70-х годах было много попыток написания рассказов, однако рассказы этого периода, как отмечено выше, были одноплановые с точки зрения композиции, в них было много элементов риторики и дидактики, им был присущ метод фотографирования, но уже намечается широта диапазона в выборе тематики произведений. Центральные темы рассказов: несчастная любовь. высокая цена платы (махр) за невесту, ранние браки несовершеннолетних девушек, браки по расчету, отрицательное отношение к иностранцам из стран Азии и даже к зарубежным арабам. Одним словом, все эти рассказы посвящены различным проблемам социального неравенства.

¹ Muḥammad ‘abdal-raḥi:m Ka:fu:d. al-qīṣṣa al-qatariyya. (Qatar story) inṣa:’u-t-taṭa’uūur. da:r qatari bin al-faḡḡa:’a - du:ḥa, ʔ2. 1982. P.128



К 80-годам катарской рассказ стремительно набирает размах и совершенствуется в художественном мастерстве. Этот этап играет исторически важную роль в развитии новеллистики Катара. Именно на этом этапе на литературную арену вступило новое поколение таких молодых писателей, как Ибрахим Сукур аль-Марихи, Абдуллах аль-Хусайни, Кульсум Джабер, Бахийя Юсуф аль-Малики, Ахмад Абдулмалик, Халифа Айд аль-Кабиси, Ибрагим ас-Садат, Абдулазиз ас-Садат и Мей Салим, ставших затем известными представителями новеллистики Катара.

В совершенствовании новеллистики Катара большая заслуга принадлежит писательнице Кулсум Джабер. Ее метод изначально был романтическим, произведения писательницы отличались индивидуалистическим мироощущением и беспокойным поиском себя, своего личностного «я».

Первые произведения писательницы начали публиковаться в местных газетах начиная с 70-х годов. Первый сборник Кулсум Джабер «Ты и лес молчания и сомнения» увидел свет в 1987 году.

Большую роль в развитии жанра рассказа в Катаре сыграл сборник Кулсум Джабер «Боль арабской женщины». Первая публикация сборника относится к 1989 году, после этого он выдержал еще несколько изданий. Сборник Кулсум Джабер «Боль арабской женщины» (1989), по мнению арабских литературных критиков являются «качественным переломом в истории короткого рассказа в Катаре»¹.

В своих рассказах Кулсум Джабер пытается решить проблему взаимоотношений мужчины и женщины в катарском обществе, или, вернее, во всех арабских странах зоны Персидского залива. Писательница указывает на некоторые факторы, способствующие неудаче в этих взаимоотношениях: разница в возрасте, вмешательство родителей, соблюдение отживших традиций. Кулсум Джабер изображает действительность катарской женщины и ее переживания через стремление утвердить свою личность в окружающем ее консервативном обществе.

Весьма интересен, с точки зрения понимания позиции писательницы, рассказ «Логика любви и ненависти». Рассказ построен в виде внутреннего монолога, куда вкрапливаются отдельные отрывки диалога двух подруг. Героиня рассказа – молодая девушка – следит глазами за ползущим вверх по прямой траектории муравьем и внимательно слушает обращенные к ней слова подруги: «Я не считаю, что те, кто думает по твоей логике о жизни, становятся успешными людьми. Нет возможности изменить бытие... следует жить по тем установленным нормам, по которым живет общество. Слиться с ним, подчиниться его ясным, здоровым решениям».²

¹ Zakirat-ul al-mustaqbal musuatu-l-katiba al-arabiya alfasli assabi'a va al-jaziyratu va al-Xalij. (Encyclopedia of Arab Writers "Memory for the Future") Qohira. 2003. –P.231

² Ibid.-P..259



Героиня пытается вникнуть в рассуждения своей подруги, которая, в свою очередь, пытается внушить ей смирение, мотивируя тем, что во имя логики жизни нужно жить по правилам общества. Но слова подруги не оказывают должного влияния на героиню рассказа, внутри у нее все бунтует, она не желает жить по установленным мусульманским обществом нормам поведения:

«Я ненавижу принятые решения. Зачем их издают? Для благополучия кого? Кто может сказать, что я уравновешенная и умная? Я удивляюсь. Когда кому-то приклеивают такие ярлыки. Откуда взяться спокойствию, которое так красит мое лицо? А вулкан, который бушует в глубине моей души?».¹

Героиня продолжает следить глазами за движением муравья, который меняет свою прямую траекторию на зигзагообразное движение, и убеждается в своей правоте. Жизнь нельзя прожить, руководствуясь одними и теми же нормами и принципами, каждая новая эпоха несет за собой новшества, которые должны внедряться в общество.

Помимо рассказов, Кульсум Джабер пишет статьи по литературе и критике. Она считает, что литературная критика – это художественное творчество, которое требует большого усилия и сил для анализа произведения.

О жанре короткого рассказа писательница говорит следующее: «В последнее время я наблюдаю развитие короткого рассказа. Появились рассказы, имеющие реалистические и романтические оттенки, а также незавершенные, так называемые «с открытым концом» рассказы, которые не вмещаются в рамки одной упорядоченной формы, и отходят от традиционных основ. Они выражены в прозе, имеющей поэтический дух. Большинство этих рассказов касаются всеобщих жизненных явлений и психологических состояний человека – в грусти, в волнении, напряженности, – которые он испытывает в мире, где чувствует свое одиночество».²

Судя по этим словам Кульсум Джабер, в 80-х годах XX века, когда жанр короткого рассказа в Катаре находился в процессе становления, в нем уже имелись элементы модернизма, когда человек ощущает себя одиноким в мире хаоса.

Следующее высказывание писательницы указывает на то, что она в своем творчестве придерживается эстетики модернизма, когда художник свободен в своих фантазиях и не стремится к отражению реальной действительности: «У меня нет собственного направления и определенного метода в создании рассказа. Это происходит потому, что писатель, который занимается творческой деятельностью, стоит ближе к подсознанию и инстинкту, чем к искусству, которое опирается на определенные критерии и нормы. Рождение литературного произведения совершается иррациональ-

¹ Ibid.-P.259

² Ibid.P.260



ным путем, при котором ломаются предписанные правила и нарушаются прежние планы»¹.

Сравнительный художественный анализ рассказов, написанных в Катаре литераторами мужчинами и женщинами-писательницами, показывает, что там, где поднимается проблема эмансипации, женщины-писательницы лучше владеют приемами и техникой письма. Наряду с поэтическим языком они пользуются различными средствами повествования. В женском рассказе, отмечают арабские критики, лучше показан национальный колорит.

Хотя в начале 70-х годов упоминались имена многих писателей-новеллистов, однако среди них нет таких ярких имен, как Кулсум Джабер.

В 80-х годах в новеллистике начинают звучать новые голоса, в основном это были голоса женщин. Такие писательницы, как Умм Аксам (Фатима ат-Турки), Лулу аль-Маснад, Хисса аль-Жабр и Маиса аль-Халифи внесли свой вклад в развитие литературы Катара. Эти писательницы участвовали в развитии и совершенствовании поэтики жанра рассказа, в присутствии им своеобразном стиле изображали общественно-социальные проблемы общества, такие как отсталость и застой, а также разные условия жизни своих современников.

Разумеется, основной темой, к которой обратились писательницы, был поиск путей освобождения женщин от традиций и обычаев, которые держат женщин «в оковах», лишают их свободы выбора своей судьбы, выбора профессии, права на работу. Во многих случаях при подходе к этим темам наблюдается отбор интересного сюжета и обогащение произведений различными оригинальными образами.

Однако и в 80-х годах появилось множество рассказов, написанных молодыми писателями Катара, которые были похожи друг на друга и их художественный уровень был сравнительно невысок. Причиной массовой публикации таких рассказов было, во-первых, очень сильное желание молодых новеллистов выделиться как писатель, во-вторых, всякая публикация специально поддерживалась Национальным собранием по культуре, искусству и наследию. Оно служило для молодых писателей своеобразным щитом, органом защиты, стимулирования и финансовой поддержки. Художественное творчество молодых новеллистов весьма поощрялось, хотя в них часто проглядывала поспешность, и они не обладали достаточным мастерством и опытом.

Но в целом, если бросить взгляд на изобразительно-выразительные средства, художественную структуру, создание образов героев, выбор сюжета, методы изображения, строение диалогов и другие художественные поиски в произведениях новеллистов конца 80-х – начала 90-х годов XX века, можно сделать вывод о приобретении большого опыта в этом жанре творчества.

¹. Ibid. P.260-261



Естественно, что катарские новеллисты отличаются друг от друга художественной силой изображения, творческим потенциалом и литературным талантом в создании образов героев, выборе сюжета. У знаменитых новеллистов чувствуется зрелость и достаточность личного опыта, что является несомненным подспорьем при создании рассказов.

Еще один новеллист Ахмад Абдулмалик в своем сборнике «405-я комната»¹ создал лучшие образцы жанра катарского рассказа. Его мастерство художественного изображения чувствуется с самого начала в диалогах и речи персонажей. Он является писателем реалистического направления. При изображении отношений людей он показывает психологические стороны этих взаимоотношений, а также их сложность, его реализм непосредственно связан с социальными проблемами. Наряду с этим в сборнике писатель поднимает проблему отношений мужчины и женщины, в основном в рамках семейного быта. Его метод основывается на тонком изображении психологического состояния и на привлекательном интересном сюжете. Во всех сборниках Ахмад Абдулмалик, особенно в сборниках «405-комната» и «Бумаги женщин»², освещает сложные социальные проблемы, изображает человеческие переживания, волнения. Отношения между мужчиной и женщиной он изображает с мастерством и художественной силой через социальный анализ.

Другой современной писатель Мухсин Фахд аль-Хаджири освещает открытые отношения через показ человеческого характера в различных ситуациях, а современный писатель Джамал Фаиз осещает болезненные традиционные вопросы, сохранившиеся в обществе со старых времен, и показывает изображает как новые материальные изменения отражаются на судьбах героев.

Социальная действительность занимает большое место в катарской новеллистике. В ней мы видим непосредственное отображение действительности, иногда рассказы лаконичны и оптимистичны, иногда они как в рассказах Ситы аль - Азба «бескрылы», в них витает дух печали, безысходности. Этот дух основывается на чувственных связях в различных их проявлениях, на строгости семейных традиций, на разрушении семьи, на том, как человеческий дух отстывает перед обычаями и традициями, в результате наступает духовное рабство и отсталость. Часто это выражено посредством символов и намеков, что является доказательством появления модернистских тенденций в новеллистике Катара. В этих рассказах происходит поиск форм, ставятся опыты посредством использования различной техники изложения и приемов. Посредством психологического анализа изображается страдание героев через поток сознания, изменения, происходящие с ними в результате духовных поисков. Перед писателями, которые

¹ Aḥmad ‘abdalla al-malik. al-ğurfa 405. mağmu: (The Room number 405) a qişa:şijja. al-rijađ. 1997.

² Aḥmad ‘abdalla al-malik. aura:q nisa:ja. qişşaş qa.şi:ra (Women’s papers. Short Stories) min işda:rat -I –mağlis al-ûaṭani li’ṭaqa:fa ûa-t-tura:t’ . 1. 2001.



стремились к глубокому изображению личности, встала задача поиска новых изобразительно-выразительных средств, методов для изображения частичного поражения или разрушения судьбы и семейной жизни.

Наряду с этим арабский рассказ не стал субъективным, как западный. В нем нет полного отречения от реалистического метода изображения, в основе рассказа осталась традиция повествовательного изложения в реалистической манере, а иногда в фантазийном, и в образно-абстрактном изложении, то есть арабский рассказ в целом остался верным своим основным нравственным понятиям, при изображении взгляда рассказчика на мир, отражении противоречий, борьбы в нем. Модернистские элементы проявились в основном в поисках новых изобразительных средств и приемов.

На современном этапе новеллистика Катара при отображении и характеристике действительности развивается исходя из своих национальных реалий, вместе с тем, в ней чувствуется влияние и других литератур, сильны тенденции использования художественного опыта и открытий писателей всего мира. Чрезмерная склонность к социальному анализу, иногда приводит к уменьшению художественности в произведениях, они становятся всего лишь выражением действительности и ее отображением, зеркалом реальности.

В настоящее время в катарских рассказах центральным вопросом является вопрос творческого поиска и опыта художественного изображения. Арабский рассказ в Катаре пытается выйти из традиционности, это проявляется в нарушении границ времени и пространства, в изменении структуры сюжета, в стремлении к отказу от сюжета, абстрагировании, в широком использовании устного народного творчества, в использовании диалектов, поэтических приемов в прозе и в дополнении текста различными иноязычными элементами.

Определенное влияние данного опыта ощущается в приведенных ниже следующих 3 сборниках рассказов. Эти опыты были удачными и стали литературным явлением. В этих рассказах сконцентрированы живой взгляд и художественное мастерство. Это сборники новелл – Худы ан-Наими “Отрицание” (اباطيل)¹, Нури Мухаммед Фарадж “Идол” (الطوّم)² и Далал Халифа “Я жасмин (انا الياسمينة)”³ Важный признак художественной зрелости этих трех сборников – живой взгляд на действительность и ее мастерское изображение через различные художественные образы.

В качестве заключения можно сказать, что современная новелла Катара, находясь на этапе своего развития, проходит через литературно-художественные процессы, происходившие в 60-х годах XX века в Египте, Сирии, Ливане, Тунисе, Алжире и других арабских странах.

¹ Huda al-na ĩ:mi. aba:ĥi:l. (The Herous) da:r al-mařriĥa al-lubna:nijĥa. al-qa:hira. ĥ1. 2001

² Nu:ra muĥammad faraĥ. al- ĥaĥa:ĥim. (El-Tawateem) dar al-kunu:z al-adabiĥa. ĥ1. 2001

³ Dalla:l ĥali:afa. ana: al-ĥa:smi:na al-bajĥa:ĥ (The Wight Jasmine) maĥmu: a qisřař. dar ũlu:m liĥ-ĥiba: ũa-n-nař ũa-taũzi: ĥ. ad-du:ĥa. ĥ1. 2002



Если в произведениях старшего поколения новеллистов, создававших свои произведения в 60 – 70 годы XX века, преобладали риторический, или информационный стиль и метод изложения, то новеллисты среднего поколения (Кулсум Джабер, Умм Аксам), принадлежащие к 80-годам уже отображают внутренний мир личности и ее духовное соответствие окружающему миру.

Значение новеллистов молодого поколения (Худа ан-Наими, Джамал Файиз, Мухсин аль-Хаджари), создающих свои произведения, начиная с конца 80-х – начала 90-х годов, состоит в том, что они проявили мужество, подняв социально-нравственные проблемы, о которых молчали старшее и среднее поколения новеллистов. Они со всей ответственностью подошли к поднятию проблем (обучение за рубежом, ситуация в тюрьмах, состояние инвалидов), которые до сих пор замалчивались в катарском обществе.

Отличие молодых новеллистов заключается в том, что они живут общими социальными заботами общества, уделяют им основное внимание и стараются изобразить их в своих произведениях.

В настоящее время новеллистика Катара находится на этапе ускоренного развития и стремится быть созвучной мировому литературному процессу.

АРИПДЖАНОВА НИЛУФАР

тадқиқотчи, ТДШУ

Кувайт адабиёти Фотима Юсуф Али ҳикояларида аёл руҳиятининг бадиий-услубий талқини

Аннотация. *Мазкур мақола замонавий Кувайт адабиётида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлмиш истеъдодли адиба Фотима Юсуф Али ижодида аёллар руҳияти масаласига бағишланган бўлиб, унда ёзувчининг “Та марбути” ҳикоялар тўпламидан ўрин олган баъзи ҳикояларини таҳлил этиши асосида адибанинг бадиий-услубий маҳорати талқин этилади. Адиба қандай мавзунини танламасин, унда асосан араб аёлининг жамиятда ва оилада тутган мавқеи ҳамда ижтимоий ҳолати орқали руҳий оламини очиб бериши марказий ўринни эгаллайди. Ҳикоялар билан танишиши жараёнида биз муаллифнинг аёл ҳаётига, аёл аҳволини яхшилашига қаратилган асосий мақсадини англаймиз. Аёл аслида нозик ҳилқат аммо шу билан бирга улкан сабр-бардош, матонат соҳибаси эканлиги нозик чизгилар орқали Фотима Юсуф Али ҳикояларида ўз инъикосини топади. Ҳикоялар бадиий жиҳатдан ўз маромига етказилгани ҳолида, унда турфа бадиий-услубий воситалар, образлар тизими, баёнчилик маҳорати, аёл шахсиятидаги психологизм билан боғлиқ масалалар етакчилик қилади. Шунингдек, ҳикоялардаги асосий қаҳрамонларнинг моҳияти уларнинг нутқи, монологлари асосида, портрет характеристикаси орқали намоён бўлади. Персонаж нутқини индивидуаллаштириши орқали эса унинг шахсияти, дунёқараши, руҳияти ҳақида маълумот беради. Ҳикоячининг персонажга айланиши ёки ҳикоячи персонаж ва муаллиф нутқининг чатишиши ҳодисалари, диалогларнинг фусха, яъни араб адабий тилида берилиши, ажнабий сўзларнинг истифода қилиниши – буларнинг бари адиба маҳоратининг бир қиррасидир. Ёзувчи ҳикояларидаги воқеалар*



ҳаётӣ тус олишига, турмуш ҳақиқатига мос келишига алоҳида эътибор қаратади, миллий хусусиятларни, миллий калоритни айнан, кувайтликларга хос бўлган ўзига хосликларни синчковлик билан ҳаққоний тарзда акс эттиради. Фотима Юсуф Али ҳикоялари асосига олган ҳаётни образли ўзлаштирди, унинг оригинал бадиий манзарасини яратишида истеъдоди, ижодий мустақиллиги, ўзига хослиги билан ҳаётӣ факт ва ҳодисаларни, инсоний муносабатларни янгича талқин қилди ва бунинг натижасида Кувайт адабиётида ўз овози, ўз услуби, маҳоратини яратди.

Таянч сўз ва иборалар: Замонавий Кувайт адабиёти, ҳикоя, монолог, монолог хотира, бадиий психологизм, портрет, персонаж нутқи, хотира кесишуви.

Аннотация. Эта статья посвящена проблеме женской психики в творчестве талантливой писательницы Фатимы Юсуфа Али, занимающей значительное место в литературе современного Кувейта. Какую бы тему ни выбрала бы Адиба, центральное место в духовном мире занимает центральное место в положении арабской женщины в обществе и семье, а также в ее социальном статусе. В процессе знакомства с рассказами мы понимаем главную цель автора, которая заключается в улучшении жизни женщин, улучшении положения женщин. Тот факт, что женщина на самом деле является деликатным существом, но в то же время обладает большим терпением и настойчивостью, отражается в рассказах о Фатиме Юсуфе Али тонкими линиями. Когда истории художественно доводятся до своего ритма, в нем преобладают различные художественные и методологические средства, система образов, повествовательные навыки, психология женской личности. Также суть главных героев в рассказах выражается через их собственную речь, монолог, портретную характеристику. Индивидуализируя речь персонажа, он предоставляет информацию о своей личности, мировоззрении, психике. Превращение рассказчика в персонажа или путаница рассказчика и речи автора, фуши диалогов, то есть использование иностранных слов - все это аспекты мастерства писателя. Автор обращает особое внимание на то, что события в его рассказах приобретают жизненный характер, соответствуют реалиям жизни, тщательно и точно отражают национальные особенности, национальную калорийность, особенности кувейтцев. Фатима Юсуф Али образно овладела жизнью, основанной на ее рассказах, ее таланте в создании оригинального художественного пейзажа, ее творческой независимости, оригинальности, новой интерпретации жизненных фактов и событий, человеческих отношений, и в результате создала свой собственный голос, свой собственный стиль, свое мастерство в кувейтской литературе.

Ключевые слова и фразы: Современная Кувейтская литература, рассказ, монолог, монолог памяти, художественная психология, портрет, разговор характера, пересечение памяти.

Abstract. This article is devoted to Fatima Yusuf Ali's works which were mainly about women's moral condition, she was a talented poet who has a significant role in Contemporary Literature of Kuwait. The article explains the literary and methodological skills of the writer by analyzing some of the author's stories from the "Ta Marbuta" collection. Whatever the subject, the poet chooses, she mainly praised the social condition of the Arab women and her role in society and family. In the process of familiarizing with the stories, we realize the author's primary goal to improve women's lives and their



status. Actually, the women is a subtle character at the same time women owner of huge patience and stamina, and poet tired to image that qualities. While the stories are rhythmically organized, it is dominated by a variety of literal-methodological tools, image systems, narrative skills, and psychology of female personality. Also, the significance of the main characters in the stories is revealed through their own speech, by their monologue, and by portrait characterization. And by personalizing the individual's speech, it provides information about his personality, point of view, and spirit. Rotating the storyteller to characters speech, the dialogues being transcribed in Arabic, these all are poet's literary skill. The writer pays particular attention events in his stories to be close to real life and corresponding the truth, also the writer tried to reflect national colors from Kuwait people. Fatima Yusuf Ali interpreted her stories metaphorically, for creating original landscape, she used her talents, independence, originality, and creativity, resulting in she possessed her own voice, style, and skills in the literature of Kuwait.

Keywords and expressions: *Contemporary Literature of Kuwait, story, monologue, artistic psychology, portrait, character speech, memory intersection.*

Кириш. Адабиёт сўз санъати. У сўз ёрдамида инсон руҳияти ва тафаккури манзараларини чизади, унинг энг пучмоқ нуқталарига имкон қадар кириб боришни назарда тутаяди. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда ҳаёт бошқа санъат турларига нисбатан тўлақонлироқ, таъсирчанроқ акс эттирилади. Ёзувчи инсоннинг кўз билан кўриш, қулоқ билан эшитиш, биров бир сезги аъзоси билан билиш имкони бўлмаган энг юксак фикрлари, мураккаб туйғулари, нозик сезгиларини биргина сўз орқали ифода этади. Хусусан, халқнинг, миллатнинг маънавий ва маданий етуқликка эришиш манбаларидан энг муҳими ҳам бадиий адабиётдир. Инсоният тарихининг барча босқичларида бадиий адабиёт санъат турларидан энг етакчиси сифатида жуда катта ўрин тутиб, миллий маънавиятнинг шаклланишида фаол роль ўйнаб келган.

Бугунги кунда ҳар томонлама ривожланиб, такомиллашиб бораётган араб адабиёти силсиласида ўз нуфузига эга бўлган Кувайт адабиёти ўз тараққиёт босқичида ўрта аср араб адабиётининг анъанавий қолипларини сайқаллаган ҳолда, замонавий шакллар қўлланилган ҳикояларгача бўлган тараққиёт эволюциясини босиб ўтди.

Кувайт адабиёти ҳикоя жанри ривожланишининг баъзи омиллари, тараққиёт босқичлари ва ундаги аёллар ижодига назар ташлар эканмиз, унда кувайтлик адиба Фотима Юсуф Али ижоди ҳам алоҳида ўрин тутишига гувоҳ бўламиз. Зотан, бу машҳур ёзувчининг ижодини ўрганиш, анъанавий реализмнинг янгилиниш жараёни юз бераётган Кувайт адабиёти ҳаётининг тараққиётини тасаввур қилишга имконият яратади.

Мақсад ва вазифалар: Ушбу мақолада замонавий Кувайт ҳикоячилигининг шаклланиши ҳамда унинг ўзига хос томонлари Фотима Юсуф Алининг “Та марбути” тўпламига мансуб “Ҳеч нима бўлмади”, “Мен, у ва у” ва “Ёлғизгина қиз” ҳикоялари орқали очиқ берилди. Шунга мувофиқ, ёзувчи ҳикоясидаги образлар психологиясини очиқ бериш, образлар силсиласи



орқали адиба ғоясини аниқлаш, ҳикоя таҳлили орқали ёзувчининг бадиий-услубий маҳоратини кўрсатиб бериш вазифаси юкланади.

Усуллар: Илмий мақолани ёзишда бадиий психологизмнинг психологик ҳолат, психологик таҳлил каби унсурлари ўз ифодасини топади.

Натижа ва мулоҳаза: Мақолада кўтарилган мавзу гендер масаласига бағишланган бўлиб, унда аёл мавқеи, унинг социум аъзоси сифатида тутган ўрни каби муҳим ва долзарб масалалар қайд этилади.

Кувайт адабиёти. XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб имкон қадар ўрта аср араб адабиёти исканжасидан ўзган ҳолда, замонавий тус ола бошлаган замонавий Кувайт адабиётининг шаклланишида миллий мерос, халқ оғзаки ижоди ва жаҳон адабиёти тажрибалари уйғунлашган ҳолда ҳал қилувчи роль ўйнади. Кувайт адабиёти тараққиётида адабиётшунослар томонидан ўтказилган миллий, ижодий кечаларнинг аҳамияти ҳам беқиёс бўлди. Бу кечаларда турли маданий-маърифий ташкилотлар етакчилари, бошқа араб мамлакатларидан келган адабиётшунослар қатнашиб, Кувайт адабиёти ёзувчиларининг янги асарлари муҳокама ва мушоҳада этилди.

Жаҳон адабий жараёни ўзанига кириб келаётган Кувайт адабиётида бошқа жанрларга қараганда жадал ўзгараётган воқеликка тез жавоб берадиган, жанр сифатида энг ҳозиржавоб ҳикоя жанри кўпроқ ривожланди. Бу борада аёл адибалар ҳам четда қолмадилар, улар ёзган илк ҳикоялар Кувайтда 50-йилларда пайдо бўлиб, 60-йилларда чоп этилди.

Кувайтлик адиба Фотима Юсуф Али ижодида ҳам ҳикоя жанри ўзининг алоҳида мавқеига эга бўлиб, ў ўз ҳикоялари асносида аёлларнинг оиладаги ва жамият ҳаётидаги мавқеини истифода этади. Адибанинг асарларида аёл ўз ғам ташвиши, реал ҳаётга муносабати, келажакка интилиши ва доимо зўр ихлос билан мустақилликка талпиниши ҳамда озодликка эришиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга бўлган хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради.

“Та марбута” ҳикоялар тўпламидаги баъзи ҳикоялар таҳлили. Психологизм – Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда, “Ёзувчи маҳоратининг муҳим жиҳатидир”¹. Бунда ёзувчи қаҳрамон ички дунёсини, психологиясини ўз услуби орқали очиб беради. Шунинг учун психологизмни, санъаткорнинг шахсидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай асардаги психологизм тасвирида, ўша асарни яратувчи ёзувчининг ўзига хос психикаси имкониятлари намоён бўлади. Гёте: “Ёзувчи ички дунёсининг ёрқин ифодаси – унинг услубидир” – деган ғояни илгари суради.

Фотима Юсуф Алининг ҳикоялари ҳам аёллар мавзусига бағишланган бўлиб, уларда аёллар руҳияти талқини марказий ўринни эгаллайди.

“Ҳеч нима бўлмади” (“ما فيها شيء”), “Мен, у ва у” (“أنا و هو و هو”), “Ёлғизгина киз” (“فتاة ... وحيدة”) ҳикоялари адибанинг 2004 йил Қоҳирада нашр

¹ Shodiyev.N.T. Abdulla Qahhorning psixologik mahorati. Fil.f.d.– Т.,1974. В1. [The psychological mastery of Abdulla Khahhar]



этилган “Та марбута” ҳикоялар тўпламидан ўрин олган бўлиб, унда бош қаҳрамонларнинг ўйлантирувчи, ажаблантирувчи тақдирлари акс эттирилган. Ҳикояларда маиший масалалар, кувайтликларга хос удумлар, она ва бола муносабатлари, талабалар ҳаёти, аёл ва ижод мавзуси, муҳаббат масалалари етакчилик қилади.

“Ҳеч нима бўлмади” (“مَا فِيهَا شَيْءٌ”) ҳикоясида талаба қиз руҳияти.

Адиба Фотима Юсуф Али “Ҳеч нима бўлмади” (“مَا فِيهَا شَيْءٌ”) ҳикоясида бош қаҳрамон қилиб, ўқимишли, ёш талаба қизни танлайди. Қизнинг исми Марьям бўлиб, у ўзига ишонган, гўзал қатъиятли қиз.

Ҳикоя маиший характерга эга бўлиб, унда типик образлар типик вазиятларда гавдаланади: севгисини ошкор қила олмаган талаба қиз, қизнинг муддаосидан беҳабар ўқитувчи йигит, шифохонада ётган қизнинг дугонаси, қизининг хатти-ҳаракатларидан ҳайрон бўлган она.

Фотима Юсуф Али эса ана шу кичик ҳикоясида қизнинг руҳий кечинмалари, унинг ўз севгисига эришиш асносида ўйлаб топган найранглари мохирона акс эттира олгани ҳолда замонавий кувайтлик қиз образини яратишга эришади.

Характер хусусиятлари, ҳаётдаги фаолияти билан реал одамларга мос келишини ва типик шароитда ҳаққонийлаштирилиб акс эттирилганини эътиборга олган ҳолда ҳикоядаги образларни реалистик образлар деб аташимиз мумкин.

Ҳикоя бош қаҳрамони талаба қиз Марьям ўзининг ўқитувчисига нисбатан қалбида илк муҳаббат учқунларини туяди. Бу ҳис-туйғулар қизнинг руҳий дунёсини ларзага солади, унинг ички кечинмаларини жунбушга келтиради. Шу сабаб Марьям тентакларча, ўқитувчиси билан ёлғиз учрашиш мақсадида баҳоналар излай бошлайди. Охир-оқибат унинг ёдига яқинда шифохонага даволаниш учун ётган курсдош дугонаси тушади. Марьям устозига бетоб бўлиб қолганлигини ва барча гуруҳдаги дўстлари йиғилишиб уни кўриб келишга бормоқчи эканлигини айтади ва ўқитувчисини ҳам бирга боришга таклиф қилади. Қизча эрталабдан ҳаракат бошлайди. У кўзгу атрофига ўтириб олиб, ўзига оро беришга киришади, бўянади, атир-упалар сепади, ўзи ёқтирган либосини кияди. Муаллиф шу ўринда қаҳрамон руҳиятининг кечинмаларини унинг ташқи қиёфаси, ҳолати ва хатти-ҳаракатларининг кўриниши орқали тасвирлайди, яъни бунда психологизмнинг “динамик принципи” асосий мезон вазифасини ўтайди.

Онаси эса бу ҳолатни кўриб ҳайрон ва бу кийим-боши шифохонага бориш учун муносиб эмаслигини таъкидлайди. Она-бола ўртасида мунозара бошланади, Марьям эса онасининг сўзларини рад этади. Марьям белгиланган жойга етиб боради ва ўқитувчиси уни вақтида келганлиги учун мақтайди. Улар шифохонага бориш учун ҳозирланадилар.

Аммо Марьямнинг фикру зикри йигитда, айни шу чоғда уни ҳеч нарса қизиқтирмаётган эди. Йигит эса ҳеч нимадан беҳабар бошқаларнинг келишини кутарди, қизга эса у хоҳлагандай муносабатда бўлмаётган эди. Шу ўринда ёзувчи йигитнинг чап кўлидаги турмуш курганлиги тўғрисидаги



узугига ишора қилиб ўтади. Қизни эса бу ҳолат ташвишга солмаганлиги китобхонга ғайритабийдек кўринсада, аммо бу, қизнинг бошқа дўстларининг келмаслигини атайлаб уюштирганлигида ўз ифодасини топади. Йигит эса қизнинг парвона бўлаётгани боисини ва бошқаларнинг келмаслигини тушуниб етади ва шифохонага боришдан бош тортади. Қиз эса ўзини оқлаш мақсадида дўстларини таклиф қилиш ёдидан кўтарилганлигини сўзлайди, аммо йигит унга норозилик билдириб, кетиб қолади.

Қиз шифохонага дугонасининг хузурига кириб, йиғлаб юборади. Дугонаси эса ҳеч нарсдан беҳабар, таъсирланиб менинг аҳволимни, шифохонада ётганлигимни кўриб, ачиниб, йиғлаб юборди, деган ҳолда уни юпатишга тушади. Қиз эса муҳаббатининг мағлубияти учун изтиробда эди. Чунки эрталабдан онасида шубҳа уйғотиб ясениб тусанганлари зое кетган эди.

Муаллиф ҳикоя давомида анъанавий баёнчилик услубидан фойдаланади, шу билан бирга ҳикоя энгил юмор руҳи билан йўғрилган, бу ҳолат айниқса ҳикоя сўнггида англашилади.

Ҳикоя давомида адибанинг диалогларни моҳирона қуришининг гувоҳи бўламиз, шу билан бирга ҳикоячи персонаж баёнотининг ҳам ёрқин ифодаси кўзга ташланади. Ҳикояда кувайтликларга хос лаҳжа сўзлар (يايه) билан бирга ажнабий (السيناريو – сценарий) сўзларнинг ҳам истеъмол этилганлигини кўрамиз.

Ҳикоянинг яна бир алоҳида сифати эса унда, жоҳилия даврининг машҳур шоирлари ал-Бухтурий, Абу Таммом, Абу Аъло ал-Маарий ва ҳаттоки, Аз-Замаҳшарий номлари зикр этилишидадир. Шу билан бирга унда гўзал шеърини намуналар, байтларнинг истифода қилиниши унинг салоҳиятини оширади.

"اتاك الربيع الطلق يختال ضاحكاً!!"

Сен томон келди очиқ юзли баҳор, қулиб кўрсатмоқ чун ўзини дарҳол.

Соддагина бўлиб кўринган кичик бир мавзу асосида адиба жамият ҳаётида бугунги кунда учраши қайд этилаётган долзарб масалани қаламга олади ва уни ибратли тарзда яқунлайди.

Бадий асарда тўлақонли инсон образини яратишдаги муҳим унсурлардан бири бадий психологизм саналади. Бадий психологизмда персонаж руҳияти очиб берилади, уни хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари психологик жиҳатдан асосланади¹. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Психологик тасвирнинг бевосита шаклида персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари “ички монолог”, “онг оқими” ёки муаллиф тилидан баён қилинади.

“Мен, у ва у” ҳикояси бадий психологизмнинг ёрқин намунаси сифатида. Ҳикоя асосида аёл ва ижод масалалари, ижодкор аёлнинг дахлсиз руҳий дунёси, унинг қалб изтироблари нозик чизгилар орқали ошкор этилади. Ҳикояда бадий психологизмнинг психологик ҳолат, психологик таҳлил каби унсурлари ўз ифодасини топади. Персонаж нутқининг монолог

¹ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – T: 2004. B70. [Introduction to literary]



воситасида воқеъ бўлиши ҳикоя услубининг асосини ташкил этади. Муаллиф персонаж нутқини индивидуаллаштириш орқали унинг шахсияти, дунёқараши, айна пайтдаги руҳий ҳолати, дунёси ҳақида маълумот беради. Ҳикоя давомида монологнинг монолог хотира, ички монолог каби унсурлари кўзга ташланади.

Ҳикояда ўз-ўзини таниган, ҳаётдан мақсадини излаган, ўзининг хоҳиш-истакларига эга шахсият образи талқин этилади. Ҳикоянинг бутунлай монологга асосланганлиги эса қаҳрамон руҳиятининг тўла-тўқис очиб берилишига замин яратади.

Ўқувчи ҳикояни илк мутолаа қилиш жараёнида унинг фақатгина юзаки маъносини илғаши мумкин. Аммо муаллифнинг ижодий нияти ҳикоя таҳлили жараёнида англашилади. Эндиликда қаҳрамон аёл бу ички туғёнларини монолог хотира, ички монолог воситасида воқеъ этади ва биз унинг маҳбуби ҳақиқатда мавжуд бўлган инсон шахси эмас, балки унинг ижоди, ижоддаги ёри эканлигини англай бошлаймиз. Аёл ва унинг турмуш ўртоғи орасидаги тушунмовчиликлар, унга нисбатан эрининг совуққонлик билан муносабатда бўлиши – аёлнинг ижодда кўнгилдагидай ёр яратиб, таскин топишида истифода этилади. Бир қарашда севги ва муҳаббат масалалари мавҳум, аёлнинг ички кечинмалари, ҳиссиётлари ўз мураккабликлари билан баён этилаётгандек туюлсада, аммо уни инсон образи тарзида тушуниш ҳақиқатга зиддир. Ҳикоя ўқувчи учун мавҳум тафсилотлар қаҳрамон аёлнинг ички монологи орқали очиб берилади.

Монолог қаҳрамон аёл, умуман унинг ички дунёси, психологиясининг яққол ифодасидир. Монолог аёл дунёсини нафақат тасвирлайди, балки кўрсатади. Монолог шу даражада аёл образини тимсолга айлантирадики, кимлардир уни аёлга отилган маломат тоши, кимлардир эса аёл онгининг ўта ғаройиб реалистик ҳужжати деб ҳисоблайдилар.

في حضرية أحس أنني ملكة.. وكيف لا وقد فضلني علي كل النساء.. فكان... و أصبح لي.. تتخاصم..
نرضي، ننزاعل.. نصفو.. نختلف و نتفق.. ربا في أحيان كثيرة أفضله عليه لهذه الميزات.¹

Ташиқи оламни унутамиз... У билан ўзимни маликадек ҳис этаман... Қандай қилиб у шунча аёллар орасидан мени танлади экан... Эди... Меники бўлди... Урушиб қоламиз... Келишиб оламиз, ўзаро ҳафалашамиз... Ҳал қиламиз... Ўзаро келишмовчиликларга борамиз, келишиб оламиз.. Балки шунинг учун аксарият ҳолатларда ана шу хислатлари учун уни бошқалардан афзал биламан.

Ҳикоя давомида муаллифнинг пауза воситасидан ҳам ўз ўрнида мохирона фойдалана олганлиги юзага чиқади. Ёзувчи пауза воситаси ёрдамида фикрини аниқ-равшан, керакли ўринларни ажратиб-таъкидлаб ивода этади.

Қаҳрамон аёл фақат ижоддагина ўзини енгил, чинакам маликалардек ҳис этади. Бу эса унга ҳаёлот дунёсида бемалол сузишга, дунёни ўз чизгилари

¹ Usha asar. B.43.[Ibit. P.43.]



орқали тасвир қилишга имконият яратади. У ўз ижодида яратган ижодий ёри билан дардлашади, ҳафалашади ва яна келишиб олади, ўзининг реал ёридан топа олмаган хислатларини ундан ахтаради.

Аёлнинг ижоддаги паноҳи ёрининг таъқиби остида, у ҳамиша ўзида кураш учун куч топа олади, аммо негадир муносабатлари шу даражага бориб етганлиги ҳақида ўйламайди, ўз-ўзига савол билан мурожаат қилмайди. Бу эса қаҳрамон аёлни ташвишга солади, унингча реал ёри ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсата олмайди ва унинг ўзи суюқлисини ижодий ёр қўлида паноҳ топишига сабабчи бўлади. Аёл ижодий ёри билан бирга бўлган ҳаёти доимо ҳам асал каби бўлмаганини, балки аччиқ пайтлар ҳам борлигини аммо шундай бўлса-да, у қалб торлари, асаб ҳужайралари ва заковат томирларидан жой олиб улгурганини сўзлайди. Аёл унинг маҳбуси, аммо у ўз зиндонини яхши кўради, чунки улар бир-бирларини бўйсунувчанлик билан севадилар.

Ҳикоя асносида адиба гўзал ташбеҳ намуналарини келтиради:
 أحسيه.. يشعر انه ملاذي.. معتزلي.. نصل معاً صلاة الحب الهوي.. صلاة النجوي.. لذا فأنا أسيرة
 من غير اسر.. أحبه أكثر منه.. تدفق بحر الزهر.. تشل في كلمات عسل القلب يتجمد في حروف، أخفيت في
 باطنها أسراي.¹

*Унинг эҳтиросларини ўз ҳалоскорим яширинган жой сифатида сезаман...
 Биз биргаликда севги, бахт ва саодат намозини ўқиймиз...Шунинг учун мен
 асирларсиз асирман... Уни ўзидан кўпроқ севаман... Гуллар уммонни тўлади...
 Сўзлар билан қалб асали тузилди, у ҳарфларда қотиб қолиб, ичида
 менинг сирларим яширинди.*

Қаҳрамон аёл қалбини тўлқинлантирган ижод намунасининг туғилиши лаҳзасини кутмоқда, унинг қалб эҳтирослари ҳарфлар орқали бунёд бўлди, ўз инъикосини топди. Ижод ичра эса унинг ўз сирлари барқарор, ҳаёлотдаги ёр эса ишқ-муҳаббат яширинган жойларга, фикрлар гирдобига йўл олди.

Ҳикоя сўнгига келиб, муаллиф эҳтирослар, ўй-кечинмалар, ҳиссиётлар яширинган муҳаббат қиссаси туғилганлиги ҳақидаги хабарни қаҳрамон аёлнинг монолоғи орқали намоён қилади.

Ҳикоя ўз ечимини топади, яъни “севги қиссаси” бунёд бўлади ва ҳикоячи қаҳрамон уни босмаҳонага топшириб, кўтаринки руҳда қайтади. Аммо унинг хотимаси бироз мавҳумроқ, чунки қаҳрамон аёлнинг реал ёри ва унинг ижоди ўртасида у келгунга қадар кураш бўлиб ўтган.

مسموماً بفتاقيت الغيرة و الغضب... لقد انتصر عليه، شريكه بي.²

*Рашик ва ғазаб уни чулғаб олганди... Чунки унинг устидан мен билан
 бўлган рақиби голиб чиқди.*

Юқоридаги парчадан маълум бўладики, аёлнинг турмуш ўртоғини унинг ижоддаги ёри мағлуб этади, аммо ижодкор аёл энди қандай йўл тутаяди?

¹ Usha asar. B.43-44.[Ibit. P.43-44.]

² Usha asar. B.44.[Ibit. P.44.]



Улардан қай бирини танлашни маъкул деб билади? Қаҳрамон аёл турмушдаги ёри томонидан тушунилмаган, етарлича ардоқланмаган бўлсада, аммо унинг қалбида унга нисбатан илиқлик, ҳиссиёт бор. Лекин оғир дамларда у ижоддан паноҳ топди, турмуш ўртоғи эса унинг ижодини таъқиб этмоқда. Ҳикоя сўнгида биз қаҳрамон аёл руҳиятида иккиланиш сезамиз. Аммо хулоса чиқаришни, унга таклиф киритишни муаллиф китобхон зиммасига юклайди.

Бош қаҳрамон Таййиба қалб тубидаги ўй-кечинмалари “Ёлғизгина қиз” ҳикояси талқинида. Ҳикоя орқали Фотима Юсуф Али бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирини кўтарди. Ҳикояда Таййиба исмли ёлғиз, ёши ўтган қиз ҳаёти акс эттирилгани ҳолда, шу ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлган воқеалар таҳлил этилади. Адибанинг кўпгина ҳикояларига хос бўлгани каби, бу ерда ҳам бош қаҳрамон қилиб аёл кишини танлайди. Ҳикоя бош қаҳрамони Таййиба тилидан сўзланиб, унинг сюжетини Таййибанинг изтироблари, ўй-кечинмалари, тақдир масаласи ташкил қилади. Бош қаҳрамон – Таййиба образи талқинида ифодали, ақл-заковатли, оқила араб қизи талқин этилади.

Ҳикоя услуб жиҳатидан реалистик тамойилларга асосланган бўлса-да, биз унда нореалистик унсурларни ҳам учратишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида, ҳикоянинг янада таъсирчан чиқишига, китобхон қалб шуурига тезроқ етиб боришига хизмат қилади. Ҳикоя хотиралар тарзида берилгани ҳолда, унда ретроспектив сюжет етакчилик қилади.

Ретроспектив сюжет қонун-қоидаларига биноан, воқеалар бир бошдан, бирин-кетин ҳикоя қилинмайди, балки воқеалар маълум жойидан тўхтатиб қўйилиб, унинг ўтмишига, шу ҳолатга тушишига сабаб бўлган воқеаларга мурожаат қилинади. Ҳикоя давомида руҳан эзилган қаҳрамоннинг ўтмишига қайтиб, хотираларга берилиш жараёни кузатилади.

“Ёлғизгина қиз” ҳикоясининг бош қаҳрамони Таййиба ўзига тўқ, бой хонадоннинг биттагина, ёлғиз фарзанди эди. У тўкин-сочинликда улғайди, аммо унда энг керакли нарсаси – она меҳри йўқ эди. Ҳа, у онаси бўла туриб ана шу меҳрга зор бўлди. Бойлик кетидан қувган отаси эса онасидан ҳайиқар, шунинг учун кўпроқ пул топишга ошиқар эди. Она эса ўз қизини камситар, уни лақмаликда айбларди. Тўғри, Таййиба бошқа араб қизлари сингари гўзал, латофатли эмасди, аммо унинг ўзига тортувчи жозибаси ва энг кераклиги ақлу-заковати бор эди. Таййибанинг юрак кўридан жой олган отасининг бир сўзи бор эди: “Менинг ёлғизгина қизим”. Ана шу эркаланиш, биргина сўз орқали у ўзини ҳақиқий эрка фарзанддек ҳис этар, бир зумга бўлса-да, болаларга хос бўлган маъсума ҳаётга қайтарди. Онаси эса гўзал ва сўзамол аёл бўлиб, енгил ҳаёт ва меҳмондорчиликларни хуш кўрарди.

Биз ҳикоя таҳлили жараёнида, персонажнинг хотираларга берилганлиги боис ўтган замон феълларига кўпроқ дуч келамиз. Ҳикоя услубида эса монолог хотира, ички монолог ва статик портрет воситалари кўзга ташланади.

Эдуард Дюжарден ички монологга таъриф бериб: “Қаҳрамоннинг бизни муаллиф аралашувисиз, изоҳлари-ю мулоҳазаларисиз бевосита ўзининг



ботиний дунёсига олиб кирувчи нуткидир” – дейди.¹ Таърифдан кўриниб турибдики, ички монолог худуди қахрамон “ботиний дунёсини” ёки “руҳий жараёни ва унинг мазмунини” қахрамон ички нутки орқали ифодалаш ёки тасвирлашни ўз ичига олади, бинобарин, монолог якка нутқдир.

Ҳикояда, айниқса, ички монологнинг ўрни салмоқли. Сабаби ҳикоя бошидан охиригача биргина қахрамон Таййиба тилидан сўзланади. Баъзи ҳолларда диалогларга ҳам дуч келишимиз мумкин, аммо улар ҳам бош қахрамоннинг ўтмишга қайтиши асносида унинг тилидан берилади, яъни унинг овози баёнда операторлик вазифасини ўтайди. Бундай жиҳатни қахрамон нутқининг баъзи бир эмоционал характерли хусусиятлари сақланишида ва мазмунни фикрий ва стилистик томондан ифодалашда баб-баробар қатнашишида кўрамиз. Ифодалашнинг лексик хусусиятлари ва грамматик қурилиши ҳам бунга далил бўла олади.

Ҳикоя давомида бош қахрамон Таййибанинг ички монологидан персонажнинг қанчалар тушкун, аянчли аҳволда эканлигини англай бошлаймиз. У нафақат изтиробда, балки руҳан эзилгандир. Таййиба ўз ҳаётини маъно-мазмунсиз, гўзаллик ва қувончдан ҳоли деб ўйлагани боис уни рўё каби қабул қилади. У йўқликлар дунёсида ёлғиз ва чорасиз, нажот кучларини кутмоқда, аммо улардан на мадад, на дарак бор.

Таййиба яна хотираларга берилади, ўтмишга қайтади ва барчаси ўзгача бўлиши мумкинлиги ҳақида ўй суради. Таййиба бўйига етди, энди уни ҳам балоғатнинг хушнуд дамлари қамрай бошлади. Барча шарқ оилаларида бўлгани каби, унинг остонасини ҳам супурувчилар кўп эди. Аммо уни сўраб келган совчиларнинг ҳар бири учун онасининг алоҳида ваъж ва баҳоналари тайёр эди.

- هذا حافي ما يصلح، طمعان في مالنا.²

– Бу оёқяланг бўлмайди, мулкимизнинг пайига тушган.

Биринчи келган куёв она назарида Таййиба учун эмас, балки уларнинг мол-давлатлари хуружда келган эди. Молу давлатга эга чикқанидан сўнг эса Таййибанинг унга кераги йўқ эди.

بيسري!!؟ هذا اللي ناقد.. ما أزوج الأصيلة لبيسري.³

У Бойсарликми? Йўқ, бу камчилик. Солиҳа қиз бойсарликка тегшиш керак эмас.

Иккинчи куёвнинг эса онаси асл туғилган еридан эканлиги қониқтирмагани ҳолда “куракда турмайдиган” баҳоналар кўрсатади. Отага бу келган куёв маъқул келган бўлса-да, такрор унинг фикри ҳеч қимни қизиктирмайди. Шу тариқа мол-мулкнинг катта қисми Таййибага тўйидан сўнг ўтишини билган она, нима қилиб бўлса ҳам совчиларни рад қилиш пайига тушди.

الثالث و صلت أخباره كاشاعة و لم يظهر.⁴

Учинчиси тўғрисида эса ёмон деган хабар келди, унинг ўзи кўринмади ҳам.

¹ Djuraev T.S. Ong oqimi va tasviriylik. Fil.f. nom.diss. – T.: 1994. – b.58. [Flow of consciousness and imagery]

² فاطمة يوسف العلي. ناء ماربوطة. فتاة وحيدة، 2004. ص 78.

³ Usha asar. B.78.[Ibit. P.78.]

⁴ Usha asar. B.79.[Ibit. P.79.]



Шу орада келган учинчи куёв ўзи айниб, уларни рад этади. Бу Таййибанинг онаси учун айни муддао эди, чунки бу сафар у баҳоналар қидиришдан кутулган эди.

- إن فرق السن كبير بينه و بين البننت...¹

– *Қиз ва унинг орасида фарқ катта*

Охир-оқибат тўртинчи келган куёв учун ҳам ваъж топилган эди, унинг ёши Таййибадан анча катта эди.

Таййибанинг онаси отасидан анча ёш бўлиб, атайин ўзидан ёши улуг бўлган эркакка турмушга чиққан, унинг нияти эридан сўнг молу давлатга эга чиқиб, қолган улушга ҳаётини кайфу сафода ўтказиш эди. Келаётган совчилар эса унинг бу режаларини барбод қилиши мумкин эди, чунки Таййиба турмушга чиқса, унга мол-мулкнинг кўп қисми берилар эди, шунинг учун у баҳоналар қидириб чарчамасди. Таййибанинг қалбида эса онасига нисбатан нафрат туйғуси болалай бошлади, унинг онаси нега бундай қилаётганини тахмин қила бошлаганди. У ҳар бир бахтли бўлишни истаган қиз каби оппоқ кўйлак кийишни, севишни ва севилишни истарди. Унинг кўп дугоналари турмуш қуриб улгуришган, суҳбатлашганда уларнинг ўз мавзулари бор эди. Ана шу паллаларда Таййиба уларга қўшилолмас, ўзини жуда-жуда ёлғиз ва чорасиз ҳис этарди. Қани эди унга муносиб, вафодор ёр топилса-ю, уни онасининг исканжасидан озод қилса ва унинг бу лахзали изтироблари поёнига етиб бари барҳам топса.

Шу ўринларда Таййибани нотўғри тушунувчи, унга маломат тоши отгувчи китобхонлар ҳам топилиши мумкин. Аммо унинг қалб изтиробларини чин дилдан тушунган китобхонгина унинг дардига шерик бўла олади. Зеро, табиат барчага баробар ҳукм ўтказади, севиш, севилиш, она бўлиш каби муқаддас туйғуларни уйғотади. Ҳар бир инсон замонасининг вақтига мувофиқ бўлиб яшашни истайди, зотан, бу ҳаётда барча нарсанинг ўз вақти ва ўз ўрни мавжуд.

Ҳикоя бош қаҳрамони Таййиба учун бу дамлар қанчалик оғир бўлмасин, у яна ўша мудҳиш кунни ёдига олади. Уйларни ораста қилаётган Таййиба, ўзининг ички кўйлақларини онасининг сумкасидан топиб олади. Эндиликда она қизининг ички кўйлақларини фолбинга олиб бормоқчи эди. Турмуш ўртоғи билан фолбин уйига кетаётган она, йўлда автоҳалокатга учраб, вафот этади. Бу фалокатда фақат яраланган ҳайдовчигина тирик қолади, аммо бу фалокат қандай содир бўлганига унинг ўзи ҳам ҳайрон эди, чунки бу умуман қутилмаган мудҳиш фалокат эди.

Ҳикоядаги қаҳрамон образини очиб беришда ёзувчи турфа бадиий тасвир воситалари, психологик ҳолатлар ҳамда рамзий маъно берувчи сўзлардан унумли фойдаланади.

Ота-онасининг ўлиmidан сўнг ўта ёлғизланиб қолган Таййиба ўттиз ёшдан ошиб улгурган, бойвачча қари қиз эди. Унинг юзлари сўлгин ва ҳазин бўлиб, улар рамзий маънода “сўлиган гул барглари” каби эдилар.

¹ Usha asar. B.79.[Ibit. P.79.]



“Ёлғизгина қиз” ҳикоясида ҳам адиба Фотима Юсуф Али мавзу ва услубни мутаносиблаштирган ҳолда ўз маҳоратини юзага чиқара олади.

Мавзу ва услуб шундай икки ҳамроҳки, бири иккинчисини тўлдиради, сайқаллаштиради. Ўз услуби, ижод манерасини кадрламай, дуч келган мавзуни қаламга олаверган ижодкорлар, гарчи улар истеъдодли бўлсалар ҳам ўз маҳоратини тўла намоиш этолмайдилар.¹ Зеро, ёндириш учун ёниш, куйдириш учун куйиш даркор, яъни ичдан тўла ҳис қилинган, дилдан вулқон сингари отилиб чиққан ижод намунасининг умри узоқ ва барҳаёт бўлади.

“Ёлғизгина қиз” бу ном нафақат ҳикоя асносида ўзининг инъикосини топади, балки қизнинг чиндан-да ёлғиз, бир ўзи қолиб руҳан эзилганини тасдиқлайди. Ҳикоя сўнгигига келиб, биз бунга икки қарра гувоҳ бўламиз. Таййибанинг кейинги ҳаёти қандай давом этиши, у қандай умргузаронлик қилиши китобхонга маълум эмас, аммо унинг яшаётган ҳаётидан безиганлиги, суюкли ёрга, фарзандлар кўришига эҳтиёжи ва истаги борлиги маълум.

Хулоса: Фотима Юсуф Али маҳоратининг “сири” шундаки, у ҳар бир характер ва образнинг моҳиятидан келиб чиқиб, унга мос равишда бадиий-тасвирий воситалар танлай олади. Қаҳрамонлар психологик ҳолати ва портретини чизишда эса у ўз қаҳрамонларининг ички ҳаётини кўрсатиш йўлини муҳим деб билади. Бадиий адабиётда инсон образини тўлақонли яратиш, уни ўқувчи кўз олдида конкрет жонлантириш учун учун хизмат қиладиган нуткий характеристика, портрет, бадиий психологизм, персонаж нутқи, муаллиф характеристикаси каби бадиий унсурлардан ўз ўрнида, унумли фойдалана олади. Ҳикоялари давомида адиба қаҳрамон аёллар руҳий ҳолатини бироз мавҳум, аммо табиий тарзда, унинг энг пучмоқ нуқталарига қадар шўнғиган ҳолда намоён этади. Ёзувчи қаҳрамонлари тилини ниҳоятда моҳирлик билан акс эттиради. Қаҳрамон аёл ҳаётида, фикрларида, кечинмаларида, кайфиятларида содир бўлган билинар-билинемас ўзгаришлар ҳам унинг ўз тили орқали баён этилади. У ҳар бир характер ва образнинг моҳиятидан келиб чиқиб, унга мос келадиган ташбеҳлар, тасвирий воситаларни ўз ўрнида қўллай билади. Адиба ҳикояларидаги образлар қанчалик хилма-хил, қанчалик индивидуал бўлмасин, улардан ягона бир индивид – муаллиф қиёфасининг, дунёқарашининг белгилари сезилиб туради. Ўз қиёфасига, ўз жозибасига, ўз услубига эга бўлган адиба хилма-хил ҳаққоний образлар дунёсини кашф эта олди.

¹ Shomansurov Yu. Voqelikni realistik aks ettirishda ilmiy tafakkurning roli. Fil.f. nom.diss. – T.: 1973. – B.32. [The role of scientific thinking in realistic reflection of reality]

**МУЛЛАСОДИҚОВА НИГОРА**

катта ўқитувчи, ЎХИА

Араб халқ мақолларининг ривожланиш тарихи

Аннотация. Қадимда арабларнинг турмуш тарзи уларнинг ижодга бўлган муносабатига таъсир қилган. Араблар ҳаётида турли афоризмлардан фойдаланиш одатий ҳолат деб ҳисобланган. Улар сўзамол, шоиртабиат халқ бўлгани учун ўзаро суҳбатда ҳам бир-биридан ўзишга интилиб, суҳбатдошига жавобан турли мақол, матал, ҳикматли гапларни тез ва осон топиб ишлатишига, ёки фикрини чиройли шеър, жумбоқли топшмоқ ёки гўзал панд-насихат орқали ифодалашга эришолган. Бунга ўша вақтларда адабий муҳитнинг мавжудлиги, конференция тарзида йиллик мушоираларнинг уюштирилиши ва бу мушоираларда иштирок этишига талабгорларнинг кўплиги ҳам муҳим омил бўлиб ҳизмат қилган. Талабгорларнинг кўплиги туфайли танлов анъанавий тарзда 20 кунлаб ўтказилган.

Араб адабиёти тарихида мақолларнинг шаклланиши жозилия даврига бориб тақалади. Мазкур даврда мақоллар оғзаки шаклда қўлланган. VIII асргача мақолларнинг ёзма нусхаси мавжуд бўлмаган, кейинчалик бу мавзуга оид илк китоб Муфаззал ад-Даббийга мансуб экани илмий далиллар билан очиқ берилади. Мазкур мақолада мақол ва матал тушунчасига изоҳ берилиб, улар орасидаги фарқ мисоллар орқали ажратиб кўрсатилган. Мақоланинг марказий масаласи этиб Қуръон оятлари ва Пайгамбаримиз ҳадислари, шунингдек, араблар ҳаётида юз берган айрим тарихий воқеалар асосида шаклланган мақоллардан намуналар тақдим этилади.

Таянч сўз ва иборалар: араб адабиёти, мақол, матал, тарихий воқеалар, Қуръон оятлари, ҳадислар.

Аннотация. В прошлом образ жизни арабов влиял на их отношение к творчеству. Использование различных афоризмов считалось обычным явлением в арабской жизни. Являясь красноречивым и любящим литературу народом, они быстро и легко использовали разные пословицы и поговорки, выражали свои мысли посредством красивых стихов, головоломок и наставлений. Любовь к литературе и стихам привела к организации ежегодных собраний поэтов и большому количеству претендентов на участие в них. Из-за большого количества претендентов конкурс традиционно проводился в течение двадцати дней.

Развитие поговорок и пословиц в истории арабской литературы восходит ко времени “джахилия”. В этот период пословицы использовались в устной форме. До восьмого столетия не было письменных копий пословиц и поговорок, и, позже из научных данных стало известно, что первая книга на эту тему принадлежит Муфаззалу аль-Дабби. В этой статье дается определение пословицам и поговоркам, а также различия между ними. Основным вопросом статьи являются пословицы, которые представлены из аятов Корана и хадисов Пророка, а также исторических событий, взятых из жизни арабов.

Опорные слова и выражения: арабская литература, пословица, поговорка, исторические события, аяты Корана, хадисы Пророка

Abstract. In the past, the way of life of Arabs influenced their attitude to creativity. The use of various aphorisms was considered commonplace in Arab life. Since they were eloquent and prone to literature, they could quickly and easily use different proverbs and sayings or



express their thoughts through beautiful poems, puzzles or beautiful instructions. The literary atmosphere of the time, the organization of annual conferences and the large number of applicants for participation in these conferences also contributed to this. Due to the large number of applicants, the competition has traditionally been held for twenty days.

The development of sayings and proverbs in the history of Arabic literature dates back to the time of jahiliya. During this period, proverbs were used orally. Until the eighth century, there was no written copy, and later from scientific data it became known that the first book on this subject belongs to Mufazzal al-Dabbi. This article gives an overview of the notion of proverbs and sayings, and the differences between them. The central question of the article is the proverbs that are presented from the verses of the Qur'an and the hadiths of the Prophet, as well as some historical events in Arabic life.

Keywords and expressions: Arabic literature, proverbs and parables, historical events, verses of the Qur'an, hadiths of the Prophet

Мақол ва маталлар халқ орасида энг кенг қўлланадиган адабий жанрлардан биридир. Инсоннинг турмуш тарзи, орзу-ҳаваслари, атрофдаги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ўй-фикрларининг турли йўллар билан образли қилиб ифодаланиши натижасида мақол ва маталлар вужудга келган. Фикр ифодалашда мақол, матал, ҳадис, ҳикмат ва топишмоқлардан моҳирона фойдаланиш тилнинг жозибаси, унинг бой имкониятини кўрсатиш деб баҳоланган. Афоризмларнинг нутқда тўғри қўлланиши сўзловчининг диди нозиклиги ва сўзга усталигига ишора деб ҳисобланади.

Матал тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора¹ бўлиб, унинг замирида бир маъно яширинади. Масалан, “Қизил қор ёққанда” ёки “туянинг думи ерга текканда” иборалари бир ишнинг ниҳоясига етмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. Мақол эса ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ҳикматли гапдир². Масалан, “Сут билан кирган жон билан чиқади” ибораси бирор одатга ўрганиб қолган одамга нисбатан ишлатилади.

Араб мақол ва маталларининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ ўтмишга - Жоҳилия ва ундан аввалги даврга бориб тақалади. Бу даврда Арабистон ярим оролида яшаган аҳолининг бир қисми шаҳарларда ўтроқ ҳаёт кечириб, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланган. Кундалик ҳаётларида турли қабила вакиллари билан савдо-сотик ва маҳсулот айрибошлаш учун мулоқот қилишлари натижасида бошқа тилларда қўлланадиган сўз ва иборалар уларнинг она тилларига аралашиб кетган. Арабистон ярим ороли аҳолисининг қолган қисми эса кўчманчи араблар - бадавийларни ташкил этган. Улар ташқи муҳит таъсиридан буткул холи тарзда саҳрода чорвачилик билан шуғулланган. Бу даврда яшаган бадавийлар табиатан

¹ Mirzayev T. va boshqalar. O`zbek tilining izohli lug`ati. – Toshkent: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi”. (Mirzaev T. and other Explanatory dictionary of the Uzbek language. - Tashkent: “National Encyclopedia of Uzbekistan”). -Б.555

² Ibid –Р.569



сўзга чечан, шоиртабиат бўлгани учун кундалик турмушларида ҳозиржавоблик билан шеърый жавоб қайтариш, топишмоқ, мақол ва маталлардан унумли фойдаланишга одатланган. Ижодкорларнинг ижод намунаси тақдим этилиши учун ҳар йил зулқаъда ойининг 1-20 кунлари Уккоз бозорида адабий кечаларнинг анъанавий якуний босқич йиғилишлари ташкиллаштирилган. Бу ҳисобот йиғилишларида иштирок этганларнинг ижод намуналари аввалги йилларда тақдим этилган шеърлардан буткул фарқлиниши, сўз ва маъно такрорланмаслиги шарт қилиб белгиланган. Тингловчилардан бирортаси тақдим этилаётган шеърни аввал эшитгани ҳақида даъво қилса танловдан четлаштирилган. Мусобақада иштирок этаётган шоир ўз ижодини асл араб тилида, бошқа тиллардан бирорта сўз аралаштирмай баён қилиши лозим бўлган. Ижод аҳлининг ўз она тилида соф сўзлаши асосий шартлардан бири сифатида белгиланган. Шоирлар мураккаб талабларга жавоб бериб, бошқалардан устун эканликлари эътироф этилиши учун ижодларида бадиий санъат турларидан жуда кенг фойдаланишган, аммо бу санъат турлари кундалик ҳаётда ишлатилмаган. Шу тариқа V аср охирларидан VII аср ўрталаригача Шимолий Арабистон ярим оролида оғзаки ижод ривожланди.

Мақол ва маталлардан фойдаланиб гапириш, жумбоқли гап билан фикрни яқунлаш кейинги давр - классик давр адабиётида ҳам давом этди. Мақоллар ҳақидаги илк тадқиқотлар ҳижрий 2-асрларда (мелодий VII аср) бошланган. Бу ҳақида немис олими Карл Броккельман шундай дейди: “Олимлар араб адабиёти вужудга келган даврдан бошлаб мақол ва маталлар билан қизиққанлар. Тарихчи ва филолог олимлар мақолларни жам қилиш, тўплаш ва уларни шарҳлаш бўйича ўзаро мусобақалашишган”¹.

Абу Амр ибн Аъло (771 в.), Юнус ибн Ҳабиб (799/800 в.), Абдулмалик бин Муҳаммад Саалибий (1038 в.) каби филолог олимлар мазкур йўналишда изланишлар олиб бориб, мақоллар фикрни сиқик, лўнда, лаконик ва сифатли қилиб ифодалаш йўли деб баҳолаганлар.

Мақолларга оид энг қадимги китоб Куфа мактаби вакили Муфаззал ад-Даббий (786 в.)нинг “Амсалу-л-араб” (أمثال العرب) асаридир. Мазкур асар энг қадимги мақоллар тўпланмаси деб ҳисобланиб, VIII асрда ёзилган ва 1882 йил Истамбулда нашр қилинган².

Салим Маари Ҳидарусий эса VIII асрларда вафот этган Убайд ибн Шаррия ал-Журхумий VII аср бошларида араб мақоллари ҳақида илк китобини ёзган, дейди.³ Шунингдек, бугунги кунгача сақланиб келган Амр бин ас-Саддуснинг (810 й.) мақолларга оид китоби ҳам мавжуд. Мақоллар билан асли Нишопурдан бўлган олим Абу Фазл ал-Майдоний ҳам шуғулланган ва унинг “Мажмаъу-л-амсал” (مجمع الأمثال) номли асари мавжуд.

¹ The Encyclopaedia of Islam. Vol. 1–4. Leyden: E. J. Brill, 1913–1936. - С. 408

² بدوي طيبانة. معجم البلاغة العربية. - جدة: دار المنارة. 1988. - ص. 631-633

(Badawi Tabanah. A dictionary of Arabic rhetoric. Jeddah: Dar Al-Manara 1988. p. 631-633)

³ Hidarousi Salim Mar'i. al-Mathal wa ma yajri ārahu min al-ashkal al-'arabi fi kutub al-amthal al-qadima 'ind al-'arab. Urdun: Qism al-lughat al-'arabiya bi jamiat al-ayrmuk, 2008. 350 с. 2.



Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мақол ва маталлар жоҳилия даврида оғзаки тарзда шаклланган, VII асрлардан бошлаб мақолларга оид асарлар устида тадқиқотлар олиб борилгани, VIII асрда эса араб мақоллари оғзаки тарздан ёзма ҳолатга ўтиб, китоб тарзида йиғилгани ҳақида маълумотлар бор¹. Бинобарин, халқ оғзаки ижоди намуналарида араб тили ўз имкониятларини сайқаллаб, асрлар оша ўз тил бадийлиги хусусиятларини шакллантириб борган. Кейинчалик мана шу бадийлик хусусиятлари Қуръон тилида ўз аксини топган.

Халқ орасида кенг тарқалган аксарият мақол ва маталлар ота-боболардан мерос бўлиб оғиздан-оғизга ўтиб келаётганларидир. Бу каби мақол ва маталларнинг шаклланишига маълум бир тарихий воқеа ва ҳодисалар сабаб бўлган. Араб адабиётида ҳам бу каби мақол ва маталлар жуда кўп учрайди. Масалан:

أذكى من إياس – *Ийосдан ҳам ақлли.*

Бу маталда басралик қози Ийос бин Муовия ал-Музний кўзда тутилади. Чунки у жуда синчков инсон бўлиб, энг майда нарсага ҳам аҳамиятли бўлган. Мазкур маталнинг ишлатилишига бир қанча воқеалар асос қилиб кўрсатилади. Шулардан бири қуйидаги воқеа: “бир кун Ийос қозининг олдига тўрт нафар аёллар келишди. Қози уларга сизларнинг бирингиз ҳомиладор, бошқангиз эмизикли аёл, учинчигиз бева, тўртинчигиз эса турмуш кўрмаган, дейди. Аёллар буни қандай билганини сўрашганда, у “мен билан сўзлашиб, кўйлагини қорнидан тортиб турган аёл ҳомиладор, кейингиз гаплашаётганингизда кўксингизга уриб қўйдингиз, демак, бола эмизиб боқади, учинчигиз гаплашаётганингизда кўзимга қараб гаплашдингиз, у бева, тўртинчигиз эса кўзини ерга қаратиб гаплашди, демак у турмуш кўрмаган киз”, дейди.

“جَزَاءُ جَزَاءٍ سِنْمَارٍ – *Уни Синиммарни мукофотлагандек мукофатлади*” деган гап бор. Бу мақолнинг вужудга келишига Синиммар деган меъмор Нўъмон бин Имрул Қайсга гўзал иморат ўуриб беради. Нўъмон бин Имрул Қайс меъморнинг бошқа подшога яна шундай чиройли иморат қуриб бериши мумкинлигини ўйлаб, уни мукофатлайман деб, иморатнинг энг юқори қисмидан итариб юборади. Яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарганларга нисбатан мана шу воқеа асосида вужудга келган мақол ишлатилади.

كلُّ قَتَاةٍ بِأَبِيهَا مُعْجَبَةٌ – *Ҳар бир қиз отасининг эркаси - .*

Шу мазмунга яқин маънони ифодаладиган الْقَرْدُ فِي عَيْنِ أُمِّهِ غَزَالٌ – *Маймун онасининг кўзига оҳудек гўзал кўринади.* Бу мақол ўзбек тилида “Ҳар кимники ўзига, Ой кўринар кўзига”, “Кўнғиз боласини оппогим, типратикан эса юмшоғим дейди” тарзида ишлатилиши кузатилади.

أخْوَدُ مِنْ حَاتِمٍ – *Ҳотамдан ҳам саҳоватли.*

Ҳотам деб биз учун Ҳотамтой номи билан танилган образ кўзда тутилади.

Бошига кетма-кет тушаётган синовларга бардош бераётган кимсани кўрганда صَبْرٌ صَبْرٌ أَيُّوبَ – *Айюбдек сабр қилди* деб айтишади. Бу мақол ўзбек халқида “*Айюбнинг сабрини берсин*” тарзида қўлланиши учрайди.

بدوي الطبائنة. معجم البلاغة العربية. - جدة: دار المنارة. الطبعة الثالثة. 1988. -ص. 631-633

(Badawi Tabanah. A dictionary of Arabic rhetoric. Jeddah: Dar Al-Manara 1988. p. 631-633)



Бу каби мақол ва маталлар шаклланишида классик даврнинг энг мукамал ва мўътабар манбаси бўлган Куръони Каримнинг баъзи оятлари ҳам асос бўлган. Оятлар асосида шаклланган мақол ва маталларга одатда битта оятнинг бирор қисми ёки бир неча оятлар сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Жумъа сурасининг 5-ояти шундай келтирилади:

...مَثَلُ الَّذِينَ حُمِلُوا الثَّوْرَةَ ثُمَّ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْجِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا

Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтара олмаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди.

Оятнинг сўнги - الْجِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا қисми кейинчалик беҳисоб китоблари бор ёки жуда кўп маълумотга эга одам ўзи эга бўлган шу маълумотлардан фойдаланмагани учун “*إنه كالجمار يحمل أسفارا*” – “*у эшакка ўхшаб китобларни ортиб юради*” маъносидаги араб мақолининг шаклланишига асос бўлган. Оятдаги أَسْفَارًا сўзидан Мусо (а.с.)га нозил бўлган беш китоб кўзда тутилган.

Қасас сурасининг 10-ояти қуйидагича бошланади:

...أَصْنَحَ فُؤَادُ أُمِّ مُوسَى فَارَا... - *Мусо онасининг қалби ташвишдан фориз бўлди.*

Бу оят ғам-ташвишдан қутилган одам ҳолатини ифодаловчи “*Мусонинг онасининг юрагидан ҳам хотиржам*” мазмунини ифодаловчи “*أَفْرَعُ مِنْ فُؤَادِ أُمِّ مُوسَى*” мақолининг шаклланишига асос бўлган.

Анкабут сурасининг 41-ояти қуйидагича келтирилган:

...مَثَلُ الَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ أَوْلِيَاءَ كَمَثَلِ الْعَنكَبُوتِ

Аллоҳдан ўзгаларни дўст тутган кимсаларнинг мисоли худди ин қуриб олган ўргимчакка ўхшайди.

Бу оят асосида “*أَضَعَفَ مِنْ بَيْتِ الْعَنكَبُوتِ* - *ўргимчак инидан ҳам заиф*” мақоли келиб чиққан.

Луқмон сурасининг 19-ояти қуйидагичадир:

...وَأَغْضَضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ

...ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёқимсизи эшакларнинг овозидир.

Бу оятда инсон баланд овоз билан гапирмаслиги буюрилади, чунки овознинг баландлиги эшакнинг ёқимсиз овозига ўхшатилади ва оят асосида “*أَفْبَحَ مِنْ صَوْتِ الْجِمَارِ*” – *эшакнинг овозидан ҳам ёмонроқ*” мақоли истеъмолга киритилган.

Ҳаж сурасининг 73-оятининг охири қуйидагича келтирилади:

...صَنِعَتِ الطَّالِبِ وَالْمَطْلُوبِ... *Талаб этувчи ҳам сўралувчи (бутлар) ҳам заифдирлар-*

Оятнинг ушбу қисми араб халқ мақоллари қаторига ҳеч қандай ўзгартиришсиз “*صَنِعَتِ الطَّالِبِ وَالْمَطْلُوبِ*” тарзида ўзлаштирилган ва бефаҳм одамнинг бемаъни иш ортидан қолмай югураверганда ишлатилади.

Нисо сурасининг 123-ояти қуйидагича келтирилади:

...مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَى بِهِ... *кимки ёмонлик қилса, унинг жазосини тортадир.-*

Бу оят халқ орасида “*مَا تَزْرَعُ تَحْصُدُ*” – *нима эксанг, шуни оласан*” мақолининг шаклланишига асос бўлган.



Тавба сурасининг 47 – ояти:

...*Холбуки, ичингизда уларга қулоқ солувчилар бор эди...—... فِيكُمْ سَمَاعُونَ*
... ояти эса халқ орасида “إِنَّ لِلْجِبْتَانِ آذَانًا” – “деворнинг ҳам қулоғи бор”
мақолига, Аъроф сурасининг 31-оятида шундай дейилади:

...*كُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا...—...* *...еб ичинг ва исроф қилманг...— ...*

Бу оят асосида эса “الْحَمِيَّةُ رَأْسُ الدَّوَاءِ” – “Шифонинг бошланиши парҳездир”
ҳикмати шаклланган.

Нух сурасининг 27-оятида эса шундай дейилади:

...*فَوَجِّرُوا كَفَارًا...—...* *...фожиру кофирдан бошқа туғмаслар -*

Ушбу оят “لَا تَلِدُ الْحَيَّةُ إِلَّا حَيَّةً” – “илон фақат илон туғади” мақолининг
шаклланишига сабаб бўлган.

Нажм сурасининг 8-9- ояти куйидагича келтирилади:

(8-9) *فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى. ثُمَّ نَبَّاهُ فَتَدَلَّى*

*Сўнгра яқинлашди ва жуда ҳам яқин бўлди. Бас, икки камон миқдоридан
яқин бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди.*

Бу оят асосида “قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى” мақоли шаклланган. Унинг маъноси
Жаброил (а.с.) ерга тушганда Муҳаммад (а.с.)га шу қадар яқин келдики,
улар орасидаги масофа 2 камон миқдорича бўлади. Мазкур оят ишнинг
амалга ошишига шу қадар яқин қолганини ифодалайди.

Мақолларга асос бўлган оятлардан кўплаб намуналар келтириш мумкин.
Жумладан, Раъд сурасининг 14, 17 – ояти, Юсуф сурасининг 41, 65, 68-
оятлари ҳам халқ орасида кўп ишлатиладиган мақолларга асос бўлган. Оят-
лар билан бир қаторда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари ҳам
машхур араб мақолларининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган.
Қуйида кундалик ҳаётимизга сингиб кетган ва биз мақол деб ҳисоблайдиган,
аслида эса уларга ҳадислар асос бўлган мақоллардан намуналар келтираемиз:

الرائد لا يكذب أهله - Бошлиқ ўз аҳлини алдамайди.

الحلال بيّن والحرام بيّن - Ҳалол ҳам ҳаром ҳам аниқ.

لا ضرر ولا ضرار - Шикаст ҳам йўқ, зиддият ҳам йўқ.

أنت مع من أحببت - Сен ўзинг ёқтирган одам билансан.

إنما الأعمال بالنيات - Амаллар ниятларга боғлиқ.

من لا يرحم لا يرحم - Меҳр кўрсатмаган меҳр кўрмайди.

*لا يلدغ المؤمن من جحر واحد مرتين - Мўмин киши бир тешикда икки марта
чақтирмайди.*

الجار قبل الدارو الرفيق قبل الطريق - Уйдан олдин қўшини, йўлдан аввал йўлдош танла.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, халқчил бўлиб
кетган мақол ва маталлар Қуръон ва ҳадислар асосида ҳам вужудга келишини
ҳисобга олиб, уларнинг таржималарига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.



ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

АЗИМДЖАНОВА ДИНАРА

Кандидат филологических наук, ТГУВ

О некоторых вопросах глагольной синонимии персидского языка

Аннотация. В статье рассматриваются общие вопросы, связанные с изучением глагольной синонимии персидского языка.

В начале статьи рассматриваются общие вопросы синонимии, раскрываются точки зрения различных ученых-языковедов на это явление, а также дается краткий анализ работ, посвященных освещению проблем синонимии в персидском языке

Вслед за рассмотрением общих признаков синонимии и критериев синонимичности в статье определяется, какие из критериев применимы к глагольной лексике персидского языка. Подчеркивается, что синонимы следует рассматривать как синхроническое явление, что не исключает возможности рассмотрения устаревших или вышедших из употребления слов в качестве синонимов.

В качестве основных критериев разграничения синонимов в персидском языке выделяют: фонетический, морфологический и семантико-стилистический критерии. Исходя из того, что слова должны различаться своим звуковым составом, имеющиеся в языке фонетические варианты одного и того же слова не представляют для синонимии особой ценности, хотя их использование может служить художественно-стилистическим средством. Согласно морфологическому критерию, синонимы должны принадлежать к одной и той же части речи. Семантико-стилистический критерий связан со взаимозаменяемостью. Далее в статье делается вывод о том, что применительно к глагольной лексике персидского языка взаимозаменяемость возможна с учетом наличия в персидском языке слов, имеющих различную эмоционально-экспрессивную окраску, стилистические различия, равноправное синтаксическое употребление. В итоге, делается вывод о том, что критерий взаимозаменяемости «срабатывает», когда слова принадлежат к одной и той же лексической среде и употребляются в равноценных контекстах.

Опорные слова и выражения: синоним; синонимия; критерии синонимичности; глагольная лексика персидского языка; фонетический, морфологический, семантико-стилистический критерии; взаимозаменяемость; необходимые и достаточные признаки синонимии; абсолютные и относительные синонимы.

Аннотация. Мақолада форс тилидаги феъл синонимиясини ўрганиши билан боғлиқ умумий масалалар муҳокама қилинади.

Мақоланинг бошида синонимиянинг умумий масалалари кўриб чиқилади, турли хил олимлар - тилшуносларнинг ушбу ҳодиса ҳақидаги қараишлари очиқ берилади, шунингдек форс тилида синонимия муаммоларини ёритишига бағишланган асарларнинг қисқача таҳлили берилган.

Синонимиянинг умумий белгилари ва синонимиянинг мезонлари кўриб чиқилиб, мақола қайси мезонлар форс тилининг феъл лугатида тегишли эканлигини аниқлайди.



Синонимларни синхрон ҳодиса сифатида кўриб чиқиши кераклиги таъкидланган, бу эса эскирган ёки ишлатиб бўлмайдиган сўзларни синоним сифатида кўриб чиқиши имкониятини истисно этмайди.

Форс тилидаги синонимларни фарқлашнинг асосий мезонлари фонетик, морфологик ва семантик-стилистик мезонлардир. Сўзларнинг овозли тузилиши жиҳатидан фарқ қилиши кераклигига асосланиб, тилда мавжуд бўлган бир хил сўзнинг фонетик вариантлари синонимия учун алоҳида аҳамиятга эга эмас, гарчи улардан фойдаланиши бадиий ва стилистик восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Морфологик мезонга кўра синонимлар нутқнинг ўша қисмига тегишли бўлиши керак. Семантик-стилистик мезон ўзаро алмашишни билан боғлиқ. Бундан ташқари, мақолада форс тилининг феъл лугатиغا нисбатан турли хил ҳиссий-экспрессив рангларга, стилистик фарқларга эга ва тенг синтактик фойдаланишига эга бўлган сўзларнинг форс тилида мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда бир-бирини алмаштириши мумкин, деган хулосага келиши мумкин. Натижада, сўзлар бир хил лексик муҳитга тегишли бўлса ва эквивалент контекстда ишлатилса, бир-бирини алмаштириши мезони "ишлайди" деган хулосага келиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: синоним; синонимия; синонимлик мезонлари; форс тилининг озгаки лугати; фонетик, морфологик, семантик-стилистик мезонлар; бир-бирини алмаштириши; синонимиянинг зарур ва этарли белгилари; мутлақ ва нисбий синонимлари.

Abstract. *The article discusses general issues related to the study of the verb synonymy of the Persian language.*

At the beginning of the article, the general questions of synonymy are examined, the points of view of various scholars - linguists on this phenomenon are revealed, and also a brief analysis of works devoted to the coverage of the problems of synonymy in the Persian language is given.

Following consideration of the general signs of synonymy and the criteria for synonymity, the article determines which of the criteria are applicable to the verb vocabulary of the Persian language. It is emphasized that synonyms should be considered as a synchronous phenomenon, which does not exclude the possibility of considering obsolete or out-of-use words as synonyms.

The main criteria for distinguishing synonyms in the Persian language are phonetic, morphological, and semantic-stylistic criteria. Based on the fact that words should differ in their sound composition, the phonetic variants of the same word available in the language do not represent special value for synonymy, although their use can serve as an artistic and stylistic tool. According to the morphological criterion, synonyms must belong to the same part of speech. The semantic-stylistic criterion is related to interchangeability. Further, the article concludes that with regard to the verb vocabulary of the Persian language, interchangeability is possible taking into account the presence in the Persian language of words that have different emotionally expressive colors, stylistic differences, and equal syntactic use. As a result, the conclusion is made that the interchangeability criterion "works" when words belong to the same lexical environment and are used in equivalent contexts.

Keywords and expressions: *synonym; synonymy; criteria for synonymity; verbal vocabulary of the Persian language; phonetic, morphological, semantic-stylistic criteria; interchangeability; necessary and sufficient signs of synonymy; absolute and relative synonyms.*



Введение. Несомненно, изучение вопросов синонимии имеет важное значение. Синонимы, будучи одной из категорий языка, являются показателем богатства языка, создают широкие возможности для речевого творчества, помогают передать тончайшие смысловые оттенки.

Появление синонимов обусловлено как внутренними, так и внешними факторами. Развитие науки и техники, смена общественно-политических формаций ведут к появлению новых понятий, для выражения которых создаются новые слова, заимствуется иноязычная лексика или используются старые слова с новым внутренним содержанием. Все это приводит к пополнению и обогащению словарного состава языка, усложнению семантической структуры имеющихся слов и как результат – к развитию и расширению синонимических связей между словами.

Изучение литературы по вопросам синонимии показало, что исследователи, в основном, занимаются разработкой общетеоретических вопросов. В менее разработанной области - синонимии отдельных частей речи – предпочтение отдается именам существительным и прилагательным. Изучение глагольной синонимии представляет для нас интерес, так как глагол является одной из наиболее значительных и сложных категорий языка как в грамматическом, так и в лексико-семантическом и структурном плане, что в свою очередь накладывает отпечаток и на характер синонимических отношений между глаголами. Интерес к глагольной синонимии обусловлен структурным разнообразием глагола в персидском языке, его смысловой емкостью, богатством и многообразием значений, лексических связей, наличием социально-стилистической дифференциации в языке. В работе над глагольными синонимами необходимо также учитывать эмоционально-экспрессивную окраску и грамматические различия.

Изучение глагольной синонимии персидского языка дает возможность изучить наиболее приоритетные пути пополнения и развития синонимических рядов, сделать обоснованный вывод о соотношениях тех или иных способов эвфемизации отдельных понятий, а также детализировать вопрос о приемах употребления глаголов-синонимов.

Как известно, проблема синонима – одна из древнейших в науке о языке. Она была выдвинута еще древними греками, которые определяли синонимы, как слова близкие по значению. И в наши дни проблема синонимов привлекает внимание многих ученых-языковедов.¹ Но, несмотря на это, большинство исследователей, признавая сложность и малоизученность этой проблемы, подчеркивают, что одним из наименее разработанных понятий современной семантики является понятие синонимии и синонима.

¹ Hecker S.F. Bibliography on the synonymy of the Russian language.// Essays on the synonymy of the modern Russian literary language. – М. –Л., 1966. –P.197 – 226., P. 2.
Gekker S.F. Bibliografiya po sinonimii russkogo yazyka.//Ocherki po sinonimike sovremennogo russkogo literaturnogo yazyka. – М. –Л., 1966. –S.197 – 226.



Основная часть. Интерес к проблеме синонимии и синонима в русском языкознании возник в XVII веке. И хотя первые работы, посвященные этим вопросам, отличались рядом существенных недостатков, все же они внесли свой вклад в решение этих вопросов.

Изучение проблем синонимии предполагает два аспекта – теоретический и практический. И поэтому вполне естественно, что начало изучения теоретических вопросов синонимии дало толчок практическому решению этой проблемы, что привело к появлению синонимических словарей различных языков.

Несмотря на то, что изучение проблем синонимии имеет древнюю историю, и ею на протяжении многих лет занимались различные ученые¹, «ряд обстоятельств в ситуации современной синонималогии можно рассматривать как симптомы имеющего место разрыва ...между отдельными частями... синонимологического исследования»².

В иранском языкознании количество специальных работ, посвященных изучению синонимии персидской лексики, очень ограничено.

Сфера образования, как и другие области, играет значимую роль в жизни человека. В Узбекистане образованию уделяется огромное внимание. Принятие закона «Об образовании», направлено на обеспечение конституционного права каждого на образование. Основными принципами государственной политики в области образования являются непрерывность и преемственность образования, гуманистический и демократический характер обучения, обязательность общего среднего, а также среднего специального, профессионального образования и другие. Реформы образования в стране активно реализуются по всем направлениям и ориентированы на непрерывность и последовательность обучения, основанные на исторических и гуманистических ценностях, развитии новых педагогических технологий. В век ускорения и развития технологий происходят кардинальные изменения как в сфере образования, так и в ее лексике. Ранее активно употребляемые термины заменены другими. К примеру, арабизмы معلم [muallim], كلام [kalam], مكتوب [maktub], مطبع [matbaa], كلية [kulliyat] и другие являются сегодня менее употребительными. Вместо них активно используются лексемы, такие как: [ustaz], [so'z], [xat], [matbuot], [fakultet]. Они считаются либо исконными, либо заимствованными из разных языков. А термины – арабизмы رئيس [rais], مدير [mudir], وزير [vazir], كاتب [katib], إمام [imam], طالب [talib], إستهداد [iste'dad] и другие активно употребляются в обиходе.

А.Меметов, рассматривая арабские заимствования, которые были в татарском языке, определяет, что они так сильно ассимилировались в заимствованном языке, что принимаются порой исконными словами. Примером служат слова: ҳаво «воздух», ҳаёт «жизнь», ватан «родина» и другие. Они все являются арабскими заимствованиями.

Также встречаются слова, которые глубоко не усвоены, мало употребляются в повседневной речи и используются, главным образом, в книжной лексике и газетах.

Такое явление наблюдается и в заимствованиях узбекского языка. Арабизмы, полностью внедрившись в словарный состав узбекского языка, кажутся истинной лексикой этого языка. Это особенно явно наблюдается среди терминов сферы образования. К примеру, слова дафтар «тетрадь», китоб «книга», жаadwal «таблица, расписание», дарс «урок», қалам «карандаш», вароқ «лист, бумага» и другие. Все эти термины настолько влились в



лексический состав узбекского языка, что порой можно считать их своими. Здесь можно рассмотреть несколько причин этого внедрения. Одна из основных причин – это полное внедрение элементов арабизмов в узбекский язык. Арабские заимствования очень схожи с узбекской лексикой с точки зрения грамматических, морфологических, семантических особенностей. Грамматическая особенность заимствований заключается в том, что в составе узбекского языка встречаются словосочетания, образованные от арабского корня в сочетании с элементами других языков. Например, слова, состав которых состоит из арабских слов: «дорилфунун», «Абдулваҳҳоб», «Мухаммадназар»; слова, в составе один из компонентов арабское слово: «китобсевар», «ижозатнома», «маслахатбоши»; слова, компоненты которых являются арабскими: «давр-даврон», «амалий-назарий», «амма-хола»; слова, где один из компонентов арабский элемент: «мехр-шафқат», «теварак-атроф», «қурол-аслаҳа» и другие.

دار الفنون «дорилфунун» в переводе с арабского означает название учебного заведения в странах Ближнего Востока. В 1920 – 1930 гг. в Центральной Азии это слово также использовалось в значении «университет». Оно является словосочетанием, то есть несогласованным определением, выраженным существительным. Оба компонента взяты из арабского языка. В слове «китобсевар» *любитель книг, книжник* первый компонент «китоб» *книга* взят из арабского языка, а второй компонент «севар» слово из узбекского языка, образованное от глагола «севмоқ» *любить*. Следующие парные слова «давр-даврон» являются арабскими и означают *оборот, период – вращательное движение*. Также Давроном зовут мальчиков.

С морфологической точки зрения арабизмы схожи с составом узбекского языка по двум параметрам: 1) в образовании новых слов на основе арабских корней; 2) в способности присоединения аффиксов узбекского языка арабским корням. Этот метод является наиболее продуктивным и служит образованию новых слов, тем самым обогащая словарный состав узбекского языка. К примеру, «жамоатчи», «ақлли», «ҳимоячи», «илмли» и другие.

Семантическая особенность арабизмов заключается в том, что наблюдается изменение значения ранее существовавших в языке слов, после заимствования. К примеру, в переводе с персидского лексема «домулла» означает «учитель религиозной мусульманской школы». В толковом словаре узбекского языка значение лексемы «домулла» 1) учитель медресе; 2) исполнитель, религиозных обычаев; 3) учитель современной высшей школы; 4) наставник, научный руководитель.

Наиболее употребительным значением лексемы «домулла» на сегодня в узбекском языке являются – учитель современной высшей школы, наставник и научный руководитель. Помимо этого данная лексема сохранила свое изначальное значение и потому она используется и в обращении к религиозно грамотному человеку. По мнению А.Ирисова, синонимом лексемы



домла (домулла) является «`алим», который употребляется по отношению к улемам, преподавателям светских учебных заведений, докторам наук и выдающимся писателям.

Также встречаются такие арабизмы, значение которых при образовании из них видов множественного числа меняется. Например: «хол-ахвол», «факир-фуқаро», «махсул-махсулот», «олим-уламо» и другие. Множественное число этих слов в узбекском языке выражает другое значение и имеет семантический оттенок выражения.

К примеру, حال [halun] «состояние» – أحوال [ahval] «самочувствие», فقير [faqir] «бедный» – فقراء [fuqaro] «гражданин», محصول [mahsul] «сбор, урожай» – محصولات [mahsulat] «продукция», عالم [alim] «знающий» – علماء [ulama] «ученый».

Прочному освоению арабизмов послужила и фонетико-морфологическая особенность. По мнению Ш.Рахматуллаева, на начальном этапе развития узбекского языка пользовались арабскими буквами. Звуки выражались схожими по произношению буквами арабского алфавита. В связи с переходом узбекского языка на кириллицу и латинский алфавит, возникла необходимость заменить их близкими по произношению буквами. Поэтому вместо двух букв ذ, ظ [z] арабского алфавита писали букву **z**, вместо ت, ط [t] – **t**, а ص, س [s] – **c**. Например: слова ظالم [zalim] «золим» – жестокий и ذرة [zarra] «зарра» – частичка выражаются на письме буквой узбекского алфавита «з», تربية [tarbiya] «тарбия» – воспитание и طرف [taraf] «тараф» – сторона буквой «т», а слова سعادة [sa'dat] «саодат» – счастье и صناعة [san'at] «санъат» – работа, труд, искусство, буквой «с» и другие.

Такое разнообразие в степени освоения арабских заимствований, по видимому, свидетельствует о том, что процесс проникновения арабской лексики происходил в течение многих столетий и пути их проникновения были различными. С точки зрения хронологии заимствованию слов способствовали древние источники персидского и арабского языков. Заимствование из этих языков было активным. Затем на смену пришло влияние русского языка. Это особенно стало выраженным с приходом советской власти в начале XX века. Благодаря развитию международной торговли, техническому прогрессу и политическому взаимодействию, произошло стремительное увеличение лексического состава узбекского языка заимствованиями из русского языка. Такие слова, как *колледж, лицей, университет, институт, стол, стул* и другие являются интернациональными терминами, вошедшими в современный узбекский язык из русского языка. На сегодня активным языком заимствований является английский язык. Такие термины, как *контракт, департамент, грант, PhD, бакалавр, магистратура* и другие являются заимствованиями из английского языка.

Как отмечает К. Юсупов, обмен слов в языках не может быть связан только с гносеологической классификацией языков или другими особенностями. Доказательством тому служат многие слова в лексике узбекского



языка, которые перешли в него из различных языковых семейств и морфологических типов. Переход слов из одного языка в другой связан с определенными историческими условиями.

Важно отметить, что арабский язык с древнейших времен стал языком-донором для многих языков, в том числе и для узбекского языка. Активизировалось исследование арабских заимствований в результате расширяющихся контактов между народами и политической обстановки. И это, так или иначе, взаимосвязано с проникновением новых арабских слов в узбекский язык.

Выводы: Функционирование арабизмов в узбекском языке показало их широкое применение во многих функциональных стилях узбекского языка. Арабизмы пополнили разные пласты его лексики. Основным и первым пластом была религиозная терминология.

Успешное внедрение в узбекский язык получили арабские формы – причастия, масдары, имена места и времени. Все они в лингвистической структуре узбекского языка называются именами. Образованные путем внутренней флексии слова послужили основой терминологического пласта сферы образования.

Арабские заимствования проделали долгий путь адаптации в узбекском языке на фонетическом, грамматическом и семантическом уровнях. Тем самым выявили специфику их формальной и семантической освоенности в языке и выдвинули особенности их функционирования в узбекской речи.

АБДУЛКАСИМОВА ЛАЗИЗА

тадқиқотчи, ТДШУ

**Қуръон ва ҳадис тилининг араб ҳуқуқий
терминологиясининг шаклланишига таъсир
кўрсатган омил сифатида**

Аннотация. Маълумки, Ўзбекистон шарқишунослари томонидан араб тили лексикологияси араб тилишунослигининг бошқа соҳаларига нисбатан кам ўрганилган. Шу боис, мақолада бунга кунда ушбу соҳанинг муҳим лексик қатлами саналган ҳуқуқий терминлар, хусусан араб тилидаги жиноят-ҳуқуқи терминлари тадқиқ қилинди. Тадқиқот ишида термин тушунчаси, ҳуқуқий терминлар, жиноят-ҳуқуқи терминлари, шунингдек асрлар давомида маълум бир тарихий босқичларни босиб ўтган араб давлатларининг қонун тили тарихи ҳамда фикр методологиясининг асосий устунларидан ҳисобланган Қуръон ва ҳадислардан келтирилган мисоллар илмий адабиётлар таҳлили асосида ёритиб берилган.

Қуръони карим сураларининг оятларида ҳуқуқнинг турли соҳалари, жумладан, жиноят ҳуқуқига тегишли бир қатор қонун-қоидалар мавжуд бўлиб, улар диний ҳуқуқ тушунчалари билан сугорилгандир. Қуръони каримда бир неча огир жиноят турлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан, ўғрилик, босқинчилик, қасддан одам ўлдирishi, тан жароҳатини етказishi, порахўрлик, зино, тўхмат, жосуслик, исён, спиртли ичимликларни истеъмол қилиши, ота-онанинг қасддан ўз фарзандини ўлдирishi, судхўрлик ва



боиқалар. Шу сабабли мақолада Қуръон ҳамда ҳадислар араб ҳуқуқий тилининг шаклланишига таъсир кўрсатган омил сифатида таҳлил қилинган.

Ислоннинг иккинчи манбаи ҳисобланмиши суннатларда ҳам қатор жиноят ҳуқуқига оид терминлар келтирилган бўлиб, Имом ал-Бухорийнинг «Ал- жомеъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламидаги жиноят ҳуқуқига оид жиноят ва жазо масалаларини ўзида акс эттирган саҳиҳ – шиоңчли ҳадислар тадқиқот манбаи сифатида ўрганилган. “Олтин силсиласи: Саҳиҳул Бухорий” номли ҳадис тўпламининг 3, 4 ва 8-жузларида жиноят турлари ва уларда кўзда тутилган жазо масалалари ифодаланган ҳадислар ҳам ўрин олган.

Мақолада “Ҳаддлар китоби (боб)” дан келтирилган хамр ичиши ва ўғирлик қилишида пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан қўлланган жазолар тўғрисидаги ҳадислар, “Гувоҳликлар китоби” дан эса яширинган кишининг гувоҳлиги, бирор нарсага бир ёки бир нечта гувоҳ гувоҳлик бериши, адолатли гувоҳлар, ноҳақ гувоҳликка гувоҳ қилиниши ҳақидаги ҳадислар, “Диялар китоби” деб номланган бўлимдан эса ўша давр амалиётида мавжуд бўлган аниқ жиноят ишлари тафсилотини баён қилган ҳолда қасддан одам ўлдириши ва тан жароҳати етказиши ва шу каби боиқа жиноий қилмишларни ўз ичига олган ҳадислар ўрин олган.

Қуръон оятлари, ҳадис ҳамда суннатларда келтирилган фикҳий-ҳуқуқий масала ҳамда терминлар ҳозирги араб тилидаги жиноят ҳуқуқи терминларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида асос бўлиб хизмат қилгани қатор мисоллар орқали исботланган.

Таянч сўз ва иборалар: араб тили лексикологияси, термин, ҳуқуқий терминлар, жиноят ҳуқуқи терминлари, Қуръон оятлари, ҳадислар, диялар китоби, гувоҳликлар китоби, суннат, фикҳ.

Аннотация. Известно, что лексикология арабского языка слабо изучена востоковедами Узбекистана по сравнению с другими областями арабского языкознания. В связи с этим, в статье исследуются правовые термины, в частности уголовного права, считающиеся важным лексическим слоем данной сферы арабского языка. В исследовательской работе на основе анализа научной литературы освещаются понятия термина, юридических терминов, уголовно-правовых терминов, изучаются также история правового языка арабских стран, прошедшая определенные исторические этапы; примеры из Корана и хадисов, которые приводятся в качестве основных столпов методологии фикха.

В аятах Корана есть ряд законов, охватывающих различные области права, включая уголовное, которые обогащены понятиями религиозного права. В Коране упоминается несколько видов тяжких преступлений, в частности кража, грабеж, умышленное убийство, нанесение телесных повреждений, взяточничество, супружеская измена, клевета, шпионаж, мятеж, употребление алкоголя, умышленное убийство родителями собственного ребенка, ростовщичество и др. В этой связи Коран и хадисы рассматриваются как факторы, влияющие на формирование арабского юридического языка.

Сунна, считающаяся вторым источником Ислама, тоже содержит ряд терминов, связанных с уголовным правом. Как объект исследования были изучены те подлинные хадисы имама аль-Бухари «Ал- жомеъ ас-саҳиҳ», которые отражают вопросы уголовного права и наказания. В 3, 4 и 8 сборниках хадисов под названием “Олтин силсиласи: Саҳиҳул Бухорий” есть также хадисы, описывающие виды преступлений и предусматривающие соответствующие наказания.

В статье из “Книги (главы) хаддов” приведены хадисы пророка Мохаммеда о наказании за употребление вина и совершение воровства. В свою очередь, из



“Книги о свидетельствовании” приведены хадисы о показаниях притаившегося свидетеля, о правдивых свидетелях и неправильных показаниях. А из “Книги о Диях”, помимо описаний подробностей конкретных преступлений, имевших место в тот период, приведены хадисы о наказаниях за умышленное убийство, нанесение телесного повреждения и другие преступные деяния.

Вопросы права и фикха, а также термины, приведенные в аятах Корана, хадисах и Сунне, аргументированы рядом примеров, которые служат основой для возникновения и формирования терминов уголовного права в арабском языке.

Опорные слова и выражения: арабская лексикология, терминология, юридическая терминология, уголовно-правовая терминология, аяты Корана, хадисы, книга о диях, книга о свидетельствовании, сунна, фикх.

Abstract. It is known that the lexicology of Arabic language has not been deeply studied by orientalists of Uzbekistan as compared to other fields of the Arabic linguistics. Therefore, the article examines legal terms and particularly the terms of criminal law in the Arabic language that are considered to be important lexical layer of this sphere today. In the research work, the concept of terminology, legal terms, criminal law terms, and the history of the legal language of the Arab countries that have passed certain historical stages, as well as examples from the Qur'an and hadiths, which are considered as the main pillars of the fiqh methodology, have been discussed on the basis of the analysis of scientific literature.

In verses (ayats) of the Qur'an Karim Sura, there are a number of laws related to different areas of law, including criminal law, which are enriched with the concepts of religious law. In the Qur'an, several types of grave crimes are mentioned. In particular, theft, robbery, premeditated murder, infliction of bodily harm, bribery, adultery, slander, espionage, rebellion, alcohol consumption, deliberate murder of a child by its own parents, danism, etc. In this regard, the Qur'an and Hadiths have been considered as factors affecting the formation of the Arabic legal language.

The Sunnah, which is considered to be the second source of Islam, also contains a number of terms related to criminal law. Authentic hadiths reflecting the criminal law and punishment issues in Imam al-Bukhari's collection of Al - Jame'as-sahih hadiths, have been studied as the object of research. In the Hadith collections named "Golden sets: Sahihul Bukhari", parts 3, 4 and 8 also contain hadiths that describe the types of crimes and the issues which are subject to punishment.

The article from "The Book (chapter) of Haddis" contains Hadiths by the Prophet Mohammed about punishment for consumption of wine and commission of thievery. In turn, "The Book on Witnessing" includes Hadiths about testimonies of the hidden witness, honest witnesses and false testimonies. Furthermore, "The Book of Diyakh", besides the descriptions of details of concrete crimes that existed in the period of the Prophet Mohammed, also contains Hadiths about punishments for premeditated murder, infliction of bodily harm and other criminal actions.

Issues of law and fiqh as well as the terms provided in ayats of the Koran, Hadiths and Sunnah have been substantiated by a number of examples which served as the basis for creation and formation of criminal law terms in the Arabic language.

Keywords and expressions: Arabic lexicology, terminology, legal terminology, criminal law terminology, Qur'anic verses (ayats), hadiths, The Book of Diyakh, testimonial book, Sunnah, fiqh.



Кириш. Жаҳон халқларининг барча соҳалардаги алоқалари тез суратларда ривожланиб бораётган бугунги кунда турли миллатларнинг тил ва адабиётига оид масалаларни янгича нуқтаи назардан тадқиқ этиш катта илмий аҳамият касб этади. Дунё тилларининг барчаси ўз ривожланиши давомида турли босқичларни босиб ўтади ва ҳар ҳил сабабларга кўра унда маълум бир ўзгаришлар рўй беради. Буларга илм-фан ва техника тараққиёти натижасида янги сўзлар пайдо бўлиши, қўшни-қардош халқларнинг тилларидан маҳаллий тилга янги сўзларнинг кириб келиши, маҳаллий шеваларнинг бир-бирига кўрсатган таъсири ва бошқалар мисол бўлади.

Тил бойлигини, жумладан, турли соҳаларга оид бўлган сўзлар, сўз бирикмалари, уларнинг этимологияси ва тилда ясалиш усулларини батафсил ўрганиш тилшунослар ва айниқса, лексикологлар олдида турган вазифа бўлиб, буларнинг барчаси турли изланишлар, тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Шунини айтиш жоизки, Ўзбекистонда араб тили лексикологияси араб тилшунослигининг бошқа соҳаларига нисбатан кам ўрганилган.

Араблар яшайдиган минтақадаги сиёсий, тарихий шароитлар, археологик бойликлар, диний вазият, сайёҳлик ҳамда иқтисодий, маданий, лингвистик ва бошқа манбалар бутун дунё тадқиқотчиларининг эътиборини тортмай қўймайди. 2011 йил Тунисда бошланган, кейинчалик эса Миср, Ливия, Судан, Сурия ва бошқа араб давлатларида содир бўлган сўнгги воқеалар эса бутун дунёни ташвишга солди ва яна бир бор ушбу минтақанинг роли муҳимлигини тасдиқлади.

Мақсад ва вазифалар:

Ўзбекистон учун Араб дунёси нафақат дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши, балки иқтисодиёт, дин, маданият, таълим, сайёҳлик соҳаларида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш керак бўлган асосий минтақалардан бири ҳисобланади. Будан ташқари, араб-мусулмонлар ҳамжиҳатлиги давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда ўзбек арабшунослари олдида араб терминологияси бўйича соҳа терминларини алоҳида эътибор бериб ўрганиш эҳтиёжи юзага келяпти. Барча соҳалар қатори аҳамияти ошиб бораётган ҳуқуқий терминларни ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Биз Куръон ва ҳадис тилининг ҳозирги араб ҳуқуқий терминологиясининг шаклланишига таъсир кўрсатган омил сифатида ўрганишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Усуллар: илмий мақолани ёзишда тавсифий, тарихий, тизимлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Натижа ва мулоҳазалар:

Термин (лот. terminus – чегара, ҳад) – билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир¹.

Илмий адабиётларда терминларга куйидаги энг муҳим талаблар қўйилади: 1) ҳар қандай термин она тилининг қонун-қоидалари асосида

¹ O'zbekiston milliy enciklopediyasi. – T.: Davlat ilmiy nashriyoti, 2001-2006. – 323 b.



яратилмоғи лозим; 2) термин тушунчани тўғри ва аниқ ифодалаши керак; 3) терминлар синонимияси ва омонимиясига йўл қўйилмайди; 4) термин мумкин қадар ихчам ва қисқароқ бўлиши лозим¹.

Жумладан, юридик терминлар ҳам маълум юридик тушунчаларнинг ташқи кўриниши, номланиши бўлиб, мантиқий жиҳатдан бир ҳуқуқий маънони ифодаловчи ва услубий жиҳатдан нейтрал бўлган сўз ва сўзлар бирикмасидир².

Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг асосини юридик терминлар ташкил қилади. Улар ҳуқуқий билимлар таркибида ишлаб чиқилиб, ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқий тушунчанинг энг муҳим рамзий белгиси сифатида намоён бўлади. Кишилар шу рамзий белгилар орқали ҳуқуқий нормаларни англаб оладилар. Шунга кўра, юридик терминлар юридик фанда жуда муҳим аҳамият касб этади. Юридик терминларнинг жамиятда тугган ўрни ҳақида ҳуқуқшунос олимлар А.С.Пиголькин ва Е.А.Прянишниковлар тўхталиб: “Ҳуқуқшунослик фанида терминлар муаммоси жуда ҳам долзарб масаладир. Жамиятда қонунчилик қанчалик мукаммаллашган бўлса, у ижтимоий муносабатларни шунчалик яхши тартибга солади. Ва бунда терминлар муаммолари ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Мукаммал терминларсиз қонунчилик матнининг энг юқори даражада аниқ бўлишига эришиб бўлмайди. Улар қонунларни анча ихчамлаштиради, ортиқча тавсиф ва ифодалардан халос этади”, – деб ёзишади³.

Юридик тилнинг аниқ бўлиш принципини россиялик ҳуқуқшунослар қўллаб қувватлашади. Профессор Д.А.Керимов: “Қонун ижодкорлиги фаолиятининг вазифаси – қонунларни мумкин қадар аниқ ва тушунарли тузишдан иборат, чунки қонун фақат судьялар ва давлат амалдорлари учун яратилмайди. У барча фуқаролар учун тегишли бўлади”, – деб ёзади⁴.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар ҳуқуқий нормаларни ифодалашда кўпроқ терминларни ишлатишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда ҳуқуқшунос В.Н. Когон шундай ёзади: “Қонун матнининг фақат терминлардангина ташкил топиши – энг юксак орзудир. Бунга ҳуқуқ доимо интилади, лекин ҳуқуқшунослик фани ва мақсадининг мураккаблигидан бу юксак орзуга эришиб бўлмайди”⁵.

Ҳар қандай юридик тил, биринчи навбатда, расмийлик, нейтраллик, қатъийлик, аниқлик, қисқалик, мантиқий изчиллик; йўлловчилик (динамиклик), қолиплаганлик белгиларига эга.

Доктор Джорж Макдиси ўзининг инглиз тилидаги “The Juridical Theology of Shari‘i: Origins and Significance of Usual al-Fiqh” номли китобида фикх

¹ Doniyorov R. O‘zbek tili, ilmiy-texnik terminologiyasini tartibga solish masalalari. –Т.: O‘zbek tili va adabiyoti, 1979. – 3-son. – 32 b.

² Ko‘chimov Sh.N. Yuridik til nazariyasi va amaliyoti. – Т.: Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, 2013. – 65 b.

³ Yazik zakona. – 53 s.

⁴ Kerimov D.A. Zakonodatel’naya texnika. – М.: Nauka, 2000. – 59 s.

⁵ Kogon V.N. K voprosu o formalizacii otrasli prava //Voprosi kibernetiki i prava. – М.: Nauka, 1967. – 106 s.



илмига тўхталиб, араб давлатларининг замонавий қонун тили қуйидаги тарихий даврларни босиб ўтгани ҳақида ёзади¹:

- 1) Қуръоннинг қонун тили, яъни Қуръон оятларининг ҳуқуқий талқини нафақат исломнинг ахлоқий ва мафкуравий асослари, балки ҳуқуқий архетипларнинг асосий манбаси ҳисобланади.
- 2) Сунна (Ҳадислар) нинг арабча ҳуқуқий тили: Муҳаммад (сав) нинг турли вазиятларда, жумладан, қонуний ҳолатлардаги хатти-ҳаракати ҳамда қарашларига оид анъанавий тил, яъни классик араб тили.
- 3) Ислом юридик мактабларининг араб ҳуқуқий тили.
- 4) Усмонийлар империяси даври араб ҳуқуқий тили.
- 5) Мустамлака даври араб ҳуқуқий тили.
- 6) Ғарб давлатларининг юридик тили элементларини ўзида акс эттирган замонавий араб ҳуқуқий тили: араб давлатлари минтақасига Европа ҳуқуқий назариясининг кириб келиши.
- 7) Араб тилига таржима қилинган замонавий бирлашган, яъни унификациялашган юридик лексика, масалан INCOTERMS терминологияси, шунингдек, янги даврда пайдо бўлган ҳамда ҳуқуқий институтларни тавсифловчи замонавий сўз бойликларидир.

Юқорида келтирилган рўйхат араб тилидаги юридик лексик бирликларнинг хилма-хиллигини кўрсатади. Биз бу борада А.Н. Аллотнинг фикрига қўшиламыз: “Ҳуқуқий матнларни араб тилидан бошқа тилга таржима қилишда лексик бирликларнинг барча жиҳатларини (тўлиқ спектрини) ҳисобга олиш керак”².

Б.Г.Фаткулин ўзининг «Развитие арабского правового языка: межъязыковое и межкультурное взаимодействие и проблемы перевода» номли номзодлик диссертациясида араб давлатлари юридик тилининг шаклланиши ҳамда ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган (ёки асос бўлган), деб ёзади³:

1. Тилининг ўзида мавжуд бўлган ҳолат – араб тилидаги синтетизм ҳолати (жараёни).
2. Ислом ҳуқуқшунослиги, яъни фикҳ ҳамда унинг асосини ташкил этувчи Қуръон оятлари, ҳуқуққа оид ҳадислар ҳамда ислом ҳуқуқшунослик мактабларининг назарий кўрсатма (низом) ларига асосланган юридик дастуруламал (Доктрин) ларнинг таъсир этиши омили.
3. Рим қонунининг Ўрта ер денгизи минтақасининг ҳуқуқий тизимида таъсирини ифодаловчи тил узлуксизлигининг лингвогеографик омили.
4. Араб мамлакатларида қонун яратишнинг ўзига хос хусусияти.

¹ Makdisi G. The Juridical Theology of Shari‘i: Origins and Significance of Usual al-Fiqh. – 1984. 15-20 pages.

² Allot A.N. Law and Language. London: School of oriental and African Studies, University of London.: – 1965.

³ Fatkulin B.G. Razvitiye arabского pravovogo yazika: mejyazykovoye i mejkulturnoye vzaimodeystviye i problemi perevoda: diss. ...kand.fil.nauk. – Yekaterinburg, 2003. 26-27s.



5. Араб мамлакатларида тартибга солинган жамоатчилик муносабатларининг кенг доираси.

Машхур исломшунос С. Маҳмасанининг фикрича, фикҳ методологияси уч асосий устунга, булар – Қуръон, ҳадис ҳамда фикҳга оид олимларнинг (ислом давлатининг шаклланиши даврида қонун яратиш ва уни тўғри қўллаш билан шуғулланувчилар) асарларига асосланган¹.

Қуйида Қуръон тили ҳамда ҳадисларни араб ҳуқуқий тилининг шаклланишига таъсир кўрсатган омил сифатида кўриб чиқамиз.

Қуръоннинг кенг лексик қатлами, яъни тўғридан-тўғри ёки билвосита Қуръон оятларидан олинган сўзлар ва иборалар Араб давлатлари қонунларининг асосий таркибий қисмини ташкил этади. Ушбу лексик қатлам ислом фикҳининг ҳам асоси бўлиб, у кўп йиллар мобайнида деярли ўзгармаган, ҳозирда ҳам араб мамлакатларида ҳуқуқий тезаурус, яъни махсус терминларни ёки луғатларни яратишда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Қуръоннинг лексик қатлами Араб халифалигининг бир қисми бўлган араблардан бошқа халқларнинг тил бойлигига кирганлиги туфайли ҳам катта аҳамиятга молик.

Қуръон оятларидан кириб келган ҳуқуқий терминлар Мадина шаҳрида ташкил топган биринчи ислом давлатининг ўша даврдаги ҳаёт тарзи билан узвий боғлиқдир. Оятларда келувчи ҳуқуқий терминларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларда ҳуқуқий меъёрлар аниқ тушунтирилмайди. Шу сабабли оятларнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш мақсадида кейинчалик бошқа меъёрлар вужудга келди. Қуръоннинг қонунни ифода этувчи оятларидан ҳуқуқий меъёрларни чиқариб олиш зарурати фикҳ каби ислом ҳуқуқшунослиги тармоғининг юзага келишига олиб келди.

Машхур фикҳшунос доктор Муҳаммад Юсуф Мусонинг кўрсатишича, фикҳий-ҳуқуқий масалалар бўйича Қуръонда қуйидаги соҳаларда оятлар мавжуд:

1. Ҳаққуллоҳ (амалий ибодатлар) бўйича -140 оят;
2. Шахсий ҳуқуқ (оила, талок, васият ва бошқалар) бўйича-70 оят;
3. Муомалот ёки фуқаролик ҳуқуқи (олди-сотди, ижара, гаров, қарз, ширкат ва бошқалар) бўйича-70 оят;
4. Жиноят ва жазо бўйича -30 оят;
5. Суд, суд жараёни, гувоҳлик ва унга боғлиқ бўлган масалалар бўйича-20 оят;
6. Бизнинг фикримизча, давлат ҳуқуқи соҳасида-3 оят, ҳаммаси бўлиб Қуръонда-333 та ҳуқуқий оят бор².

Қуръони карим сураларининг оятларида ҳуқуқнинг барча соҳалари, жумладан, жиноят ҳуқуқига тегишли бир қатор қонун-қоидалар мавжуд бўлиб,

¹ Mahmassani, Subhi. Falsafat Al-Tashri Fi Al-Islam (The Philosophi of Legislation in Islam). Translated by Farah Ziadan. Leiden:E.J.Brill. –1961. – 24-26 pages.

² Jo'zjoniy A.Sh. Islom huquqshunosligi, hanafiy mazhabi va O'rta Osiyo faqihlari. –Т.: Toshkent Islom universiteti, 2002. – 64-65 betlar.



улар диний ҳуқуқ тушунчалари билан суғорилгандир. Куръони каримда бир неча оғир жиноят турлари ҳақидагина сўз юритилган. Жумладан, ўғрилик, босқинчилик, қасддан одам ўлдириш, тан жароҳатини етказиш, порахўрлик, зино, тухмат, жосуслик, исён, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, отананинг қасддан ўз фарзандини ўлдириши, судхўрлик ва бошқалар.

Жумладан, “Моида” сурасининг 38-оятда

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوْا اَيْدِيَهُمَا جَزَاءِ بِمَا كَسَبَتْ نَكَالًا مِّنْ اللّٰهِ وَاللّٰهُ عَزِيْزٌ حَكِيْمٌ

“Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг – қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан (берилган) азоб сифатида – қўлларини кесингиз! Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир” деб қайд этилган¹.

“Бақара” сурасининг 178-оятда

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْاُنثٰى بِالْاُنثٰى فَمَنْ عَفِيَ لَهُ مِنْ اَخِيْهِ شَيْءٌ فَاتَّبِعْ بِالْمَعْرُوفِ وَاَدِّءْ اِلَيْهِ بِالْحُسْنِ اِنَّ ذٰلِكَ تَخْفِيْفٌ مِّنْ رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنْ اعْتَدٰى بَعْدَ ذٰلِكَ فَلَهُ عَذَابٌ اَلِيْمٌ

“Эй, имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан. Биродари томонидан авф этилса (хун тулашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйин суниш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир). Бу (ҳукм) Раббингиз томонидан енгиллик ва марҳаматдир. Бас, кимки шундан кейин ҳам ҳаддидан ошса, унга аламли азоб берилур”².

“Нисо” сурасининг 135-оятда

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا كُوْنُوْا قَوّٰمِيْنَ بِالْقِسْطِ شُهَدَآءَ لِلّٰهِ وَلَوْ عَلٰى اَنْفُسِكُمْ اَوْ الْوَالِدِيْنَ وَالْاَقْرَبِيْنَ اِنْ يَكُنْ غَنِيًّا اَوْ فَقِيْرًا فَاَللّٰهُ اَوْلٰى بِهَمَّآ فَلَا تَتَّبِعُوْا الْهَوٰى اَنْ تَعْدِلُوْا وَاِنْ تَلَوُّوْا اَوْ تَعْرَضُوْا فَاِنَّ اللّٰهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُوْنَ خَبِيْرًا

“Эй, иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, отанангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг. Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавои нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг. Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир”³.

Гувоҳлик жуда ҳам нозик ва масъулиятли ишдир. Чунки, гувоҳлик бериш йўли билан далил-ҳужжат етишмай турган ишлар ҳал бўлади. Бир оғиз гувоҳлик сўзи билан бировга ўлим ҳукми чиқиши ёки бекор қилиниши мумкин. Биров қамалиб кетиши ёки қутулиб қолиши мумкин. Шунингдек, биров қатта мол-мулкка эга бўлиши ёки ўзининг мол-мулкидан ажраб қолиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, гувоҳлик кўпгина ҳассос масалаларга даҳлдордир. Шунинг учун ҳам, исломда гувоҳлик адолат ила бўлишига қатта эътибор берилади⁴.

¹ Abdulaziz Mansur. Qur’oni Karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – T.: Toshkent islom universiteti, 2004. – 114 b.

² Abdulaziz Mansur. Qur’oni Karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – T.: Toshkent islom universiteti, 2004. – 114 b.

³ Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol.–T.: Movarounnahr. 2005. – 633 b.

⁴ Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol.–T.: Movarounnahr. 2005. – 633 b.



“Моида” сурасининг 32-оятида

مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُنَا بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرًا مِنْهُمْ بَعُدَ ذَلِكَ فِي الْأَرْضِ لُمْسِرْفُونَ

“...Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир”¹.

Оятнинг тақозо этишига кўра, ер юзида фитна-фасод, бузғунчилик, қотиллик, қўпоровчилик, қароқчилик каби ишларни қилган кимсаларни қатл этиш жоиз бўлади².

Юқориди келтирилган мисоллардан кўпини келтириш мумкин. А.К.Назаров ўзининг “Уголовно-правовые нормы Корана и Хадиса и их классификация по Институтам уголовного права” номли номзодлик диссертациясида Қуръондаги барча жиноий-ҳуқуқий меъёрларни икки – умумий ва махсус қисмга бўлиш мумкин, деб ёзади. Умумий қисмига қуйидаги жиноий-ҳуқуқий институтларни киритиш мумкин:

1. Қуръоннинг ҳуқуқий меъёрларидан келиб чиққан жиноят ҳуқуқи конун-қоидалари.

2. Қуръон меъёрларида кўзда тутилган жиноятни инкор этувчи ҳолатлар.

3. Қуръон меъёрларида кўзда тутилган жазолаш тизими.

4. Қуръон меъёрларида келтирилган жазодан озод қилиш ҳолатлари.

Қуръон ва ҳадисларда келтирилган жазонинг турларини тадқиқ қилиш жараёнида қуйида берилган қатор жиноятлар аниқланган:

- Худога хиёнат;
- Ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноят;
- жинсий эркинликка қарши жиноятлар;
- шахсинг шаъни ва кадр-қимматиға қарши жиноятлар;
- жамоат тартибига қарши жиноятлар;
- мулкка қарши жиноятлар;
- мусулмон жамиятиға қарши жиноят.

А.К.Назаров Қуръондаги жазо турларини мантиқий кетма-кетликда кўрсатиш мақсадида қуйидаги тартибда тизимлаштирган³:

1) рўза тутиш - (4-сура, 92-оят)

2) уй қамоғи - (4-сура, 15-оят)

¹ Abdulaziz Mansur. Qur’oni Karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – T.: Toshkent islom universiteti, 2004.

– 114 b.

² Abdulaziz Mansur. Qur’oni Karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – T.: Toshkent islom universiteti, 2004.

– 114 b.

³ Nazarov A.K. Ugolovno-Pravoviye normi Korana i Xadisa i ix klassifikaciya po Institutam ugolovno go prava. diss...kand. fil. nauk. – Dushanbe, 2009. 60 s.



- 3) кулни озод қилиш мажбурияти - (4-сура, 92-оят)
- 4) тавон тўлаш - (4-сура, 92-оят)
- 5) сургун қилиш - (5-сура, 33-оят)
- 6) калтаклаш - (24-сура, 2-4 оятлар)
- 7) етказилган зарарга мос равишда - (5-сура, 45-оят) жавоб қайтариш
- 8) қўл-оёқни кесиб ташлаш - (5-сура, 33-35 оятлар)
- 9) ўлим жазоси - (5-сура, 33-35 оятлар)
- 10) тошбўрон қилиш - (2-сура, 178,190,191- оятлар;
17-сура, 33- оят).

Шариатнинг иккинчи асосий манбаи - суннатлардир.

“Сунна” луғатда йўл-йўриқ маъносида бўлиб, фикҳий атама сифатида ислом Пайғамбарининг сўзлари, феъллари (амаллари) ва тақрирлари, яъни тасдиқлари, шунингдек, саҳобаларнинг сўзлари ва амаллари мажмуидан иборат, деб таъриф беради Абдулҳаким Жўзжоний ¹.

Қатор ҳадисшунослар суннат бу – ҳадислар тўлами бўлиб, уни Қуръонсиз қўллаб бўлади, аммо Қуръонни суннатсиз қўллаб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Ҳадича Сулаймонова эса “Суннат Қуръон билан тенг қонун кучига эга бўлган, инкор қилиб бўлмайдиган ҳуқуқий ҳужжатдир”, деб фикр билдирган².

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассалламнинг ўз умматларига берган йўл-йўриқ ва ҳаётий ибратлари, ул зоти шарифнинг турмушга муносабати – барчасини ислом алломалари ҳадислар деб юритиб келганлар. Ҳадислар асрларки исломий ҳаёт тарзини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Улар Қуръони каримдан кейинги шариат аҳкомлари ҳисобланади³.

“Ҳадис” луғатда “янги”, “гап” ва “сўз” каби маъноларни англатади.

Истилоҳда:

مَا أَضِيفَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ قَوْلٍ أَوْ فِعْلٍ أَوْ تَقْرِيرٍ أَوْ صِفَةٍ

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат берилган сўз ёки иш ёки тақрир (тасдиқлаш ёки инкор қилмаслик) ёки сифат – ҳадис деб аталади⁴.

У.Уватов ўзининг “Муҳаддислар имоми” номли китобида тарихан ғоятда қисқа муддатда нозил бўлган Қуръони карим оятлари умумлаштирилган, дастурий ҳолда бўлгани боис, уларни ҳар бир конкрет ҳодисага боғлаб талқин этиш зарурати туғилган. Бинобарин, ҳадислар муқаддас оятларни соддалаштириб баён этади, унда келтирилган воқеа ва ҳодисаларни тушунарли тарзда муфассал шарҳлайди, деб ёзади⁵.

¹ Jo'zjoniy A.Sh. Islom huquqshunosligi, hanafiy mazhabi va O'rta Osiyo faqihlari. –Т.:Toshkent Islom universiteti, 2002. – 64-65 betlar.

² Sulaymonova X.S. Sobraniye sochineniy. Tom1. Т.: Fan, 1967. – 41 b.

³ Uvatov U. Muhaddislar imomi. Т.: Ma'naviyat, 1998. – 5 b.

⁴ Qarang: Hamroqulov J. Hadis ilmi istilohlari.– Т.: Movarounnahr, 2014. – 21-22 betlar.

⁵ Uvatov U. Muhaddislar imomi. Т.: Ma'naviyat, 1998. – 5 b.



Ислом дини катта ҳудудда тарқалгандан кейин мусулмонлар жамоаси ичида ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларни адолатли ва қонуний равишда тартибга солувчи манба йўқлиги сезилиб қолди. Чунки нозил этилган Қуръони каримда эътибор кўпроқ умумназарий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотларга қаратилган бўлиб, ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар етарли даражада ёритилмаган эди. Мавжуда Ражабова “Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол” номли китобида “... Китобдан (яъни Қуръондан) фақатгина умумий манба сифатида фойдаланиш ва ундаги ҳуқуқий қонун-қоидаларни, айниқса, жиноят ва жазо масалаларини акс эттирган ихчам тушунчаларни ўрганиб, таҳлил қилиш мумкин, холос”, деб қайд этган. Шунинг учун дастлабки мусулмон жамоасида мазкур масалаларни ҳал этиш ва тартибга солиш учун Пайғамбаримиз (сав) ҳаётлик вақтларида турли масалалар бўйича айтган гаплари ва турли вазиятларда тутган ишларига амал қилинган. Ислом динида бундай ҳуқуқий-ахлоқий меъёрлар “ҳадис”, ҳадисларни ўрганувчи фан эса – “ҳадисшунослик” деб аталади. VIII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган бу фан кейинги асрларда ҳам ривож топиб, тез орада исломда ҳуқуқ фани, яъни “шариат” нинг асосий манбаларидан бирига айланди. Араб халифалиги даврида ҳадисларни ўрганиш оддий фуқародан тортиб халифаларгача бўлган ҳар бир мўъмин мусулмоннинг бурчи деб ҳисобланган. Масалан, Марказий Осиёда ҳадисларни ўрганиш билан жуда кўп машҳур одамлар шуғулланишган. Хусусан, таниқли шоир Рудакий ва машҳур комусий аллома Муҳаммад ал-Хоразмий (X аср), буюк тилшунос олим Маҳмуд аз-Замахшарий (XII аср) ва бошқалар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг “Мендан бир сўз ёки калима эшитган бўлсангизлар, уни албатта бошқаларга етказинглар”, деган сўзларига амал қилган, ҳадис илмининг асосчилари деб танилган юртдошларимиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва бошқалар “ас-Сихоҳ ас-Ситта”, яъни ҳадисларга доир олти саҳиҳ китобларни яратдиларки, бу манбалар асрлар оша биз яшаётган замонгача етиб келган. Улардан ҳозирда ҳам мусулмон давлатларида қатор ҳуқуқ соҳалари, жумладан жиноят ҳуқуқининг манбаи сифатида кенг фойдаланилмоқда¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳадис китоблари орасида Имом ал-Бухорийнинг «Ал- жомеъ ас-саҳиҳ» асари энг ишончли ҳадисларни ўз ичига олган, деб эътироф этилади. Ислом оламидаги барча олимлар бир овоздан «ижмоъ» асосида «Бу китоб ўзининг мўътабар ва муқаддаслиги жиҳатидан Қуръони каримдан кейинги китобдур», деб қарор қабул қилганлар².

Имом ал-Бухорийнинг «Ал- жомеъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламидаги жиноят ҳуқуқига оид жиноят ва жазо масалаларини ўзида акс эттирган саҳиҳ – ишончли ҳадислар тадқиқот сифатида ўрганилди. “Олтин силсиласи:

¹ Rajabova M. Huquq va Adolat: o'tmish, bugun, istiqbol. – T.: Yurist-media markazi, 2009. – 61-62 betlar.

² Shokirov Yu. Islom shariati asoslari. – T.: Mehnat, 1992. – 43 b.



Саҳиҳул Бухорий” номли ҳадис тўпламларининг 3, 4 ва 8-жузларида жиноят турлари ва уларда кўзда тутилган жазо масалалари ифодаланган ҳадислар ҳам ўрин олган. Жумладан, ҳаддлар китобида қатъий жазо белгиланган жиноятлардан ҳамр ичиш ва ўғирлик қилишда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан қўлланган жазолар тўғрисидаги кўплаб ҳадислар ўз ифодасини топган.

6790. حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ أَبِي أُوَيْسٍ، عَنْ ابْنِ وَهْبٍ، عَنْ يُونُسَ، عَنْ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ وَعُمَرَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "تُقَطَّعُ يَدُ السَّارِقِ فِي رُبْعِ دِينَارٍ". طرفاه: 6791، 6789 – تحفة: 17920، 17695

6790. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Ўғрининг қўли чорак динар учун кесилади”, дедилар”¹.

“Диялар китоби” деб номланган бўлимда эса ўша давр амалиётида мавжуд бўлган аниқ жиноят ишлари тафсилотини баён қилган ҳолда қасддан одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш каби жиноий қилмишларнинг (қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этиш) турли хил шакллари юзасидан пайғамбар томонидан чиқарилган ҳукмларнинг баёни кўрсатилган. Жумладан,

6861. حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنِ الْأَعْمَشِ، عَنِ أَبِي وَائِلٍ، عَنِ عُمَرُو بْنِ شَرْحِبِيلٍ قَالَ: قَالَ عَبْدُ اللَّهِ: قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ الذَّنْبِ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ؟ قَالَ: «أَنْ تَدْعُوَ بِهِ نِدًّا، وَهُوَ خَلْقَكَ». قَالَ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: «ثُمَّ أَنْ تَقْتُلَ وَلَدَكَ {حَسْبِيَّةٌ} أَنْ يَطْعَمَ مَعَكَ:» قَالَ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: «ثُمَّ أَنْ تُزَانِيَ بِجَلِيلَةَ جَارِكَ». فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ تَصْدِيقَهَا [وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ] الْآيَةَ. طرفاه: 6861، 6860، 6859، 6858 – تحفة: 7532، 7520، 9/2 – 9480

6861. Абдуллоҳ розияллоху анху айтади: “Бир киши: “Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг наздида энг катта гуноҳ қайси?” деди. У зот: “Сени Аллоҳ яратган бўлатуриб, У Зотга (бошқани) тенг тутишинг”, дедилар. “Кейин қайсиниси?” дедим. “Нонингга шерик бўлишидан қўрқиб болангни ўлдиришинг”, дедилар. “Кейин қайсиниси?” дедим. “Кўшнингнинг жуфти ҳалоли билан зино қилишинг”, дедилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла бунинг тасдиғи сифатида “Улар Аллоҳ билан бирга бошқа ҳеч бир илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур (Фурқон сураси, 68-оят)” ни нозил қилди”².

“Мажбурлаш китоби” деб номланган бўлимдаги ҳадислардан бирида шундай дейилган:

6949. وَقَالَ اللَّيْثُ: حَدَّثَنِي نَافِعٌ، أَنَّ صَفِيَّةَ ابْنَةَ أَبِي عُبَيْدٍ أَخْبَرَتْهُ: أَنَّ عَبْدًا مِنْ رَقِيقِ الْإِمَارَةِ وَقَعَ عَلَى وَلِيدَةٍ مِنَ الْخُمُسِ، فَاسْتَكْرَهَهَا حَتَّى افْتَضَّهَا، فَجَلَدَهُ عَمْرُ الْحَدِّ وَنَفَاهُ، وَلَمْ يَجِدِ الْوَلِيدَةَ مِنْ أَجْلِ أَنَّهُ اسْتَكْرَهَهَا. قَالَ الرَّهْرِيُّ فِي الْأَمَةِ الْبُكْرُ، يَفْتَرُهَا الْحُرُّ: يُقِيمُ ذَلِكَ الْحَكْمُ مِنَ الْأَمَةِ الْعَدْرَاءَ بِقَدْرِ قِيمَتِهَا، وَيُجَلَدُ، وَأَيْسَ فِي الْأَمَةِ التَّيِّبِ فِي قِضَاءِ الْأَيْمَةِ عُرْمٌ، وَلَكِنْ عَلَيْهِ الْحَدُّ. تحفة: 10677

¹ Oltin silsilasi: 8-juz: Sahihul Buxoriy 2018, – T.: Hilol Nashr.

² Oltin silsilasi: 8-juz: Sahihul Buxoriy 2018, – T.: Hilol Nashr.



6949. Сафийя бинт Абу Убайд шундай хабар қилади: “Амирлик куллари-дан бири хумусдаги бир канизакка яқинлик қилиб қўйди. Уни зўрлаб, номусига тегди. Умар унга ҳадд уриб, сургун қилди. Канизақни эса мажбурлангани учун дарраламади”.

Зухрий хур киши номусига тегиб қўйган чўри ҳақида шундай дейди: “Ҳакам буни (тўловни) бокира чўрининг қиймати миқдорига қараб белгилайди, (хур) эса дарраланади. Имомларнинг ҳукмига кўра, жувон чўри хусусида тўлов йўқ, лекин унга (зўрлаганга) ҳадд бор”¹.

“Гувоҳликлар китоби” деб номланган бўлимда яширинган кишининг гувоҳлиги, бирор нарсага бир ёки бир нечта гувоҳ гувоҳлик бериши, адолатли гувоҳлар, ноҳақ гувоҳликка гувоҳ қилиниши, кўр кишининг, аёлларнинг, чўриларнинг, балоғат ёшига етган болаларнинг гувоҳлиги ҳақида ва шу каби бошқа қатор ҳадислар ўрин олган. Бундай ҳадисларнинг бирида айтилишича:

۲۴۵۴ – حَدَّثَنَا مُسَدَّدٌ ، حَدَّثَنَا يَشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ ، حَدَّثَنَا الْجَرِيرِيُّ ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرَةَ ، عَنْ أَبِيهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «أَلَا أُنَبِّئُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكَبَائِرِ» ثَلَاثًا . قَالُوا : بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ . قَالَ : «الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ» . «وَجَلَسَ وَكَانَ مُتَكَبِّئًا ، فَقَالَ : «أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ» . «قَالَ : فَمَا زَالَ يُكْرَرُهَا حَتَّى قُلْنَا لَيْتَهُ سَكَتَ . وَقَالَ إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ : حَدَّثَنَا الْجَرِيرِيُّ ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ . أَطْرَافُهُ : ۵۹۷۶ ، ۶۲۷۳ ، ۶۲۷۴ ، ۶۹۱۹ – تحفة : ۱۱۶۷۹

2654. Абдуorraҳмон ибн Абу Бақра отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта: “Сизларга қатта гуноҳларнинг энг қаттасини айтиб берайми?” дедилар. Улар: “Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!” дейишди. У зот: “Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш”, дедилар. Суяниб ўтирган эдилар, ўтириб олдилар-да, “Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам”, дедилар. У зот буни такрорлайвердилар, ҳатто биз “Тўхтасалар эди”, деб қолдик”².

Шунингдек, ушбу ҳадислар тўпламида бошқа турдаги жиноий қилмиш, жумладан, бозорни қасод қилиш учун атайин нарҳ-навони ошириш, савдосотикда алдамчилик – харидор ва буюртмачини алдаш, савдо қондасини бузиш; пора олиш мақсадида товламачилик қилиш; қози томонидан ноқонуний ҳукм чиқариш каби ислом шариатида макруҳ саналган гуноҳлар – жиноятлар ҳақида ўша давр амалиётига хос бўлган қатор мисоллар намуна қилиб кўрсатилган.

Хулоса. Шу аснода суннатда Қуръони каримда ўз аксини топмаган қатор жиноят турлари, таъзир жазо турлари, жиноят ҳуқуқи фанига алоқадор бўлган иштирокчилик, жиноий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар (зарурий му-дофаа) ва бошқа қатор масалалар ҳам маълум даражада ёритилган. Ҳадисларда жиноят ва жазо тушунчалари, унинг турлари ўша давр амалиётининг умумлашмаси сифатида таҳлил қилинган десак, хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам суннат Қуръони каримдан кейин уни бойитган, тўлдирган, бой амалий тажрибани ўзида мужассамлаштирган муҳим шариат манбаси ҳисобланади.

¹ Oltin silsilasi: 8-juz: Sahihul Buxoriy 2018, – Т.: Hilol Nashr.

² Oltin silsilasi: 3-juz: Sahihul Buxoriy 2013, – Т.: Hilol Nashr.



Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий хулосаларидан шу нарса маълум бўлдики, Қуръон ва ҳадис араб ҳуқуқий терминологиясининг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилган илк ва муҳим манбалардир. Уларда биринчи маротаба қўлланилган ҳуқуқий терминлар, хусусан, жиноят ҳуқуқи терминлари бугунги кунда қатор араб давлатларининг ҳуқуқий лексик бойлиги ҳисобланади ҳамда ҳуқуқшуносликда фаол қўлланилади.

LI DIDI

Tashkent State University of the Uzbek language

University English Curriculum Design in the New Situation

Abstract: *At present, Uzbekistan is at a initial stage of development and reform, and universities are more concerned about university English education due to its talent development strategy and social needs. The university English curriculum has made periodical achievements in the past 10 years of reforms, but there are also some problems, such as curriculum content is monotony, curriculum classifications are similar, teaching objectives are not clear, and the form of courses evaluation is single, teaching method is outdated. To solve these problems, the researcher puts forward the following suggestions according to needs analysis theory, and make a research to non-English majors, the curriculum of university English must be based on the development of students' English proficiency, the teaching content should reflect the characteristics of majors, teachers need to update their teaching concepts, innovate teaching methods, combine classroom teaching with the second class learning. establish a scientific curriculum evaluation system and strengthen the promotion role of formative evaluation. Therefore, learners' needs should be integrated to make a purposeful adjustments to the university English curriculum.*

Keywords and expressions: *university English education; English curriculum; non-English majors; needs analysis*

Аннотация. *Хозирги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртлари ривожланиши ва таълим ислохотларининг дастлабки босқичида турибди ва ижтимоий эҳтиёжларни ривожлантириши стратегиясига мувофиқ университетларда инглиз тилини ўқитишига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 10 йил давомида амалга оширилган ислохотлар натижасида олий ўқув юртлари инглиз тилини ўқитишида бир қатор даврий ютуқларга эришди, аммо ўқув дастурларининг мазмуни бир хиллиги, ўқув дастурларининг такрорланиши, ўқитишининг эскирган усули билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал қилиши учун тадқиқотчи эҳтиёжларни таҳлил қилиши назариясига мувофиқ ўзининг таклифларни киритади ва мазкур мавзуларда тадқиқотлар олиб боради. Жумладан, олий таълимда инглиз тили ўқув дастури талабалар орасида инглиз тилини билиши даражасини оширишига, ўқитувчилар ўзларининг тушунчаларини янгилашига, ўқитиши усулларини такомиллаштиришига, синфдаги дарсларни бошқа ўқитиши турлари билан уйғунлаштиришига асосланиши керак. Шунингдек, тўғри баҳолаш тизимини яратиши, баҳолашнинг рағбатлантирувчи родини кучайтириши керак. Шундай қилиб, олий таълимда инглиз тили ўқув дастурини мақсадга мувофиқ равишида созлаш учун талабалар эҳтиёжларини бирлаштириши керак.*



Таянч сўз ва иборалар: олий ўқув юртларида инглиз тилини ўқитиши; инглиз тилини ўқитишига мўлжалланган ўқув режа; инглиз тилига алоқадор бўлмаган мутахассисликлар; эҳтиёж таҳлили.

Аннотация. В настоящее время Узбекистан находится на начальном этапе развития и реформирования, и высшие учебные заведения больше всего заботятся об обучении английскому языку, согласно стратегии развития талантов и социальных потребностей. За последние 10 лет проводимых реформ университетская учебная программа по обучению английскому языку достигала периодических успехов, но все же имеются некоторые проблемы, связанные с однообразностью в содержании учебной программы, повторяемостью учебных программ, неточностью преподавания, банальностью оценивания освоения программы, устаревшим методом обучения. Чтобы решить эти проблемы, исследователь выдвигает следующие предложения в соответствии с теорией анализа потребностей и проводит исследование по предметам, не относящимся к английскому языку. Учебный план английского языка высших учебных заведений должен основываться на повышение уровня владения английским языком среди студентов, преподаватели должны обновлять свои концепции преподавания, совершенствовать методы преподавания, сочетать преподавание в классе с другими видами обучения. Следует создать правильную систему оценивания, а также усилить стимулирующую роль оценивания. Таким образом, потребности учащихся должны быть интегрированы для целенаправленной корректировки учебной программы английского языка в высших учебных заведениях.

Арабий برق – барқ сўзи форсийда درخش – дарахи, туркийда ياشين – йашин, мўғулийда ياشين – йашин тарзида изоҳланган.

Мазкур сўздан кейин келган арабий صاعقة – са:ъиқа сўзи ҳам «яшин» мазмунини англатади, лекин унинг остидаги форсий сўзликда مثله – мислуҳу белгиси, туркийда يشين – йашин, қайта такрорланган ва мўғулий сўзликда م – мим ҳарфи билан кўрсатилган.

Кўлэзма матнида арабий, форсий, мўғулий сўзликдаги маънодошлар ўз ўрнида берилиб, туркий сўзлик муодили معروف – маъру:ф – маъру:ф ҳарфи билан белгиланган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан:

арабча ورق – варақ
форсча كاغذ – ка:ғаз
туркий ف – фа
мўғулий جالسون – жалсун
арабча صورة – су:рат
форсча بيكر – пайкар
туркий ف – фа
мўғулий سومه – сума

Юқоридаги мисолларда туркий сўзлик ўрнида ф – фа ҳарфининг кўрсатилиши айнан варақ ҳамда сураат сўзларининг ўзгаришсиз туркий сўзликда ҳам қўлланилганига ишора қилади.

“Муқаддамату-л-адаб” нинг бу нусхасида юқоридаги ҳолатнинг бошқа бир кўриниши ҳам учрайди. Бунга кўра арабий сўзликдаги сўз мақоласининг форсий ҳамда туркий муодиллари маъру:ф сўзи билан кўрсатилган. Матн таркибидаги мўғулий сўзликда эса унинг мўғулча муодили келтирилади.

арабча امانة – ама:нат
форсча معروف – маъру:ф
туркий ف – фа
мўғулий دانك – данг
арабча ادب – адаб
форсча معروف – маъру:ф
туркий ف – фа
мўғулий ابرى – аброй¹

¹Qarang: Poppe N.N. Mongolskiy slovar “Muqaddamatu-l-adab” I. II., Moskva, 1938.



Бундан ташқари қўлэзма матнида юқоридаги ҳолатлардан ҳам фарқли ўринларни учратиш мумкин. Масалан, арабий شحنة— *шаҳна* мақоласи форсийда маъру: ф, туркий сўзликда داروغة— *даруға*, мўғулийда ف— *фа* белгиси билан кўрсатилган. Демак, форсийда شحنة— *шаҳна* сўзи араб тилидаги каби ўзгаришсиз қўлланилган. Қўлэзмадаги мўғулий шакл ўрнидаги ف— *фа* эса мазкур ўринда туркий даруға сўзининг келишини кўрсатмоқда. Бу ҳолат қўлэзма матнида қуйидагича белгиланган:

арабча شحنة— *шаҳна*
форсча معروف— *маъру:ф*
туркий داروغة— *даруға*
мўғулий ف— *фа*

Қўлэзма матнида ўзига хос тузилиш жиҳатларига эга бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, арабий قصر— *қаср* сўзи форсий كوشك— *кўшк* тарзида келтирилган. Туркий сўзликда бу сўз مثله— *мислуҳу* ишораси билан изоҳланиб, мўғулий кўринишда ف— *фа* ҳарфи билан кўрсатилган. Юқоридаги туркий мақола сўзнинг берилиш қондасига биноан ўзидан олдинги сўзга ўхшаш бўлиши керак, яъни қаср сўзи قيشليق ابو— *қишлиқ эв* тарзида изоҳланмоғи лозим. Лекин қаср сўзидан кейинги мақолага мурожаат этсак. Бу сўз сарҳ бўлиб, у форсий كوشك بلند— *кўшкки баланд*, туркий بدوك كوشك— *будук кўшк*, мўғулий اندرون كوشك— *андурун кўшк* сўзлари ёрдамида ифодаланган. Демак, арабий قصر— *қаср* сўзи туркий сўзликда форсий муодилга ўхшаш كوشك— *кўшк* тарзида изоҳланади. Шу мақоланинг мўғулий муодилига келсак, у ف— *фа* ҳарфи билан белгиланган эди. Бу эса мўғулий сўзликда ҳам كوشك— *кўшк* сўзи қўлланганлигига ишора қилади.

Асарнинг феъллар қисми тўлиқ бўлиб, жуда равон хат билан ёзилган. Феъллар қисмида ҳам айрим шартли қисқартмалар қўлланилган. Кетма-кет келган маънодош феъллар مثله— *мислуҳу* қисқартмаси билан кўрсатилган. Масалан, جنع اليه— *жанаҳа илайҳи* феъли туркийча كونكلى سندی انقه— *кўнгил синди анқа* тарзида изоҳланган. Мазкур феълдан кейин берилган арабий جنع له— *жанаҳа лаҳу* феъли туркий сўзликда мбелгиси билан кўрсатилган. Демак, мазкур *жанаҳа лаҳу* феъли ҳам олдинги *кўнгил синди анқа* маъносини англатади.

Бундан ташқари феъллар қисмида кетма-кет иккидан ортиқ белгиси билан кўрсатилган феълларни учратиш мумкин. Қўлэзманинг арабий сўзлигидаги غضبه الشىء— *гадабаху аш-шай’а* туркийда كوج بيلان الدى اندين نيمه نى— *куч биланалди андин нимани* тарзида изоҳланган. Ундан кейинги арабий غضب منه الشىء— *гадаба минҳу-ш-шай’а* ҳамда غضبه على الشىء— *гадабаху ъала-ш-шай’а* иборалари туркийда белгиси билан кўрсатилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг ушбу нусхаси таркибидаги арабий матнга ҳаракатлар қўйилган. Лекин арабий матндаги ҳаракатларнинг тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Қўлэзмадаги форсий, туркий, мўғулий сўзлик матнида эса ҳаракатлар берилмаган. Юқоридаги сўзликлар матнидаги айрим сўзларнинг ўқилишини аниқлаштириш мақсадида ўрни билан ҳаракатлар киритилган



мисолларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, форсий сўзликда ملك – малак, خرچين – хуржин, ابريق – ибриқ, در – дар, مردم – мардум, ملك چشم – милки чашм, мўғулий сўзликда منكه – минка, كي – ки, جلولىق – жалвалиқ, جلوه – жалава.

Маҳмуд Замахшарий “Муқаддату-л-адаб” асарининг луғат қисмлари киритилган дунё фондларидаги 100 яқин нодир қўлёзмаларини дастлабки ўрганиш улар орасида Хоразмда кўчирилган ёки хоразмлик котиблар китобат қилган қўлёзмалар кўплиги аниқланди. Мазкур қўлёзмаларнинг асосий қисми хорижий мамлакатларда сақланмоқда. Эътиборли жиҳати уларнинг китобат даврининг қадимийлиги ва сўзликка туркий муодилларнинг киритилганлиги ҳисобланади.

“Муқаддату-л-адаб”нинг тарихи кўрсатилган энг қадимий қўлёзмасининг Хоразм нусхаси Туркиянинг Ёзгат шаҳрида Маориф кутубхонаси фондида 396 хужжат рақами остида сақланган ҳозирда Истамбулдаги Сулаймония кутубхонаси хазинасига кўчирилган манба саналади. Ушбу манба шу кунга қадар тадқиқотларда ўзи сақланган жой номи билан “Ёзгат” қўлёзмаси сифатида зикр қилинган. Ундаги маълумотга кўра, бу қўлёзма 655 ҳижрий йил, учинчи жумаду-л-аввал шанба, яъни 1257 йил 27 май куни Хоразмда котиб Иброҳим бин Маҳмуд Суфи Муаззин томонидан кўчирилган. Шу сабабли туркий сўзлик киритилган мазкур қўлёзмани “Ёзгат” деб эмас, “Хоразм” нусхаси деб аташ илмий нуқтаи назардан тўғри бўлади.

Хоразм қўлёзмасининг дастлабки варақларига Қуръоннинг Нуҳ ва Жин сураларидан парчалар ёзилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган. Асосий матн исмлар қисми ”тупроқ”бобининг “маъдан” фаслидаги وشاح – виша:хун, میان بند – мийа:н банд, قرين باغى – қарин бағи сўзи билан бошланган. Исмлар қисмининг матни тўлиқ, лекин махсус колофон кўринишида шакллантирилмаган. Феъллар қисми тўртбурчак нақшли унвон билан бошланган, унга كتاب الأفعال – кита:бу-л-афъа:л мазмунидаги ёзув киритилган. Асарнинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари тугал асардек бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугаган. Арабий матн йирик сулс-наسخ хатида, қора сиёҳда ҳаракатлар билан ёзилган. Боб, фасл сўзлари сарлавҳа тарзида қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матнидаги сўзларда учраган ر، ز، د، ص، ض، ط، ظ қаби ҳарфлар остига нуқта қўйилган. Туркий, форсий сўзлик матнида ҳам ҳаракатли ўринлар учрайди. Асар матни 347 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифага етти катордан матн битилган.

Хоразм қўлёзмасидаги туркий жумлаларнинг сўз тартиби асарнинг бошқа қўлёзмаларидаги туркий сўзлик тартибидан фарқланади. Масалан, арабий هناہ سينكىدى – ҳана’аху-т-таъа:му жумласи асарнинг “А”, “В”, “Г” нусхаларида طعام سينكىدى – таъа:м синғди анга اش – синғди анга аш, Хоразм нусхасида эса طعام سينكىدى انكا – таъа:м синғди анга шаклида берилган. Яна бир мисол, арабий نضحہ بالماء – надаҳаҳу би-л-ма:’и ибораси “А” нусхада اوردى انى سو بيرلا – урди ани сув бирла, “В”, “Г” нусхаларида سبتي انكا سف نى – сәпти анга сувни тарзида изоҳланган. Бу жумла



тавсифланаётган Хоразм қўлёзмасида سف برلا اوردى – сув бирла урди кўринишида келтирилган. Мазкур қўлёзма ўзининг қадимийлиги, туркий сўзликнинг нодирлиги жиҳатидан ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлиши зарур. Асар матни катта ҳажмли хотима-колофон билан тугаган.

Китобат даврининг қадимийлиги нуқтаи назаридан навбатдаги қўлёзма Доғистондаги Тарих, тил ва адабиёт институти фондида 117 сақланиш рақами остида сақланаётган “Муқаддамату-л-адаб”нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган уч тилли қўлёзмаси ҳисобланади. Бу нодир нусханинг хотимасидаги маълумотга кўра у 731 ҳижрий, 1330 милодий йили Хоразмда котиб Маҳмуд бин Юсуф Саббоғий Саробий томонидан кўчирилган. Унга муқаддима (16-36), исмлар (4а-64б) ва феъллар қисмлари (65а-246б) киритилган¹. Қўлёзманинг кириш қисмидаги маълумотга кўра мазкур нодир нусха 1940 йил Габшимин масжидидаги қўлёзмалар орасидан Р. Муҳамедов томонидан ажратиб олинган.

Асар матнининг арабча сўзлиги йирик насх хатида қора сиёҳда берилган. Форсий сўзлик унинг остига турли йўналишларда майда насх хатида киритилган. Котиб туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш мақсадида уни қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатган ва қадимий услубдаги майда насх хатида кўчирган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг яна бир нодир Хоразм нусхаси Туркиядаги Дамад Иброҳим Пошша кутубхонасидаги 1149 рақамли қўлёзма ҳисобланади. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига Дамад Иброҳимнинг шахсий муҳри, унинг вақфига тегишли муҳрлар урилган. У муқаддима билан бошланган. Муқаддиманинг арабий матни остида сатрма-сатр форсий таржимаси ҳам берилган. Исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлар тўлиқ, ўзига хос колофон билан яқунланган. Асосий арабий матн йирик насх хатида, форсий матн эса настаълиқда қора сиёҳ билан берилган. Барча сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Ҳарфлар қисмининг бошланишидаги айрим сўзларнинг остига арабий изоҳи берилган. Ҳар бир саҳифага 7 сатрдан матн жойлаштирилган.

Мазкур ноёб қўлёзма Хоразмда машҳур “Ал-Байда” мадрасасида Ибодуллоҳ Муҳаммад бин Юсуф Саройи қўли билан битилган. Китобат тарихи ҳижрий 738 йил шаъбон ойининг бошлари, яъни 1388 йил февраль ойининг охири деб кўрсатилган. Ҳозирда бу қўлёзма Сулаймония кутубхонаси фондида сақланади.

Истамбулдаги Археология музейи қўлёзма фондида 1619 сақланиш рақамида рўйхатга олинган қўлёзма “Муқаддамату-л-адаб”нинг муҳим нусхаларидан бири ҳисобланади.

¹ Katalog arabskix rukopisey institute istorii, yazika i literature Dagestanskogo filial AN SSSR (Catalog of Arabic manuscripts at the Institute of History, Language and Literature of the Dagestan Branch of the USSR Academy of Sciences), Moskva, 1977, pp. 26-27.



Мазкур қўлёзмани Закий Валидий Тўғон “Олтин ўрда” нусхаси деб атайдил¹. Бу қўлёзма асарнинг тўлиқ нусхаси бўлиб, унга мавжуд қисмларнинг барчаси киритилган. Асарнинг бошланиши, исмлар билан феъллар қисмларининг ораси, қўлёзманинг охирида араб ва форс тилларида ёзилган рисолалар бор. Улардан бири “Хуросон устози” деб аталмиш Аҳмад бин Маҳмуд бин Муҳаммад Нисопурийнинг мусиқа илмига оид рисоласидир. Қўлёзманинг ҳар бир қисми бисмилло билан бошланиб, тамма билан тугаган. Сарлавҳа қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма хошиясига кўплаб тўлдиришлар киритилган, китоб соҳибларининг муҳрлари урилган. Ҳар бир саҳифага 15 қатордан матн жойлаштирилган. Форсий матн қора, туркий матн қизил сиёҳда настаълик хатида битилган. Қўлёзманинг ҳажми 201 варақдан иборат. Қўлёзма таркибидаги биринчи – исмлар қисми Дамад Иброҳим Пошша кутубхонасидаги 1149 рақамли юқоридаги қўлёзма котиби Ҳибатуллоҳ Саройи қўли билан Эски Сарой шаҳрида 10 муҳаррам 741 ҳижрий йил, милодий 1340 йил 6 июль куни ёзилган. Асарнинг иккинчи – феъллар қисми ҳам айнан шу котиб томонидан 740 ҳижрий йил шаввол ойининг бошларида, милодий 1340 йил апрель ойида тугатилган. Ҳарфлар қисмининг китобат тарихи ҳам қўлёзма сўнгида кўрсатилган. У 26 муҳаррам 741 ҳижрий, яъни 1340 йил 12 июлда ёзилган. Қўлёзма таркибидаги асар қисмларининг кўчирилиш тарихи феъллар қисмининг дастлаб кўчирилганлигини, сўнгра исмлар ҳамда ҳарфлар қисмлари ёзилганлигини кўрсатади. Асар таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик матни киритилган.

Туркиянинг Миллат кутубхонаси фондидаги 2009 сақланиш рақамли қўлёзма 749 ҳижрий, 1348 милодий йили Хоразмга қаршли Сирдарё хавзасининг куйи оқимидаги Хоразмшоҳларнинг ғарбий қалъаси Жанд шаҳрида Мавлоно Ҳисомуддин Жандий томонидан кўчирилган. Арабий, форсий, туркий сўзлик матнлари киритилган бу қўлёзмадаги туркий сўзлик ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Истанбулдаги Тўпқопи саройи қўлёзмалар фонди таркибига кирган Аҳмад III кутубхонасидаги XIII–XIV асрларда кўчирилган 2243 рақамли қўлёзма, мазкур кутубхонадаги Шамс Хивақий томонидан кўчирилган 2470 сақланиш рақамли XIV аср нусхаси, шунингдек, 2741 рақамли арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган қўлёзма, буларнинг барчаси “Муқаддамату-л-адаб” матнини илмий таҳлил қилиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу қўлёзмалар ёзув хусусияти, китобат услубига кўра Ўрта Осиё худудидаги минтақаларда китобат қилинган, улар туркий тил трихини ўрганиш бўйича муҳим манбалар сифатида илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг Хоразм билан боғлиқ яна бир муҳим қўлёзма Сулаймония кутубхонасида сақланувчи 648 рақамли Ҳожи Башир Оға нусхаси саналади.

¹Togan Z.V. Zimahseri'nin Dog'u Turkcesi ile “Mukaddimatu'l-Edeb” I [“Mukaddimatu'l-Edeb” – Zimahseri's East turkic dictionary]. Turk Medeniyati – Turkish Civilization, 1965, no 14, p 84.



У муқаддима билан бошланган. Арабий матн остида муқаддиманинг форсий таржимаси ҳам берилган. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига турли шаклдаги муҳрлар урилган. Улар орасида Ҳожи Башир Оғанинг шахсий ва вақфига тегишли муҳрлари ҳам бор. Асосий матндан олдинги варақларда бошқа асарлардан бўлақлар келтирилган ва мазкур қўлёзма Ҳожи Башир Оға қўлига ўтганлиги ҳақида ёзув ҳам битилган.

Исмлар қисми матни муқаддимага уланиб кетган. Унда Хадича Турхон қўлёзмаси матнидаги каби шартли қисқартмалар берилган. Исмлар қисми мукамал колофон билан тугатилган. Қўлёзмадаги феъллар қисми тўлиқ берилган. Унинг колофонида асар Аҳмад бин Муҳаммад Шамсу-л-Хивақий Кубравий томонидан 8-сафар 797 хижрий йил (милодий 2-декабрь 1394 йили) Мисрда ёзилганлиги кўрсатилган. Колофон ёнида эса бу қўлёзма асарнинг Хоразм олимлари томонидан кўриб чиқилган нусхалар билан Мисрда 797 йил 9 рабиу-л-аввал (милодий 1395 йил 3 январь) куни қиёсланганлиги ҳақида ёзув бор. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига 13 қатордан матн жойлаштирилган.

Феъллар қисми тугагандан сўнг асарнинг муқаддимаси қайтадан кўчирилган. Сўнгра исмлар қисмининг матни тўлиқ қайта келтирилган. Унинг таркибига туркий сўзлик ҳам киритилган. Исмлар қисмининг ҳошиясига кўплаб тўлдиришлар, грамматик қоидалар, ҳадислардан намуналар, шеърий парчалар ёзилган. Қўлёзманинг бу қисми ҳам анчагина қадимий бўлиб, матн сўнгида унинг хижрий 749 (милодий 1348) йил кўчирилганлиги кўрсатилган. Саҳифага 8 қатордан матн киритилган. Ёзув услуби, китобат хусусиятларига кўра, бу қисм олдинги қисмга нисбатан илгарироқ кўчирилган.

Демак, “Муқаддамату-л-адаб”нинг Ҳожи Башир Оға қўлёзмаси таркибига икки нодир нусхаси киритилган. Унинг таркибидаги қадимий туркий сўзлик Хоразмда китобат қилинган манбалар билан қиёсланганлиги билан муҳим илмий аҳамиятга эга.

Асарнинг диққатга лойиқ қўлёзмаларидан яна бири сифатида Туркиянинг Маниса кутубхонасидаги 2850 сақланиш рақамли нусхани келтириш мумкин. Бу қўлёзма Дамад Иброҳим Пошша кутубхонаси, Археология музейи фондидаги манбалар сингари Ҳибатуллоҳ бин Қосим бин Аҳмад бин Масъуд бин Ҳисомуддин Саройи томонидан Амир Мурод бин Амир Шохин бин Амир Иззуддин саройидаги кутубхона учун махсус кўчирилган сарой нусхаси ҳисобланади.

Қўлёзманинг бошланиш қисмидан бир неча варақ тушиб қолган. Асар муқаддиманинг *خطبائهم و مترسليهم و شعرائهم* – хутаба:иҳим ва мутарсили:ҳим ва шуъара:иҳим сўзлари билан бошланган. Исмлар қисми тўлиқ кўчирилган. Феъллар қисми бисмилло билан бошланган, матни тўлиқ. Қўлёзманинг бошланиши ҳамда охириги варағига Маниса кутубхонасининг юмалоқ муҳри урилган. Муқаддимадаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма Аламий Али Афандининг вақфига кирган – وقف مرحوم علمى على افندى. Қўлёзма ҳошияларига кўплаб тўлди-



ришлар, грамматик изоҳлар киритилган. Арабий сўзлик матни йирик насх хатида, форсий сўзлик матни эса сатрлар оралиғига настаълиқ хатида ёзилган. Ҳар бир саҳифага 9 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг жами ҳажми 270 варақдан иборат. Асарнинг мазкур нусхаси 800 ҳижрий йилнинг 25-рамазону-л-муборак, сешанба (милодий 1398 йил 12 июнь) куни ёзиб тугатилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг арабча-хоразмийча нусхаси Қўния нусхаси номи билан илмий истифодага кирган. Бу қўлёзма Юсуф Оға кутубхонасида дастлаб 1755, сўнгра 6919, ҳозирги кунда 5010 инвентар рақами остида сақланмоқда. Қўлёзманинг бошланиш қисми нуқсонли бўлиб, у исмлар қисмининг қариндош-уруғчиликка бағишланган бобидаги *ع* – *аммун* – “амаки” сўзи билан бошланган.

Асарнинг исмлар қисми анъанавий хотима билан тугаган. Исмлар қисмининг умумий ҳажми 31 варақни ташкил этади. Феъллар қисмининг матни тўлиқ сақланган. Исмлар ва феъллар қисмларида ҳар бир саҳифага 8 қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўз мақолаларининг араб ёзувидаги хоразмий муодили сатрлар орасига ёзилган. Мазкур қисмларнинг хотима-сида уларнинг китобат тарихи кўрсатилган эмас. Қўлёзмани илмий ўрганиш, китобат хусусиятларини таҳлил этиш уни XII асрга оид деб ҳисоблашга асос бўла олади. Бундан ташқари, асарнинг арабий матни XII–XIII аср қўлёзмалари хатига ўхшаш йирик сулс-наسخ ёзув услубида ёзилган. Бу далил ҳам қўлёзманинг қадимийлигига ишора қилади.

Қўлёзма таркибига асарнинг учинчи – ҳарфлар, тўртинчи – исмларнинг турланиши, бешинчи – феълларнинг тусланиши қисмлари ҳам киритилган. Мазкур қисмлар дастлабки қисмлар ёзувига нисбатан кичикроқ, лекин қадимий ёзув услубида битилган. Сарлавҳалар йирик, сулс-наسخ хатида ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матни билан танишиш унинг ўта моҳир хат-тот томонидан кўчирилганлигини кўрсатади. Қўлёзманинг охири ҳам нуқсонли. Нусхадан асардаги феълларнинг тусланишига бағишланган бешинчи қисм таркибига кирган ўтган, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майлига бағишланган боблар, шунингдек, масдар, аниқ ва мажҳул даража сифат-дошлари, сифат даражалари, макон ва замонни англатувчи исмлар қисмлари тушиб қолган. Қўлёзма ҳамзали феъллар фасли билан тугаган.

Закий Валидий Тўғон илк бор 1927 йили мазкур қўлёзма матни билан танишган ва 1948 йили уни тадқиқ эта бошлаган. У 1951 йили Истамбулда “Хоразмча таржимали “Муқаддамату-л-адаб” китобини нашр этади. Китоб таркибига “Қўния” қўлёзмасининг факсимиль нашри ва у ҳақидаги қисқача мақола киритилган. Олим факсимиль нусханинг ҳошиясида Ветштейн нашр этган “Замахшарийнинг арабча-форсча луғати” асарининг саҳифаларини “Ғ” ҳарфи, Исҳоқ Ҳожа Аҳмад Афандининг “Ақса ал-араб фи таржимати Муқаддимат ал-адаб” асари саҳифаларини “Т” ҳарфи билан кўрсатган¹.

¹Togan Z..V. Horezmce Tercumeli Muqaddimat al-adab (Khorezm translation “Muqaddamatu-l-adab”), Istanbul, 1951, 5 p.



Англиядаги Британия музейида “Муқаддамату-л-адаб”нинг учта нодир қўлёзмаси сақланмоқда. Муҳим илмий аҳамиятга эга нусхалардан бири 7429 сақланиш рақами остидаги қўлёзма бўлиб феъллар қисмидангина иборат бу нусха таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик киритилган. Бундан ташқари хоразмийча сўзлик киритилган ўринлари ҳам учрайди¹. Қўлёзма 760/1359 йили кўчирилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг Хоразмга оид қўлёзмалари Францияда ҳам мавжуд. Париж миллий кутубхонасида Anquetil 34 рақамли қўлёзма (Paris Supplement turk 287) “Муқаддамату-л-адаб”нинг қадимий, нодир қўлёзмаларидан бири сақланади. Арабий-туркий сўзлик киритилган икки тилли бу қўлёзмага асарнинг иккинчи – феъллар қисми киритилган. Арабий сўзлик матни ўртача катталиқдаги насх хатида битилган. Қўлёзма таркибидеги туркий сўзликка келсак, у асарнинг Тошкент нусхаларидаги туркий сўзликка жуда яқин келади. Масалан, Тошкент нусхаларидаги арабий *أنشأ بفعل* *انشاء 'a йафъалу каза*: ибораси *يانقى قىلادور فلان ايشنى* *йанқи қиладур фалан ишни*, *قىلو بشلادى اول ايشنى* *қилу башлади фалан иш қилу*, *قىلو بشلادى فلان ايش قىلو* *қилу башлади ул ишни*, Париж нусхасида *فلان نايرسانى* *қилу башлади фалан на эрсани*, Ёзгат нусхасида *فلان ايشنى* *қилу башлади фалан ишни* тарзида берилган. Нусханнинг ҳар саҳифасига 9 қатордан матн киритилган. Қўлёзма хатининг қадимийлиги, ундаги туркий сўзликнинг китобат хусусиятларига кўра, бу нусха XII–XIII асрларда Хоразмда китобат этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур қўлёзма “Муқаддамату-л-адаб”нинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, йиғма туркий сўзлик матнини тузишда қимматли маълумотлар беради.

Умуман, “Муқаддамату-л-адаб”нинг Хоразм қўлёзмаларининг барчаси бир-биридан муҳим, нодир манбалар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қўлёзмаларнинг туркий сўзлиги ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Уларнинг юртимизга олиб келиниши, тадқиқ этилиши маданиятимиз, тилимиз, фанимиз тарихи, маънавий меросимиз сарчашмаларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

¹ Togan Z..V. Horezmce Tercumeli Muqaddimat al-adab (Khorezm translation “Muqaddamatu-l-adab”), Istanbul, 1951, 6 p.



ҚОСИМОВА САРВИНОЗ

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДШУ

Араб мақол ва маталлари ҳақида ижод этган буюк туркий алломалар асарлари

Аннотация. XI аср бошларида Марказий Осиёда туркий халқ, қабила ва уруғларнинг йирик марказлашган давлати – Қорахонийлар сулоласи ташиқил бўлиши билан эски туркий тилнинг нуфузи ошди, унинг юксак адабий тил даражасига олиб чиқиши жараёнида қатор олиму шоирлар етишиб чиқди. Буларга XI-XII асрларда ижод қилган Маҳмуд Қашгарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ижодларини кўрсатиши мумкин. Бу муаллифларнинг асарлари ҳам ўзлари яшаб ижод этган XI-XII асрлар китобот тил маҳсулотли сифатида эмас, балки XIII асрдан бошлаб кўчирилган қўлёзмалар орқали етиб келган. Демак, араб ёзувида яратилган ҳозирги туркий қўлёзмалар китоботларининг тарихи XIII асрдан бошланади.

Араб мақолларини тадқиқи этиши 8 асрдан бошланган. Араб адиби Убайд Журжумий (8 аср) Сахар ибн Дабий, форс адиби Абу Фадл Майдоний каби бир қатор олимлар каби Маҳмуд Замахшарий ҳам “ал-Мустақсо мин амсали-араб” номли китобини тузган. Унда турли давр поэмаларидан ташиқари “Калила ва Димна” китобидан ҳам парчалар келтирган.

Мазкур мақолада араб мақол ва маталлари ҳақида ижод этган буюк туркий алломалар асарлари аниқланди ва Марказий Осиё халқларининг маданияти, маърифати, миллий қадрияти осори-атиқаларини ўрганган тарихишунос, шарқишунос олимлар — Херман Вамбери, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, Е.Березиков ва бошқаларнинг машаққатли меҳнатларини алоҳида эътироф этилди.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, матал, мисл, хикма, нодира, қавл, ваъз, одоби, севги ва садоқат, ростгўйлик, ҳалоллик майхўрлик, танқид қилади, “Қутадағу билиг”, “Маҳбуб ул – қулуб”.

Аннотация. В начале одиннадцатого века, с образованием крупнейшего централизованного государства тюркских народов, племен в Центральной Азии - династии Караханидов, престиж древнетюркского языка вырос, и ряд ученых и поэтов развивался в процессе поднятия его до высокого литературного уровня. Это работы Махмуда Кашгари, Юсуфа Хос Гаджиба, Ахмада Юғнаки, Ахмада Яссави и Сулеймана Богиргани, которые создавали свои произведения в 11-м и 12-м веках. Работы этих авторов пришли не только с 11-го и 12-го веков, но через рукописи, переписанные с 13-го века. Следовательно, история современных турецких рукописей на арабском языке восходит к 13 веку.

Изучение арабских пословиц началось в 8 веке. Подобно многим ученым, таким как Сахар ибн Даби, арабский поэт Убайд Джурджумий (8-й век) и персидский ученый Абу Фадл Майдани, Махмуд

Замахшари написал свою книгу «Аль-Мустакса мин-л-амсали». Помимо стихов разных эпох он цитирует из книги Калила и Димна. В этой статье представлены работы великих тюркских ученых об арабских пословицах и притчах и историках, востоковедах - Германе Вамбери, А.Ю.Якубовском, С.П.Толстове, Е., которые изучали культуру, просвещение и национальное наследие народов Центральной Азии. Тяжелая работа Э. Бертельса, В. В. Бартольда, Э. Березикова и других была признана.



Опорные слова и выражения: пословицы, рассказы, проповеди, этикет, любовь и преданность, честность, алкоголизм, критика “Кутадгу билиг”, “Маҳбуб ул – қулуб”

Abstract. At the beginning of the eleventh century, with the formation of the largest centralized state of Turkic peoples, tribes in Central Asia - the Karakhanid dynasty, the prestige of the ancient Turkic language grew, and a number of scholars and poets developed in the process of raising it to a high literary level. These are the works of Mahmud Kashgari, Yusuf Khos Hajib, Ahmad Yugnaki, Ahmad Yassawi and Suleiman Bogirgani, who created their works in the 11th and 12th centuries. The works of these authors came not only from the 11th and 12th centuries, but through manuscripts rewritten from the 13th century. Consequently, the history of modern Turkish manuscripts in Arabic dates back to the 13th century.

Learning Arabic proverbs began in the 8th century. Like many scholars such as Sahar Ibn Dhabī, the Arab poet Ubaid Jurdzhumīy (8th century) and the Persian scholar Abu Fadl Maidani, Mahmoud Zamahshari wrote his book *Al-Mustaksa Min-l-Amsali*. In addition to verses from different eras, he quotes from the book of Kalil and Dimna.

This article presents the works of great Turkic scholars about Arabic proverbs and parables and historians, Orientalists - Hermann Wamberi, A.Yu. Yakubovsky, S.P. Tolstov, E., who studied the culture, enlightenment and national heritage of the peoples of Central Asia. The hard work of E. Bertels, V.V. Bartold, E. Berezikov and others was recognized.

Keywords and expressions: proverbs, proverbs, stories, rare, quoted, sermons, sermons, etiquette, love and devotion, honesty, honesty, alcoholism.

Кириш. Йирик фольклоршунос олим В.Я.Проп (1895–1970)нинг таърифига кўра, фольклор жанри – бу “бир шеърый тизимда умумлашган, маъшый, аҳамиятга молик (ижро этиши шакли ва мусиқий тартибига кўра) ижод маҳсулидир”.¹

Фольклор жанрларини таснифлашнинг энг қулай усули бу Л.Е.Генин томонидан таклиф этилган фольклорни бир тизимга солиш тартибидир. Бу тартибга халқ оғзаки ижоди маҳсулларини (кўшиқ, ҳикоя, ўйин ва ҳ.к) оғиздан оғизга ўтиб келиши асос қилиб олинган. Л.Е.Генинга кўра фольклор жанрларини таснифлаш қуйидаги кўринишга эга: нутқий жанрлар (мақоллар, маталлар, топишмоқ ва афсунлар); кўшиқ жанрлари (лирик кўшиқлар, лапарлар, маросим кўшиқлари); ҳикоявий жанрлар (эртақлар, асотир ва ривоятлар, бўлган воқеалар, лофлар, латиқалар); томоша-ижро жанрлари (халқ драматик ижролари, халқ драмаси).²

Натижалар ва мулоҳаза. Арабларнинг оғзаки поэтик ижоди ривожланишининг эрта босқичларини акс эттирувчи бизгача етиб келган матнларга қараганда қадимги араб фольклорида юқорида санаб ўтилган жанрларнинг катта қисмини ажратиш мумкин бўлса, ўрта аср араб фольклорида барча жанрлар қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз. Жанр буйича таркибнинг тўлиқ тасвирини араб халқларининг замонавий фольклори беради.

¹ www.ref.uz/download.php%3Fid%3D4188

² www.ref.uz/download.php%3Fid%3D4188



Нутқий (ҳикоявий) жанрлар. Арабларда закий, “*нишондор*” сўз қадимдан қадрланган. Муфаддал Даббий, Хамза Исфаконий ва аз-Замахшарийларнинг тўпламлари исломга қадар яратилган минглаб мақол ва маталлар, ҳақида тушунча беради. “*Бу ишда менга на туя ва на буталокча фойдам бор*” каби мақоллар, албатта, исломга қадар яшаган бадавийлар тилидан айтилгандир. Қадимги араб мақол ва маталларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: шарқий (Ироқ, Бахрейн, Уммон, Хадрамаут, Наж) ва ғарбий (Хижоз ва Яман). Шарқий араб мақолларига мисол тариқасида Муфаддал Даббий тўпламида келтириб ўтилган қуйидаги машҳур мақолларни келтириб ўтиш мумкин:

“*Нима эксанг шуни урасан*” (كَمَا تَزْرَعُ تَحْصُدُ) ва

“*Маданиятнинг (дин) ўчоги билимдир*” (رَأْسُ الدِّينِ الْمَعْرِفَةُ).

Шарқий араб мақолларининг барчаси бадавийларга хос бўлса, ғарбий мақолларда қадим даврларданок шаҳарларга хослари кўп учрайди. Мисол тариқасида Макка, аҳли орасида машҳур бўлган аттор Маншим исми аёл номи тилга олинган қуйидаги мақолни келтиришимиз мумкин:

“*Тежолуни иши бежолу*” (أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَفَّتَكَ).

Кейинчалик, ислом худудининг жуғрофий кенгайиши оқибатида ушбу минтақаларда яшайдиган халқларга хос бўлган янгидан-янги мақоллари пайдо бўла бошлади. Буларнинг кўпчилиги қисми шаҳар мақоллари эди. Бу даврда қатор халқларнинг, асосан, Марказий Осиё халқларининг мақоллари араб тилига таржима қилиниб, улар қисқача қилиб “ал-муваллад” (қўшилган, кўчирилган) деб номлана бошлаган (ҳозирда кўпгина Европа халқлари қўллаётган «мулат» сўзи аслида “*муваллад*” сўзидан келиб чиққан). Кўчирилган мақолларга ҳозирда ҳам машҳур бўлган қуйидаги мақолни келтирамиз: “*Семизликни қўй қўтаради*” – سَمِينٌ حَتَّى صَارَ كَأَنَّهُ الْخَرْسُ

Вақт ўтиши билан ҳар бир араб давлатининг мақоллари дифференциялаша бошлади. Бизгача етиб келган мақолларнинг энг кўп қисми Ироқ ва Мисрга хос бўлган мақоллардир.

Ўрта асрларга келиб мақол ва маталлар адабиётга кириб келади, умумий филологик таълимнинг ажралмас қисмига айланади. Ҳеч бир адабий ва дидактик асар улар иштирокисиз яратилмайди. Мақол ва маталларнинг халқ ҳаётидаги, аҳамияти қуйидаги мақолда тўлақонли акс этирилган:

“*Сукут аломати ризо*” – السُّكُوتُ أَخُو الرِّضَا.

Бугунги кунгача маълум бўлган исломга қадар яратилган араб матнларида топишмоқлар қайд этилмаган бўлса-да, ўрта асрлардаги ёзма ёдгорликларда «лугоз» ибораси остида яширин маънога эга ва маъносини топишни талаб этувчи шеърий сатрлар келтирилган. Бунга мисол тариқасида Э.Руофф томонидан тадқиқ этилган ва ўзининг докторлик ишида келтириб ўтган қуйидаги қадимги араб топишмоқини келтириб ўтамиз:

“*Maskin ‘arjan biksi kuli bani Jantan*” – *Бечора яланғоч барчани кийинтира олади* (игна).¹ Кўпчилиги топишмоқларда жонсиз нарсаларга инсонга хос бўлган хусусиятлар берилади.

¹ www.ref.uz/download.php%3Fid%3D4188



Афсун жанри янада кам ўрганилган жанрдир. Бу жанр жуда қадим даврларга бориб тақалади. Қадимги араб афсунлари (дуолари) Курьони карим оятларида ҳам келтирилган. Ислон араб дуоларига яққол мисол тариқасида Қуръоннинг илк сураси (ал-Фотиҳа) ва охириги уч сурасини ўқиш ва ундан сўнг қилинадиган муножотни келтириб ўтиш мумкин.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ва масаллар, ҳақидаги кўпгина маълумотлар К. Брокельманнинг қатор тадқиқотларида яққол акс этган.¹

Сеҳрли эртақлар “Минг бир кеча” да яққол акс этирилган бўлиб уларга мисол тариқасида Алауддин ва сеҳрли чироқ, Камару-з-Замон ва малика Будур ҳақидаги эртақларни келтириб ўтиш мумкин.

Бизнинг давримизгача етиб келган ўрта аср маиший эртақлари асосан Мисрдан келиб чиққан. Бунга мисол қилиб, савдогарнинг қизи ҳақидаги эртақни кўрсатишимиз мумкин.

Қадимги араб асотир ва ривоятларига келадиган бўлсак, араблар бу икки жанр ўртасидаги чегарани аниқ белгиламаганлар.

Асотир бу – қадим замонларга бориб тақаладиган, ҳақиқатда содир бўлмаган воқеа-ҳодисалар, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган мавжудотлар ёки одамлар ҳақида ҳикоя этувчи жанр бўлиб, яратилиш ва тарқалиши пайтида ҳақиқий ҳодисот ва мавжудотлар ҳақида деб қабул қилинган.

Қадимги араб асотирларига мисоллар жуда ҳам кўп бўлиб, унинг манбалари сифатидаги энг яққол мисол – Қурьони Каримдир.

Ривоят (асотирдан фарқли ўлароқ) аслида бўлиб ўтган реал воқеалар ҳақида хабар берса-да, ушбу ҳикоянинг ичида ва унинг оғиздан-оғизга ўтиб юришида қатор тахайюлий қўшимчалар унсури мавжуд бўлади. Ривоятларга яққол мисол тариқасида Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В) га нисбат бериб айтиладиган ҳадисларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Ривоятларнинг ўзига хос туркумлари бўлиб, наслдан-наслга ўтувчи ривоятларни бунга мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин. Ушбу тур ривоятнинг қадимда ва ўрта асрларда энг машҳур бўлгани “Айям ул-араб” (*“Арабларнинг кунлари” ҳақидагиси*) дир.

Бўлган воқеалар – “юқори қудратга эга бўлган мавжудотлар ва ноанъанавий ҳодисалар акс этувчи”, “чин дилдан, алдамасдан нариги дунё мавжудотлари билан билан учрашув” ҳақидаги ҳикоялар кўпгина ўрта аср араб ижоди намуналарида учрайди. Бундай ҳикоялардан бир қатори Қазвинийнинг “Ажайиб ул-маҳлукот” асарига ҳам киритилган. Янги давр адабиётида ушбу жанр борган сари камроқ учрамоқда.

Лоф – ҳажми жиҳатидан ихчам, мазмуни жиҳатидан беъмано бўлган ҳақиқатдан йироқ маълумот. Бунга мисол тариқасида 1880 йилда В.Спиттабей томонидан ёзиб олинган Балиқчи ва унинг ўғли, ҳақидаги эртақ таркибида келтирилган лофларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

¹ www.ref.uz/download.php%3Fid%3D4188



Фольклор жанрларининг энг машхурларидан бири – латифани кўриб чиқамиз. Латифанинг алоҳида хусусияти – унинг қисқалиги, сюжетнинг яққол акс этган кульминацияси ва кутилмаган яқун. Латифалар ҳам мақол ва маталларга ўхшаб адабиётга вақтли киритилган бўлсада, ушбу жанр матнида фольклорга алоқадорлик яққол сезилади. Латифалар исломдан аввалги Арабистонда қадимдан мавжуд эди. Бунга мисол қилиб Хотам Тойи, ҳақидаги латифаларни келтириш мумкин. Шунингдек, ўрта асрлар латифалари қаторига йирик исломий ҳукмдорлар, хусусан, Хорун Рашид ҳақидаги латифаларни ҳам қўшиш мумкин. Аммо ўрта асрда энг машхур латифа қахрамони сифатида Жўхони келтиришимиз мумкин.

Араб фольклори ва адабиёти анъаналарида латифа жанри тарихи жиддий ва чуқур изланишни талаб этади. Бунинг учун алоҳида араб давлатлари ва алоҳида босқичларга кўра латифаларни ўрганиш борасида қатор уринишлар амалга оширилмоқда.

Араб маданиятида мақол ва маталларга бўлган қизиқиш узоқ даврларга бориб тақалади. Араб оғзаки ижоди намуналари Жоҳилия даврида гуллаб яшнади. Ислом динининг пайдо бўлиши ва шиддат билан бутун дунёга тарқалиши натижасида, араб мақолларига бўлган қизиқиш янада ортди.

Араб-мусулмон халқлари орасида мақол ва маталларини ёд билиш, уларни эсда тутиш жуда ривожланган. Айниқса, Куръони Карим оятларининг ёд олиниши аҳамиятлидир. Араб оғзаки ижодида, мақоллар жуда тезлик билан ёйилди.¹

Араб маданияти қадим даврларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги ўзга халқлар маданияти билан ўзаро боғланишда ривожланган. Жумладан, қадимги Миср ва икки дарё оралиғи халқлари маданияти, қадимги Финикия, Фаластин, Эрон ва бошқа халқлар маданиятлари билан араб маданиятининг туташ жойлари йўқ эмас.²

Исломдан илгари икки аср давомида шакилланган шеърят ярим оғзаки, ярим ёзма адабиёт характерига эга бўлган. Арабларда оғзаки ижод умумлашган ҳолда муайян атамага эга бўлмаган оғзаки ижоднинг халқ орасида энг урф бўлган турларидан бири “мақол” (кўпликда *амсал*) деб аталган бўлиб, унинг ўрни араб маънавиятида алоҳида ажралиб туради. Асрлар давомида яратилган кўплаб махсус мақол тўпламлари ва тадқиқотлар салмоғи ушбу адабий жанрга нақадар эътибор берилганини кўрсатувчи далилдир.

Араб классик тили ва диалектлари фразеологизмларга жуда бойдир. Ҳ.Р.П.Диксоннинг таъкидлашича: “Араблар доимо мақол ва маталлардан, шоир ва алломаларнинг ҳикматли сўзларидан, тарихий воқеалардан намуналар айтар ва ўша буюк инсонлар каби ўзлари ҳам бундан лаззатланар, баҳра олишади”³ - деб ёзган эди. Абдулкафи ҳам ўз навбатида шундай деган

¹ <http://arabistika.com.ua/category/nauchnye-statyi/>

² Qahhorov A.S. al-Johizning «Kitab al-hayavan» asarida «Masal». Dissert. -Т., 1993. - В. 86.

³ <http://arabistika.com.ua/category/nauchnye-statyi/>



эди – “Айтиш мумкинки, араблар бошқа миллат вакилларига қараганда мақоллардан анчайин кенг тарзда фойдаланишади”.¹ Ҳар иккала ҳолатда ҳам юқорида айтилган фикрларга объектив нуқтаи - назардан қараш лозим. Чунки араблар ўз она тиллари бўлмиш араб тилини жаннат тили ва Аллоҳ томонидан бизга ином этилган энг муқаддас, энг гўзал ва ҳаммасидан ҳам (бошқа дунё тиллари орасида) ажойиб тил деб биладилар. Диксоннинг таъкидлашича: “бадавийлар орасида мақолларнинг ишлатилиши, нафақат мақоллар балки, икки инсон ўртасидаги суҳбат натижасида ҳикматли сўзларнинг ўз ўрнида ишлата билиш, ўша инсоннинг, ақилли ва ўқимишли эканлигидан далолат берган ва инсонлар орасида ҳурмат ва иззатда бўлган”.²

Ҳ.А.Р.Гриббнинг таъкидлашича: “Араб оғзаки ижодида мақолларнинг кенг равишда ишлатилиши «Шарқда ҳам, худди Ғарбдагидек» хусусан, Ғарб таълим тарбиясида ота-боболаримиз сингари мақол ва маталларга бўлган қизиқиш йўқолиб бормоқда, айниқса, ҳозирги замон ёшларининг мақолларга бўлган қизиқишлари анчагина сусайиб бормоқда”³ - деб айтган эди. Лекин маълум маълумотларнинг, етарли асосланмаганлиги сабаб Гриббнинг бу сўзлари баҳс ва мунозаралидир. Аниқ маълумотлар, фактларсиз юқоридаги фикрларга яъни араб мамлакатларида мақолларга бўлган қизиқишнинг сусайиш масаласида бирор бир аниқ тўхтамга келиш қийинлигича қолмоқда.

Гриббнинг бу мантикий фикрларига назар солсак ҳақиқатда юқорида айтилган фикрларга чуқурроқ қаралса, охириги ўн йил ичида таълим соҳасида қанчалик ютуқларга эришилган бўлса, аҳоли орасида саводсиз инсонлар сонининг ошиб бориши ҳам шунчалик кўпайди, чунки, дунёда аҳоли сони таълим соҳасига қараганда тезроқ ўсмоқда.

Исломгача бўлган давр шеърияти араб адабиётида жуда катта аҳамиятга эга, бунда прозанинг ўрни ҳам катта - мақоллар, ҳикматли сўзлар (афоризм) турли хил йўналишларда ёзилган. Уларнинг кўпчилиги қадимги араб до-нишманди Лукмон пайғамбар томонидан яратилган. Бу эпик асарлар кейинроқ “*Араб қунлари*” (*أيام العرب*) деб аталган тўпلامга Абу Убайд томонидан киритилган.⁴

Қадимги араб шеърияти ва прозаси бир неча асрлар давомида оғиздан - оғизга ўтиб келди ва кейинчалик ёзиб олинди. Ўрта асрларнинг охирида халқ романлари унинг асосида яратилди. Араб адабий тилининг вужудга келишида қадимги араб оғзаки ижодининг ўрни чексиздир. Оғзаки ижодиёт шундай улкан чўққига кўтарилган эдики, унинг таъсирисиз араб тилининг ривожини белгилаб бўлмас эди.

«Мақол» жанри ёдгорликлари Арабистоннинг шарқий ўлкаларида, Амон ва Нажад ораларида, Бахрейн ва Фрот дарёси атрофларида келиб чиқиш ва

¹ <http://arabistika.com.ua/category/научные-статьи/>

² <http://arabistika.com.ua/category/научные-статьи/>

³ www.google.ru

⁴ Arab filologiyasiga kirish. Toshkent, 2002. - B. 43.



тарқалишга кўра кўпроқ учрайди. Асли ўзи Жоҳилия шоирларининг ҳам кўпчилиги ушбу ўлкалардандир. Шу сабабли бўлса керак, исломдан кейин масал тўпламларининг энг кўпи ҳам ушбу ўлкаларда яратилган. 660 йилгача бу ерда энг биринчи масаллар тўплами Саҳар ибн Аййаш томонидан яратилган. Яна энг биринчи мақол тўплами тузувчилари қаторидан ўрин олган Абид ибн Шарйба эллик саҳифалик мақоллар тўплами тузган.¹

Ҳижрий II асрда Куфа ва Басра шаҳарлари масал тўпламлари тузишнинг марказига айланди. Куфа шаҳрида адибларнинг икки мактаблари шаклланган бўлиб, бири Шарқий ибн Қутами (158 х.й.) бошчилигида тузилган. “Калбиййа” мактаби бўлса, иккинчиси кейинчалик Муфаддал Дабби раҳбарлигида тузилган «даббиййа» мактабидир. Бу икки мактаб намояндаларининг қадимги мақолларни келгуси замон кишиларига етказишдаги хизматлари каттадир.

Мақол – сифатли фикр ифодаси бўлиб, Х.Р.П. Диксоннинг фикрига кўра “араблар мақолларни келтирганларини, тарихни гапириб бераётганлардек хузурланадилар”. Адабиётшунослар мақолларни масал, матал, митала, мисл, хикма, нодира, қавл, ваъз каби бир қатор терминлар билан атайдилар ва мақолларни: 1) исломгача ва исломнинг илк давридаги қадимий мақоллар, 2) аралаш ёки янги ва 3) замонавий мақоллар гуруҳига ажратадилар. Араб мақоллари бошқа халқнинг хикматларини ҳам қамраб олганликлари боис, қиёсий ўрганиш объекти бўлишлари мумкин. Араб мақолларини тадқиқи этиш 8 асрдан бошланган. Араб адиби Убайд Журжумий (8 аср) Саҳар ибн Дабий, форс адиби Абу Фадл Майдоний каби бир қатор олимлар каби Маҳмуд Замахшарий ҳам “ал-Мустақсо мин амсали--араб” номли китобини тузган. Унда турли давр поэмаларидан ташқари “Калила ва Димна” китобидан ҳам парчалар келтирган. Араб мақоллари борасида куйидаги фикрларни келтириш мумкин:

ان وراء الاكمة ما وراءها – сўзма сўз: Дарҳақиқат, тоғ ортида унинг ортидагидир. За холмом то что за холмом. Мазкур мақолнинг келиб чиқиши: Бир чўри барча ишларини тугатиши биланоқ, тунда тоғ ортида дўсти билан кўришишни ваъда қилади. Бироқ бу чўрини иш билан кўмиб қўйишганлиги боис, у ўз ваъдасини бажара олмайди. Аламидан у: Мани ушлаб қолишди, тоғ ортида эса тоғортидадир дейди. Бу мақол билган ва билмаган ҳолда ўз режаларини намоиш қиладиганларга айтилади.

انما خدش الخدوش أوش – сўзмас сўз: У Ануш хатини тимдалиди (выцарапывает). Хадш буқадимий адабий ёдгорликдир. Ануш эса Шиснинг ўғли, яъни адамнинг невараси. У адабий асарларни ёзишини бошлаганларнинг биринчиси бўлиб, бу мақол вақти ўтган нарсанинг ифодалашда қўлланади.

بقي أشده – энг қийини қолди. Бунинг тарихи: қадимда сичқонларни овлайдиган мушукбўлган. Ундан қутилиш масадида сичқонлар унинг бўйинига калакольчик осишни масад қилишган. Хамма рози бўлган. Охирида ким илади уни деганда шу иборани айтган.

¹ Qahhorov A.S. al-Johizning «Kitab al-hayavan» asarida «Masal». Dissert. -Т., 1993. - В. 86.



كوس ابن ساغيدا – арабларнинг энг мудрқй инсони. У биринчи бўлиб хат ёзишни бошлаган, яъни кимдан кимга . У 180 йил яшаган.

اليوم خمر و غدا أمر

Сўзма сўз таржимаси: Бугун вино эртага буйруқ, Яъни:

Тун ортидан тонг келади; қоронғуликдан кейин ёруғик, хафагарчилик ортидан хурсандчилик келади; афсусланишда ҳам умид бор; Хурсандчилик ҳам хафагарчилик ҳам бирга келади. Менимча бу Ойнинг ярми ёруғ ярми қоронғуга тўғри келади

Бу мақол қадимий мақоллар турига киради. Уни Низомий, Саъдий каби адиблар ҳам асарларида тавсифлаганлар.

Шунингдек, мақоллар араб маданиятини, урф-одатини, одамларининг ўзаро муносабатини акс эттирадиган, ижтимоий аҳамиятга эга, масалан:

إن البغاث بارضنا يستتسر

Сўзма сўз: Дарҳақиқат кичик чумчиқлар ҳам заминимизда бургутга айланади.

Баранов луғатида “пашшадан фил ясамоқ” маъносини берган. Араблар мақоллар изоҳида -يضرب الضعيف يصير قويا. و الذليل يعز بعد الذل “Заиф кучли бўлади, ерга урилагн ерга урулишидан кейин азиз бўлади”, яъни заифлик ва ерга урулишдан кейин кучли ва ҳурматли бўлган кимса ҳақида.

Назаримизда, бу икки маъно ҳам қўлланиши мумкин, қайси вазиятда ишлатилишига қараб.

Баъзи мақолларнинг паралеллари ҳам бор. Масалан:

сўзмас сўз: ёмонликда яхшилик бор. Баранов луғатида: Бир ёмонлик иккинчисидан кўра аҳамиятсиздир, деб беради. Араблар: ёмонликнинг ҳам яхшилиги бор. Менимча: Бир танганинг икки тарафи бор маъносига тўғри келади.

Бунга акс бўлган мақол: ان في الحسن شقوة – сўзма сўз: дарҳақиқат яхшиликда бахтсизлик бор. Яхшиликка ёмонлик, Я ему услужил а он меня проучил маънолари мавжуд.

Ўрта асрларда мақоллар ислом дини этикасини ифодалай бошладилар. Масалан: من صدق الله – رأس الدين تقوى – Диннинг асоси тақводир(праведность) ёки –نجبا – кимки, Аллоҳга содиқ бўлса нажот топади.

Бу даврдан бошлаб араб мақолларида аёлларнинг ўрни борасида ҳам мақоллар кўпайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, араб моқлларининг 23 % аёлларни мақтовига бағишланган.

Масалан: ان النساء لحم على وضم – сўзма сўз : аёл киши қассоб учун гўштдр. Бу мақол Умар ради Аллоҳу анҳу дан бўлиб, аёл кикши ҳеч қачон таниш бўлмаган эркак билан бир ерда қолмаслиги ҳақидадир.

السواء شقائق الاقوام – сўзма сўз: Аёл эркакнинг дўстидир. Яъни : Аёл эркакларнинг ярмиларидир, улар кабидир ва уларнинг ҳам ҳуқуқ ва вазифалари борлиги ни билдиради.



10% зи хайвонлар ҳақида бўлиб، لقد اكلت يوم اكل الطور الابيض Мен оқ бык ёйилган кун ёйилганман.

Яъни: Ўрмонда учта оқ, қора, ва рижий буқа яшаган. Шер улар атрофида яшаб, уларга хужум қилишга ҳаракат қилган. Шеърлар бири бирларини ҳимоя қилганлар. Биттаси ҳамма учун ҳамма биттаси учун каби. Шеър ҳийла ишлатишни масад қилиб, қора ва малла буқага: бизнинг рангларимиз ўхшаш, оқ буқанинг ранги эса оқ, биз учун у жуда хавфли, чунки у овчиларнинг эътиборини қаратиши мумкин. Ман уни еб қойишимга рухсат берилди, дейди. Улар рози бўлади. Кейин шеър малла рангли буқага ҳам шундай таклиф этади қора буқа ҳақида. Уҳам рози бўлиб, қора буқани ҳимоя қилмайди. Шер уни ҳам ейди. Вақт келиб шер малла буқага энди сени еман деганиа, малла буқа: мен буни оқ буқа ёйилган кун билгандим дейди.

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий - буюк ўзбек олими, арабшунос, шоир ва ёзувчидир. Замахшарий араб тилшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшган алломалардандир.

Маҳмуд Замахшарий ўз ижодининг катта қисмини араб тилшунослигига оид морфология, синтаксис, фонетика ва луғатшуносликка бағишлаб, шу мавзуда ноёб асарларни мерос қилиб қолдирган¹ бўлсада, араб мақолларига бағишланган асар ҳам ёзган.

Замахшарий араб мақолларини йиғиб ўрганиш борасида кўп меҳнат қилиб “Алмустансо фи амсоли-л-араб” (“Араб мақолларини нихоясига етказувчи”) номли асарини ёзган. Унда уч ярим мингга яқин араб мақоли алифбо тартибида берилган.

Замахшарий синчков олим эканидан ташқари, моҳир ёзувчи ва шоир ҳам бўлган. Унинг араб тили, адабиёти ва услуби соҳасидаги билимлари бадиий асарларида яққол акс этган. Замахшарийнинг “Навобиру-л-халим” (“Ҳикматли сўзлар”), “Мақомату-з-Замахшарий” (“Замахшарий мақомлари”), “Атвоку-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” (“Ўғит ва насиҳатларнинг олтин мунчоқлари”) “Рабиу-л-аброр” (“Сахий ёз”) каби асарлари унинг турли жанрларда ижод этган нозик таъб адиб бўлганини кўрсатади.

Замахшарийнинг «Атвоку-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» номли фалсафий-дидактик асари тарбиявий жиҳатдан муҳим, аҳамиятга эга. Унда юзта мақол мавжуд бўлиб, улар ваъз-насихат, ҳикматли сўзлар, масал ва мақолалардан, олимнинг кўп йиллик саёҳати натижасида ва умрбўйи эшитган, кўрган ва бошидан кечирган воқеаларнинг тафсилотидан иборат.²

Замахшарий кишиларни ҳалоллик ва ростгуйлика, туғриликка, адолатли, инсофли бўлишга даъват этиб:

“Оғзингни мисвок (тиш ювгич чўп) билан пок қилдинг, қошки эди уни ёлгон, гийбат, чақимчилик, бўҳтон билан ифлос қилмасанг”, — дейди.

¹ Nosirova M. “O’rta asr arab navhidan namunalari”. -Toshkent, 2004. -B. 6.

² http://library.tuit.uz/skanir_knigi/book/pedagogika_tarihi/ped1.htm



Шу билан бирга, инсоннинг кадрини оширувчи ҳам, пасайтирувчи ҳам тил эканлигини қайд этиб:

Тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан.

Қиличнинг ярқирогини занг ейди.

Ёлгон сўз эса тилнинг зангидан ҳам ёмонроқдир.

Ёлгон гапириб галаба қозонганингдан кўра, рост гапириб ёмонлика учраганинг маъқул.

“*Ростгуй одамга унинг ростгуйлиги кифоя, ёлгончига эса унинг ёлгончилиги етарлидир*”, — дейди.¹

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига бўлган қизиқиш XIX аср охирларидан бошлаб кучайди. Ватандошимизнинг ижоди билан рус шарқшунослари В.В. Бартольд, И.Ю. Крачковский, А.А. Боровков, А. Крымский, В.Л. Вяткин; ғарб олимларидан К. Броккельман, Бенцинг, Голдциер, Ветштейн, Поппе, Нёльдеке, Райт, Зайончиковский шуғулланганлар.²

Араб ёзуви Мавароуннаҳрга кириб келгандан бошлаб XIII асрларга қадар бу ёзувда битилган бирорта туркий тилдаги ҳужжат, манба ҳозиргача маълум эмас. XIII асрга қадар мазкур ёзувдаги барча манбалар асосан араб тилида ва қисман форс-тожик тилида китобот қилинган.

XI аср бошларида Марказий Осиёда туркий халқ, қабила ва уруғларнинг йирик марказлашган давлати – Қорахонийлар сулоласи ташкил бўлиши билан эски туркий тилнинг нуфузи ошди, унинг юксак адабий тил даражасига олиб чиқиш жараёнида қатор олиму шоирлар етишиб чикди. Буларга XI-XII асрларда ижод қилган Маҳмуд Қашғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ижодларини кўрсатиш мумкин. Бу муаллифларнинг асарлари ҳам ўзлари яшаб ижод этган XI-XII асрлар китобот тил маҳсулоти сифатида эмас, балки XIII асрдан бошлаб кўчирилган қўлёзмалар орқали етиб келган. Демак, араб ёзувида яратилган ҳозирги туркий қўлёзмалар китоботларининг тарихи XIII асрдан бошланади.

Биз куйида улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулининг араб тилида битилган (мақолларга бағишланган) асари, ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Махтумқули халқ мақол-маталлари, ҳикматли сўзлари, образли ибораларини жуда яхши билади ва маҳорат билан шеърлари қатига сингдириб юборади. Айни пайтда, ўзи ҳам содда, ихчам, лўнда, теран ҳикматлар яратадими, улар нафақат туркман балки барча туркий халкларнинг ҳикматли сўзлар хазинасидан жой олган:

Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,

Жохилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

Шоир шеърларида яхши-ёмон, мард-номард, халол-харом, бой-камбағал, уруш-тинчлик каби ўзаро зид тушунчалар кўп учрайди. Хусусан, у кишиларни

¹ http://library.tuit.uz/skanir_knigi/book/pedagogika_tarihi/ped1.htm

² Nosirova M. “O‘rta asr arab navhidan namunalar”. -Toshkent, 2004. -B. 7



икки тоифага: мард ва номардга ажратади: унинг назарида мард – барча эзгу инсоний фазилатлар сохиби бўлса, номард - хамма ёмон иллатлар тажассуми. Шунга мувофиқ, мардни кўплаб шеърларида улуғлагани ҳолда, номардни кескин танқид қилади. Бу иккисини икки кутбга қўйиб тасвирлайди.

Юз номард жойини босмас бир марднинг,

Чекар ташвишини мард элу юртнинг.

Қилган қилигини кўринг номарднинг:

Жангми дея қочар туман учраса...

Мард кутар меҳмонни очик юз билан,

Номард қочиб қолар меҳмон учраса.

Таниқли шарқшунос олим Е.Бертельснинг ёзишича, Махтумқули адабий меросининг умумий миқдори тахминан 16—18 минг мисрага етади. А.Бобоев шоирнинг 700га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги, ҳақида маълумот беради. Ўзбек олимаси С.Шукруллаева эса собиқ қўлёмалар институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Хамид Сулаймон фонди) даги 1997-рақамли қўлёзмада шоирнинг 900 дан ортиқ шеър улазлари мавжудлиги тўғрисида хабар берган эди.

Махтумқули ижоди кўплаб чашмалардан сув ичган: улар - Куръони карим ва унга ёзилган тафсирилар. Ҳадиси шариф ва диний адабиётлар, тасаввуф фалсафаси ва адабиёти, Шарқ мумтоз сўз санъати ва халқ оғзаки ижоди.

Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва хатто узок Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар.

Махтумқули барча туркий халқлар қатори, ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари халқимиз орасида асрлар давомида машхур бўлган. Асарларининг қўлёзмалари кенг тарқалиб, «тошбосмада ҳам Хива ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр қилинган, бир неча унлаб асарлари Тошкентда чиқадиган “Туркистон вилоятининг газети” сида эълон қилинган». Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Махтумқули шеърларини ўз ичига олган 5 та қўлёзма сақланади.

Махтумқули шеърлари Жуманиёз Шарипов, Жуманиёз Жабборов, Музаффар Аҳмедов, Мирзо Кенжабек таржималарида ўзбек тилида бир меча марта чоп этилган, турли мажмуа ва дарсликларга киритилган.¹

Энди Махтумқулининг издоши, шоир Юсуф Хос Ҳожиб, ҳақида тўхталмоқчимиз.

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг атоқли шоири, донишманди ва давлат арбобидир. Ундан бизга қадар етиб келган ягона адабий мэрос «Кутадғу билиг» достонидир. Бу достон XI аср адабиёти ва адабий тилининг нодир ёдгорлиги бўлиб, замонасининг тараққийпарвар ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-та’лимий қарашларини бадий мужассамлаштиради, тарих, илм-фан, этнография ва бошқа соҳаларга доир қимматли ма’лумотлар беради.

¹ <http://e-adabiyot.uz/jahon/jahon-adabiyoti-tarixi/173-mahtumquli.html>



Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва фаолияти, ҳақида маълумот берувчи ягона манба унинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) достонидир. Бу достон ҳижрий йил ҳисоби билан 462(мелодий 1069-70) йилда ёзилган. Муаллиф достоннинг муқаддимасида ёши элликдан ошганлигини таъкидлайди. Шунга асосланиб, Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг 20-йиллари арафасида туғилган, деб айта оламиз.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз ватандоши, улуғ олим Маҳмуд Кошғарий сингари туркий қабила ва халқларнинг тилининг маданий ҳаётда янада кенгроқ ўрин олиши учун курашди, халқ оғзаки адабиёти ва ёзма адабиётнинг бой тажриба аналаридан таълим олиб, машҳур “Қутадғу билиг” достонини яратди. Бу достон туркий тилдаги ёзма адабиётнинг илк йирик асарларидан бири эди. Мана шу жиҳатидан ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи достоннинг муқаддимасида:

*Арабча, тожикча китоблар ўқуш,
Бизнинг тилимизга бу йумғи ўқуш.*

Мазмуни:

“Арабча, тожикча китоблар кўп бўлиб, бизнинг тилимизда бу донишмандликнинг биринчи тўпламидир”,-деган эди.

Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг» достонини яратар экан, у қорахонийлар давлати ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Тавғачхон билан Илекхонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, ҳукмрон доираларнинг турли ижтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, маълумот ва ободончилик учун кураш, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни ўз олдига қўйган эди.

“Қутадғу билиг” ни ўрганиш ва уни таҳлил этишда француз олими Жауберт Амадес (1823 йил “Осиё журнали” да бир қисмини чоп этган), венгр олими Г.Вамбери (1870 йили асли ва немисча таржимаси билан нашр эттиради), рус туркшуноси В.В.Радлов (“Қутадғу билиг” билан 20 йил шуғулланди, 1890 йили тўлиқ нашр эттирди), Фитрат (“Ўзбек адабиёти намуналари”, 1928 йили нашр этди), С.Й.Малов (“Қадимги турк ёзуви ёдгорликлари”, 1951), Қайум Каримов (1971 йили Наманган нусхаси асосида чоп эттирди), Е.Э. Бертельс, А. Валитова, С. Мутталибов ва бошқалар унумли хизмат қилдилар.

“Қутадғу билиг” нинг муқаддимасида таъкидланишича, достонда тўрт асосий масала қўйилган ва бу масалалар мажозий тимсоллар қиёфасида мужассамлаштирилган: бири-адл, иккинчиси-давлат, учинчиси-ақл, тўртинчиси - қаноат.

Достон муаллифи тил одоби, севги ва садоқат, ростгўйлик ва ҳалоллик каби масалалар ҳақида ҳикматли сўзлар сўзлайди, майхўрлик ва мутакаб-бирликни танқид қилади. “Қутадғу билиг” нинг бир неча боби бевосита ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган. Унда шоир ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик ва бошқалар ҳақида ибратли ўғитлар беради: ўқишга, билимга таржимон тилдир; кишини рўшноликка чиқарувчи, эъзозловчи, бахтли қилувчи тилдир; кишини тил қадрсиз қилади, бошини ёради; тил қафасда ётган арслонга ўхшайди, у бошингни ейиши мумкин:



*Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.*

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг ахлоқий-та’лимий қарашларини илгари сурган атоқли ма’рифатпарвар ва мураббий эди.¹

Улуғ ва мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам мақоллар мавзусида асар ёзган. Бу асар Навоийнинг умри охирларида ёзилган бўлиб, унинг ўзи бу асарни мақолатнома “Маҳбуб ул – қулуб” (*Кўнгишлар севгилиси*) дир деб атаган. Асар 906 ҳижрий – 1500 мелодий йилда ёзилган.

*Бу номагаким, лисоним ўлди қойил,
Килким тили ҳар навъ эл шишига, ноқил.
Тарихи, чу “хуш” лафзидин ўлди ҳосил
Ҳар ким ўқуса, Илоҳо, ўлгай хушдил.*

Хуш сўзининг араб алифбосидаги шакли абжад ҳисобида 906 ни ифода этадики, бу мелодий 1500 йилга тенгдир.

“Маҳбуб ул-қулуб“ кириш, уч қисм ва хотимадан иборат.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг учинчи қисми турли фоидалар ва масаллар деб аталиб, унда 127 танбеҳ келтирилган. Учинчи қисмдаги танбеҳлар китобнинг биринчи ва иккинчи қисмларида баён этилган ижтимоий-фалсафий қарашларни ҳикматли сўзлар даражасидаги ахлоқий-тарбиявий гапларда янада кенгайтиради, умумлаштиради. Шу жиҳатдан учинчи қисм Алишер Навоийнинг ҳикматли сўз ва мақоллари тўпланган ҳамда асарни ўзига хос тарзда яқунлаган қисмдир. Қуйида учинчи қисмдан айрим намуналар келтирсак:

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз;

Салотин даргоҳидин йироқ ва хавоқин базмгоҳидин қироқ, балки тегра сига ёвумагон яхишироқ;

Кўнгул махзанининг қуфли тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил;

Чин сўз – мўътабар, яхши сўз- мухтасар;

Хирадманд улдурким, ёлгон демас, аммо барча чин дегулук ҳам эмас;

Ғийбат дегувчи – нажосат егувчи. Афюнию банги-одамийлар нанги;

Эр кишига зебу зийнат – ҳикмату донишдур.

Яхши киймак бирла хотинларга оройишдур;²

Хулоса. Марказий Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг маданияти, маърифати, миллий кадрияти осори-атиқаларини ўрганиб, шулар ҳақида ўлмас асарлар яратган тарихшунос, шарқшунос олимлар — Херман Вамбери, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, Е.Березиков ва бошқаларнинг машаққатли меҳнатларини алоҳида эътироф этиш лозим. Уларнинг ҳаммалари ҳам ибтидоий жамоа давридаги маърифий тафаккурнинг дастлабки куртаклари фольклорда ўз аксини топган, — деган хулосага келишган.

¹ www.google.ru/halq-maqollary

² www.ref.uz/download.php%3Fid%3D20800



**ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОРИОГРАФИЯ
// HISTORIOGRAPHY**

АЛИМОВА РАҲИМА

тарих фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

**XIX аср иккинчи ярмида Тошкент шаҳрининг
ташқи савдо муносабатларидаги ўрни
(архив хужжатлари мисолида)**

Аннотация. Мазкур мақола XIX аср иккинчи ярмида Тошкент шаҳрининг ташқи савдо муносабатларида тутган ўрни масаласининг архив хужжатларида ёритилишига бағишланган. Шу мақсадда Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланаётган хужжатлар мисолида Тошкент шаҳрининг ички ва ташқи савдодаги аҳамияти, у ердан ички ва ташқи савдога чиқарилган товарларнинг турлари, нарх-наволари, ўлчов бирликлари, савдо молларидан олинadиган бож солиқлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинади.

Тарихимизга назар ташласак, Тошкент шаҳри азалдан Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинларидан бири сифатида савдо муносабатларининг фаол марказлардан бўлиб келган. Тошкент Ўрта Осиё хонликлари доирасидаги интенсив ички савдо-иқтисодий муносабатлардан ташқари, Евросиё кўчманчи чорвадор минтақа билан ҳамда яқин ва узоқ хориж давлатлари, жумладан Хитой, Россиянинг Европа ва Сибирь қисмлари, Шарқий Туркистон, Еттисув билан савдо алоқалари олиб борадиган асосий билан шаҳар эди. Тошкентнинг савдо алоқаларида шаҳарнинг маълум товарларни ишлаб чиқаришига ихтисослашган маҳаллаларида яшайдиган уста-хунармандларнинг роли катта бўлган. Шунинг учун маҳаллалар қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришига мослашган бўлса, шу маҳсулот номи билан аталган. Масалан, “пичоқчи”, “мисгарлик”, “сағбон”, “ўқчи”, “кўнчи”, дегрез, эгарчи ва б.

Тошкент аҳолисининг катта қисми мавзуимиз хронологияси доирасида дала ҳовли-шаҳар ҳовли хўжалик тизими асосида яшар эди. Масалан, Себзор, маҳаллалари аҳолиси Юнусобод, Ҳасанбой, Кўктерак мавзеларида, Шайхонтахур даҳаси аҳолиси Кўкча, қисман Салор-Қорасув йўналишида, Бешёғоч маҳаллалари аҳолиси Чўпонота-Қаъни-Дўмбиработ мавзеларида ва ҳоказо, боздорчилик билан шугулланиб, ташқи савдога қуруқ мева етказиб берган.

Тошкент шаҳри атрофидаги работлар ташқи савдони тартибга солиб туришида, бож ва хирож масалаларини ҳал қилишида алоҳида роль ўйнаган. Карвонсаройларда бошқа мамлакатлардан келган савдогарлар тўхташган ва молларини сақлаш билан баробар, кўпинча улгуржи савдо келишувларини амалга оширишган. Булар ўз навбатида Тошкент шаҳрининг хўжалик ҳаётида ташқи савдо муҳим ўрин эгаллаганидан далолат эди.

Мақолада Тошкентдан четга олиб кетилган товарларнинг нарх-наволари, уларнинг миқдори, қандай транспорт воситаларида ташиб кетилганлиги, йиғилган бож солиқлари бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.



Таянч сўз ва иборалар: Сирдарё вилояти, Тошкент уyezди, Тошкент шаҳри, маъмурий марказ, Ўзбекистон Миллий архиви, савдо-сотиқ, товарлар, чой, чой савдоси, Кяхта чойи, солиқ, бож солиғи, рақобат, пахта, чорва.

Аннотация. Настоящая статья посвящена освещению роли города Ташкента во внешнеторговых отношениях второй половины XIX века на основе архивных материалов. С этой целью анализируются сведения о значении внутренней и внешней торговли города Ташкента. На примере документов, хранящихся в Национальном архиве Узбекистана, рассматриваются: перечень товаров, отправленных на внутренний и внешний рынки, их стоимость, количество, пошлины, взимаемые на них.

Известно, что город Ташкент с давних времен был одним из особых звеньев активного центра торговли на Великом шелковом пути. Ташкент был особым городом, ведущим караванную торговлю наряду с регионами скотоводческих кочевников Евразии, торгово-экономические отношения и с ханствами Средней Азии, а также с близкими и дальними зарубежными странами, в том числе Китаем, Европейской и Сибирской частью России, Восточным Туркестаном, Семиречьем. В торговых связях города Ташкента большую роль играли мастера-ремесленники, которые жили в махаллях-мастерских в зависимости от рода занятий по производству отдельных товаров. Махалли именовались по роду деятельности мастеров, в них проживающих. Например, “пичакчи” – изготовители ножей, “мисгар” – литейщики, “сагбан” – псарь, “укчи” – стрельцы, “кончи” – кожевники, “дегрисон” – изготовители котлов, “эгарчи” – изготовители седел и т.д.

В рассматриваемый период основная часть жителей Ташкента жила в загородных усадьбах. Например, жители махалли Себзор жили на Юнусбаде, в Хасанбае, Коктераке; жители махалли Шайхантахур жили на Кукче, а также в районе Салар-Карасу; жители Бешагача жили в кварталах Чопаната-Кани-Домбрабад и др., они занимались садоводством и поставляли сухофрукты для внешней торговли.

В организации внешних торговых операций, решении возникших проблем, взимании пошлин и хераджа особую роль играли рабаты, расположенные вокруг города Ташкента. В каравансараях останавливались торговцы из других стран. Здесь хранились их товары, отсюда также велась оптовая торговля. Это является доказательством того, что внешняя торговля играла особое место в хозяйственной жизни города Ташкента.

В статье анализируются сведения о численности караванов, стоимости товаров, экспортируемых за границу, их количестве, способах транспортировки, таможенных пошлинах.

Опорные слова и выражения: Сырдарьинская область, Ташкетский уезд, административный центр, Национальный архив Узбекистана, торговые операции, товары, чай, торговля чаем, Кяхтинский чай, налог, таможенный налог, конкуренция, хлопок, скот.

Annotation. This article is devoted to highlighting the place of the city of Tashkent in foreign trade relations in the second half of the 19th century based on materials from the archive. For this purpose, information about the importance of internal and external trade of the city of Tashkent is analyzed, the list of goods sent to domestic and foreign trade, the cost of goods, the number of goods, duties levied on these goods using the example of documents stored in the National Archives of Uzbekistan.

It is known that the city of Tashkent has become one of the special links in the active trade center of the Great Silk Road since ancient times. Tashkent was a special city leading caravan trade besides with the regions of cattle-breeding nomads of Eurasia, intensively conducted



trade and economic relations with the khanates of Central Asia, as well as with close and distant foreign countries, including China, the European and Siberian parts of Russia, East Turkestan, Semirechye. Craftsmen who lived in specialized makhallas, depending on their occupation for the production of certain goods, played an important role in the trade relations of the city of Tashkent. Therefore, the Tashkent residents, depending on their occupation, were called mahallas with the same names. For example, "pichakchi" - knife makers, "misgarlik" - copper casting, "sagban" - psari, "ukchi" - arrows, "konchi" - tanners, "degrizon" - boiler makers, "egarchi" - saddle makers, etc. .d.

During the period under review, the bulk of Tashkent residents lived in country estates. For example, residents of the Sebzor mahalla lived in Yunusabad, Khasanbai, Kokterak, residents of the Shaikhantakhur mahalla lived in Kokche, as well as in the direction of Salar-Karasu, Beshagach residents lived in the Chopanata-Kani-Dombirabad quarters, etc. and were engaged in gardening and brought the essential fruits to foreign trade.

Rabats located around the city of Tashkent played a special role in carrying out the order of foreign trade operations, in solving the problems that arose in the collection of duties and heraj. Merchants from other countries stopped in caravanserais and their goods were stored in them, and wholesale trade was also carried out here. This is considered as proof that foreign trade played a special place in the economic life of the city of Tashkent.

The article analyzes information about the number of caravans, the value of goods exported abroad, their quantity, transportation of goods, information about customs duties.

Key words and expressions: Syrdarya region, Tashkent uyezd, administrative center, National Archives of Uzbekistan, trade operations, goods, tea, tea trade, Kyakhta tea, tax, customs tax, competition, cotton, cattle.

XIX асрнинг 60-йилларидан Туркистон генерал-губернаторлигининг, шу билан бирга Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази бўлган Тошкент шаҳрининг мавқеи ортиб борган. Тошкент нафақат маъмурий марказ, ҳатто Сирдарё вилоятининг ички ва ташқи савдо алоқаларида асосий бўғин вазифасини ўтаган. Вилоятнинг барча савдо-сотик муносабатлари шу шаҳар орқали амалга оширилган. Ҳаттоки, ундан аввалги асрларда ҳам Тошкент шаҳри Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири сифатида савдо муносабатларининг фаол марказлардан бўлиб келган. Тошкент Ўрта Осиё хонликлари, Евросиё кўчманчи чорвадор минтақа аҳолиси, хорижий давлатлар, жумладан, Хитой, Шарқий Туркистон, Россия ва бошқа давлатлар билан савдо алоқалари олиб борган эди. Шу ўринда 1735 йилдан Тошкентдан Нурмухаммад Муллаалимов бошчилигидаги элчилар Уфага келганлигини эшлаш мумкин. Оренбург экспедициясининг бошлиғи И.И.Кирилов Тошкент элчиларидан Тошкент ва Ўрта Осиё шаҳарлари тўғрисида маълумот олишга муваффақ бўлган¹. Элчи Тошкент элатида 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар борлиги тўғрисида хабар бериш билан бирга Тошкент шаҳри тўғрисида қуйидаги маълумотларни берган: “Шаҳарда 40 та йирик ва яна майда мачитлар, атрофи мустаҳкам девор билан ўралган 6 дарвозали сарой (Кремль) бўлган. Боғларида узум, олма, нок, беҳи, шафтоли, ёнғоқ, қовун, тарвуз, сабзи, гуруч, буғдой, кунжут, зиғир ва бошқа турли

¹ Х.Зияев. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент, “Фан”, 1973. – ББ. 56-60.



деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилган. Йирик ва майда қорамоллар шаҳар атрофидаги яйловларда боқилган... Тошкент бозорларида пахта, газлама, кийим-бош, оёқ кийими ва бошқа моллар сотиладиган махсус расталар бўлган. Тошкент Бухоро, Самарқанда, Хива, Қарши, Бадахшон, Балх, шунингдек, Россия шаҳарлари билан алоқа қилинган”¹. Маълумотлар Тошкент ҳаттоки, XVIII қўшни давлатлар билан савдо алоқалари ўрнатганлиги ва у ерда етиштирган маҳсулотлар турли-туманлигидан далолат беради. XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг ташқи савдо муносабатлари тарихи билан боғлиқ маълумотлар Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланаётган ҳужжатларда ўз аксини топган. Ҳужжатлар орасида Тошкентга олиб келинган ва олиб чиқиб кетилган товарлар номлари, миқдорлари, қандай транспортда ташилганлиги, улардан олинган бож солиқлари, савдогарларнинг исм шарифлари каби маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар шаҳарнинг савдо-иқтисодий марказ эканлигидан далолат беради. Келтирилган статистик маълумотлар ўз даврида бу ҳудудда ишлаб чиқарилган товарлар, етиштирилган маҳсулотлар тўғрисида билиб олишимизга имкон беради. Бу маълумотлар орқали Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳўжалик ҳаёти, турмуш тарзи қандай бўлганлиги билишимизга катта хизмат қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, айрим архив маълумотларида Тошкент шаҳрида савдо қилувчи савдогарларининг савдо моллари тўғрисида хабар берилган. Масалан, 1868 йил чойдан олинган бож солиғи ҳақида қўйидагиларни кўриш мумкин. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор Головачев 1868 йил 15 сентябрь санаси билан имзолаган 5130-сонли хатда Тошкентга рус савдогарлари катта миқдордаги Кяхта² чойларини олиб келганлиги, бу чойлардан бож солиғи қонун

¹ Ҳ.Зияев. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент, “Фан”, 1973. – Б. 60.

² Кяхта – шаҳарга 1727 йилда рус дипломати С.Л.Рагузинский-Владиславич асос солган. Кяхта шаҳри Княжнин томонидан қурилган. Қалъа тўртбурчак бўлиб, бурчакларида минора қад кўтарган, икки дарвозаси бўлган. Қалъа ичида савдогарлар учун 32 та хужралар, савдо расталарида 24 та дўкон ва 24 та омборхона жойлашган. Бу шаҳар Россия-Хитой савдосининг бош марказига айлантирилган. Кяхта орқали Хитойга мовут, мануфактура товарлари, мўйна ва булғори чарм жўнатирилган, Хитойдан асосан чой келтирилган. Ипак, ип газлама ва чинни идишлар камроқ келтирилган. Кяхта шаҳри узоқ йиллар давомида Россия ва Ғарбий Европани чой билан таъминлаб турган. Бу хитой чойи Россияда кяхта чойи номи билан, бошқа Европа давлатларида эса рус чойи номи билан юритилган. 1743 йилдан савдо слободаси деб аталган. 1792 йилда Кяхтага Иркутскдаги божхона кўчирилган. XIX асрнинг сўнгги чорагидан Суэц канали қурилиши натижасида Хитойнинг асосий савдо молларини денгиз йўли орқали ташилгандан сўнг кяхта савдосининг аҳамияти тушиб кетган. Айниқса, 1903 йилда Хитой-Шарқий темир йўлининг қурилиши натижасида Кяхта шаҳри Хитой билан савдо қиладиган бош савдо маркази аҳамиятини йўқотган. Кейинчалик Россиянинг Монголия билан савдо марказига айлантирилган.

XIX асрнинг 80-йилларида Россия империяси Ўрта Осиё бозорларида, хусусан Туркистон бозорларида ўз ҳукмронлиги ўрнатиш мақсадида четдан ўлкага киритиладиган товарлар устидан ҳам назоратни қўлга олишга ҳаракат қилган. Шу мақсадда, Туркистонга фақат Россиядан Кяхта орқали олиб келинган хитой чойини етказиб бериш, инглиз чойларини Бухоро амирлигидан кириб келишини умуман тўхтатиб қўйишга қаратилган чора-тадбирларни кидира бошлаган.



доирасида олинганлигини эътироф қилиш билан бирга, осиёлик савдогарлар худди шундай миқдордаги контон чойларини қўшни Ўрта Осиё худудларидан божсиз олиб келишаётганлигини маълум қилади¹. Ҳатто, дейилади ҳужжатда, овозаларга қараганда ҳозирда шу хилдаги чойлар Зарафшон округи орқали ташиб келинмоқда². Келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкин-ки, Кяхта чойларини Туркистонга олиб киришга рухсат берилган, ҳаттоки 80-йиллардан бошлаб ўлкага фақат Кяхтадан олиб келинган хитой чойини етказиб бериш, инглиз чойларини Бухоро амирлигидан кириб келишини умуман тўхтатиб қўйишга қаратилган чора-тадбирларни қидира бошлаган. Ҳатда контон чойларини қўшни Ўрта Осиё худудларидан божсиз олиб келишаётганлигини маълум қилади.

Мазкур ҳужжатда 1865 йил 23 майда тасдиқланган божхона тарифига кўра, бож солиғи кўк чой ва сариқ чойнинг 1 фунтидан 15 коп.дан олиними, 1861 йил 30 мартдаги подшо ҳазратлари фармонида асосан, қора чойдан 15 коп., ҳар бир фунт тахта чойдан 15 коп. ҳамда қўшимча божхона тарифи учун 2 коп.дан беш фоизли бож йиғини олиш белгиланганлиги эътироф қилинган³. Демак, кўриб ўтиладики даврда Тошкентга экспорт қилинаётган чойлардан ҳам ўрнатилган тартибда ҳар бир фунт учун ва божхона харажатлари учун қўшимча бож ундирилган.

Тошкент шаҳри доимо савдо муносабатлари гавжум марказ бўлиб, у бир томондан Россия, Сибирь, Еттисув, Хитой, Ўрта Осиё хонликлари билан иккинчи томондан кўчманчилар билан савдо алоқалари олиб борадиган марказий шаҳар ҳисобланган⁴. 1869 йилга оид архив ҳужжатларидан бирида Тошкент шаҳрида яшовчи 27 нафар даллолларнинг исми шарифи келтирилган, шу жумладан, Мавлондод Муранбоев, Саид Муҳаммадсодиқов, Қурбонбой Аҳмадбоев ва б. Рўйхат араб хатида битилган, ҳужжат тагида Тошкент думасининг садрнишини Шарофиддин ибн Аловиддиннинг тўртбурчак муҳри босилган. Ҳужжатнинг рус тилидаги таржима вариантыда 25 нафар даллолларнинг рўйхати берилган, аммо 2 кишининг исми шарифи ёзилган варақ китобга тикилмаган кўринади⁵. Бундан кўриниб турибдики, эҳтимол, ҳужжатнинг охири саҳифаси йўқолган. Тошкент шаҳрининг ўзида 27 нафар даллолларнинг фаолият юритаётганлиги шаҳар бозорларидаги савдо-сотик жараёнида даллоллар-воситачиларнинг ўрни қанчалик муҳимлигидан, қолаверса, савдо ишлари анча ривожланганидан далолат беради.

¹Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. – 198. – Л. 1.

²Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. – 198. – Л. 1.

³Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. – 198. – Л. 2.

⁴Маев П.А. Азиатский Ташкент. Сборник материалов для статистики Туркестанского края. Вып. IV. – СПб., 1876; Гаевский В.С. Историческая справка о городе Ташкенте. – Ташкент, 1907; Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент, 1959; Ходжиев Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. – Ташкент, 1973; Зияев Ҳ.З. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи. – Ташкент, 2012; Зияев Ҳ.З. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI-XIX вв. – Ташкент, 1983. М.Ю. Юнусходжаева. Роль Ташкента в торговле России и Восточного Туркестана во второй половине XVIII в. // Позднефеодальный город Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1990. СС. 137-141.

⁵Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. – 185. – Л. 9-11.



Шуни таъкидлаш лозимки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда савдо ярмаркалари ўтказилиб, турли хориж давлатларнинг савдогарлари ўз товарлари билан ярмаркада иштирок этганлар. Хусусан, 1870 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази ҳисобланган Тошкентда бир йилда икки марта апрель-май, октябрь-ноябрь ойларида савдо ярмаркалари ташкил этилган. Товарлар ярмаркага Россиянинг турли ҳудудларидан Оренбург, Петропавловск, Сирдарё вилояти шаҳарлари, Еттисув, Зарафшон округи, Қўқон хонлиги, Бухоро, Қашғар, Ғулжадан олиб келинган. “Сибир, хусусан, Кяхта ва Иркутскдан Хитой чойи келтирилиб турилган. Тошкентда ярмаркадан олдин ва кейин ҳам чой савдоси олиб борилди”¹. Демак, 1868 йилдан Россия орқали Кяхта чойларини Туркистон ўлкасига олиб келишга рухсат берилган.

Моллар ярмаркадан Сирдарё вилояти, Бухоро, Қўқон ва бошқа жойларга олиб кетилган. Ярмаркага олиб келинган товарлар номи, миқдори, нархи божхона рўйхатидан ўтказилган. Ярмаркада 68 та йирик ва 1358 та майда тошкентлик савдогарлар иш юритганлар. У ерда Марғилон, Андижон, Қўқон, Наманган, Шаҳрисабз, Исфара, Конибодом, Шайдон, Ўш, Хива, Ҳиндистон ва Афғонистон савдогарлари иштирок этган². Афсуски, Туркистон ўлкасига хонликлар орқали кириб келаётган инглиз-ҳинд чойлари рўйхатлаштирилмаган.

Тошкент шаҳар бошлиғининг 1888 йил ҳисоботида Тошкент атрофидаги ерларни қўшиб ҳисобланса, унинг умумий майдони 205 квадрат верстни, аҳолиси сони 130.181 кишини ташкил этганлиги эътироф қилинган³. Йиғма жилда шу йилларда Тошкентда ишлаб чиқарилган товарларни бошқа ҳудудларга олиб кетиш бўйича тузилган ведомостларда товарлар номи, уларнинг қандай транспортда (туя, от, арава) ташиб кетилганлиги, миқдори, товарнинг нархи, ташиш харажатлари кўрсатилган⁴. Йиллик ҳисоботда Тошкент шаҳрининг ички ва ташқи савдо муносабатлари бўйича маълумотлар ҳам ўрин олган. Ундаиқки бозорларда сотиладиган товарларни асосан маҳаллий маҳсулотлар – пахтадан тайёрланган буюмлар: мато, олача, дока, ип; жундан ишланган қамчи, чакмон, қоп, кийгиз ва арқонлар; хом ипак, канабус (шойининг бир тури) ва беқасам; ошланмаган тери, қўй териси, эчки терисидан тикилган калта пўстин; ғишт, кулолчилик найлари, лойдан тайёрланган буюмлар; ёғочдан ишланган ҳар хил нарсалар, уй-рўзгор буюмлари; узумдан тайёрланган ароқ, май, пиво; минерал сувлар ва гугурт ташкил қилиши эътироф қилинган⁵.

Ҳужжатда Россиядан мануфактура ва баққолик товарлари, атторлик моллари, темир, чўян, майда-чуйда металл буюмлар келтирилганлиги акс этган.

¹Х.Зиёев. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи. – Т., 2012. – Б. 291-304.

²Х.Зиёев. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи. – Т., 2012. – Б. 305.

³Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.260.

⁴Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.300.

⁵Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.264



Тошкентдан асосан пахта, жун, тери, кийгиз, қўй териси ва ипак олиб кетилган¹. Юкоридаги қайдга кўра, олиб чиқилган товарлардан пахта асосий ўринни эгаллаши маълум бўлмоқда. Маълумки, Россия Туркистонни қисқа муддатда ўз саноати учун хом ашё манбаига айлантирган. Туркистон ўлкаси Россиянинг асосий пахта базасига айлантирилган. Масалан, 1899 йилда Тошкент уезди бўйича экин майдонларининг катта қисмига ғалла экилган бўлиб, шу жумладан, буғдой 100000 десятина, шоли 68000 десятина, арпа 35000 десятина, пахта 28000 десятина ерга экилган. Ҳисобот йилида Сирдарё вилоятида буғдой 370000, шоли 68000, арпа 170000, пахта 33000, беда 40000, полиз экинлари 6000 десятина ерга экилган. Шу йилибуғдойдан 16700000, арпадан 17 милл. пуд, шолидан 6000000 пуд, пахтадан 1000000 пуд ҳосил олинган². Тошкент шахрининг 1888 йилдаги бир йиллик даромади 14.884.261 рубл.ни ташкил қилган³.

Бундан ташқари, ҳисоботда савдо айланмаларини ҳисоблаб борадиган ташкилотларнинг йўқлиги учун ҳар бир ишлаб чиқарилган товарларнинг аниқ статистикасини айтиш мушкуллиги эътироф қилинган⁴. Бу ҳол Тошкент шаҳри ва уезди бўйича аниқ йиллик савдо айланмаларини ҳисоблаб чиқишни қийинлаштирган, бўлиши мумкин. Йиллик ҳисоботда савдо алоқалари миқдори йиллар давомида бир хил бўлиб келганлиги қайд этилган⁵. Ваҳоланки, туркум савдо товарлари бўйича ҳисоботлар тўлиқ юритилган-да эди, савдо айланмалари ҳисобини борлигича кўрсатиш мумкин бўлар эди.

Кўриб ўтилаётган даврда Тошкентга кириб келаётган ҳинд чойлари ва индигодан шаҳарда бож солиғи олинмаган экан. Бунга далил сифатида Тошкент шаҳар бошлиғининг бу ерда божхона постимавжуд эмаслиги, Ҳиндистондан келтирилаётган чой ва индиго учун Каттақўрғон божхонасида бож олинмиши ва унинг ҳисоботлари божхона бошлиғи томонидан юритилиши эътироф қилинган⁶. Демак, Тошкентда Ҳиндистондан қанча чой келтирилаётганлиги тўғрисида маълумотлар юритилмаган. Нима учун деган савол туғилади? Бидамизки, XIX асрнинг 70-йилларида ҳукумат ҳинд чойларининг Туркистонга кириб келиши ва ўлка бозорларини эгаллаб олишидан ташвишланиб, уларни таъқиқлайдиган, Кяхта чойларининг устунлигини таъминлайдиган чораларни қидира бошлаган эди. Балки, шунинг учун ҳам Тошкентда чой учун божхона хизмати йўлга қўйилмаган бўлиши мумкин.

Энди бевосита 1888 йилда Тошкент шаҳридан ташқарига, хусусан Россия, Еттисув, Сибирь, Фарғона вилояти, Туркистон, Бухоро, Хива, Хитойга олиб кетилган ўн олти хил товарлар, уларнинг сони ва нархлари, қандай транспорт воситаларида олиб кетилганлиги тўғрисидаги статистик маълумотларга эътибор қаратамиз. Жадвал катта ҳажмли эканлигини инобатга олиб, фақат Россия ва

¹Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.264.

²Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. – 80. – Л. 56, 59 об.

³Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.265

⁴Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л. 265.

⁵Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.265.

⁶Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л. 266.



Еттисув билан савдо алоқаларини ҳамда умуман Тошкентдан олиб кетилган товарлар миқдори ва жами нархлари келтириб ўтамиз.

Олиб чиқилган товарлар	Оренбург орқали Россияга						
	Карвонлар сони	жумладан			Пуд миқдори	Товар нархи	Ташиш нархи
		Туяларда	отларда	Араваларда			
Пахта	318	21960	-	-	391.360	1.835.200	32.600
Ипак	20	200	-	-	4.600	720.000	4.800
Хом ипак	30	300	-	-	5.600	670.000	3.000
Қанд	-	-	-	-	-	-	-
Чит	-	-	-	-	-	-	-
Гуруч	192	2.250	-	-	38.400	30.800	32.100
Буғдой (дон)	-	-	-	-	-	-	-
Маҳаллий маҳсулотлар	250	3.000	-	-	54.100	208.000	45.000
Хом тери ва пўстин	100	900	-	-	14.200	185.000	14.200
Мевалар	80	800	-	-	14.400	16.000	14.400
Чой	-	-	-	-	-	-	-
Нон ароғи	-	-	-	-	-	-	-
Узум майи	10	100	-	-	1.800	18.000	1.800
Қозонлар	-	-	-	-	-	-	-
Пўлат	-	-	-	-	-	-	-
Темир	-	-	-	-	-	-	-
Жами	1.000	29.510	-	-	524.460	3.683.000	147900

Олиб чиқилган товарлар	Троицк орқали Россияга						
	Карвонлар сони	жумладан			Пуд миқдори	Товар нархи	Ташиш нархи
		Туяларда	отларда	Араваларда			
Пахта	66	2.260	-	-	40.160	183.175	32.160
Ипак	-	-	-	-	-	-	-
Хом ипак	-	-	-	-	-	-	-
Қанд	-	-	-	-	-	-	-



Чит	-	-	-	-	-	-	-
Гуруч	14	625	-	-	10.200	7.920	7.250
Бугдой (дон)	-	-	-	-	-	-	-
Маҳаллий маҳсулотлар	5	50	-	-	900	8.000	900
Хом тери ва пўстин	10	100	-	-	1.800	20.000	1.800
Мевалар	40	440	-	-	7.300	7.300	720
Чой	-	-	-	-	-	-	-
Нон ароғи	-	-	-	-	-	-	-
Узум майи	-	-	-	-	-	-	-
Қозонлар	-	-	-	-	-	-	-
Пўлат	-	-	-	-	-	-	-
Темир	-	-	-	-	-	-	-
Жами	135	3.475	-	-	60.360	226.395	42.830

Олиб чиқилган товарлар	Етгисув вилоятига						Жами олиб кетилган товарлар		
	Карвонлар сони	жумладан			Пуд миқдори	Товар нархи	Ташиш нархи	Пуд	Суммаси
		Туяларда	отларда	Араваларда					
Пахта	150	15.000	-	-	270.000	1.040.000	80.000	706.920	3.539.375
Ипак	15	100	-	-	1.000	200.000	500	5.696	944.572
Хом ипак	10	90	-	-	1.100	132.000	8.000	6.700	805.800
Қанд	-	-	-	-	-	-	-	18.680	132.404
Чит	15	150	-	-	2.700	45.000	750	53.258	428.408
Гуруч	-	-	-	-	-	-	-	84.900	109.870
Бугдой (дон)	10	100	-	-	1.800	1.300	540	7.200	6.140
Маҳаллий маҳсулотлар	10	100	-	-	1.800	16.000	540	56.800	278.440
Хом тери ва пўстин	8	80	-	-	1.440	8.640	320	17.440	229.960
Мевалар	-	-	-	-	-	-	-	24.700	43.220
Чой	10	80	-	-	1.440	57.600	400	3.800	153.320
Нон ароғи	8	60	-	-	1.000	8.000	240	5.400	37.840
Узум майи	-	-	-	-	-	-	-	3.700	40.200
Қозонлар	20	200	-	-	4.000	8.100	1.600	18.650	46.410
Пўлат	5	50	-	-	900	2.500	200	4.500	13.640



Темир	5	50	-	-	900	2.300	200	10.080	28.970
Жами	266	16.060	-	-	288.080	1.581.440	86.090	1.028.424	6.838.569

Демак, юқоридаги жадвалга эътибор қилинса, 1888 йилда Тошкентдан Тошкентдан четга жами 6.838.569 рубллик 1.028.424 пуд моллар олиб чиқиб сотилган бўлиб, булар пахта, ипак, хом ипак, қанд, чит, гуруч, буғдой, маҳаллий аҳоли тайёрлаган маҳсулотлар, тери, пўстин, мевалар, чой, ароқ, узумдан тайёрланган май, қозон, пўлат, темир олиб чиқилган¹. Россияга товарлар икки йўл билан, яъни Оренбург ва Троицк орқали олиб кетилган. Бу даврда Еттисув ва Сибирь билан Тошкент орқали савдо муносабатлари анча ривожланган. Тошкентдан Сибирь йўналишида сўнги икки аср мобайнида жўшқин савдо қилинганлиги маълум². Тошкентдан Россия, Еттисув, Сибирга асосан Тошкент ва унинг атрофларида етиштирилган маҳсулотлар: пахта, ипак, хом ипак, гуруч, маҳаллий аҳоли тайёрлаган маҳсулотлар, тери ва қўй териси, мевалар, узумдан тайёрланган май олиб кетилган. Тошкентдан Хитойга чит, пўлат ва темир олиб кетилган. Тошкентдан Бухорога чит, буғдой, чой, қозон, пўлат, темир, Хивага ароқ, узумдан тайёрланган май олиб чиқилган.

1885 йил 12 ноябрда Императорга топширилган Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант Розенбахнинг ҳисоботида Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларидаги ҳолат бўйича маълумот берилган. Жумладан, унда маҳаллий маъмурларнинг сўнги ўн йилларда ўлкадаюқори америка навли пахтани етиштириш бўйича қилинган чоралар катта натижалар берган бўлса-да, бу соҳада ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича танқидий фикрлар билдирилган. 1884 йилда 450 деярлик майдонга америка нави экилганлиги қайд қилиниб, бу пахта ҳосилини ошириш учун Россия савдо саноат фирмаларининг талабини ҳисобга олиш таклифи ҳам берилган³. Россиянинг Ўрта Осиё пахтасига бўлган талабини қондириш мақсадида пахта плантациялари кўпайтирилиб, Россия Туркистонни қисқа муддатда ўз саноати учун хом ашё манбаига айлантирди⁴. Ҳақиқатдан ҳам, бу ҳолатни юқорида берилган статистик жадвалдаги ҳисоб-китоблар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1888 йилда Тошкентдан энг кўп олиб кетилган товар пахта бўлиб, бу товар Россия, Еттисув, Сибирга олиб чиқилган. Хусусан, 3.539.375 рубллик 706.920 пуд пахта, 428.408 рубллик 53.258 пуд чит экспорт қилинган⁵.

Мазкур йиғма жилдда 1888 йил 1 январдан 1889 йил 1 январгача Тошкент шаҳрида сотилган ҳайвонларнинг, шу жумладан чорва моллари турлари ва уларнинг сонлари келтирилган статистик ҳисобот ҳам мавжуд. Қизиғи шундаки,

¹ Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л. 300.

² Зияев Ҳ.З. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи. – Тошкент, 2012.

³ Фонд – И-1, опись – 27, ед.хр. – 188. – Лл.12-12об.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси муштамлақчилиги даврида. – Тошкент. Шарқ, 2000. ББ.229-234.

⁵ Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л. 300.



ведомостда кўчманчи аҳолидан қанча, ўтроқ аҳолидан нечтачорва сотилганлиги жадвалда куйидагича келтирилган¹. Кўчманчилар:

Чорва моллари турлари	сон	нархи
отлар	17.700	294.600
туялар	4.390	160.900
Шохли қора мол	15.030	226.300
Қўйлар	87.660	389.100
Эшак ва эчки	3.390	12.750

Ўтроқ аҳоли:

Чорва моллари турлари	сон	нархи
отлар	18.490	298.700
туялар	5.130	202.800
Шохли қора мол	23.220	308.000
Қўйлар	101.300	414.860
Эшак ва эчки	2.825	2.318.958

Шу билан биргаликда бошқа бир ҳужжатда 1888 йилдаги Тошкент шаҳрида ҳайвонларнинг нархлари бўйича ведомость ҳам келтирилган бўлиб, улар орқали ўша йиллардаги чорва молларининг бозорлардаги нархларини билиб олиш мумкин бўлади².

Чорва моллари турлари	сон	нархи	
		Рубл.	Коп.
отлар	1	15 дан 60 гача	
туялар	1	20 дан 50 гача	
Шохли қора мол	1	8 дан 25 гача	
Қўйлар	1	2 дан 6 гача	50
Эчки	1	1 дан 2 гача	50
Эшак	1	3 дан 4 гача	

Бошқа бир йиғма жилдда ўн йилдан кейин худди шу каби чорва молларининг сонлари тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Масалан, 1898 йилдаги Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботида қаҳратон қиш ва баҳорнинг ноқулай келиши оқибатида кўчманчи аҳолининг хўжалигига катта зарар текканлиги баён қилинган. Ем-хашакнинг етишмаслиги Қазали ва Авлиёта уездлари чорвадорларига катта зиён келтирган, шу йили 200.000 бош чорва қирилиб кетган, уларнинг аксарияти қўйлар бўлган³. 1899 йил ҳисоботида эса совуқ қиш ва ноқулай баҳордан кейинги йилда қулай об-ҳаво шароити туфайли чорва молларининг кўпайиши аниқланган. Шу йил охирига келиб, отлар 394.900

¹ Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л. 298.

² Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л. 298.

³ Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. – 1983. – Л. 87об; Фонд – И-1, опись – 11, ед.хр. – 80. – Л. 52.



бош, туялар 448.5000 бош, қўйлар 3.874.000 бош, шохли қора мол 485.500 бош, эчки 638.200 бош ва эшаклар 17.000 бошга етган¹.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.Корольковнинг ҳисоботида кўра, 1900 йил чорва моллари сони ва нархи тўғрисида қизиқарли маълумотлар олиш мумкин². (куйидаги жадвал) Демак, сўнгги йилларда чорва нархларида катта фарқ мавжуд эмас, фақатгина эчки ва эшаклар нархида бироз нархларнинг ошганлиги маълум бўлди, яъни эчки нархи 1-2 р.дан 2,5 р.га, эшаклар 3-4 р.дан 5,5 р.га кўтарилган.

Чорва	Сони	Нархлари рублда
Отлар	533.260	10.018.160
сигир ва ҳўкизлар	617.239	5.932.520
қўйлар	3.828.593	13.900.740
чўққалар	5.785	25.681
туялар	333.249	9.541.838
эчкилар	533.403	1.310.395
эшаклар	17.712	98.289

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.Корольковнинг ҳисоботида кўра, 1901 йил қулай об-ҳаво кўчманчи яшаётган чорвадорларнинг чорва моллари сонининг тез ўсишига имконият яратган. Шу йили Сирдарё вилояти бўйича отлар сони 507.093, сигирлар – 358.619 бош, ҳўкизлар – 259.563 бош, қўйлар – 3.514.409 бош, чўққалар – 8.574 бош, туялар – 322.502 бош, эчки – 538.769 бош, эшак – 14.887 бош бўлган. Худди шу чорвалар сони Тошкент шаҳрида куйидагича ҳисобланган: ва нархи тўғрисида қизиқарли маълумотлар олиш мумкин. Хусусан, отлар сони 11.179, сигирлар – 4.420 бош, ҳўкиз – 2.140 бош, қўй – 3.877 бош, чўққа – 226 бош, туя – 425 бош, эчки – 362 бош, эшак – 763 бош бўлган³.

Демак, кўчманчилар чорва ҳўжалигининг маҳсулдорлиги ва кўпайиши табиий иқлим шароити билан узвий боғлиқ, агарда қиш ва баҳор фасллари яхши келса, улар жуда тез кўпаяди, ва аксинча, қаттиқ қишнинг узоқ чўзилиши озуканинг танқислигига, баҳорнинг курук келиши ўсимликларнинг қуриб қолишига ва оқибатда чорванинг қирилиб кетишига сабаб бўлади.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг 1898 йил ҳисоботларига кўра, вилоят худуди 459.000 кв.верстни ташкил қилган. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш ҳисоботларида вилоят аҳолисининг умумий сони 1.479.848 киши эканлиги⁴, шундан Тошкент шаҳри аҳолиси 155.677 киши бўлганлиги эътироф қилинган⁵. Демак, Тошкент шаҳри аҳолиси 1888 йилдаги 130.181 кишидан¹ 1897

¹Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. – 80. – Л.Л. 57, 61.

²Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. – 240. – Л.Л. 76 об., 77.

³Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. – 240. – Л. 81.

⁴Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 80. – Л. 52; Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 1983. – Л. 87.

⁵ Ф.Азадаев. Ташкент во второй половине XIX века, Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент, 1959. – С. 135.



йилга келиб 155.677 кишига ўсган. Келтирилган маълумотлар Тошкент шаҳри аҳолисининг тез суратлар билан ўсганлигидан далолат берадики. Бу кўрсаткич эса асосан Россиянинг турли губернияларидан ҳарбийлар, амалдорлар, савдогарлар ва бошқа ишбилармонларнинг кириб келиши билан боғлиқ.

1898 йилги Сирдарё вилоятининг йиллик савдо айланмаси 45.300.000 рублни ташкил этган ҳолда, шундан 30.900.000 руб. га товарлар келтирилган бўлса, вилоятдан 14.400.000 р. товарлар олиб кетилган. Вилоятга олиб киритилаётган товарлар орасида биринчи ўринда мануфактура товарлари эгаллайди, у 20.000.000 р. қийматида келтирилган, сўнг чой, темир ва бошқа товарлар турган. Вилоятдан четга чиқариладиган товарларнинг энг асосийси пахта (3.000.000 р.) ва чорва моллари (4.000.000 р.) бўлган².

1899 йил статистик маълумотларида Тошкент шаҳридан 150000 рубллик 3000 пуд товарлар олиб чиқиб кетилган, Европа Россиясидан 686696 рубллик 9998 пуд, Сибирдан 4000 рубллик 1000 пуд товарлар келтирилган³. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, Тошкентдан олиб чиқилган товарларга нисбатан шаҳарга кўпроқ товарлар олиб кирилатганлиги маълум бўлади. Демак, Россия ўзининг товарларини сотадиган қулай бозорларига эга бўлди. Тошкентга олиб кетилган ва келтирилган товарлар рўйхатида мануфактура товарлари; атторлик моллари, баққоллик моллари, дорилар, темир, пўлатдан тайёрланган буюмлар, қозоқ, чўян буюмлар; мис ва ундан тайёрланган буюмлар; ёғоч, ёғочдан ишланган буюмлар, эган, сандиқ, сайгак шохлари,, от териси, қорамол териси, ошланган тери, қўй жуни, туя жуни, эчки жуни, от ёли, қўй териси, мўйна; қўзи териси; арқон, кигиз, оёқ кийимлар, мовут, гилам, ипак буюмлар, хом ипак, пахта, чит, мота, қатрон, керосин, шам, гугурт, тамаки, идишлар, чой, шакар, шоли, буғдой, мевалар, ароқ, май ва б. ичимликлар, қоғоз ва бошқа товарлар номлари келтирилган⁴.

1899 йилда Сирдарё вилоятининг йиллик савдо айланмаси 69.700.000 руб.ни ташкил этиб, унинг 40.000.000 руб. Тошкент шаҳри улушига тўғри келган⁵. 1900 йил ҳисоботларида вилоятнинг йиллик товар айланмаси 62.240.000 р.ни ташкил қилган ҳолда, вилоятга олиб келинган товарлар 48.700.000 р., вилоятдан ташқарига олиб кетилган товарлар 13.540.000 р. Вилоятга асосан мануфактура товарлари, чой, темир ва бошқа маҳсулотлар келтирилган. Вилоятдан ташқарига олиб чиқилган товарлар кўпроқ пахта (тахминан 3.100.000 р.), ундан кейинги ўринда чорва моллари, шунингдек, жун, тери ва бошқалар товарлар турган⁶.

1901 йил Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг ҳисоботларида савдонинг йиллик айланмаси 85 млн.рублни ташкил қилган ҳолда, унинг тахминан ярми Тошкент шаҳри улушига тўғри келган⁷.

¹ Фонд – И-1, опись – 1, ед.хр. – 3085. – Л.260.

² Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 80. – Л. 53; Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 1983. – Л. 88.

³ Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. 3912. – Л. 108-109.

⁴ Фонд – И-36, опись – 1, ед.хр. 3912. – Л. 108-109.

⁵ Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 80. – Л. 58, 62.

⁶ Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 240. – Л. 78.

⁷ Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 240. – Л. 81 об.



Юқоридаги статистик маълумотлар таҳлил қилинса, шу нарса маълум бўладики, Сирдарё вилоятининг йиллик савдо айланмаси йил сайин ошиб борган. Унда Тошкентнинг улуши ортиб борганлигини эътироф қилиш мумкин. Савдо айланмасининг ошиб бориши, асосан вилоятдан Россия манфаатларига хизмат қиладиган товарларни олиб кетиш, Россияда ишлаб чиқилган, аҳоли эҳтиёжига айланган товарларни олиб кириш эвазига ошиб борганлиги маълум бўлади. Вилоятдан Россия ва бошқа худудларга олиб кетилаётган товарларни асосан пахта ва чорва моллари ташкил қилган. Товарларни ташиш учун транспорт воситаси сифатида туялардан фойдаланилган.

Бу маълумотларни таққосланса, қуйидаги ҳолат кўзга ташланади. Яъни, 1898 йилда Сирдарё вилоятининг йиллик савдо айланмаси 45.300.000 рублни ташкил этган ҳолда, 1899 йилда 69.700.000 руб.га кўтарилган, унинг 40.000.000 руб. Тошкент шаҳри улушига тўғри келган. 1901 йил савдонинг йиллик айланмаси 85 млн.рублга ошган бўлиб, унинг тахминан ярми Тошкент шаҳри улушига тўғри келган. Демак, Сирдарё вилоятининг йиллик савдо айланмаси йил сайин ошиб борганлиги билан бир вақтда, унда Тошкент шаҳрининг ўрни ҳам ортиб борган. Бу кўрсаткичлар йил сайин Россия кўпроқ Сирдарё вилоятини ўзининг мустамлака тизимига киритиб олаётганлигидан, савдо муносабатларида Тошкент шаҳри нуфузининг ошиб борганлигидан далолат беради.

Империяга Туркистондан катта миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб чиқиб кетилган, шу билан бирга солиқларни ҳам тўлашга тўғри келган. Аммо тўлайдиган солиқлари бўйича қарздорлик ўлка аҳоли зиммасида қолиб кетаверган. Масалан, 1898 йилда Сирдарё вилояти аҳолисидан 1.388.377 руб. 1 коп. солиқ хазинага келиб тушган, Тошкент уyezди аҳолисидан ўтган йиллар учун тўланмаган 15.763 руб. 16 коп. солиқ ундириб олинган¹. 1900 йил ҳисоботида вилоят аҳолисидан 1.461.780 р. 36 коп. солиқ йиғилганлиги, аммо 458.418 р. 89 к. солиқ Тошкент уyezди аҳолиси томонидан тўланмаганлиги қайд этилган². 1901 йил ҳисоботида эса вилоят аҳолисидан 1.607.284 руб 95 коп. солиқ йиғиб олинганлиги, аммо Тошкент уyezди аҳолиси 476.988 руб. 51 коп. солиқ тўлай олмаганлиги туфайли қарздор бўлиб қолганлиги эътироф қилинган³. Ҳисоботларда 1892 йилда Тошкентда бошланган безгак касаллиги сабабли аҳоли солиқларни тўлаш қувватига эга бўлмаганлиги учун қарздор бўлиб қолаётганлиги қайд этилиши билан бирга, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш каби инсонийлик ёрдамлари кўрсатилмаган. Россия ҳукмрон доиралари қарздор аҳолини қарзидан воз кечмаган. Хуллас, Туркистон ўлкаси, хусусан Тошкент империянинг арзон хом ашё манбаига айлантирилиб, бу худуд асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва моллари етказиб берадиган, рус товарлари сотиладиган қулай бозорга айлантирилди.

¹ Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 1983. – Л. 88 об.

² Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 240. – Л. 78.

³ Фонд – И-1, опись – 12, ед.хр. 240. – Л. 81 об.



АРИПОВА ЗУХРА

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎХИА

Миср “буржий” (черкес) мамлуклар ҳокимияти даврида

Аннотация. Миср ўрта аср тарихида туркий султонлардан тўлунийлар, ихшидийлар, мамлукларни ўзига хос жиҳатлари кўзга ташиланади. Бу даврларда барпо этилган диний тарихий обидалар, қадамжолар бу султонларни фаолиятларини бир қисми бўйича маълумот бера олади. Ушбу илмий мақолада 1250-1517 йилларда Мисрда ҳокимиятни қўлга киритган мамлук султонларининг ҳукмронлиги ва унинг шаклланиш жараёнлари, дастлаб Мисрда мамлукларни кириб келиши, уларни тахтни эгаллаши билан боғлиқ тарихий воқеалар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек буржий мамлук султонларининг ҳукмронлик даври (1382-1517) билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилган. Юқорида зикр этилган масалалар билан бир қаторда, ушбу мақолада баҳрий мамлуклардан кейин тахт тепасига келган буржий мамлукларга оид маълумотлар ўрганилган: нима сабабдан улар ҳукмронликни ўз қўлларига олганлари каби масалалар тарихий фактлар асносида таҳлил қилинган. Ўрганилатган даврнинг яна ўзига хослиги ва аҳамиятли жиҳати – араб маданиятига жадал равишида туркий унсурларнинг кириб келиши эди.

Таянч сўз ва иборалар: Миср, мамлук, султон, баҳрий, буржий, тарих, мадраса, ишиот, шаҳар, тарихий жараён, илм-фан.

Аннотация. В средневековой истории правления Египта особое место занимает султаны тулунидов, ихшидов и мамлюков. Религиозно - исторические памятники и святыни, построенные в данный период, могут предоставить обширную информацию о правлении султанов.

В данной статье рассматриваются исторические события, связанные с периодом господства мамлюков в Египте в 1250-1517 годах, и неоспоримые исторические факты, которые привели их на престол Египта.

Автор статьи также затрагивает вопросов, связанных с правлением бурджитских султанов (1382-1517), последовательно освещается история возникновения бурджитских мамлюков, пришедших на престол после бахритских мамлюков. Также проводится анализ исторического процесса, касающегося их прихода к власти. Другой особенностью и значением изучаемого периода является быстрое распространение и проникновение тюркских элементов в арабскую культуру.

Опорные слова и выражения: Египет, страна, султан, бахриты, бурджиты, история, медресе, строительство, город, исторический процесс, наука.

Abstract. In the medieval history of the rule of Egypt, a special place is occupied by the sultans of the Tulunids, Ihshids and Mamluks. Religious - historical monuments and shrines built during this period can provide comprehensive information about the rule of the Sultans.

This article discusses the historical events associated with the period of the reign of the Mamluks in Egypt in 1250-1517, and the undeniable historical facts that led them to the throne of Egypt. The author of the article also touches on issues related to the rule of the Burjiti sultans (1382-1517); the history of the emergence of the Burjiti Mamluks who came to the throne after the Bakhrite Mamluks is consistently highlighted.

An analysis of the historical process regarding their coming to power is also carried out. Another feature and significance of the period under study is the rapid spread and penetration of Turkic elements into Arab culture.



Keywords and expressions: *Egypt, country, sultan, bourgeois, history, madrasa, building, city, historical process, science.*

Бугунги кунда мамлакатимиз маънавий-маърифий соҳада инновацион туб ўзгаришлар босқичидан ўтаётган бир даврларда ислом маърифати ва маданиятининг тикланиши, ислом артефактлари, хусусан тарихи, ёдгорликлари, илмий мероси кабиларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, диний-маърифий соҳани ривожлантириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуси билан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Калом ва Ҳадис мактабларини ташкил қилиш, Бухоро Мир Араб мадрасасига олий таълим муассаси мақомини бериш, Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил қилиш кабилар мазкур туб ўзгаришларнинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқларида – “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва аждодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”-деган эдилар¹.

Бизнинг тарихимиз ҳамда Миср тарихи ўртасида узвий боғлиқликлар бор. Мисрда мамлуклар томонидан бошқарилган давр – 1250-1517 йилларни олсак, бу ҳукмронлик икки – баҳрийлар (1250-1382) ва буржийлар (черкеслар) (1382-1517) бошқарган даврни ўз ичига олади. Биринчи даврдаги мамлуклар – Мовароуннаҳрдан келтирилган қуллар, кейинчалик султон даражасига кўтарилиб, Мисрда ҳаттоки, ўзларининг она тили – туркий тилларини сақлаб қолишга муяссар бўлишган.

Дастлаб Аббосий халифа Ма‘мун (813-833), сўнг халифа Му‘тасим (833-842) ўз салтанатида бир ҳарбий фирқада туркманлар ва хоразмликлар хизматидан фойдаланишни афзал кўришган. Аббосий халифаликлар силсиласида мамлукларнинг муттасил ҳарбий хизмати шундан бошланган². Халифаликда вазирлик лавозими форслар қўлига ўтиб қолгани, агар армияда ҳам форслар устунликка эришишса, ҳокимият тўлиғича уларни қўлига ўтиш хавфи юзага келгани сабабли, форслардан тузилган дастлабки шундай ҳарбий бўлинма халифа ишончини оқламаган. Шу боисдан, халифалар ҳарбий хизматида туркийлардан фойдаланишни маъқул кўришган³.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi // Xalq so‘zi, 2016, 19 oktabr

² Xasanov A.A. Sotsialno-politicheskiy stroy mamlukskogo Egipta, pri cherkesskix sultanax (1382-1517). Avtoreferat diss. Na soisk. kand.ist. nauk. – M.,1975. – S. 3. Al-Ibodiy Ahmad Muxtor. Fi-tarix al-ayyubiy va-l-mamluki. – Iskandariyya:Al-muassasa shabbob al-jomi‘a, 1992. – B. 6-7

³ Hasan Ali Ibrohim. Tarix al-mamolik al-bahriyya. – Qohira: maktaba an-nahda al-misriyya, 1967. – B. 23.



Айниқса, Мисрда Тўлунийлар, Ихшидийлар ва Фотимийлар сулолалари даврида мамлукларни ҳарбий хизматга жалб этиш жуда кенг тус олган.

1171 йилда Салоҳ ад-дин Айюбий курд мамлукларидан тузилган ҳарбий қўшин ёрдамида Миср ҳукмрони бўлган эди. Унинг даврида турк мамлуклари янада кўпайди. 1174-1175 йилларда Бағдод халифаси Мустазиъ (1170-1180) Мисрда Салоҳ ад-дин Айюбий ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, унга султонлик мансабини берди ва ҳуқуқий томондан ҳам тасдиқлади. Бу султон Салоҳ ад-дин ва унинг издошлари мустақил ҳукмдор сифатида давлатни бошқаришганини англатади. Уларнинг обрў-эътибори ошишига асосан диний омил сабаб бўлган. Зеро Айюбийлар сулоласининг асосчиси биринчи навбатда фотимий даврида жорий этилган шиа йўналишини сиқиб чиқариб, суннийликни қайтаришга қарор қилди ҳамда фотимийларнинг Мисрдаги ҳукмронлик қолдиқларини тамомила йўқотиб, улар ўрнига ўзининг суннийлик сиёсатини киритишга муваффақ бўлди. Бошқа томондан Салоҳ ад-дин Айюбий салбчиларга қарши олиб борган изчил кураши мусулмонларнинг диний қарашларига кучли таъсир кўрсатди ҳамда курд, турк ва арабларни умумий ғоя атрофида бирлаштирди. Натижада у салбчиларни босиб олинган кўпгина минтақалардан (баъзи денгиз олди минтақаларидан ташқари) қувиб чиқарди.

1250 йилда Султон Туроншоҳнинг ўлиmidан сўнг, Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажарат ад-дурни лозим кўрадилар. “Шажарат-ад-дурни Аббосий халифа Муста‘сим биллоҳ Бағдоддан Қоҳирага Нажм ад-дин Айюбийга юборган эди. Айюб тахтга ўтиргач, Шажарат ад-дурнинг ҳам мартабаси ошди уни Айюб кулликдан озод қилиб, унга уйланди. Уни “*ал-малика-т-исматуд-дийн Шажарат ад-дур*” (малика дур дарахти), “*би малика-т-ил-муслимин волида т-ил-малик Халил*” (мусулмонларни маликаси, подшоҳ Халилни онаси) - деб атардилар. Ўз қўшинининг бошқаруви учун талантли ҳукмдорга эҳтиёж сезгач, у бош қўмондон Ойбекка турмушга чиқади. Му‘из ад-дин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтиргач, энди бевосита мамлуклар бошқаруви даври бошланди.

Айюбий султонлар каби баҳрий султонлари ҳам ўз қўшинларини мамлуклар ҳисобидан кўпайтиришга катта аҳамият беришган. Уларнинг аксарияти туркманлар, хоразмликлар, татарлардан иборат эди. Шунингдек, улар орасида оз миқдорда курд, қипчоқ ва черкеслар ҳам учрарди. Қўшин ва бошқарув ҳокимиятининг каттагина қисмини эгаллаган мамлук амирлари султоннинг мутлоқ ҳукмдорлигини сезиларли даражада чеклаб қўйганди. Иш шу даражага бориб етдики, йирик мулкдорларга айланган “баҳрий” мамлуклари хоҳлаган вақтда султонни ҳокимиятдан четлатиб, ўзига маъқулини тахтга ўтказиш имконига эга эдилар. Шунинг учун 1279 йилда тахтга ўтирган Султон ал-Мансур Сайф ад-дин Қаловун ташқи кўриниши жиҳатидан баҳрий мамлуклардан буткул фарқ қиладиган янги мамлуклар қўшинини тузишга қарор қилди. Одатда султон учун мамлуклар харид



қилиниши ва уларнинг турмуш-тарзи давлат хазинаси ҳисобидан бўларди, лекин Султон Қаловун уларни ўз сармоёси ҳисобидан сотиб олди. Бунда у этник ва ташқи кўринишлари жиҳатидан туркийлардан сезиларли фарқ қилганлари учун черкесларни танлади. Шундай қилиб, у ўзининг шахсий кўшинини тузишга ҳаракат қилди. А.Ҳасановнинг таъкидлашича: “Султон Қаловуннинг бу қарорга келишига асосий сабаб, черкесларнинг ўша вақт кул бозорларида кўп сонли эканлиги ва арзонлиги бўлган, чунки бир черкес мамлук ўртача 110-120 динар, бир туркий мамлук эса 130-140 динар баҳоланган”¹.

Янги мамлуклар Қоҳира қалъаси ичидаги минора кўринишидаги “бурж” га жойлаштирилган. Айнан шу номдан уларнинг “*буржий мамлуклар*” атамаси келиб чиққан².

Қалъанинг минораси кичик ва оддийгина бўлиб, у фақатгина султон мамлуклари учун эди. Шунга кўра, Султон Қаловун 1283 йилда мамлуклар учун мўлжалланган маҳсус катта янги минора шаклидаги қалъани курди ва уни “*ал-Бурж ал-кабир*” (Катта бурж) деб атади. Ушбу қалъа фақатгина янги кўшин учун мўлжалланган эди. Султон Қаловуннинг бошқаруви ниҳоясида (1289) буржий мамлуклар сони 3700 га етди. Султон Қаловун уларни “*ал-хосикия*” деб атаб, уларга фахр бахш этиб турадиган кийимлар, учқур отлар, ажойиб турли совғалар инъом этди³.

Бошқа атама – черкес – уларнинг асли ватани бўлмиш Грузия ва Черкес давлатларига нисбатан берилган бўлиб, кейинроқ қабул қилинган. Ўрта аср араб тарихий – географик адабиётларида “Шаркасия” деб умуман Кавказ, яъни Қора ва Каспий денгизлари оралиғи аталган.

Носир Муҳаммад бошқаруви (1340) якунида буржий мамлукларни черкес деб атала бошлади⁴.

Султон Халил ибн Қаловун (1289-1293) отаси амалга оширган сиёсатини давом эттириб, буржий мамлуклар сонини 10 мингга етказишга ҳаракат қилган. Яна бир эътиборга молик нарса шундаки, Султон Халил олдин амалда бўлган қонунларга, жумладан қалъадан чиқишни таъқиқловчи қоидаларга ўзгартиришлар киритган⁵. У мамлукларга кун ботиши яъни шомга қадар этиб келиши шарт билан кундузи қароргоҳдан чиқишга руҳсат берган. Мамлукларга яратиб берилган бундай озодлик уларнинг султонга кўпроқ боғланишига олиб келган. Халилнинг мамлукларини унинг нисбасига

¹ Хасанов А.А. Formirovaniy cherkesskoy gruppировки mamlukov v Egipte// Arabskie strain, Turtsiya, Iran, Afganistan. Istoriya ekonomika. M., 1973. – S. 160; Ashur Abd al-Fattoh. Asr al-mamalik fi Misr va-sh-Shom.- Qohira: Dor an-nahda al-arabiyya, Iqism, 1965– B. 136-137

² Hasan Ali Ibrohim. Misr fi-l usur al-vusta. 5-nashr. – Qohira: maktaba an-nahda al-misriyya, 1960. – B. 228

³ Taqiy ad-din al-Maqrizi Kitob al-Mavo‘iz va-l i‘tibor bi zikr al-xutat va-l-osor. J.2.- Buloq: Kaston viit, 1906-1908 – B. 214

⁴ O’sha manba. O’sha bet

⁵ Hakim Abd as-Said. Qiyom davlat al-mamolik as-soniyya. – Qohira: al-Hayya al-misriyya. 1967. – B. 12



мувофик “*ал-ашрафия*” деб номлашган. Бу атаманинг пайдо бўлиши, жамоанинг ёки мамлуклар партиясининг вужудга келганидан далолат беради. Шу вақтдан бошлаб, баҳрий ва буржий мамлуклар ўртасида рақобат бошланган. Султон Халил ҳукмронлиги ниҳоясида буржий жамоа сони 5700 кишига етиб, баҳрий мамлуклар сонидан ошган¹.

Бу жамоалар ўртасидаги биринчи тўқнашув 1294 йилда содир бўлиб, султон ноиб Амир Байдара томонидан уюштирилган суиқасд натижасида Султон Халил ўлдирилади. Унинг 9 ёшли укаси Носир ад-дин Муҳаммад ибн Қаловун султон деб эълон қилинади. Муҳаммад Қаловун отаси ўлганда 5 ёшда эди. Уни акаси Халил тарбия қилганди.

Дастлаб буржий мамлуклар жамоаси аниқ бир бошлиққа эга эмас эди, ким сахий бўлса, улар ўшанга эргашарди. Шомга (1299-1303) Илхон Маҳмуд Ғазанхоннинг бостириб кириши мобайнида буржий мамлуклар илхонийларнинг устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Бу ҳолат уларнинг давлатдаги мавқеларини янада мустаҳкамлади. Буржийлардан юзбоши ва каттагина ноиблар чиқди. Биринчи бўлиб, буржий амирлар вазир этиб тайинланди. Бу вақтда буржий жамоанинг бошлиғи Бейбарс Жошангирни барча тан олган².

1309 йилда Султон Носир Муҳаммад Ҳаж зиёратига кетганидан фойдаланган икки амир Салор (туркий), Бейбарс (черкес) ҳокимият учун кураш бошладилар ва у Бейбарснинг ғалабаси билан тугади. Шу йили амирлар кенгаши Бейбарсни султон деб эълон қилди³. Бу мамлук султонлари ичидаги черкесларнинг биринчи султони эди. Лекин бу черкес ҳукмронлиги ўрнатилди деган маънони бермас эди, чунки амалдорларнинг кўпчилиги туркийлар бўлгани учун Бейбарс ҳокимиятини тан олмадилар. Тез орада, Носир Муҳаммад олдин Шомга қайтди, сўнг Мисрга юриш бошлади.

Носир Муҳаммад буржий мамлукларга нисбатан сиёсатини ўзгартириб, отаси ва акаси амалга оширган ишларига ўзгача - асосан туркий мамлукларни сотиб олди ва уларнинг сонини 12 мингга етказди.

Черкес мамлукларининг яна бир чиқиши 1346 йилда бўлиб, унда қўзғолончилар Султон Сайф ад-дин Ша‘бон I ни тахтдан ағдардилар. Тўнтаришни бошқарган черкес амирлари бутун ҳокимиятни қўлга олдилар ва шундан сўнг яна черкес мамлуклари армияга жалб этила бошланди. Уларнинг кўпчилиги юқори мансабларга эришиб, давлатдаги ҳокимият учун курашда қатнашди. Энг фаол иштирокчилардан бири Амир Баркук эди.

¹ Ibn al-Furot. Tarix ibn al-Furot. J.8– B.180

² Xasanov A.A. Sotsialno-politicheskiy stroy mamlukskogo Egipta, pri cherkesskix sultanax (1382-1517). Avtoreferat diss. Na soisk. kand.ist. nauk. – M.,1975. – S. 9.; Ashur Abd al-Fattoh. Asr al-mamalik fi Misr va-sh-Shom.- Qohira: Dor an-nahda al-arabiyya, 1qism, 1965– B. 140

³ Xasanov A.A. Sotsialno-politicheskiy stroy mamlukskogo Egipta, pri cherkesskix sultanax (1382-1517). Avtoreferat diss. Na soisk. kand.ist. nauk. – M.,1975. – S. 10



Барқуқ тахминан 1340 йилда черкес қабилаларидан бири Касада туғилган. 20 ёшга тўлганида Қрим қул бозорларидан биридан хоразмлик машҳур қул сотувчи ‘Усмон ибн Мусофир уни харид қилади. 1363 йилда қул савдогари Барқуқни Қоҳирага олиб келади ва амир Йилбуға ал-‘Умарий “*Отабек ал-асоқир*” (олий бош кўмондон)га сотади. Ўзининг ноёб қобилияти туфайли у 4 йилдан сўнг амир Йилбуғанинг яқин кишиларидан бирига айланади. 1366 йилда Барқуқ амир Йилбуға томонидан уюштирилган султонга қарши суиқасдда иштирок этади. Бу ҳолат султон мамлуқлари томонидан бостирилади¹.

Барқуқ бир қанча махфий фитналарда қатнашади. 1368 йилда Султон Носир ад-дин Ша‘бон II бир неча қўзғалончилар қатори Барқуқни ҳам Каракка (Фаластин) бадарға қилади. 1371 йилда сургундагилар озод қилинган, у Дамашқ ҳокими хизматига киради ва Қоҳирага қайтиб, султоннинг ўғиллари ‘Али ва Ҳожи кўлида ишлайди.

Барқуқнинг ҳокимиятга қарши уринишлари бекор кетмади ва ниҳоят, 1377 йилда у отабек бўлди. Ҳокимият учун ҳал қилувчи курашга тайёрлана туриб, Барқуқ черкес мамлуқларини кўплаб сотиб ола бошлади. Жойлардаги бошқарув вазифасидан туркийлар аста-секин олиб ташланиб, уларнинг ўрнига черкес амирлари ўтиради. 1382 йилда заиф Султон ‘Али ибн Ша‘бон вафот этади. Барқуқнинг маслаҳати билан султоннинг тўққиз ёшли ўғли Салоҳ ад-дин Ҳожи II султон деб эълон қилинди. Қоҳирадаги Аббосий халифаси ал-Мутаваккилнинг буйруғи билан Ҳожининг назоратчиси этиб Барқуқ тайинланди.

Ҳокимият тўлалигича Барқуқ кўлида бўлганлиги учун амирларнинг ҳеч бири султон бўлиш учун ўз номзодини қўя олмас эди. 1382 йил 26 ноябрда у халифа ва тўрт мазҳаб қозиси ҳамда катта амирлар билан кенгаш чақириб ёш султон ўрнига ўтириш ҳақидаги масалани кўтариб чиқди. Кенгаш бир овоздан Султон Ҳожи ўрнига отабек Барқуқ номзодини қўллаб – қувватлайди. Шундай қилиб, баҳрий мамлуқлар бошқаруви яқунланиб, буржий (черкес) лар сулоласи бошқаруви даври бошланди².

Шуни айтиш керакки, чамаси 100 йилча икки жамоа ўртасида ҳокимият учун кураш давом этди. Бу курашда черкесларнинг кўплаб келтирилиши, улар сонининг кескин ортганлиги катта аҳамият касб қилди. Бошқа муҳим омиллар ҳам йўқ эмасди, албатта. Бу вақтда Мовароуннаҳрда Амир Темур марказлашган

¹ Ibn Tag'riberdi Abu al-Mahosin. Kitob an-Nujum az-Zohira fi muluk Misr va-l Qohira. 16 jildli –Qohira, 1963-1972.– B.182;

Xasanov A.A. Formirovaniy cherkesskoy gruppировки mamlukov v Egipte// Arabskie strain, Turtsiya, Iran, Afganistan. Istoriya ekonomika. M., 1973. –S.163

² Xasanov A.A. Sotsialno-politicheskiy stroy mamlukskogo Egipta, pri cherkesskix sultanax (1382-1517). Avtoreferat diss. Na soisk. kand.ist. nauk. – M.,1975. – S.12.;

Poliak A.N. Nlecaractere colonaial de L'Etat mamelouk dans ses Rapporte avec la Harde d'or. – Paris. 1935. – P.241-242



давлат курганлиги сабабли, биронта ҳам бахрий мамлуклар у минтақалардан келтирилмаган ва келтирилиши ҳам мумкин эмасди. Айни вақтда А.Полякнинг фикрича, XIV асрнинг иккинчи ярмида Олтин Ўрданинг тугатилиши натижасида Олтин Ўрдага қарам бўлган Кавказ мамлук етказувчи асосий жойга айланганди. Демак, янги мамлуклар асосан черкеслар бўлиб, туркий мамлук амалдорларнинг ўрнини аста-секин улар эгаллаб мамлакатдаги энг таъсири кучли жамоага айланди. Шунинг учун ўша давр тарихчилари мамлакатни черкес “*Давлат ал-мамлик ал-жарокиса*” (Черкес мамлуклари давлати) номи билан аташган.

Юқорида айтилганидек, Мисрда черкес мамлукларининг ҳоқимияти ўрнатилиши Ўрта Осиёда мустақкам давлат тузиб, уч, беш, етти йиллик юришлари билан машҳур бўлган Амир Темур даврига тўғри келди. Миср султонлигининг шарқий ҳудудларига чегарадош кичик давлатлар, Султон Барқукдан ёрдам сўраб мурожаат қиларди. 1383 йилда Санжар, Қайсар ва Тикритнинг ҳукмдорлари Миср султонлигига васий сифатида қабул қилинди. Бағдод ҳоқими Аҳмад ибн Увайс Амир Темур Ироқни босиб олганидан сўнг ўз қароргоҳини Қоҳирага кўчирди. Султон Носир Фаражнинг маслаҳатчиси сифатида Амир Темур билан битим тузиш ҳақидаги масала кўриб чиқиляётганда машҳур ўрта аср тарихчиси ‘Абд ар-Раҳмон ибн Халдун иштирок этганлиги ва унинг маълумоти тадқиқот доирасини кенгайтиришда самарали эканлигини таъкидлаш жоиз. XIV аср охири XV асрда яшаб, ижод этган кўпгина Миср муаррихларининг асарларида Амир Темурга тегишли маълумотларни кўплаб учратиш мумкин. Ибн Халдун Амир Темур билан 1401 йилнинг январь-февраль ойларида Дамашқ шаҳри ва унинг бўсағаларида бир неча бор учрашган. Дамашқ шаҳрининг қамали билан банд бўлган Амир Темур Ибн Халдун ҳақида у Миср аскарлари билан жўнаб кетдими ёки шаҳарда қолдими, деб суриштиради. Демак, Амир Темур Ибн Халдун тўғрисида баъзи маълумотлар билан учрашмасдан олдин эга бўлган. Шундан сўнг, олим олдида икки йўл бор эди: ё Миср султони Носир Фараж ва баъзи амирларга ўхшаб Қоҳирага яширин тарзда қочиш ёки Соҳибқирон Амир Темур қароргоҳига бориш. У иккинчисини онгли равишда, тўғри йўлни танлади. Ҳаёти хавф остида бўлишига қарамай, 69 ёшни қоралаган мутафаккир қамалдаги шаҳар деворидан арқонда осилиб тушиб, Амир Темур билан учрашишдан Ибн Халдуннинг ўз ибораси билан айтганда: “ўзга чора йўқ эди”. Негаки, у эрта-индан батамом ҳимоясиз қолдирилган шаҳар аҳолисининг ҳоли не кечажагини яхши тасаввур қиларди. Шу боис у Амир Темурдан шаҳар аҳолисига омонлик тилаб олишга қарор қилди ва бу олижаноб мақсадига эришди ҳам¹.

Биринчи мулоқотдаёқ Амир Темур ва Ибн Халдун ўрталарида илиқлик пайдо бўлди. Шундан сўнг Ибн Халдун ва Амир Темур 35 кун мобайнида суҳбат қуришган.

¹ Tarxon Ali Ibrohim. *Misir fi asr davlat al-mamolik al-jarakisa*. – Qohira: maktaba an-nahda al-misriyya, 1960. – B.88.



Ибн Халдун Мисрга қайтгач, ўзининг эски ҳомийси – Мағриб ҳокимига мактуб йўллаб, Амир Темур билан мулоқотлари ҳақида ёзди. Олим бу пайтда Соҳибқирон Самарқандга қайтиб кетганидан хабардор, демак, Амир Темур тўғрисида қўрқмасдан эркин фикр билдириши, ҳатто қоралаши ҳам мумкин эди. Аммо Ибн Халдун мактубни қуйидаги сўзлар билан тугаллайди: “Ана шу малик (подшоҳ) Амир Темур подшоҳларнинг сардори ва энг буюғидир. Баъзи одамлар ани илм билан боғлайдилар, ўзгалар...анда қандайдир сеҳр бор, дейдилар. Буларнинг бариси анинг ҳақиқий таърифи олдида ҳеч нарса эмас. Аслида ул одамни ўзига ғоят мафтун этадигон ва ўта заковатли, ёши 60-70 орасидаги...зот”¹.

Миср мамлук султонлари 1405 йилда Амир Темурнинг вафоти туфайли бу мамлакатни босиб олиш хавфидан қутуладилар.

Соҳибқирон билан Ибн Халдун олиб борган фикр алмашувлари Амир Темурнинг нафақат буюк саркарда ва давлат арбоби, балки замонасининг билимдон кишиси бўлганини тасдиқлайди.

Шуни эътироф этиш керакки, буржий мамлуклар ҳам, баҳрий мамлуклар каби туркий тилда суҳбатлашишган ва туркий исмларни олишган.

Черкес мамлуклари даврининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат эди.

1) Буржий мамлуклар султонларининг ҳарбий аскарлари олдинги баҳрий мамлук султонлари қўшинларига нисбатан кўплиги;

2) Султон қўшинлари мустақил жамоага айланиб, уларни ўша вақтда “*ал-ашрафия*”, “*ал-муаййидия*”, “*ан-Носирия*” деб аташганлиги;

3) Султонлар кўриниши жиҳатидан ҳайбатли бўлса-да аслида, улар қўшинларини ушлаб туришга ҳам ожиз эканлиги;

4) Бу даврда юз берган Амир Темурнинг юришлари, Қизил ва Ўрта ер денгизларида Европа денгиз қароқчиларининг ҳужумлари, ички фитналар кўпайгани, усмоний турклар мамлуклар султонлигининг энг асосий душманларидан бири эканлиги².

Бу ҳақда, яъни буржий (черкес) мамлуклари даври ҳақида бошқа бир Миср тадқиқотчиси ‘Али Иброҳим Тархоннинг ҳам ўз қарашлари мавжуд:

1) улар даврида ҳокимият бир султондан иккинчи султонга ўтар эди (яъни баҳрийлар каби меросли эмасди);

2) салтанатга ўтириш учун иғво ва фитналар авжига чиққан;

3) Султон тайинлаш ва сайлаш ишларида аҳолининг рағбати ва хоҳиши умуман эътиборга олинмаган³.

¹ Tarxon Ali Ibrohim. *Misr fi asr davlat al-mamolik al-jarakisa*. – Qohira: maktaba an-nahda al-misriyya, 1960. – B.88.

² Hasan Ali Ibrohim. *Misr fi-l usur al-vusta*. 5-nashr. – Qohira: maktaba an-nahda al-misriyya, 1960. –b.228

³ Tarxon Ali Ibrohim. *Misr fi asr davlat al-mamolik al-jarakisa*. – Qohira: maktaba an-nahda al-misriyya, 1960. – B.13.



Шунга қарамай, Миср давлатининг ислом дунёсидаги мавқеи ўзига хос юқори даражада эди. Буни шундай изоҳлаш мумкин-ки, мамлук султонларига гўё ислом дини химоячиси ва уни сақловчиси сифатида қарашган. Умуман олганда, Қоҳира мамлук ҳарбий бошлиқларининг обрў – эътибори Аббосий халифанинг қароргоҳи Мисрдалиги туфайли юқори бўлган. Ҳақиқатан ҳам ўрта аср тарихчиси аз-Зоҳирий ўз асарида мамлук давлатининг тузилиши ҳақида шундай дейди: “Аслида султон лавозимида Миср ҳукмдоригина ҳақли, бўлган. Изланишлар шуни кўрсатадики, амирлар унга ҳуқуқий асосда султонликни берганлар”¹. Мамлуклар даври тарихчиси ас-Суйутининг ёзишича: “Ҳамма давлатлар қўшини кучи ва ҳарбийлари миқдори Миср султонлар қўшинлари кучи ва ҳарбийларидан кам бўлмаган. Масалан: Форс, Ироқ, Рум, Мағриб. Лекин иймон ва ислом қоидаларига риоя этиш, ҳадис, сунна ва фаннинг кенг ёйилиши уларда Мисрдаги каби эмас”².

Аммо, ас-Суйутий тасвирлаганидан фарқли равишда баъзилар Мисрни қонунсиз мамлакат дейишган. Абу ал-Маҳосин Ибн Тағрибердий (1411-1470) бу ҳақда куюниб қуйидагича ёзади: “унинг қозиси яқиндагина мусулмон бўлган мўмин, унинг шайхи-христиан”³. Бундай қарама-қарши фикрлар юзага келиши табиий ҳол. Кўпинча бу муаллифнинг олий ҳокимиятга, султонлар билан муносабати билан боғлиқдир.

Ҳасан ал-Вазан (1489-1554)нинг ёзишича мусулмон бошқарувчилар халқ ҳақида қайғуришлари, фақатгина керакли солиқларни олишлари ва жамиятнинг фойдали томонларига сарфлашлари, айниқса, фақирларга, касалларга ва беваларга ёрдам бериб, ноҳақликка қарши курашишлари лозим⁴. Миср султонлари ушбу вазифаларни унутиб, ўзбошимча бўлган ва фақат ўз манфаатларини кўзлаган. Яна унинг ёзишича “Африкадаги барча мамлакатлари орасида халқнинг хоҳиш истаги билан султон ёки муҳофиз ёки шаҳарга ҳоким бўлганини топиш мумкин эмас”, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзларига қараганда, халифадан бошқа ҳеч қайси ер мулкдори, ўзини қонуний ер эгасиман, дея олмайди⁵.

Ўша пайтда Париждан уч барабар катта бўлган Қоҳирада, барча араб давлатлари каби, фақирлик ҳукмрон эди. Султон қасридаги бойлик, зебзийнатга ҳаддан зиёд ружу қўйилгани оддий мусулмонларнинг ғзабини кўзгаган. Жумладан, Қоҳирада омма орасида “собик куллар овқатни ҳам фақатгина олтин товоқларда пиширишади деган гаплар юрган. Саройга бориб пул топишга интилувчи қўшиқчи, муҳаддис, шоир ва мусиқачилар тўғрисида ҳам турлича миш-мишлар бўлиб, ҳар ким бу ҳолатни ўзича муҳокама қилган”⁶.

¹ Bartold V.V. *Xalif i sultan*. // Bartold V.V. – Sochineniya. T. VI. – Moskva, 1966– s.41

² O'sha asar. S – 42.

³ Ivanov N.A. *Osmanskoe zavoevanie arabskix stran (1516-1517)* – M.: Nauka, 1984 – S.14.

⁴ Bartold V.V. *Xalif i sultan*. // Bartold V.V. – Sochineniya. T. VI. – Moskva, 1966– s.15.

⁵ L'Africain jean-leon. *Description de l'Afrique*. Ж.1. – Parij, 1956. – P.235

⁶ Muir William/ *The Mameluke or Slave dynasty of Egypt. 1260-1517. A.d.l., 1896.* – P.190



Ҳасан ал-Ваззан “Бундай шароитда инсофли одамлар ҳақ йўлидан адашган ҳокимлардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилишган. “Жамиятда яхши ном ва обрў-эътиборли кишилар саройда ишлашдан ўзларини олиб қочар эдилар. Улар ҳаттоки, саройда хизмат қилувчи амалдорларга қизларини турмушга беришни ҳам хоҳлашмаган”, - деб ёзганди¹.

Шунинг учун жамиятдаги кишилар ҳокимиятдан юз ўгиришган. Мусулмонлар расмий бошлиқларига нисбатан ишончни йўқотган, уларга шахслар сифатида эмас, балки ноинсофлар сифатида қарашган. “Бундан кўриниб турибдики”, - дейди Ҳасан ал-Ваззан “биронта ҳам инсофли ёки ўқимишли одам улар билан оилавий риштани боғлашни, бир дастурхондан овқатланишни ва ҳаттоки совғалар қабул қилишни хоҳламайди. Умуман олганда ҳукмронларнинг мулки ўғирлик ҳисобланиб, ҳалол эмас эди”².

XV аср охири XVI аср бошларида аҳвол ўзгарди. Мамлуқлар ғарбий Европа давлатлари тазйиқига қарши чиқишга ожизлик қила бошладилар. Н.А.Ивановнинг фикрича: “Ислом султони” мусулмонларнинг ҳаёти, мулки ва ҳаттоки, динини ҳам сақлаб қолишга кучи етмасди³. У муқаддас шаҳарларнинг ҳомийси сифатида эътироф этилган бўлсада, ҳаттоки ҳаж зиёратчилари хавфсизлигини ҳам таъминлай олмасди. Юзлаб зиёратчилар португаллар қўлига асир тушиб қолиб, бошқалари эса бадавийларнинг Ҳижоз қўзғолони (1502-1508) қурбони бўлдилар. 1503-1506 йилларда биринчи марта мамлуқлар ҳукмронлиги даврида ҳаж вақтинча тўхтатилди⁴.

Айни вақтда кўпгина иншоотлар мамлуқлар давридан қолган. Айниқса, Барқуқнинг масжид ва мақбараси, Қайитбой қалъаси, ал-Ғурий масжидлари ичида Қайитбой масжиди жозибадорлиги билан ажралиб турган. У ҳозирда ҳам мавжуд.

Черкес мамлуқлари султони Барсбой (1422-1438) шакарқамиш ишлаб чиқаришни бошқалар учун бир неча йилга таъқиқлади, яъни ўз монополиясига айлантирди ва уни катта фойда эвазига сотди. Бу даврда мамлакатда ўлат бўлгани сабаб, шакар дори сифатида фойдаланилар, табиийки, бунинг натижасида султон бойиди. Оддий халқ аҳволи жуда ёмон бўлиб, амалдорлар деҳқонларнинг етиштирган барча маҳсулотларини олиб кўйиши, солиқлар ҳаддан ортиқлиги натижасида уларнинг аҳволи янада ёмонлашди. Деҳқонларнинг қолган маҳсулотларини бадавийлар хужум қилиб олиб кўйиши натижасида мамлакатда очарчилик бошланди. Мисрда айниқса, мусулмон бўлмаганларга қийин бўлиб, улар бошқарув жойларидан ҳайдалар, солиқлар ҳам кўпроқ олинарди.

Қайитбой (1468-1496) ҳукмронлиги бошқа буржий мамлуқлардан ажралиб туради. У нисбатан Мисрнинг ички аҳволини мустаҳкамлашга, марказий ҳокимиятни кучайтиришга эришди. Шунга қарамай, халқнинг аҳволини

¹ Bartold V.V. Xalif i sultan. // Bartold V.V. – Sochineniya. T. VI. – Moskva, 1966– s.. 15

² L’Africain jean-leon. Description de l’Afrique. Ж.1. – Parij, 1956. – P.23

³ Ivanov N.A. Osmanskoe zavoevanie arabskix stran (1516-1517) – M.: Nauka, 1984 – S.14

⁴ O’sha asar. O’sha bet.



яхшилашга қаратилган унинг барча уринишлари самара бермади, чунки унинг бошқарувидан олдин ҳолат ачинарли тарзда ёмон эди.

Мисрда баҳрий мамлуклар даври (1250-1382) да Қаловун сулоласи наслдан наслга 100 йил давомида ўтиб келган бўлса, буржийлар даврида Носир Фараж (1398-1412) дан ташқари бошқа сулолаларнинг меросийлик анъанаси муваффақиятга эришмади.

Мисрда ҳокимият тепасида баҳрий мамлуклар даврида 25 та султон бўлиб, улардан ан-Носир Муҳаммад уч марта, ан-Носир Ҳасан эса икки маротаба орада узилишлар билан бошқарган бўлса, 1382-1517 йилларгача, яъни черкес мамлуклари даврида ҳаммаси бўлиб 25 та султон бўлган, улардан етти марта султонлар ҳаётликларида ўз ўғилларига ҳокимиятни мерос сифатида қолдирганлар. Аммо улардан учтасида ўғиллари жуда ёш бўлган, шунинг учун уларга қараб турувчи васийлар тайинланган. Ҳар уч ҳолатда ҳам бу наслдан наслга султонликнинг ўтиши узилган. Умуман олганда, отадан болага васият қилиб қолдирилган тахт мероси бир йилдан ошмай тугатилган.

Баҳрий мамлуклар даврининг қандай яқун топганлигини бир кўриб чиқилса, ўша вақтда Мисрда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий инқирознинг айрим жиҳатларини кўриш мумкин. Ожиз султонлар билан амирлар ўртасидаги қонли келишмовчиликлар шулар жумласидандир.

Демак, дастлабки икки дарё оралиғидан борган мамлукларнинг ўрнатган давлат бошқарув тизими, сўзлашув тили, анъаналарини буржий мамлуклар Кавказдан бўлишларига қарамай, давом эттирган. Уларнинг урф-одатларини ҳам сақлаб қолганлар.

ШАКИРОВА ЗУЛФИЯ

тарих фанлари номзоди, доцент, ЎХИА

Мусулмонларнинг Мадинадаги яҳудий ва насронийлар билан ўзаро муносабатлари

Аннотация. Ушбу “Мусулмонларнинг Мадинадаги яҳудий ва насронийлар билан ўзаро муносабатлари” мақола пайгамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг Маккадан Ясрибга ҳижратларидан сўнг бўлиб ўтган воқеа –ҳодисаларга бағишланган.

Муҳаммад (с.а.в) Маккадан Ясриб шаҳрига ҳижрат қилган пайтларида у ерда яҳудийларнинг ҳар бири икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган Қайнуқоъ, Надир, Қурайза қабиласидан ташқари яна йигирмадан ортиқ майда ва нисбатан йирик уруғлари ҳамда арабларнинг Авс ҳамда Ҳазраж қабилалари истиқомат қилардилар. Надир ва Қурайза қабилалари деҳқончилик билан ишгулланган бўлса, шаҳар марказига яқин жойда истиқомат қиладиган Қайнуқоъ қабиласининг ери ва экинни бўлмагани учун улар хунармандчилик билан ишгулланган. Мадинада яшовчи яҳудийлар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим мавқега эга бўлиб, араблар яъни Авс ва Ҳазраж қабилалари билан ўзаро муносабатда бўлганлар. Мадинадаги савдонинг асосий қисми яҳудийлар қўлида бўлганидан улар моддий жиҳатдан бой ҳисобланишарди.



Мусулмонлар ҳижратидан сўнг Пайгамбар а.с. Ясрибда барқарор тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнатиш учун шаҳар аҳолиси билан шартнома тузади. Муҳаммад пайгамбар Мадинага ҳижрат қилгандан сўнг яҳудийларга аҳли китоблар бўлганлари учун ҳурмат билан қарар, уларнинг диний маросимларида иштирок этарди. Мақолада мусулмонлар ва яҳудийлар ўртасида тузилган шартнома шартлари ва у билан боғлиқ Қуръон оятлар ҳам келтирилган. Шунингдек, исломиюнос олимларнинг яҳудий ва мусулмонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида фикрлари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Ясриб, ҳижрат, яҳудий қабилалари, араб қабилалари, деҳқончилик, ҳунармандчилик, шартнома, Қуръон.

Аннотация. Эта статья посвящена событиям, происходящим после переселения пророка Мухаммада из Мекки в Ясриб. Когда Мухаммад (мир ему) переселился в Ясриб, там, кроме еврейских племен Кайнука, Надир и Курайза, жили такие арабские племена, как Авс и Хазрадж. Племена Надир и Курайза занимались земледелием, а племя Кайнука занималось ремесленничеством, так как у них не было плодотворных земель и проживали недалеко от центра города. Евреи, жившие в Медине, имели важный экономический и политический статус и были в контакте с арабскими племенами Авс и Хазрадж. Поскольку большая часть торговли в Медине находилась в руках евреев, они считались богатыми племенами города. После переселения мусульман, Пророк заключает договор с горожанами с целью установления мира и согласия между племенами и защиты города от врагов. Пророк (мир ему) уважительно относился к евреям, еврейским праздникам и церемониям, так как они являлись “Ахлул китаб” («Люди писания»). В статье также описываются условия договора между мусульманами и евреями, приведены стихи (аяты) из Корана, а также проанализированы взгляды различных ученых-исламоведов по отношению к евреям и мусульманам.

Опорные слова и выражения: Ясриб, переселение, еврейские племена, арабские племена, земледелие, ремесло, соглашение, Коран.

Abstract. This article is devoted to the events regarding the migration of the Prophet Muhammad (peace be upon him) from Mecca to Yasrib. When Muhammad (peace be upon him) moved to Yasrib, there lived such Arab tribes as Avs and Khazraj beside the Jewish tribes of Kainuk, Nadir and Kuraiza. The tribes of Nadir and Kuraiza were engaged in agriculture, while the Kainuk tribe was engaged in handicraft, because they did not have productive lands and lived near the Jews living in Medina had important economic and political status and were in contact with the Arab tribes such as Avs and Hazraj. Since most of the trade in Medina belong to Jews, they were considered as the wealthy tribes of the city. After the migration of Muslims, the Prophet (peace be upon him) made an agreement with the local people to establish peace and harmony between the tribes and protecting the city from enemies. The Prophet (peace be upon him) respected Jews, their holidays and ceremonies, as they were “Ahlul kitab” (People of the Scripture). The article also describes the conditions of the agreement between Muslims and Jews, gives verses (ayah) of the Qur'an and analyzes the views of various Islamic scholars regarding Jews and Muslims.

Keywords and expressions: Yasrib, Jewish tribes, Arab tribes, agriculture, craft, agreement, Quran.



Ясриб қадимий шаҳар бўлиб, Птолемейнинг асарларида «Йатриппе», Стефаниус Византияда «Йатриппе Полис», ҳамда ахборийлар қолдирган маълумотларга кўра, Муҳаммад пайғамбар ҳижратларига қадар «Асриб» ва «Ясриб» номлари билан аталган.[2:331] Қуръонда ҳам «Ясриб» номи билан зикр қилинган: «Ўшанда улардан бир тоифаси деди: «Эй, Ясриб (Мадина) аҳли! Сизлар учун (бу қадар кўп сонли ёвга қарши) туриш имкони йўқдир. Бас, (ўз уйлариңизга) қайтиб кетингиз!..»¹.

Унинг шарқий ва ғарбий томонларида Воқим ва Вабра вулканий тош уюмлари, шимолий ва жанубий томонларида эса Уҳуд ва Айр тоғлари чўзилиб ётарди. Шаҳар атрофида кўплаб сой-водийлар, ғарбда – Ақик, шарқда – Урайд, шимолда – Батҳон, жанубда – Музайнаб ва Махзур водийлари мавжуд эди. Аҳолиси Ясрибга Ямандаги «Сайлул-Арим» тошқинидан сўнг келган араб қабилалари ҳамда ерлари римликлар томонидан босиб олинган, 132–135 йилларда Қуддусдан кўчиб келган яхудийлардан ташкил топган².

Араб адабиётида яхудийларнинг ҳар бири икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган Қайнукоъ, Надир, Қурайза қабиласидан ташқари яна йигирмадан ортиқ майда ва нисбатан йирик уруғларининг номи келтирилади. Ясриб яхудийлари одатда очик жойда эмас, балки мустаҳкам утмларда яшаганлар. Утмлар уруш пайтларида катта аҳамият касб этиб, эркаклар жангга кетганларида, аёллар, болалар, қариялар учун ҳимоя; дон-дун, қурол-яроғ ва бошқа эҳтиёжлар учун омбор вазифасини ўтаган. Утмларнинг умумий сони 59 та бўлиб, ичида ибодатхоналар, оқсоқоллар йиғини учун уйлар мавжуд бўлган³. Ясриб шаҳрининг бир-бирига яқин жойлашган қишлоқлардан иборат бўлганига Қуръонда ҳам ишора бор⁴.

Яхудий қабилалари минтақанинг ҳосилдор, обод ерларини эгаллагандилар. Бану Надийр қабиласи Ясрибнинг жануби-шарқий қисмидаги Води Музайнаб, Бану Қурайза улардан шимолроқдаги Води Махзур, Бану Қайнукоъ эса мазкур иккала қабиладан шимоли ғарброкда шаҳар марказига яқин жойда истиқомат қиларди. Шунингдек, бошқа кўп яхудий уруғлари ҳам қулай ерларда йиғноқ бўлиб яшардилар⁵.

Қуръоннинг «Бақара» сураси, 84-85-оятлари бу қабилалар қон тўкиб, бир-бирларини бадарға қилиб, мурасасиз бўлганлари ҳақида хабар беради. Бизнингча, яхудий қабилалари ўртасидаги муносабатлар уларнинг яшаш

¹ Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va tafsir muallifi A. Mansur. – T.: Toshkent islom universiteti. 2009.(Bundan keyin: Qur'on). 33:13.

² Javod Ali. Al-Mufassal fi tarix al-arab qabla-l-islam. 10 jildli. – Bag'dod, 1993. – J. 4. – B. 295.

³ Akram Diya al-Umariy. As-Sira an-nabaviyya as-sahihha. – Al-Madina: Maktabat al-ulum va-l-hikam 1994. J. 1– B. 230. (Bundan keyin: Akram Diya al-Umariy. As-Sira an-nabaviyya as-sahihha).

⁴ Qur'on. 59:7-14.

⁵ Hasanov A. Qadimgi Arabiston va ilk islom. 1 kitob. Johiliya asri. – T.: Toshkent islom universiteti, 2001 – B.163; Safi ar-Rahman al-Muborakfuriiy. Ar-Rahiq al-maxtum. Al-Mansura, 2004.– B. 171; Ahmad Ibrohim ash-Sharif. Makka va-l-Madina fi-al-jahiliyyati va al-ahd ar-rasul . Qohira. –B. 295.



шароитларидан келиб чиққан. Чунки шаҳар атрофидаги водийларда яшаётган Надир ва Қурайза қабилалари деҳқончилик билан, шаҳар марказига яқин жойда истикомат қиладиган Қайнукоъ қабиласининг ери ва экини бўлмагани учун улар хунармандчилик билан шуғулланган¹.

Мадинада яшовчи яҳудийлар иктисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим мавқега эга бўлиб, Авс ва Хазраж қабилаларининг ўзаро муносабатларига аралашиб турардилар. Мадинадаги савдонинг асосий қисми улар қўлидаги бозорда бўлиши, моддий жиҳатдан бой бўлганликлари учун ўзларини «танлаб олинган халқ» санашарди. Буни «Эй, Исроил авлоди, сизларга инъом этган неъматимни ва сизларни оламлар узра афзал қилганимни эслангиз!»². ояти ҳам тасдиқлайди. Бошқа оятда қуйидагича зикр этилади: «Яҳудийлар ва насронийлар: «Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва ҳабибларимиз», – дейдилар»³.

Яҳудийлар арабларга янги пайғамбар жўнатилиши хусусида гапириб, уни ўз қавмларидан чиқишини уқтирардилар, лекин араблардан чиққан Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг пайғамбарлигини инкор этдилар⁴. Бу ҳақда:

«Қачонки, уларга Аллоҳ ҳузуридан ўзларидаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи Китоб (Қуръон) келганида, илгари кофирларга қарши (худди шу китоб воситаси билан) ёрдам сўраб юрар эдилар. Ўзларига таниш зот (Муҳаммад) келганда, уни инкор этдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!»; «Аллоҳ ўз бандаларидан хоҳлаганига фазли (вахийси)дан юборишига ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил қилган нарса (Қуръон)ни инкор этдилар. Ўзларини сотган бу нарсалари нақадар ёмон?! Бас, ғазаб узра ғазаб билан қайтдилар. Кофирларга хор этувчи азоб муқаррардир»⁵. оятларида баён этилган.

Бундан ташқари, уларнинг ўзларини бундай тутишларига сабаб, бу дунё ҳавасларига ҳаддан ортиқ берилганлари эди: «Уларни одамлардан ва мушриклардан ҳам ҳаётга (яшашга) ҳирс қўйганроқ ҳолда топасиз. Баъзилари минг йил умр кўришни хоҳлайди. Ваҳоланки, умрининг узунлиги уни азобдан узоқлаштирувчи эмас. Аллоҳ (эса) уларнинг қилмишларини кўриб турувчидир»⁶.

Муҳаммад пайғамбар Мадинага ҳижрат қилгандан сўнг яҳудийларга аҳли китоблар бўлганлари учун ҳурмат билан қарар, уларнинг диний маросимларида иштирок этарди. Лекин яҳудийлар янги пайғамбар уларнинг қавмидан чиқмагач, Тавротда у ҳақида келган маълумотларни ўзгартириб, унинг пайғамбарлигини ёлғонга чиқариб, душманлик қила бошладилар⁷.

¹ Hasanov A. Makka va Madina tarixi. – T.: Mehnat, 1992. – B. 36; Safi ar-Rahman al-Muborakfuriy. Ar-Rahiq al-maxtum. – B. 171.

² Qur'on. 2: 47.

³ Qur'on. 5:18.

⁴ Sell .D.D. The life of Muhammad. – Madras, 2003. – P. 80.

⁵ Qur'on. 2:89-90.

⁶ Qur'on. 2:96.

⁷ Qur'on. 3:64; 3:98; 2:40 - 42.



Пайғамбар эса «(Эй, мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустаснодирлар. Шунингдек, айтингиз: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам имон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бирдир ва бизлар Унгагина (имон ва итоат билан) бўйин синувчимиз» оятига амал қилган ҳолда уларга ёмонлик қилмай, яхши муомалада бўлди ва улар билан битим тузишга қарор қилди.

Тадқиқотчи А. Мюллер: «Муҳаммад яҳудийлар Мадинанинг асосий қисмини ташкил этгани ва ваҳий ҳақида тасаввурга эга эканликлари учун улардан умид қиларди. Яҳудийлар уни пайғамбар сифатида тан олмадилар, лекин қарши ҳам чиқмадилар. Шундай пайтда Муҳаммад яҳудийлар билан битим тузиш, ислом динини қабул қилмасалар ҳам, улар билан муайян муносабатда бўлиш лозимлигини англади»¹- дейди. Мадинанинг турли дин вакиллари билан битим тузиш пайғамбарнинг Мадинадаги мавқеини мустаҳкамлаш учун зарур бўлиб, биринчи навбатда, ўзаро низоларнинг олдини олиш, янги тузиладиган давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга молик эди.

Тарихий манбаларда келтирилган «ас-Саҳифа»нинг 24 – 47-бандлари яҳудийларга тегишлидир². Ҳар бир бандда жамоалар кетма-кет зикр этилган, мусулмонлар билан иттифокда бўлган яҳудийларга нисбатан адолатли муносабатга риоя қилиш таъкидланган. Гарчи муҳожир ва ансорга тегишли ҳужжатнинг 16-бандида яҳудийлар ҳақида гапирилган бўлса-да, уни яҳудийлар билан тузилган ҳужжатнинг таркибига киритиш шарт эмас.

Тузилган шартнома бандларини³ қуйидаги мазмунда:

24-банд. Мўминлар билан (бир сафда) қурашаётган (иттифокдош) яҳудийлар урушга кетадиган сарф ҳаражатларни ўртада қиладилар.

Мазкур бандга кўра, яҳудийлар Мадина ҳимояси учун бўладиган ҳарбий ҳаражатларга улуш қўшиши керак, лекин уларнинг мусулмонларнинг ўлжаларида улушлари йўқ. Айрим манбаларда уларга ҳам ўлжадан улуш берилгани ҳақида, бошқаларида эса, яҳудийларнинг пайғамбар билан жангга чиққанлиги ҳақида ҳадислар йўқлиги, бўлса ҳам заиф экани айтилган.

Ансорлар Ухуд жангида «яҳудий иттифокчиларига таянмаймизми?», деб сўраганларида, пайғамбар «Уларнинг бизга кераги йўқ», деб жавоб берган.

Каъб ибн Молик Ансорийнинг ёзишича: «Мадина аҳлидан мушрик ва яҳудийлар пайғамбарга кўп озорлар етказардилар⁴, лекин Аллоҳ таоло

¹ Myuller A. Arabi I islam: Ot doislamskoy istorii arabov do padaniya dinastii Abbasidov / per s nem. – M.: Astrel, 2004. T. 1– S. 80.

² Akram Diya al-Umariy. As-Sira an-nabaviyya as-sahihah. J. 1– B. 278-280.

³ Hamd Hamidulloh al-Haydarobodiy. Majmu'at al-vasa'iq as-siyasiyya fi al-'ahd an-nabaviyya va al-xilafa ar-rashida. Al-Qohira, 2000.– B. 61-62.

⁴ Akram Diya al-Umariy. As-Sira an-nabaviyya as-sahihah. J. 1. – B. 288.



пайғамбарга сабр қилиш, кечиримли бўлишни амр қилиб, улар тўғрисида: «Аҳли китобларнинг кўпчилиги имон келтирганингиздан кейин ва уларга ҳақиқат равшан бўлгандан сўнг ҳам ҳасад юзасидан сизларни (яна) куфрга қайтаришни истайдилар. Бас, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунча уларни афв этиб, (хатоларидан) ўтинг. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир»¹ оятини нозил қилди.

25-банд. Бану Авф яҳудийлари мўминлар билан (бир) жамоат (уммат)-дир. Яҳудийлар учун ўз динлари, мусулмонлар учун ҳам ўз динлари бор. Уларнинг ўзлари ва қуллари мўминлар учун бирдир. Бирор жиноят (зулм) ёки гуноҳ қилган кимса, фақатгина ўзига ва оиласига зиён етказди².

Ушбу бандда яҳудийларнинг диний эркинлиги кафолатланган.

Шартноманинг 26-бандидан 33-бандигача Бану-н-Нажжор, Бану-л-Хорис, Бану Соъида, Бану Жушам, Бану-л-Авс, Бану Саълаба, ва Саълаба қабиласининг Жафна уруғи, Бану-ш-Шутайба қабилалари номи зикр этилиб, улар ҳам худди бану Авф яҳудлари каби бир хил мавқеда эканлиги, ҳамда кимки зулм ёки жиноят қилса, фақат ўзи ва оила аҳли айбдор бўлиши зикр этилгач, «Яхшилик гуноҳ (ёмонлик)лардан қайтаради (сақлайди)» деб хулосаланиши эътиборга лойиқдир.

34 – 36-бандларда Саълабанинг қўл остидагилар ҳам мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланадилар. Яҳудийларга яқин кимсалар ҳам ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўлиқ фойдаланишлари таъкидланган.

36-бандда уларнинг биронтаси Муҳаммад пайғамбарнинг рухсатисиз ҳеч қаерга кетмайди дейилган, яъни яҳудийлар пайғамбарнинг рухсатисиз Мадинадан чиқмасликлари ва янги давлатнинг аъзолари сифатида низомга риоя қилишлари керак эди. Бу шартдан мақсад – уларнинг шаҳар ташқарисидаги мушриклар билан биргалашиб, фитна уюштиришларининг олдини олиш бўлган.

37-банд. Бирор кимсанинг жинояти учун бутун қабила жазоланмайди. Ёмонлик қилган кимсанинг ўзи ва унинг оила аъзолари гуноҳкор бўладилар. Зулм қилган киши бундан мустаснодир. Аллоҳ ушбу саҳифа (шартнома)да ҳаммага баробар ва адолатли ҳуқуқларгагина розидир. Яҳудийларнинг ўз сарфлари ўз зиммаларига ва мусулмонларн ўз зиммаларигадир. Ушбу ҳужжат аҳлига қаршилик кўрсатган душманга қарши биргаликда курашадилар. Улар бир-бирларига ишда ва маслаҳатда ўзаро самимий бўлиб, ёмонликдан қайтариб яхшилик қилишлари шарт. Бирор кимса иттифокдошининг гуноҳи учун жавоб бермайди. Албатта мазлумга ёрдам кўрсатилади.

38-банд. Мўминлар (душманга қарши) урушаётган пайтда яҳудийлар сарф-ҳаражатни тенг қоплайдилар.

¹ Qur'on. 2:109.

² Ibn Hishom. As-Siyra an-nabaviyya / Tarjimonlar: Ibrohimov N, Oripov A, Ikromjonov A, Zayriyev A, Ne'matov J, Ahmadaliyev. – T.: Sharq, 2011. 2 jildli. J. 1. – B. 396.



39-банд. Бу саҳифа аҳли учун Ясриб (шаҳри)нинг ичи (ни босиб олиш) ҳаромдир. Бандга кўра, Мадина унинг аҳли учун муқаддас ҳисобланиб, унда ов қилинмаслиги ва дарахт кесилмаслиги керак. Мадина ичида хавфсизлик таъминланиб, ички урушлар таъқиқланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Муҳаммад пайғамбар сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етук онгли шахс сифатида экология ва соғлом турмуш тарзини янги давлатнинг долзарб масаласи даражасига кўтарган дейиш мумкин.

40-банд. Кўни-қўшнилар бир-бирларига зиён ва ёмонликни раво кўрмайдилар. Ҳомийнинг руҳсатисиз бирон кимса ҳимояга олинмайди (аёлларга фақатгина эрларининг руҳсати билан ҳимоя ҳақи берилади).

42-банд. Саҳифа аҳли орасида уни тузилгунгача бўлган ва уни бузишга олиб келувчи тортишувлар ва ихтилофлар Аллоҳга ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.) ҳукмига ҳаволадир. Аллоҳ ушбу саҳифадаги тўғри ва адолатли ҳукмлар тарафдоридир¹.

Яҳудийлар ҳам Мадинадаги ислом давлатининг аъзолари сифатида низомга риоя қилишлари, бирор баҳсли масала юзага келса, улар ҳам пайғамбарга мурожаат этишлари керак эди. Лекин улар исломий ҳукмни тан олмасдилар, фақатгина ўзлари ечимини топа олмаган муаммолар юзасидангина пайғамбарга мурожаат қилардилар. Бунга мисол тариқасида Бану Надир ва Қурайза ўртасида чиққан дият – тўлов тўлаш масаласини келтириш мумкин. Бану Надир бану Қурайзадан кучли бўлиб, ўлдирилганлар учун диятни 2 баробар белгиларди. Ислом келгач, Бану Қурайзага тўлов тўлашда тенглик талаб қилинди². Бу борада Қуръонда шундай дейилган: «Биз унда (Тавротда) уларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, кулоққа кулоқ, тишга тиш ва жароҳатларга қасос (олинур) деб, битиб қўйдик. Кимки у (қасос)ни садақа қилиб (кечиб) юборса, у (гуноҳларига) каффоратдир...»³. Демак, яҳудийлар ўз диндошларига муқаддас китобларида келган ҳукмлар асосида эмас, балки уларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб муомала қилган.

Қуръонда яҳудийларнинг муаммолари юзасидан ҳукм чиқариш масаласида ўзларининг руҳонийларига қайтариб юбориш тўғрисида: «(Улар) ёлғон (тўқиш учун Сиз)га кулоқ соладиган ва ҳаромни (порани) ейдиганлардир. Агар Сизга (ҳукм сўраб) келсалар, ўрталарида ҳукм чиқаринг ёки улардан воз кечинг! Агар улардан воз кечсангиз (ҳам), Сизга сира зарар етказмайдилар. Агар ҳукм қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг! Албатта, Аллоҳ одилларни севади»⁴ мазмунидаги оят нозил бўлган.

43-банд. Қурайшга ва унга ёрдам берган кимсага ҳимоя йўқ, яъни яҳудийларнинг қурайшларга ёрдам бериши, уларни ҳимоя қилиши таъқиқланди. Банд мусулмонларнинг душмани яҳудларнинг ҳам душмани ҳисобланишини назарда тутди.

¹ Ibn Hishom. *As-Siyra an-nabaviyya*. J. 1. – B. 397.

² Akram Diya al-Umariy. *As-Sira an-nabaviyya as-sahihah*. – B. 290.

³ Qur'on. 5:45

⁴ Qur'on. 5: 42.



44-банд. Шартнома иштирокчилари Ясрибга қарши курашаётган кимсаларга қарши бирга курашишлари шарт.

45-банд. Сулҳ тузишга чақирилсалар (бирга) сулҳ тузиб, унга амал қиладилар. Агар динга қарши бўлмаган бирор кимса мўминларни сулҳ тузишга чақирса, улар сулҳ тузадилар. Ҳар бир гуруҳ ўзининг бирон кимса билан тузган шартлашуви учун жавобгардир¹. Бу бандга кўра, мусулмонлар ва яҳудийлар бошқа қабилалар билан иттифоқдош бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир томон ўзи иттифоқдош бўлмоқчи бўлган томон билан сулҳ тузиши керак, лекин кураишлар билан сулҳ тузиш таъқиқланган.

46-банд. Авс яҳудийлари ва уларнинг қуллари саҳифа аҳлининг ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Уларга ушбу саҳифа аҳли томонидан яхшилик кўрсатилади. Тақводорлик гуноҳдан сақлайди. Бирор жиноят (зулм) ёки гуноҳ қилган кимса, фақатгина ўзига ва оиласига зиён етказди. Аллоҳ ушбу саҳифадаги тўғри ва адолатли ҳукмлар тарафдоридир.

47-банд. Ушбу саҳифани золим ёки гуноҳкор кимсагина рад этади. Зулм ёки гуноҳ қилганлардан ташқари барча кимсалар Мадинада ҳам, ундан ташқарига чиқса ҳам омонда бўлади. Албатта Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.) яхшилик ва тақво қилган кимсаларни ўз паноҳига олади.

Айрим тарихий маълумотларга кўра, яҳудийларнинг мусулмонларга ёрдам бериш учун келганлари исломдан аввал уларнинг Авс ва Хазраж қабилалари билан тузган иттифоқлари билан боғлиқдир. Бунга Ухуд жангида уларнинг пайғамбарга «яҳудий иттифоқчиларидан ёрдам сўрамаймизми?»², деганлари аниқлик киритиши мумкин.

Қуръонда мусулмонларнинг ғайримусулмонлар билан муносабатлари юзасидан йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилади. Унга кўра, бошқа дин вакиллари дўстона муносабатда бўлсалар, уларга қарши чиқилмайди. Умуман, мусулмонлар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқаларга зулм қилиш таъқиқлангани оятларда қуйидагича акс этган: «Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар»; «Аллоҳ фақат сизларни дин тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалар билан дўстлашингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар айнан золим кимсалардир»³.

Айрим тарихчилар «Бу битим ҳарбий мақсадларда тузилган. Дастлабки пайтларданок пайғамбар барча масалаларда яккаҳокимга айланди ва яҳудийлардан уруш вақтида иттифоқчи қўшин сифатида фойдаланиш учун барча нарсани қилди», деган фикрни билдиришади. Бунга далил қилиб, Бану

¹ Ibn Hishom. *As-Siyra an-nabaviyya*. J. 1. – B. 397.

² Akram Diya al-Umariy. *As-Sira an-nabaviyya as-sahihah*. – B. 288.

³ Qur'on. 60:8–9.



Нажжор қабиласининг оқсоқоли вафот этиб, пайғамбардан янги оқсоқол тайинлаб беришини сўраганларида, унинг «Сизлар менинг онам томонидан тоғаларимсиз, мен сизларданман, мен сизларга йўлбошчи, яъни оқсоқол бўламан»¹ деган гапларини келтирадидилар.

Яхудийлар пайғамбар билан шартнома тузган бўлсалар ҳам, унга нисбатан душманлик кайфиятида бўлганлар. Улар қабилалар ўртасига фитна солиб, низо чиқаришарди. Муҳаммад пайғамбарнинг қарорларини кўлламасликларидан ташқари, унга арзимас масалалар юзасидан ҳам қарши турардилар. Мусулмонлар ва яхудийлар ўртасидаги дастлабки келишмовчиликлар Бадр жангидан сўнг содир бўлади. Қайнуқоъ қабиласи мусулмонлар Бадр жангида ғалаба қозонганларидан ғазабланиб, улар билан жанг қилишга қарор қилди. Улар тузилган иттифокни бузиб, мунофиқлар етакчиси Абдуллоҳ ибн Убай билан бирга яхудийлар бозорини мусулмонларга қарши фитна, бузғунчиликлар ўчоғига айлантирдилар. Ҳатто, пайғамбар ҳаётига тажовуз қилмоқчи ҳам бўлдилар. Яхудийлар бозорда мусулмон аёл устидан кулиб, жанжал чиқардилар. Аёлни ҳимоя қилмоқчи бўлган мусулмон киши бир яхудийни ўлдиргач, яхудийлар ҳам ташланиб, уни ўлдирдилар.

Яхудийлар Бадр жангидан қайтган мусулмонларни мазаҳ қилиб, ҳақоратлай бошладилар. Бу ҳолатга чидай олмаган Умар пайғамбардан уларни қатл этишга изн сўради, лекин пайғамбар: «Аллоҳ уларга пайғамбар бергани, улар билан аҳдномам борлиги учун яхудийларни ўлдиришга рухсат бермайман», деди. Умар мунофиқлар ҳақида сўраганларида: «Улар Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва мен унинг пайғамбари эканлигимга шаҳодат келтиришганлиги учун уларни ҳам ўлдиришни ман қиламан», – деб жавоб бердилар². Мазкур иқтибос мазмун-моҳиятидан Муҳаммад пайғамбарнинг доно ва зукко сиёсат арбоби сифатида нақадар моҳирона дипломатик йўл тутгани англашилади.

Мадина яхудийлари ва мунофиқлар ҳақида: «Эй, имон келтирганлар! Ўзингиздан ўзгаларни (мунофиқларни) яқин дўст (сирдош) тутмангиз! Улар сизларга нисбатан бузғунчилик қилишда кучларини аямайдилар ва ҳолларингиз забун бўлишини истайдилар. Сизларни ёмон кўришлари оғизлари (сўзлари)дан аён бўлди, дилларидаги яширган (адоват)лари эса янада каттароқдир. Агар ақлингизни ишлатадиган бўлсангиз, (Биз) сизларга оятларни (муфассал) баён қилиб бердик»; «Эй, сизлар! (Улар) сизларни яхши кўрмасаларда, (сизлар) уларни яхши кўраяпсиз ҳамда ҳамма (илоҳий) китобларга имон келтираяпсиз. (Улар) сизларга йўлиққанларида: «Имон келтирдик», – дейишади. Ўзлари ҳоли қолишганда эса, аччиқларидан сизлардан дилтанг бўлиб, бармоқларини тишлайдилар. «Шу аччиқларингиз билан ўлиб кетинг!» – деб айтинг. Албатта, Аллоҳ дилларнинг қаъридаги гапларни (ҳам) билувчи зотдир»³, мазмунидаги оятлар нозил бўлди.

¹ Sell D. Istoricheskoye razvitiye Korana. Medinskiy period. – S. 27.

² Muhammad bin Umar al-Vaqidiy. Kitab al-Mag'aziy. Bayrut: Dar al-kitab al-ilmiyya. 2004. J. 1. – B. 270.

³ Qur'on. 3:118-119.



Табарий тафсирида бу оятлар мунофиқлар эмас, балки Мадинада мусулмонлар билан қўшни яшаётган китоб аҳлларига тегишли, чунки мунофиқлар у пайтда ўзларининг нафратларини намоён этишмасди, деган мулоҳазани билдиради¹.

Яхудийлар фитналар уюштириб, тузилган шартнома бандларини бузиб туришса-да, мусулмонлар уларга нисбатан мураса билан кечиримли муносабатда бўлардилар. Пайғамбар яхудийларни йиғиб, уларни Аллоҳнинг ғазабидан қўрқишга чақирди ва уларга ҳам қурайшийлар қисматидаги мусибатлар тушиши мумкинлигидан огоҳлантириб, тинчлик-хотиржамликни бузишга хоҳиши йўқлигини билдирганида: «Эй Муҳаммад! Сен бизни уруш нималигини билмайдиган қурайшийлардан деб ўйлаяпсанми? Агар биз билан жанг қилсанг ўшанда биласан», – деб дўқ уришди. Шундай қилиб, ўртада уруш бўлиши муқаррар бўлиб қолди. Мусулмонлар Алининг қўмондонлиги остида Қайнукоъ қабиласи устига юриш қилдилар. Яхудийлар мусулмонларнинг қарши келаётганларини билгач, ўз утмларига яшириниб олдилар. Пайғамбар бир томондан уларни қамал қилиб, иккинчи томондан мунофиқларнинг бош кўтармасликлари учун барча чораларни кўрдилар. Чунки Абдуллоҳ ибн Убай яхудийларга қалъаларга яшириниб олишга буйруқ бериб, уларга ёрдам беришга ваъда қилганди. 15 кун давом этган қамалда мунофиқлар ёрдам бера олмагач, яхудийлар ўз жонларини сақлаб қолиш учун мусулмонларга таслим бўлиб, кечирим сўрашга қарор қилдилар.

Қайнукоъ ва Хазраж қабилалари ўртасида иттифоқ мавжудлигидан фойдаланиб, Ибн Убай орага тушиб, яхудийларни кечирини сўради. Акс ҳолда ўша пайтдаги мавжуд қонун-қоидаларга кўра, уларни ўлдириш мумкин бўлса-да, Пайғамбар уларни кечиримини ҳисобга олди. Жазо сифатида қабилани Мадинадан чиқариб юбориб, Сурия томонга ҳайдади².

Ўртадаги аҳдни бузувчи қавмларга муносабат ҳақида Қуръонда шундай дейилган: «Агар (бирор) қавм тарафидан (аҳдга) хиёнат (бўлиши)дан қўрқсангиз, уларга (аҳд бекор қилингани тўғрисидаги хабарни) баробар тарзда ташланг! Албатта, Аллоҳ хоинларни яхши кўрмагай»³.

Қайнукоъ қувиб чиқарилгач, Бану Надир қабиласининг шоири Каъб ибн Ашраф мусулмонларга қарши нафратини ифодалаб, назмий асарлар ёза бошлади. У Муҳаммаддан ўч олиш мақсадида маккаликларга мурожаат қилиб, мусулмонларга қарши ҳужум уюштирадилар, яхудийлар ёрдам беришини ваъда қилди⁴.

Бану Надир Ухуд жангидан сўнг, ўртадаги сулҳни бузиб, пайғамбарга суиқасд уюштирди. Пайғамбар уларга ўз элчисини юбориб, шартномани янгилаш, акс ҳолда улар Мадинани тарк этишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантирди. Бу сафар ҳам мунофиқларнинг гапига ишонган яхудийлар сулҳни янгилашдан бош тортиб, мусулмонлар қуршовида қолдилар.

¹ Tafsir at-Tabariy. Dar al-kitab al-‘ilmiyya, 1999. J. 3. – B. 407.

² Osman Nuri Topbash. Istoriya prorokov-5. Prorok Muhammad Mustafa-2. – B. 88.

³ Qur'on. 8:58.

⁴ Zakariya Bashir. Muhammad i kurayshiti: istoriya voyni i mira. – Moskva-Sankt-Peterburg, 2008. – S. 60.



Ваъда қилинган ёрдам келмагач, 15 ёки 20 кунлик қамалдан кейин таслим бўлдилар. Лекин мунофиқлар ҳуфёна бану Надир қабиласига улар Мадинадан чиқмоқчи бўлиб турганида, чиқиб кетмасликлари ва уларга ёрдам беришларини билдирдилар¹. Бу тўғрисида тубандаги оятларни мисол қилиш ўринлидир: «(Эй, Муҳаммад!) Мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли китоблардан (яхудийлардан) бўлмиш кофир биродарларига: «Қасамки, агар сизлар (Мадинадан) қувиб чиқарилсангиз, албатта, бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва сизлар(га қарши ҳаракат)да ҳеч қачон ҳеч кимга итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта, бизлар сизларга ёрдам берурмиз»,– дейишларини кўрмайсизми? Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар, албатта, ёлғончидирлар»; «Қасамки, агар (яхудийлар ўз диёрларидан) қувиб чиқарилсалар, (мунофиқлар) улар билан бирга чиқиб кетмаслар. Қасамки, агар (яхудийларга қарши) жанг қилинса, (мунофиқлар) уларга ёрдам ҳам бермаслар. Мабодо ёрдам берсалар ҳам, албатта, яхудийлар (мағлуб бўлиб) ортларига қараб қочурлар ва кейин уларга ёрдам берилмас»².

Яхудийлар таклифга қўнмагач, пайғамбарнинг яхудийлар яшайдиган ҳудудни қамалга олишдан ўзга чораси қолмади. Улар уйларининг томларига чиқиб, ҳақорат қила бошлагач, яхудийларга қарашли хурмо дарахтларининг бир қисмини чопиб, ёқиб юборишни буюрди. Бу ҳолатни кўргач, яхудийлар: «Эй Муҳаммад! Сен доимо жанжал ва тартибсизликка йўл қўймасдинг. Бу ишни қилганларни жазолардинг. Ўзинг дарахтларни кесдиришингни қандай тушуниш мумкин?», деган таъналари пайғамбар ва баъзи мусулмонлар қалбига хавотир солган пайтда, Аллоҳ таоло бу шубҳаларни йўқотиб: «(Эй, имон келтирганлар!) Сизлар (Бану Назир хурмозорларидан) бирор хурмо дарахтини кесдингизми ёки уни ўз таналарида турган ҳолида қолдирдингизми, бас, (қилинган иш) Аллоҳнинг изни билан ва фосиқ (имонсиз) кимсаларни расво қилиш учун бўлди»³, мазмунидаги оятни нозил қилди.

Пайғамбар Бану Надир қабиласини Мадинадан чиқариб юборди. Улар кетишдан олдин уйларини мусулмонларга қолдирмаслик учун бузиб, вайрон қилдилар. Қабиланинг бир қисми Хайбарга, қолгани эса Шомга йўл олди⁴. Бу воқеа борасида: «У аҳли китоблардан (яхудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи «тўплаш»даёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир. (Эй, мўминлар!) Сизлар уларни чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз, улар ҳам ўзларининг қалъаларини Аллоҳ (азоби)дан тўсувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига кўрқинч солди. Улар уйларини ўз кўллари ва мўминларнинг кўллари билан бузар эдилар. Бас, эй, кўз эгалари! (Улардан) ибрат олингиз!»⁵ ояти нозил бўлди.

¹ Muhammad bin Umar al-Vaʼqidiy. Kitāb al-Magʼāziy. Bayrut: Dar al-kitāb al-ilmiyya. 2004. J. 1. – B. 308.

² Qurʼon. 59:11, 12.

³ Qurʼon. 59:5.

⁴ Ali Muhammad Muhammad as-Sallābiy. As-Sira an-nabaviyya. Al-Mansura. – B. 688.

⁵ Qurʼon. 59:2.



Улардан қолган мол-мулк муҳожирларга тақсимлаб берилганини Ҳашр сурасининг 7 – 8- оятлари билан далиллаш мумкин.

Пайғамбарнинг Ҳудайбия сулҳидан олдинги ҳарбий ҳаракатлари ёки Бану Қурайза ғазоти табиий равишда Аҳзоб – Ҳандақ жангининг давоми ҳисобланади. Қурайза қабиласи мушриклар билан иттифоқ тузган учинчи қабила эди. Ҳижрат бошида тузилган «ас-Саҳифа» бандларига кўра, яҳудийлар Мадинани мусулмонлар билан бирга ҳимоя қилишлари керак эди. Ҳолбуки, иккита яҳудий қабиласи хоинлик қилгач, Бану Қурайза мусулмонлар билан иттифоқни янгилаган бўлсада, унга риоя қилмасдан қурайшийларга ёрдам бердилар. Ҳандақ жангидан сўнг, Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳ томонидан яҳудийлар устига бостириб бориш амр қилинган, Али бошчилигидаги мусулмонлар Бану Қурайза қабиласини қамал қилдилар.

Пайғамбар жанг қилишдан олдин қалъа ёнига келиб, яҳудийларга исломни қабул қилишни таклиф қилганида, улар рози бўлмадилар. Қамал узок давом этгач, қийин вазиятга тушиб қолган яҳудийларга ўз оқсоқолларидан бири Каъб ибн Асад қуйидагиларни таклиф қилди: «Биз бу инсонга бўйсуниб, унинг пайғамбарлигини тан олайлик. Унинг сизлар учун пайғамбар этиб юборилгани аниқ ва белгилари ҳам китобингизда ёзилган. Агар сизлар унга ишонсангиз, ўз жонингиз, молингиз ва оилангизни сақлаб қоласизлар», деди. Лекин қабиладошлари: «Биз бунга рози бўлмаймиз. Бу Тавротдаги нарсаларга зиддир. Биз китобимизни бошқасига алмаштирмаймиз», дедилар. Шунда Каъб аввал ўз оила аъзоларини ўлдириб жанг қилиш ёки шанба оқшомида мусулмонлар ҳужум бўлишини кутмаётган пайтда бостириб боришни таклиф қилди. Лекин, яҳудийлар ҳеч қайси таклифни қабул қилмадилар¹.

Авсликлар Муҳаммад пайғамбардан Бану Қурайза тақдирини хазражликлар иттифоқдоши бўлган Бану Надирдек ҳал қилишини сўрадилар. Бу вазифа шу қабила бошлиғи Саъд ибн Муозга топширилди. У яҳудийлардан: «Қуръони карим ҳукмларини хоҳлайсизларми ёки ўз қонунларингизнинг тадбиқ қилинишиними?», – дея сўраганида, яҳудийлар Таврот бўйича ҳукмни чиқаришни илтимос қилдилар. Саъд уларнинг илтимосини кондириб, ҳукмни Мусо шариатига кўра берди². Яҳудийлик таълимотига кўра, хоинлик қилган қабиланинг жангга яроқли эркаклари қатл этилар эди. Закои Кўнрапа бу ҳукм Тавротнинг «Тасния» деб аталувчи китобининг 20-бобидаги 13 – 14-оятларига мос келишини зикр этиб ўтади³. Уларнинг жазоси ҳақида Аҳзоб сурасида шундай дейилган: «У (фирқаларга) ёрдам берган, аҳли китобдан иборат бўлган кимсаларни Аллоҳ ўз қалъаларидан туширди ва дилларига кўрқинч солди. (Энди) сизлар (улардан) бир гуруҳни ўлдурасизлар, бир гуруҳни асир олурасизлар. Ва сизларни уларнинг ерларига, ҳовли-жойларига, молу-мулкларига

¹ Muhammad bin Umar al-Vaqidiy. *Kitab al-Mag'aziy*. J. 2. – B. 8.

² Bolshakov O.G. *Istoriya xalifata*. V 3 tomax. – M.: GRVL, 2000. T.1. – S. 134.

³ Zakoi Ko'nrapa. *Hazrati Payg'ambarimiz va islom dini: Madina davri*. K.2. – T.: Movarounnahr, 1996. – B. 122.



ва (ҳали) сизларнинг оёқларингиз етмаган ерларга ворис қилди»¹. Оятда айтилганидек, яҳудийларнинг жангга яроқли эркаклари қатл этилди.

Мадинадан қувилган яҳудийларнинг асосий қисми Хайбар водийсига жойлашганди. 7-ҳижрий йилда яҳудийлар қўшниси Ғатафон қабиласи билан мусулмонларга қарши тайёргарлик кўра бошладилар. Бундан хабар топган Пайғамбар ҳам қўшин йиғиб, Хайбарга йўналди. Ўртада бошланган жангда мусулмонлар ғалаба қозониб, Хайбар ерлари уларнинг қўлига ўтди. Яҳудийлар ярим ҳосилларини Байтулмолга топшириш шарти билан ўз ерларида қолдирилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тузилган сулҳга кўра, шаҳардаги яҳудийларга ўз динларида қолиш ҳуқуқи берилди. Ушбу жангдан сўнг, Фадак ва Тайма яҳудийлари ҳам айнан шу шартлар асосида мусулмонлар билан сулҳ туздилар².

Христианлар ва мусулмонлар ўртасидаги низолар 8-ҳижрий йилда бошланган. Шу йили Муҳаммад пайғамбар Бусрага ибн Умайр ал-Аздийни хат билан жўннатди. Йўлда уни Ғассонийлар ҳокими Шураҳбил давлатлараро мавжуд бўлган халқаро муносабат тамойилларини бузиб, юборилган элчини қатл эттирди. Бу ҳақида хабар топган пайғамбар Зайд ибн Ҳориса бошчилигида 3000 жангчидан иборат қўшинни Мутаъ водийсига юборди. Душман кучи улардан 20 – 30 баробар кўп бўлишига қарамай, мусулмонлар душманни чекинишга мажбур этдилар.

Айни пайтда пайғамбарнинг Нажрон христианларини ҳимоя қилгани ва уларнинг ибодатхоналарини ҳурмат қилишни буюргани хусусида ҳам манбаларда қайд этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Муҳаммад пайғамбар бошчилигидаги мусулмонларнинг аҳли китоблар ва хатто мушрикларга нисбатан муомала-муносабатлари диний бағрикенглик тамойилларига асосланган. Яҳудийлар билан тузилган битимда виждон эркинлиги масаласига алоҳида эътибор берилиши бунинг ёрқин далилидир. Зеро, Қуръонда ҳам: «Агар Роббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»³; «Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта, Аллоҳ номи зикр қилинадиган (роҳибларда) узлатгоҳлар, (насронийларда) бутхоналар, (яҳудийларда) ибодатхоналар ва (мусулмонларда) масжидлар вайрон қилинган бўлур эди»⁴ дейилган. Душманлар билан бўлиб ўтган жангларда мусулмонлар биринчи бўлиб жанг бошламамаганлар. Шунингдек, пайғамбар амрига бўйсиниб, аёллар ёш болалар, қариялар ва ногиронларни ўлдирмаганлар.

¹ Qur'on. 73:26-27.

² Ali Zade A.A. Istoriya musulmanskih gosudarstv v I – VII vekov xidjri. <http://www.xadis.ru>. – S. 4.

³ Qur'on. 10:99.

⁴ Qur'on. 22:40.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР //
МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ //
INTERNATIONAL RELATIONS

ИДИРОВ УЛУҒБЕК

сиёсий фанлар доктори, профессор, ТДШУ

**Ўзбекистон ва Япония: стратегик шериклик
муносабатлари ривожининг муштарак асослари**

***Аннотация.** Мазкур илмий мақолада қуйидагилар таҳлил этилган: Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқалар, стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани ратификация қилинганлигининг бугунги кундаги улкан аҳамияти ва тарихий роли, Япония сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятлари, Япония парламенти, унинг ваколатлари, парламентнинг палаталари, парламентга сайлов ўтказиши қоидалари, сиёсий тизимда Япония императори институтининг тутган ўрни, Япония Министрлар Кабинети, уни ташиқил қилиши қоидалари, бош вазирнинг жамият сиёсий тизимини ислоҳ қилиши жараёнидаги роли, Япония сиёсий тизимида партиялар фаолияти, жумладан кўппартиявийлик тизимини шаклланиши билан боғлиқ муаммолар, доминант партия сифатида Либерал демократик партиянинг ютуқлари сабаблари, ЛДПнинг Япония сиёсий тизимини модернизация қилиши жараёнларидаги роли, Япония Министрлар Кабинетининг сиёсий тизимдаги ўрни, С.Абе раҳбарлигидаги Япония ҳукуматининг Япония сиёсий, иқтисодий тараққиётини таъминлаш борасидаги фаолияти, Япония иқтисодиётини тиклаш ва янада ривожлантириши борасидаги ҳукумат дастури ва уни амалга оширилиши, Япония парламенти ва Министрлар Кабинетининг мамлакат Конституциясига ўзгаришлар киритиши борасидаги фаолияти, хусусан Япония Конституциясининг 1,4,7,9,41 моддаларига ўзгартиришлар киритиши, конституциясининг 9-моддасининг нормаларига ўзгартиришлар киритган ҳолда Япония қуролли кучларининг статусини янгилаш, Японияда “нормал қуролли кучлар”ни яратиши гоёясини ниҳоясига етказиши, Япония Конституциясига Министрлар Кабинетига кенг ваколатлар берилишини таъминловчи бутунлай янги махсус тўғизинчи бобини киритиши билан боғлиқ жараёнлар таҳлил этилди.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Япония сиёсий тизими, парламент, сиёсий партия, конституция, Министрлар Кабинети, модернизация, доминант партия, вакиллар палатаси, малаҳатчилар палатаси, сиёсий тараққиёт.*

***Аннотация.** В данной научной статье проанализированы следующие вопросы: значение и историческая роль установления дипломатических отношений между Республикой Узбекистан и Японией. Также показана огромная роль ратификации договора о стратегическом партнерстве между двумя странами.*

Рассмотрена своеобразная специфика политической системы Японии, в том числе, сущность, структура и основные функции парламента и порядок проведения выборов в парламент, место и роль института императора в политической системе, также Кабинета Министров. Проанализированы основание принципа



формирования Кабинета Министров, его роль в процессе реформ политической системы общества, особенности деятельности политической системы, в частности, проблемы формирования многопартийной системы, причины успехов доминантной либерально-демократической партии страны, роль ЛДП в осуществлении процессов модернизации японской политической системы, роль Кабинета Министров в политической системе общества, деятельность правительства Японии во главе с С. Абе в процессе обновления политической системы, программа правительства по развитию экономики страны, а также особенности практической реализации данной программы, деятельность парламента и Кабинета Министров по внесению изменений в Конституцию страны, в частности, в 1,4,7,9,41 статьи Конституции. Особое внимание уделено процессам по внесению изменений в 9 статью Конституции, на основе которой главное внимание уделяется процессам изменения роли армии в стране, юридическое обновление статуса вооруженных сил Японии также на основе этих изменений завершает «идею создания нормальной» армии Японии.

Также рассмотрено стремление Кабинета Министров по расширению полномочий правительства путем совершенствования юридических норм Конституции, в частности, добавлением в основной закон специальной девятой главы.

Опорные слова и выражения: политическая система Японии, парламент, политическая партия, Конституция, Кабинет Министров, модернизация, доминантная партия, палата представителей, палата советников, политическое развитие.

Abstract. The following issues are analyzed in this scientific article: the significance and historical role of establishing diplomatic relations between the Republic of Uzbekistan and Japan. The huge role of ratification of the strategic partnership agreement between two countries is also shown.

The peculiar specifics of the political system of Japan, including the nature, structure and basic functions of the parliament and the procedure for holding parliamentary elections, the place and role of the emperor's institution in the political system, as well as the cabinet of ministers, are examined.

The article considers the basis of the principle of forming the Cabinet of ministers, its role in the process of reforming the political system of society, the features of the political system, in particular the formation of a multi-party system, the reasons for success as a dominant party - the Liberal Democratic Party of the country, the role of the LDP in the process of modernization of the Japanese political system, the role of the Cabinet of ministers in the political system of society, the activities of the Japanese government led by Sh. Abe in the process of updating political system, the government's program for the development of the country's economy, as well as the specifics of the practical implementation of this program, the activities of the parliament and the cabinet to amend the Constitution of the country, in particular, on articles 1, 4, 7, 9, 41 of the Constitution. Particular attention is paid to the processes of amending Article 9 of the Constitution, which deals with the issue of legal updating of the status of the Japanese armed forces, and on the basis of these changes will complete the "idea of creating" a normal Japanese army.

The cabinet's aspirations to expand the powers of the government by improving the legal norms of the Constitution, in particular by adding a special chapter 9 to the main law, are also considered.



Keywords and expressions: political system of Japan, parliament, political party, Constitution, cabinet of ministers, modernization, dominant party, the House of Representatives, the House of Councillors, political development.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунга келиб, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ғоя асосида замонавий сиёсий тараққиётнинг том маънодаги янги сифат босқичига қадам қўйди.

Ушбу жараёнларнинг амалга ошишида Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган улуғвор концептуал ғоялар етакчи асос ва манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки мазкур тарихий хужжатда белгилаб берилган “Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”¹ ҳозирги вақтда давлатимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилмоқда ҳамда ўзининг кенг кўламли натижаларини бермоқда.

Мамлакатимиз томонидан олиб борилаётган замонавий ташқи сиёсат ва ҳамкорликни давр эҳтиёжлари ва талаблари асосида ривожлантирилишининг муҳим самарасини жумладан, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларнинг кенг қамровли равишда юксалиши жараёнларида ҳам яққол кузатиш мумкиндир.

Маълумки, 1992 йилнинг бошидан бошлаб Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли дўстона ҳамкорликни амалга ошириш принципларидан келиб чиққан ҳолда дипломатик муносабатлар ўрнатилган эди.

2002 йилнинг 29 июлида эса Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма Баёнот имзоланди. Ҳар иккала мамлакатлар ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик алоқаларининг самарали ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 8 августида қабул қилинган “Япония билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур сиёсий ташаббуслар ва ўзаро келишувлар асосида Ўзбекистон ва Япония мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини изчил ривожланиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада икки давлат ўртасида замонавий халқаро муносабатларнинг энг юқори даражадаги сиёсий ва институционал асосларига таянувчи мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугун Ўзбекистон иқтисодийтини модернизация қилиш ва мамлакатмизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида Япония бизнинг энг муҳим ва устувор шерикларимиздан биридир.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risidagi farmoni. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan) – T. “Adolat” 2017, p. 27.



Япониялик ҳамкорларимиздан кўрсатилаётган кўмак учун миннатдормиз, инвестициявий, молиявий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доиралари ўртасидаги тўғрисидаги тўғри алоқалар ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз”¹.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 24 январь куни мамлакатимиз Парламентига тақдим этилган Мурожаатномасида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тизимида бошқа давлатлар билан бир қаторда Япониянинг ҳам муҳим ўрин тутиши алоҳида эътироф қилиб ўтилди.

Президентимиз Мурожаатномасида таъкидланганидек “Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.”²

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур концептуал ғоялар ўз навбатида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги стратегик муносабатлар ривожини янги потенциал имкониятлар базасини мустаҳкамловчи манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва бошқа соҳалардаги алоқалар ривожиди уларнинг сиёсий тизимидаги муштарак жиҳатлар, хусусан сиёсий тараққиёт стратегиясидаги манфаатлар яқинлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Япония давлатлари сиёсий тизимларининг миллий стратегик йўналишлари ва мақсадларидаги демократик тараққиёт, тинчлик, ҳамкорлик, барқарорлик, инновацион ривожланиш тамойилларига асосланиш каби хусусиятлар ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро алоқалари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз сиёсий тизимини энг замонавий ва самарали демократик мезонлар асносида такомиллаштириш ва унинг асосида мамлакатимизни жадал ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадларни амалга ошириш бугунги кунда юртимизни юксалтиришнинг етакчи мезони сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон Халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi va Yaponiya o‘rtasida diplomatic munosabatlar o‘rnatilganligining 25 yilligi munosabati bilan Yaponiya Bosh vaziri Sindzo Abega yo‘llagan tabrigi (Greetings from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the Prime Minister of Japan Shinzo Abe on the 25th Anniversary of Diplomatic Relations between the Republic of Uzbekistan and Japan) // Xalq so‘zi (People’s word newspaper) 2017-yil 27-yanvar, №20(6714)

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis) // Xalq so‘zi (People’s word newspaper) 2020-yil 25-yanvar, 19 (7521)



– биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улғувор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тоборо чуқур кириб бормоқда”¹.

Шу муносабат билан эътироф қилиб ўтиш мумкинки, ҳозирги вақтда Япония ҳукумати томонидан мамлакат сиёсий тизимини янада такомиллаштириш, унинг демократик асосларини кенгайтириш ва замонавийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Япония сиёсий тизими кўп жиҳатдан ўзига хос бўлган ноёб хусусиятларга эгадир.

“Японлар ўз мамлакатининг маданий ва географик хусусиятларидан келиб чиқиб сиёсий жараёнларни толерантлик билан қабул қиладилар”².

Ушбу жиҳат Япония давлати сиёсий тараққиётида ва жамият сиёсий тизими такомиллашувида ўзининг аксини топиб келмоқда.

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий Япония сиёсий тизимининг шаклланишида 1946 йилнинг 3 ноябрида қабул қилинган Конституцияси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Маълумки, ушбу ҳужжат 1947 йилнинг 3 майидан бошлаб кучга кирди ва ҳозирги кунга қадар амал қилиб келмоқда.

Япония Конституцияси мамлакатнинг Асосий қонуни мақомига эга бўлиб, унга биноан япон халқи давлат суверенитетини амалга оширувчи етакчи субъект сифатида белгилаб қўйилган.

Япония Конституциясига кўра сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг демократик принциплари амал қилади. Конституциявий ҳуқуқнинг илғор ғоялари асосида “XX асрнинг сўнгги чорагида япон жамиятидаги демократик янгиланишлар жараёнлари ўзининг юқори натижаларига эришди. Ушбу давр давомида демократиянинг учинчи тўлқини янада кучайди”³.

Бундай самараларга эришилишида Япония сиёсий тизимида рўй берган янгиланишлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Япония сиёсий тизимида парламентнинг роли беқиёс каттадир. Аслида Япония Осиё мамлакатлари орасида энг кўхна бўлган парламентаризм анъаналарига эгадир. Албатта иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган сиёсий жараёнлар, демократик ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ чора-

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis) // Xalq so‘zi (People’s word newspaper) 2020-yil 25-yanvar, 19 (7521)

² Qarang: Kalmichek P., Pavlenko P. Politicheskaya sistema sovremennoy Yaponii. (The political system of modern Japan) – M.: Aspekt Press, 2017. p.7.

³ Qarang: Inoguti T. Razvitie politicheskoy nauka Yaponii (Japan's political science development) // Polis, 2019, №4. p.60.



тадбирлар Япония сиёсий тизими, жумладан унинг муҳим таркибий қисми бўлган парламентнинг шаклланишига кучли таъсир ўтказди.

Япония Конституциясининг 41-моддасига кўра, “Парламент давлат ҳокимиятининг олий ҳамда ягона қонун чиқарувчи органи бўлиб, икки палатадан иборат: вакиллар палатаси ва маслаҳатчилар палатаси.

Вакиллар палатаси Япония парламентининг қуйи палатаси бўлиб 4 йилга сайланади. Маслаҳатчилар палатаси юқори палата ҳисобланади ва 6 йилга сайланади. Айни пайтда ҳар уч йилда юқори палата депутатларининг ярми конституциянинг 46-моддасига кўра қайта сайланиб туради”¹.

Қайд этиш жоизки, вакиллар палатаси 480 нафар депутатдан иборат бўлиб, асосий қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш унинг зиммасига юклатилган.

Япония Конституциясида Парламентнинг ниҳоятда кенгқамровли ваколатлари белгилаб қўйилгандир. Зеро, парламент қонунчилик, молия ва назорат соҳасидаги ўзининг асосий вазифаларидан ташқари, халқаро шартномаларни тасдиқлаш, мамлакат конституциясига ўзгаришлар киритиш бўйича ташаббус кўрсатиш, импичмент судини ташкил қилиш, ижро этувчи ҳокимиятнинг айрим органларини ташкил қилинишида иштирок қилиш ваколатларига эгадир.

Шу билан қаторда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, “Мамлакат бош вазирини тайинлаш, шунингдек қонунлар ва давлат бюджетини қабул қилиш парламентнинг энг етакчи вазифаларини ташкил қилади”².

Япония сиёсий тизимида Бош вазир ва министрлар кабинетининг ўрни ўзига хос хусусиятига эгадир. Министрлар кабинети ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи етакчи орган ҳисобланади. Шу боис ҳам кўпинча министрлар кабинетини Япония ҳукумати, деб атайдилар.

Министрлар кабинети бош вазир томонидан бошқарилади ҳамда у амалда давлат раҳбари ҳисобланади. Бош вазир парламент депутатлари орасидан сайланиб император томонидан тасдиқланади. Япония ҳукумати парламент томонидан тақдим этилган ишонч вотуми асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг декабридан буён Япония Либерал-демократик партияси томонидан ташкил қилинган Министрлар кабинети фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда Министрлар кабинетини таниқли сиёсий арбоб Синдзо Абе бошқармоқда. Айни бир пайтда у либерал демократик партиянинг раиси ҳисобланади.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг қонунчилик жараёнларидаги иштироки даражаси анча юқоридир. “Япония Парламенти томонидан қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг 90 фоизини ҳукумат томонидан тақдим этилган лойиҳалар ташкил қилади”¹

¹ Qarang: Kalmichek P., Pavlenko P. Politicheskaya sistema sovremennoy Yaponii. (The political system of modern Japan) – M.: Aspekt Press, 2013. p.58-59.

² Qarang: Kalmichek P., Pavlenko P. Politicheskaya sistema sovremennoy Yaponii. (The political system of modern Japan). – M.: Aspekt Press, 2013. p.61.



Демак, Японияда ижро этувчи ҳокимият гарчанд ҳокимиятнинг демократик тарзда тармоқларга бўлиниши доирасида амал қилсада сиёсий жараёнларнинг энг етакчи субъекти бўлиб хизмат қилади.

Японияда сиёсий ҳокимиятни амалга оширилишида ва умуман Япония сиёсий тизимида сиёсий партияларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Айнан сиёсий партиялар Япония сиёсий ҳаётида бўладиган ўзгаришлар ҳамда сиёсий тараққиёт ғоялари стратегиясини ишлаб чиқувчи муҳим сиёсий институт ҳисобланади.

Парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партия марказий ва маҳаллий ҳокимият органларини шакллантиради. Айни пайтда Министрлар кабинетини бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг декабрь ва 2017 йилнинг октябрь ойларида бўлиб ўтган Парламент сайловларида “Япония либерал демократик партияси” ишончли ғалабаларга эришди”²

Айниқса 2018 йилнинг 22 октябр куни Япония парламентининг вакиллар палатасига бўлиб ўтган сайлов натижалари Япония ҳукумати раҳбари Синдзо Абе томонидан олиб борилаётган сиёсий ислохотларни янада ривожлантирилиши учун кафолатли имкониятларни очиб берди.

Сайлов жараёнида “1100 нафар номзоддан 465 депутат сайланди. Улардан 289 нафари округлардан ва 176 таси пропорционал вакиллик округларидан сайландилар.

Сайловлар қутилмаган натижаларга ниҳоятда бой бўлди. Либерал-демократик партия 284 та ўринга эга бўлиб, вакиллар палатасида мутлақ кўпчиликни ташкил қилдилар. Айни пайтда Комейто партияси билан бирга ҳукумрон коалиция қуйи палатада 331 та ўринга эга бўлди. Мазкур натижалар туфайли ЛДП парламент орқали ҳар қандай қонун лойиҳасини ўтказиш ва мамлакат конституциясига ўзгартиришлар киритиш имкониятини қўлга киритди”³.

Япония сиёсий тизимини ислоҳ қилиш жараёнида мамлакатнинг юқори сиёсий раҳбарлари сўнгги йилларда ўзига хос давлат бошқаруви моделини яратишга интилиш билан бир қаторда Европа ва Американинг сиёсий тизимида хос илғор жиҳатларни ҳам олишга интиломқдалар. Айни пайтда Япония сиёсий тизими япон халқининг миллий анъаналари ва қадриятларни инкор қилмайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, “Бугунги Японияда “консерваторларнинг тотал равишда ғалабага эришганлиги”- Япония сиёсий тизимининг урушдан кейинги даврлардаги ривожининг қонунийнатижаси бўлди. Айни пайтда ЛДП нинг кўп йиллик муваффақиятлари “бир ярим партиявий тизими” деган тушунчанинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди.

¹ Qarang: Kalmichek P., Pavlenko P. Politicheskaya sistema sovremennoy Yaponii. (The political system of modern Japan). – M.: Aspekt Press, 2013. p.362.

² Qarang: Molodyakova E. Yaponiya: totalnaya pobeda konservatorov (Japan: total conservative victory) // Problemi Dalnogo vostoka, 2018. . №1. p.182.

³ Qarang: Streltsov D. Parlamentskie vibori v Yaponii 2017 goda: vozvrashenie “na krugi svoya” ili noviy etap politicheskogo razvitie (2017 Parliamentary Elections in Japan: Back to Square or a New Stage in Political Development) // Problemi Dalnogo vostoka, 2018. №1. p.97.



Лекин шунга қарамасдан Япония сиёсий тизими томонидан оппозицияга, улар “сўл”лар бўладими ёки “ўнг” лар бўладими қатъий назар ўз фикрларини билдиришлари учун барча имкониятлар берилади ва уларнинг хоҳишлари инобатга олинади”¹.

Япония сиёсий тизимида мамлакат конституциясининг ўрни бекиёс каттадир. Айни пайтда 1947-йилдан кучга кирган конституцияга мамлакат сиёсий тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш ва шу орқали уни янгилашга бўлган интилишлар эндиликда жиддий равишда амалга оширилмоқда.

“2019 йил давомида С.Абе бошчилигидаги Япония ҳукумати конституцияни кўриб чиқиш бўйича конкрет чора-тадбирларга ўта бошлади. Жумладан, ундаги сайловга оид нормаларга ўзгартишлар киритиш, ҳокимият органлари ваколатларини кенгайтириш, Япония қуролли кучларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини чегаралаш нормаларини белгилаб берувчи 9-моддани қайтадан янгича талқин қилиш вазифалари анча кескин қўйилмоқда”².

Шу муносабат билан мутахассис экспертлар эътироф қилаётганларидек, “Япония ҳукуматининг ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги фаолият йўналиши жадал давом этади. С. Абе япон сайловчилари томонидан берилган юксак ишончга таянган ҳолда, Конституцияга ўзгартишлар жараёнини юқоридаги даражадаги ишонч билан ҳаракатга келтириб юборади”³. Айни пайтда Япония жамиятида сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатларни давр талабларидан келиб чиқиб янгилаш, умумдават аҳамиятига эга бўлган етакчи масалаларда сиёсий партияларнинг консенсусини таъминлайдиган самарали институционал механизмларни жорий қилиш масалалари ҳам кун тартибига турибди.

Зеро, Японияда фаолят юритаётган сиёсий партиялар ғоявий жиҳатдан бир-бирига анча яқиндир. Шу боис ҳам мутахассислар хулоса қилаётганларидек, “Япония самарали сиёсий тизимга эришиш борасидаги тўхтовсиз интилишлари асосида икки партиявий тизимга асосланган можаритар моделдаги давлат бошқарувига эришиши мумкин.

Айни пайтда коалицион бошқарувнинг замонавий принциплари асосида япон жамиятида “косенсуал” демократия асослари кучайиб боради”⁴. Бугунги кунда Япония ҳукумати С.Абе раҳбарлигида мамлакат сиёсий институтлари самарадорлигини ошириш, мамлакат сиёсий тизимни замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб ислоҳ қилиш жараёнларини амалга оширмоқда.

¹. Qarang: Problemi Dalnogo vostoka (Problems of the Far East). 2018. №1. p.183

² Qarang: Rossiya i mir: 2019. Ekonomika i vneshnyaya politika (Russia and the world: 2019. Economics and foreign policy) // Mirovaya ekonomika i mejdunarodnie otnosheniya, 2019. №5. p.130.

³ Streltsov D. Parlamentskie vibori v Yaponii 2017 goda vozvrashenie na krugi svoya ili noviy etap politicheskogo razvitiya (2017 parliamentary elections in Japan return to square one or a new stage in political development) // Problemi Dalnogo vostoka, 2018. №1. p.100.

⁴ Varyushin P., Tixotsnaya I. Politicheskaya modernizatsiya v Yaponii – vlyaniya Yevropeyskoy i Amerikanskoy praktiki (Political Modernization in Japan - Impacts of European and American Practices) // Aziya i Afrika segodnya, 2016. №7





Таъкидлаш жоизки, С.Абе ҳукумати олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг самаралари ҳам сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнлари учун зарур бўлган, аҳоли томонидан ҳукуматни қўллаб-қувватлашнинг даражасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Масалан, “XXI асрнинг дастлабки ўй беш йили давомида Японияда бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-8 фоизни ташкил қилиб турди”¹.

Гарчанд ҳозирги даврда Япониянинг давлат қарзлари даражаси анча юқори бўлсада “Бош вазир Синдзо Абе томонидан амалга оширилаётган иқтисодий тизимни тиклаш стратегияси замида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 2-3 % га ошириб бориш эвазига 2020 йилга бориб дефицитсиз бюджетга эришиш вазифалари белгилаб олинди”².

Демак, бугунги кунда Япония сиёсий тизими муҳим такомиллашув даврини ўтамоқда. Сиёсий тизимнинг замонавийлашуви эса ўз навбатида сиёсий тараққиёт учун янги манбаларни очилишига замин тайёрлаб беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Япония бош вазири Синдзо Абенинг таклифига биноан 2019 йилнинг 17-20 декабрь кунлари Японияга қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантирилишида муҳим тарихий босқич бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Япония бош вазири Синдзо Абе билан бўлиб ўтган учрашувда Конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш йўналишлари кўриб чиқилди. Жумладан, иқтисодий ҳамкорликни самарали ривожлантиришнинг кенг қўламли истиқболлари муҳокама этилди. “Узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 3,5 миллиард доллардан зиёд бўлган, жумладан, энергетика, саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, экология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган янги дастур ўзаро келишиб олинди.”³

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон-Япония саммити доирасида эришилган натижалар асосида ҳар икки мамлакат ўртасидаги Стратегик Шериклик муносабатларининг юксак даражадаги янги даври бошланди.

Олий даражадаги музокаралар якунида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Синдзо Абе Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзоладилар.”⁴

Таъкидлаш жоизки, мазкур тарихий ҳужжат икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг мисли кўрилмаган юқори даражада ривожланиши

¹ Qarang: Dodonov V. Dolgovaya problema Yaponii: Retrospektivniy analiz faktorov I tendentsiy (Japan's Debt Problem: A Retrospective Analysis of Factors and Trends) // Problemi Danogo vostoka, 2017. № 2. p.39.

² Orusova V. Kak lord Djon Keyns pomogaet Yaponii (How Lord John Keynes Helps Japan) // Aziya i Afrika segodnya, 2017. №1. p.35-37.

³ Qarang: Xalq so'zi. (People's word newspaper) 2019-yil 20 dekabr. № 267(7493)

⁴ Qarang: Xalq so'zi. (People's word newspaper) 2019-yil 20 dekabr. № 267(7493)



учун юксак асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон ва Япония давлатининг сиёсий тараққиёт стратегиясида бундай ҳамкорлик учун барча зарур имкониятлар мавжуддир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Япониянинг “Nikkei” газетасига берган интервьюсида таъкидланганидек, “Япония Ўзбекистон учун доимо вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.”¹

Таъкидлаш жоизки, халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар узок тарихга эга эканлиги ҳам истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона ва ўта самимий алоқалар ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган эди. Бугунги кунда ҳар иккала мамлакат изчиллик билан амалга ошириб келаётган инновацион демократик ислохотлар ва уларнинг улкан самараларидаги муштарак жиҳатлар туфайли, замонавий ҳамкорлик муносабатларининг ижобий истиқболлари ёрқин намоён бўлмоқда.

АБДУЛЛАЕВ НОДИР

сиёсий фанлар номзоди, доцент, ТДШУ

Об исследовании отдельных аспектов внутренней и внешней политики Сирии

Аннотация. В статье рассматривается региональная политика Сирии, анализируется эволюция и трансформация внешнеполитического курса официального Дамаска. В данной статье исследуются политические предпосылки возникновения и развития региональной проблемы, раскрываются ее особенности, а также проведен анализ внешних факторов, которые оказывали и оказывают воздействие на эволюцию ближневосточной проблемы. Представлены оценка результатов политики руководства Сирии относительно выстраивание отношений со странами Ближнего Востока. Также в статье анализируется обстоятельства вооруженного конфликта в Сирии. Исследуются вопросы становления внешнеполитической деятельности Сирии, анализируется факторы, влияющие на ее региональную политику, раскрывается позиция Сирии по отдельным направлениям ближневосточной проблемы. Анализируется ряд факторов, влияющих на эволюцию внешней политики Сирии в новой геополитической ситуации в регионе. Рассматривается внешнеполитическая деятельность Сирии с учетом внешних влияний и контактов, воздействие которых, сказалось на политической жизни страны. В статье уделяется большое внимание анализу исследований зарубежных востоковедов внутренней и внешней политики Сирии в целом и двусторонних отношений САР с отдельными странами. Отмечается, что научные работы зарубежных исследователей, в основном, направлены на изучение внутренней политики, военно-политической ситуации в Сирии, межконфессиональные отношения, а также на отдельные аспекты внешней политики Сирии, особенности внешнеполитической

¹ Qarang: Xalq so'zi. (People's word newspaper) 2019-yil 19 dekabr. № 262(7492)



ситуации в целом, механизмов принятия внешнеполитических решений. Отмечается, что остается потребность комплексного изучения отдельных аспектов внутренней и внешней политики Сирии на современном этапе.

Опорные слова и выражения: Сирия, внутренняя политика, политические процессы, формирование политики, трансформация, реформы, «арабская весна», Ближний Восток, региональная политика, конфликт, сирийский кризис, монография, диссертация, научная работа, арабский язык, англоязычная литература, исследования.

Аннотация. Мақолада Суриянинг минтақавий сиёсати атрофлича кўриб чиқилган, расмий Дамашқ томонидан амалга оширилган ташқи сиёсий курс эволюцияси ва трансформацияси таҳлил этилган. Ушбу мақолада минтақавий муаммонинг вужудга келиши ва ривожланишининг сиёсий замини тадқиқ этилади, унинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилади, шунингдек, Яқин Шарқ муаммосининг эволюциясига таъсир қилган ва бугунги кунда ҳам муайян шаклда ўз таъсирини сақлаб қолган ташқи омиллар таҳлил қилинган. Сурия раҳбариятининг Яқин Шарқ минтақаси давлатлари билан муносабатларни ўрнатишга қаратилган ташқи сиёсий изчилликларига баҳо берилган. Шу билан бирга Суриядаги ҳарбий можаронинг вужудга келиши шарт-шароитлари таҳлил қилинган. Суриянинг ташқи сиёсий фаолиятига оид масалалар тадқиқ этилади, минтақавий сиёсатига таъсир қилувчи омиллар очиб берилади, Яқин Шарқ муаммоси бўйича расмий Дамашқ мавқеи кўрсатиб берилади. Минтақада шакланган янгича геосиёсий вазиятнинг Сурия ташқи сиёсати эволюциясига таъсири таҳлил қилинган. Мамлакат сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир қилган ташқи омилларни ўрганган ҳолда Суриянинг ташқи сиёсати кўриб чиқилган. Мақолада чел эллик шарқиунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларида Сурия ички ва ташқи сиёсати, унинг хорижий мамлакатлар билан икки томонлама алоқаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда хорижий тиллардаги илмий адабиётларда Суриянинг ички сиёсати, мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий, диний вазият, миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар, ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ташқи сиёсий қарор қабул қилиш механизmlарини очиб беришга алоҳида эътибор берилгани зикр этилган. Шу билан бирга Суриянинг бугунги кундаги ички ва ташқи сиёсатининг алоҳида жиҳатларини комплекс ўрганишга муайян эҳтиёж мавжудлиги қайд этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Сурия, ички сиёсат, сиёсий жараёнлар, трансформация, ислохотлар, “араб баҳори”, сиёсатни шакллантириш, Яқин Шарқ, Сурия можароси, минтақавий сиёсат, можаро, монография, диссертация, илмий иш, араб давлатлари, тадқиқотлар.

Abstract. The article studies the regional politics of Syria, analyzes the evolution and transformation of the foreign policy of official Damascus. This article examines the political background of the emergence and development of the regional problem, discusses its characteristics, and analyzes the external factors that have influenced and are influencing the evolution of the Middle East problem. It presents assessment results of the Syrian's leadership politics on building relations with the countries of the Middle East. The article also analyzes the circumstances of the armed conflict in Syria. The questions relating to the development of Syria's foreign policy are studied, factors influencing its regional policy are analyzed and Syria's position on specific areas of the Middle East problem is disclosed. A number of factors influencing the evolution of Syria's foreign policy in the new geopolitical situation in the region is analyzed in this article. Syria's foreign policy activities are considered, taking into account external influences and contacts, the impact of which has affected the political



life of the country. The article devotes considerable attention to the analysis of foreign orientalist studies of Syria's domestic and foreign policy in general and bilateral relations with SAR individual countries.

It is noted that the scientific works of foreign researchers are mainly aimed at the study of domestic policy, the military-political situation in Syria, inter-confessional relations, as well as some aspects of Syria's foreign policy, the specifics of the foreign policy situation as a whole, mechanisms for making foreign policy decisions. It is noted that there is still a need for a comprehensive study of certain aspects of Syria's domestic and foreign policy at the present stage.

Keywords and expressions: Syria, domestic policy, political processes, political formation, transformation, reforms, "Arab Spring", Middle East, regional policy, conflict, Syrian crisis, monograph, dissertations, scientific work, Arabic language, English-language literature, studies.

В течение последних лет ученые-востоковеды основной акцент делают на комплексном изучении современных процессов, которые играют важную роль в военно-политической трансформации всего Ближнего Востока, сквозь призму исторических явлений, обусловленные нынешними соотношениями политических сил в регионе, его основных социальных групп, конкурирующих экономических субъектов, религиозных и идеологических течений. В этой связи в востоковедческих экспертно-аналитических кругах широко исследуется внутренняя и внешняя политика Сирийской Арабской Республики (САР), а также разворачивающаяся конфликтная ситуация в этой стране, которая стала наиболее кровопролитной гражданской войной на Ближнем Востоке за весь период новейшей истории арабских стран. Обладая значительным экономическим, политическим, демографическим и культурным потенциалом страна всегда занимала важное место среди арабских стран, налаженные тесные отношения с которыми были необходимым условием для оказания существенного влияния в мусульманском мире.

На основе научных исследований разрабатываются новые подходы к текущим трансформациям в рамках теории международных отношений и политологии, анализируются исторические процессы, составляющие основу государственного строительства арабских стран, в частности Сирии, а также изучаются устойчивости и проблемные моменты в сложившейся системе межконфессиональных отношений в сирийском обществе, сценарии развития региональной ситуации в условиях борьбы с экстремизмом и терроризмом, роль внешних воздействий на международно-политическую динамику в регионе и представляются историко-политические модели хода таких воздействий, даются конкретные предложения по очертаний будущей структуры региональной безопасности с элементами прогнозирования и перспективности моделей внешнеполитических трендов в контексте изменения региональных и блоковых балансов сил.

Сирия занимает важное геополитическое и геоэкономическое положение на Ближнем Востоке. Сирия занимает одну из ключевых позиций в



формировании политики такого стратегически важного в контексте развития международных отношений региона. Конфликт в Сирии привел к гибели большого количества мирных граждан, перемещениям миллионов людей, разрушению экономики и инфраструктуры. В результате данного кризиса усилилась деятельность радикальных религиозно-экстремистских группировок различных мастей. Вызреванию сирийского конфликта во многом способствовали такие внутренние факторы как неолиберальные экономические реформы, инициированные президентом Башаром Асадом в начале 2000-х гг., усиление влияния представителей правящей партии и силовых структур на экономику и деятельность хозяйствующих субъектов, а также межконфессиональные противоречия. Однако, сирийский конфликт не принял бы реальных масштабных и насильственных форм без внешнего вмешательства. Политическая борьба различных региональных и внерегиональных держав подпитывает гражданскую войну в стране и существенно затрудняет урегулирование сирийского конфликта. Без выяснения геополитических факторов чрезвычайно сложно понять его причины и выработать схему его всеобъемлющего урегулирования¹.

Массовые протестные движения, охватившие Сирию, были вызваны как внутренними, так и внешними причинами. В то же время, они обусловлены специфической социально-политической, экономической, религиозной ситуацией, а также особенностями исторического развития государства. В конце XX века сформированная президентом Хафезом Асадом политическая система Сирии отличалась устойчивостью и стабильностью. Она опиралась на сильное президентское правление с широким вовлечением религиозного меньшинства алавитов. Политическая система базировалась на сложном общественном договоре между разными конфессиональными и этническими группами населения при доминировании в политической жизни алавитов². На сегодняшний момент Сирия переживают последствия беспорядков, начавшихся еще в начале 2011 года. Конфликт в Сирии привел к увеличению контрабанды оружия, росту количества террористических актов в регионе. При этом, события Сирии вызвали всплеск экстремистских настроений и тем самым усилили позиции религиозного радикализма. В связи с этим, представляется актуальной необходимость тщательного изучения предпосылок, самого процесса и последствий влияния кризисных событий в Сирии, как на ситуацию внутри страны, так и на международные отношения на Ближнем Востоке. Возникают ряд вопросов, требующих научного историко-политологического анализа.

¹ Махнёв С.Д. Особенности двусторонних отношений Сирии со странами региона Ближнего Востока в период 1991-2014 гг. - Нижний Новгород; Дисс. на соискание ученой степени кандидата исторических наук; Национальный исследовательский университет; 2015 г., -4 с.

² كمال ديب. تاريخ سورية المعاصر من الانتداب الفرنسي الى صيف 2011. - بيروت, 346 ص



